


Р. А. Хайтов
Р. И. Зупаров
В. Э. Раджабова
З. З. Шукуров

ДОН
ВА
ДОН
МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ
СИФАТИНИ
БАҲОЛАШ
ҲАМДА
НАЗОРАТ
ҚИЛИШ



664+

X 12

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

Р. А. ХАИТОВ, Р. И. ЗУПАРОВ,
В. Э. РАДЖАБОВА, З. З. ШУКУРОВ

N-6

ДОН ВА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ
СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Тошкент
«Университет»
2000

у 2442

Китобда дон ва дон массасининг физикавий хоссалари, намуна олиш усуллари, бошоқли нонбоп ва ёрмабоп донларнинг сифатини баҳолаш бўйича физик-кимёвий ва кимёвий усуллар келтирилган. Шунингдек, элеватор, тегирмон ва ёрма заводларида дон ва дон маҳсулотлари сифатини назорат қилишда ишлаб чиқариш лабораториясининг фаолияти очиб берилган.

Китоб олий ўкув юртларининг «Дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси» мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалар учун ўкув қўлланма ҳамда ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатा�ётган муҳандис-технолог ва лаборант ходимлар учун эса ўкув-ишчи қўлланма сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Тақризчилар: техника фанлари доктори, профессор *T. Мирхаликов*, техника фанлари доктори *O. Илёсов*.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан олий ўкув юртларининг «Дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси» мутахассислиги бўйича ўқиётган талабалар учун ўкув қўлланма сифатида тавсия қилинади.

КИРИШ

Дон — инсон учун берилган энг азиз ва бетакрор неъмат. У халқимизнинг ризқ-рўзи, дастурхонимиз кўрки бўлган азиз нонимизнинг қимматли хомашёси. Дон етиштириш ва уни қайта ишлаш қадим замонлардан бўён инсон ҳаётида муҳим ўрин тутган. Дон тирик организм эҳтиёжи учун доимий зарур бўлган краҳмал, оқсил, витамин ва бошқа биологик фаол моддаларнинг табиий манбай ҳамдир.

Шунинг учун ҳам иқтисодий муаммоларга бой бўлган ҳозирги мураккаб шароитда дон захираларини кўпайтириш, уларни тежаб ишлатиш, тайёр дон маҳсулотлари сифатини яхшилаш мамлакат дон маҳсулотлари саноат тармоғи олдида турган асосий вазифадир.

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш, хомашё захираларидан самарали фойдаланиш ва технологияни мукаммаллаштириш йўллари билангина маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, унинг турларини кенгайтиришга эришмоқ мумкин.

Дон билан ишлашнинг барча босқичлари — дон қабул қилиш корхоналари, элеватор, тегирмон, ёрма ва омухта ем заводларида дон ва дон маҳсулотлари сифатини юксак ва малакали равишда баҳолаш ва назорат қилиш хизмати ташкил қилинган бўлиши керак. Зеро бу, катта дон туркумларини сақлаш ва уларни қайта ишлаб, юқори сифатли тайёр маҳсулотлар олишнинг зарурий шарти. Айнан шу ишларни амалга оширишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш технология лабораториялари (ИЧТЛ) ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшадилар. ИЧТЛ раҳбарлиги ва назорати остида корхонанинг донни қабул қилиш, унга ишлов бериш, жойлаштириш ва сақлаш ҳамда улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча фаолиятлар амалга оширилади.

Дон ва дон маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш ва назорат қилишда ишлаб чиқариш воситалари, асбоблари ва автоматик усулларни татбиқ қилиш, шунинг-

дек баҳолашнинг физик-кимёвий ва кимёвий усулларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

ИЧТЛ эҳтиёжи учун қатор асбоб-анжомлар ишлаб чиқарилган. Дон клейковинасининг миқдор ва сифатини баҳолаш учун ТЛ-1, ДВЛ-3, У1-ЕСТ, МОК-1, ИДК-1 асбоблари, доннинг шаффоғлигини аниқлаш учун ДЗС-2, дон ифлосланганлигини аниқлаш учун тажриба машйналари (ажратгич ва триерлар), ёрма донларининг технологик хусусиятларини аниқлашда ишлатиладиган ГДФ-1М, ЛУР-1М асбоблари шулар жумласидандир.

Дон сифатини баҳолашда талаба, илмий ёки ишлаб чиқариш ходими аниқлаш усулининг асосида ётган принципни англаб етиши ва энг асосийси олинган натижалар қайси сифат ва технологик хусусиятларни белгилашлари ҳақида тўғри хулоса чиқара олиши лозим. Бу ишларни амалга ошираётган талаба ёки лаборант натижаларга математик ишлов бериш ҳамда зарур ўринда ЭҲМ дан фойдалана билишлари керак.

Хозирги пайтда ишлаб чиқаришда ун тортиш туркумини тузиш, донни жойлаштириш режасини ҳисоблаш каби ишларда ЭҲМ кенг қўлланилади.

Талаба ёки илмий ходим дон ва дон маҳсулотлари сифатини баҳолаш ва назорат қилишда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларига таяниб, янги усуллар ишлаб чиқариш ёки мавжуд усулларни такомиллаштириш заруратини тушунишлари ва бу қизиқ, бироқ машаққатли ишларни амалга оширишда оғишмай меҳнат қилишлари лозим бўлади.

Ушбу китобда дон ва дон маҳсулотларининг сифатини баҳолаш ва уни назорат қилиш бўйича бажариладиган асосий ишларнинг тафсилоти берилган.

Ҳурматли ўқувчи! Мазкур дарсликда берилган материаллар барчамизнинг эзгу ниятимиз — мамлакатимизнинг дон мустақиллигига эришиш йўлида қилаётган изланишларимиз ва меҳнатларимизни озгина бўлса ҳам енгиллаштиради, деган умиддамиз.


Биринчи бўлим. ДОН ВА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТ КУРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

I б о б. МАҲСУЛОТДАН НАМУНА ОЛИШ ВА УНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ

1- §. НАМУНА ОЛИШ ВОСИТАЛАРИ ВА НУҚТАВИЙ НАМУНА ОЛИШ

A1—УП—2A русумли механикавий намуна олгич (1-расм) автомобиль кузовидан нуқтавий намуна олиш учун мўлжалланган. A1—УП—2A стационар қурилмасига қўйида-гилар киради: икки жуфт намуна олгич (иккита чап томондаги ва иккита ўнг томондаги, ҳар қайси жуфтлик иккита вертикал кўтариш механизмларидан бирига уланган), лентали транспортёр, аравача, синч, иккита бошқариш пульти, светофорлар, электродвигателлар. Намуна олгичларнинг чўмичлари алоҳида электродвигателлар ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Ҳар қайси чўмичнинг сигими 1 л га тенг. Чўмичларнинг қопқоғи мавжуд бўлиб, улар дон массасидан енгил аралашмаларнинг тушиб кетишига йўл қўймайди.

Намуна олиш тартиби қўйида-гича. Пультга кучланиш берилади. Автомобиль қурилмага киради. Оператор ҳайдовчига тўхташ белгиси сифатида «қизил чироқ» тугмасини босади. Автомобиль тўхтайди, ҳайдовчи машинадан тушиб, маҳсус транспортёр воситасида юкхатни таҳдилхонага юборади. Оператор «Аравача чапга» ва «Аравача ўнгга» деган тугмаларни босиб, автомобиль устидаги намуна олгичларнинг ҳолатини бошқариади. Автомобиль кузовига намуна олгичлар туширилади. Намуна олгич автомобиль кузовининг тубига тегиши билан лебёдка механизмининг барабани қарама-қарши томонга айланиб, дон билан тўлган чўмичлар юқорига кўтарила бошлайди. Намуна олгичлар энг юқориги ҳолатга етганда, яшил рангли чироқ ёнади — автомобиль қурилмадан ҳайдаб чиқарилади. Чўмич энг юқориги ҳолатта




1- расм. A1-УП-2А русумли механикавий автомобиль намуна олгичи.

1 — нория; 2 — тортиш-күтариш механизми; 3 — блоклар тизими;
4 — лентали конвейер; 5 — автомобиль; 6 — светофор.

етиб афдарилади ва дон (1 ... 5 кг) тарнов орқали транспортёр лентасига тўкилиб, таҳлилхонага юборилади.

Нуқтавий намуналар уюмнинг бутун чуқурлиги бўйича кузовнинг узунлигига боғлиқ ҳолда 4,6 ёки 8 та нуқтадан олинади (2- расм). Бунда намуналарнинг умумий массаси 1,0—2,0 кг бўлиши мумкин.




2- расм. Автомобиль кузовидан намуна олгич A1-УП-2А ва шуп билан намуна олишда нуқталарнинг жойлашиш схемаси.

Нуқтавий намуналар олишга мұлжалланган шунлар

Бажарадиган вазифаларига боғлиқ ҳолда шуплар автомобиль, вагон, штангали ва қоплардан намуналар олишга мұлжалланган шупларга бұлинади (3- расм).

Шуплар тузилиши бүйича сиғими 100—150 см³ бұлған конус күренишидаги камерадан, даста ва ундан үтүвчи стержен ҳамда қопқоқдан ташкил топған. Барча шуплар донга ёпиқ ҳолда туширилади. Зарур чуқурликка етганда очилади ва дон камера ичига киради. Стержен ёрдамида конус қопқоғи ёпилиб, шуп уюмдан тортиб олинади. Автомобиллардан намуна олишда шуплардан ҳам фойдаланиш мүмкін. Бунда намуналар механикавий усулда олинган нұқталар бүйича олинади. Намуна ҳар бир нұқтанинг 2 қатламидан олинади: дастлаб уюм юзасидан 30 см чуқурликдан, сұнг кузовнинг тубидан олиш керак.




3- расм. Нуқтавий намуналарни олиш шуплари:
а — автомобилдан; б — омборлардан; в — қопдан.

Омбор ва майдонда сақланаётган дон уюмидан нұқтавий намуналар олиш

Дон уюмининг юзаси таҳминан ҳар қайсисининг юзаси 200 m^2 майдонга тенг бўлган бўлимларга бўлинади. Агар дон уюмининг баландлиги $1,5 \text{ m}$ гача бўлса, намуна кўл шупи ёрдамида олинади. Уюм баландлиги $1,5 \text{ m}$ дан катта бўлганда эса дастаси бураб уланадиган омбор шупидан фойдаланилади. Нұқтавий намуналар бўлим юзаси бўйича бир-биридан бир хил узоқликда ва омбор девори (майдон чеккаси)дан 1 m масофада жойлашган олтита нұқтадан олиниди (4- расм, а).

Унча катта бўлмаган дон туркумларида нұқтавий намуналар майдони 100 m^2 бўлган юза бўйича тўртта нұқтадан олишга рухсат берилади (4- расм, б).

Баландлик бўйича намуналар учта қатламдан олинади: уюм юзасидан — $10 \dots 15 \text{ cm}$ чуқурликдан, урта ва куйи қатламлардан олинади (4- расм, в). Нұқтавий намуналарнинг умумий массаси ҳар қайси бўлим учун $2,0 \text{ kg}$ атрофида бўлиши керак.



4- расм. Уюмдан намуна олишда нұқталарнинг жойлашиш тузилмаси.

Донни юклаш, бўшатиш пайтида нұқтавий намуналар олиш

Вагонларга, кемаларга, омбор ва элеватор силосларига донни юклашда (бўшатиша) нұқтавий намуналар транспортёр лентасидан маҳсус тарновлар орқали тушаётган дон оқимидан, тарози остидан ва доннинг бошқа тушиш жойларидан механикавий намуна олгич ёки маҳсус чўмичлар во-

ситасида олинади. Битта нүктавий намунанинг массаси 100 г дан кам бўлмаслиги керак.

1- жадвалда келтирилган талабларни ҳисобга олиб, кўчирилаётган дон оқимидан намуналар дон туркуми мас-саси ва ифлослиги бўйича ҳолатига боғлиқ ҳолда олинади. Бу талаблардан ва донни кўчириш тезлигидан келиб чиқиб намуна олиш учун вақт оралиги ўрнатилади. Нүктавий намунани транспортёр лентасидан олиш мумкин эмас, фақат лентадан оқиб тушаётган дон оқимидан олиш мумкин.

1- жадвал

Намуна олиш тартиби

Кўчирилаёттан дон массаси, т	Доннинг ифлослиги бўйича ҳолати	
	тоза ва ўртача тоза дон	ифлос дон
100 гача	ҳар 3 т дан	ҳар 3 т дан
100 дан 200 гача	ҳар 5 т дан	ҳар 5 т дан
200 дан 400 гача	ҳар 10 т дан	ҳар 5 т дан
400 дан юқори	ҳар 20 т дан	ҳар 10 т дан

Элеватор силослари ва қия поллик омборлардаги дондан нүктавий намуналар олиш

Бу ҳолда намуналар силосдан ёки омбор бўлимидан тушаётган дон оқимидан олинади, Намуна олиш тартиби юқорида баён қилинган пунктдаги сингари амалга оширилади.

Қоплардан намуна олиш

Қоплардан намуна олишда қоп шупларидан фойдаланилади. У конус ва узунлиги бўйича очиқ тарновдан ташкил топган. Намуналар шуп билан қопнинг учта нүктасидан олинади. Шупни қопга тарнови пастга қараган ҳолда тиқиб, сўнг у 180° га буралади ва секингина қопдан чиқариб олинади.

Намуна олиш тартиби ва шароити 2- жадвалда келтирилган.

2- жадвал

Қопдан намуна олиш тартиби

Туркумдаги қоплар сони, дона	Нуқтавий намуна олиш учун қопларнинг сони, дона
10 тагача 10 дан 100 тагача 100 тадан кўп	ҳар иккинчи қопдан 5 та қопдан + 5% туркумдаги қоплар сонига нисбатан 10 та қопдан + 5% туркумдаги қоплар сонига нисбатан

2- §. УМУМЛАШГАН, ЎРТА СУТКАВИЙ ВА ЎРТА НАМУНАЛАРНИ АЖРАТИШ

Умумлашган намуна дон туркумидан олинган нуқтавий намуналарнинг мажмуасидан ҳосил қилинади. Бунда зарурний шартлардан бири шундан иборатки, нуқтавий намуналар бир таркибли булиши керак. Умумлашган намуна, яъни ҳамма олинган нуқтавий намуналарнинг йифиндиси дон захираси зааркунандалари билан заарланмаган, мустаҳкам, тоза маҳсулот сифатининг ўзгаришсиз сақланишини таъминлайдиган идишга солинади. Идишга таҳлил карточкаси ташлаб қўйилади. Карточкада ушбу намуна қайси донга тегишлилиги, қайси автомобиль, вагон, кемадан олинганлиги, туркумининг омбор ёки элеватор номери, қачон ва ким томондан олинганлиги, намунанинг массаси ёзиб қўйилади.

Умумлашган намунадан ўрта намуна ажратиб олинади. Ўрта намуна деб, дон маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун умумий намунадан ажратиб олинган маҳсулот қисмига айтилади. Кўйида ўрта суткавий ва ўрта намуналарни ҳосил қилиш тартиби батафсил ёзилган.

Автомобиль транспорти билан етказилган дондан ўрта суткавий намунани тайёрлаш

Агар бир кунда битта жамоа хўжалигидан, давлат хўжалигидан ёки дон тайёрлов пунктидан сифат кўрсаткичлари


бүйича бир хил бўлган бир неча дон туркумлари қабул қилинса, уларни битта дон туркуми деб қабул қилиш мумкин. Бундай ҳолда битта ўрта суткавий намуна ҳосил қилинади. У бир тезкор сутка, яъни белгиланган вақтдан бошлаб 24 соат давомида тузилади. Худди шундай намуна маккажуҳорини қабул қилишда ҳам ҳосил қилинади.

Тезкор сутка ичida автомобилдан қабул қилинган туркумларнинг сифат кўрсаткичларига нисбатан бир турлилиги учта амал билан: а) органолептик сифат кўрсаткичлари — ранги, ҳиди ва таъмини аниқлаб; б) буғдоининг тип ва кичик типи — баҳорги ёки кузги эканлигини, шаффоғлигини аниқлаб; в) лабораториявий таҳлил ёрдамида намлиги ва ифлосланиш даражасини аниқлаб баҳоланади. Агар органолептик баҳолаш натижалари шубҳа уйғотса, унда умумлашган намуна барча сифат кўрсаткичлари бўйича тўлиқ лаборатория таҳлилидан ўтказилади.


Қабул қилинган донни аралаштиришда олинган натижалардан фойдаланиб, ҳар қайси автомобилдан олинган доннинг намлиги электронамўлчагич ёрдамида аниқланади. Ўрта суткавий намунадан ажратиб олинган ўрта намунанинг намлиги асосий стандарт усули билан аниқланади. Олинган натижалар дон топширувчи билан ҳисоблашишда ва қабул қилиш корхоналарида дон ҳолатини ҳисобга олишда асос булиб хизмат қиласи. Ҳар қайси автомобиль ёки тиркамадан қабул қилинган ҳар бир тонна донга умумлашган намунадан 50 г дан ўрта суткавий намуна учун дон ажратиб олинади.

Ўрта суткавий намунани ҳосил қилиш учун дон БИС—1 дон бўлгичи ёрдамида ажратилади. Биринчи автомобилдан олинган умумлашган намунанинг массаси 2 кг дан кам бўлмаслиги керак. Агар дон келтирган автомобилларнинг сони кўп бўлмаса ва ўрта суткавий намунанинг массаси 2 кг дан кам бўлса, бу ҳолда унга биринчи автомобилдан олинган биринчи намунадан қўшиб тўлдирилади.

Нуқтавий намуналарнинг ажратилиши, умумий намунанинг тузилиши ва ўрта суткавий намунани шакллантиришда ҳар қайси автомобиль бўйича доннинг таҳлил схемаси 6-расмда келтирилган.



5- расм. Урта намуна ва ўлчамналарни ажратиб олиш схемаси.



6- расм. Урта суткавий намунани ҳосил қилиш схемаси.

Ажратиб олинган ўрта намуна бўйича таҳлилхонада доннинг сифат кўрсаткичлари аниқланади. Ўрта намунанинг массаси $2,0+0,1$ кг бўлиши керак. Агар умумлашган ёки ўрта суткавий намунанинг массаси $2,0+0,1$ кг дан ошмаса, бир вақтнинг ўзида у ўрта намуна бўлиб ҳисобланади.

Ўрта намуна умумлашган ёки ўрта суткавий намуналардан БИС-1 ёрдамида ажратиб олинади. Ўрта намунани кўл билан ҳам ажратиб олиш мумкин. Бунинг учун текис ва силлиқ юзага умумлашган намуна тўкилади ва юпқа қилиб квадрат шаклида текисланади. Иккита текис таҳтача ёрдамида квадратнинг чекка қисмларидаги дон унинг ўртасига қараб ағдариб аралаштирилади. Яна дон текисланади. Бу жараён уч марта такрорланади.

Уч марта аралаштирилган дон квадрат шаклида текисланаби, диагоналлари бўйича бутсимон шаклда тўргта учбурчакка бўлинади. Қарама-қарши жойлашган иккита учбурчак таҳлилдан чиқариб ташланиб, қолган иккитаси бир жойга тўпланиб, квадрат шаклида текисланади. Қолган дон ҳам юқорида кўрсатилган усуlda яна ва яна ажратиласди. Шундай қилиб, доска устида $2,0+0,1$ кг массадаги дон қолгунигача жараён такрорланади. Бу дон массаси ўрта намуна деб олинади (5- расм).

Юқоридаги усулдан ажратиб олинган намуна бўйича аниқланадиган сифат кўрсаткичлари бутун дон туркумига тегишли бўлади.

Агар дон массаси сув транспортидан қабул қилинса ва шундан сўнг у вагонларга юклатилса, маҳсулот сифати ҳар бир вагон бўйича аниқланади. Ҳар қайси вагондан ажратиб олинган ўрта намуналардан умумий намунани тузиш учун пропорционал равишда қисмлар ажратиласди. Сув транспортидаги донларнинг сифати тўғрисидаги гувоҳнома вагонларга юклатилган барча дон туркумларининг сифати тўғрисидаги кўрсатмаларнинг ўрта ўлчанмаси асосида ёзилади.

Барча ҳолатларда ажратилган ўрта намуна таҳлилхонага юбориласди. У ерда кўриб чиқилади, ўлчанади, рўйхатдан ўтказилади ва унга тартиб рақами берилади, бу рақам таҳлил карточкасига ва бошқа хужжатларга ёзилади. Ўрта намунадан намлики аниқлаш учун ўлчанма ажратиб олинади. Сўнгра ўрта намунани граммнинг ўндан бир улушигача аниқликда ўлчаб, у йирик ифлослантирувчи аралашмалардан тозаланади.

Доннинг бошқа алоҳида сифат кўрсаткичлари ўрта намунадан ажратиб олинган, кўп бўлмаган миқдордаги ўлчанмалар деб аталувчи қисмлари бўйича аниқланади. Турли маҳсулотларнинг таҳлил натижаларини фақат бир хил ўлчанма олинган ва таҳлил бир хил усулда бажарилган тақдирдагина таққослаш мумкин.

Лаборатория таҳлил натижалари стандартларда кўрсатилган натижалардан доннинг ҳар хил таркибли эканлиги билан, аппаратуранинг ноаниқлиги билан, шунингдек лаборантларнинг индивидуал хусусиятлари туфайли фарқ қилиши мумкин. Ишда зарур аниқликка эришиш учун таҳлилчи ўз-ўзини назорат қилиши керак. Шунинг учун ҳар бир таҳлилни ўтказиш пайтида, аксарият ҳолларда, иккита параллель ўлчанма ажратиб олиниб, улар бўйича таҳлил олиб борилади ва бу икки таҳлил натижалари ўртасидаги фарқ стандартларда кўрсатилган четланиш меъёри ичидаги бўлса, уларнинг ўрта арифметик қиймати топилиб, у охирги натижада сифатида қабул қилинади. Агар икки параллель таҳлилнинг натижалари орасидаги фарқ ўрнатилган оғиш меъёридан катта бўлса, ундай ҳолда таҳлил такрорланади.


Ўлчанмадаги доннинг сифати ўрта намунадаги дон сифат кўрсаткичларига мос бўлиши учун ўлчанмани ажратиб олиш тартиби стандартга кўрсатилган ҳолда амалга оширилиши керак. Ўрта намунадан ўлчанма БИС-1 дон бўлгичи ёрдамида ажратиб олинади.

Агар бўлгичда ажратилган ўлчанманинг массаси талаб қилинганидан ортиқ бўлса ва бу қисмнинг массаси ўлчанманинг 10% идан кўп бўлса, ортиқча қисм дондан ажратиб ташланади. Бунинг учун дон ўлчанмаси силлиқ юзага тўкилиб, юпқа қатлам ҳосил қилиб текисланади ва ҳар жойидан куракча ёрдамида ортиқча дон олинади. Агар ортиқча қисмнинг массаси 10% дан кам бўлса, у тарози палласига тўкилган ўлчанманинг ҳар жойидан куракча билан ажратиб олиб ташланади. Бўлгичда ажратиб олинган ўлчанманинг массаси талаб қилинганидан кам бўлса, у ўрта намунага қайтиб қўшилади ва бўлгич шкаласининг оралиги созланаб, ўлчанма қайтадан ажратиб олинади.

Ўлчанма қўл билан ҳам ажратиб олиниши мумкин. Лаборатория таҳлили қуйидаги схема бўйича амалга оширилади.

Дон бўлгични ишга тайёрлаш

Лабораторияга қабул қилинган ҳар бир бўлгич доимий фойдаланиш учун тайёрланади. Бунинг учун тажриба йули билан тўртта қўшимча (ҳисоблаш) жадваллар тайёрланади.



8- расм. БИС—I дон бўлгичи.

1— беркитгич (затвор)нинг дастаги; 2— берилган катталикдаги ўлчанмани ажратишида шкаланинг бўлимлар сони белгиланадиган жадвал; 3— асбобни кузатиши ва тозалаш учун мўлжалланган тўйнуклар; 4— ташки цилиндр; 5— туғри бурчакли тешиклар кесимини ўзgartиралидиган бўлимларни силжитиш дастаги; 6— ўлчанмани ажратадиган иккита тарнов; 7— иккита айлана чумич; 8— ўлчанмана учун иккита чумич; 9— учта таянч оёқчалари; 10— иккита қўзғалувчан бўлинма; 11— асос; 12— цилиндр пастки қисмининг конуси; 13— дон учун чиқариш канали; 14— пастки конуснинг кувури; 15, 16— доннинг қувурда ушланиб қолмаслигини таъминлайдиган қайтариш мосламалари; 17— воронка; 18— катта диаметргли воронка; 19— бўлиш-аралаштириш мосламасининг пастки конуси; 20— симли крестовина; 21— 8 та тўғри бурчакли тешикларнинг ушлагич хоначалари; 22— бўлиш-аралаштириш мосламасининг юқориги конуси; 23— шарли беркитгич; 24— қабул воронкаси.

Биринчи жадвалда бўлгичнинг барча каналлари учун ўтказиш имконияти кўрсатилган. Уни тузиш учун массаси 2 кг лик дон намунаси бўлгичдан очиқ ва ёпиқ каналларнинг тўртгатдан комбинацияси бўйича 3 марта (ҳаммаси булиб 12 марта) ўтказилади; а) ўнг канал ёпиқ, чапи эса очиқ; б) чап канал ёпиқ, ўнги эса очиқ; в) ўнг ва чап каналларнинг иккаласи ҳам ёпиқ; г) ўнг ва чап каналларнинг иккаласи ҳам очиқ. Юқоридаги барча вазиятларда орқадаги ва ўртадаги каналлар очиқ бўлади (уларнинг ўз түсгичлари бор).

Намунанинг асбобдан ҳар бир ўтишидан сўнгги ва ҳар бир канали бўйича ажратилган дон массаси ёзиг олинади ва 2 кг массали дастлабки намунага нисбатан ҳар қайси канал бўйича олинган маҳсулотнинг ўрта арифметик миқдори фоизларда ҳисобланниб, жадвалга ёзиг қўйилади (3- жадвал).

Мисол. Бўлгичдан 2 кг массали дон намунаси ўтказилгандан кейин қўйидаги натижалар олинган (3- жадвал).

3- жадвал

Бўлгичдан ўтказилган дон порцияларининг массаси, г

Канал	Ўнг канал ёпиқ, чап канал эса очиқ	Чап канал ёпиқ, ўнг канал эса очиқ	Иккала канал ҳам ёпиқ	Иккала канал ҳам очиқ
Ўнг	—	260	—	248
	—	270	—	254
	—	250	—	278
Чап	265	—	—	267
	264	—	—	261
	251	—	—	252
Марказий	710	705	965	410
	690	706	955	430
	700	889	900	480

«Чап канал ёпиқ, ўнг канал очиқ» бўлган вариантни ҳисоблаймиз:

$$(260+270+250) : 3 = 260 \text{ г.}$$

$$\frac{260 \times 100}{2 \times 1000} = 13\%$$

Үлчашда олинган барча бошқа қисмлар бўйича ҳисоблаш аналогик усулда бажарилиб, натижалар 4- жадвалга киритилади.

4- жадвал

Бўлгич каналларининг ўтказиш имконияти (%) ҳисобида)

Бўлгич каналлари	Бўлгичда ажратилган намунанинг қисми			
	Ўнг канал ёпиқ, чап канал эса очиқ	Чап канал ёпиқ, ўнг канал эса очиқ	Иккала канал ҳам ёпиқ	Иккала канал ҳам очиқ
Ўнг	—	13	—	13
Чап	13	—	—	13
Марказий	35	35	48	22
Орқа	52	52	52	52
Ҳаммаси	100	100	100	100

Ўнг ва чап каналларнинг дон ўтказиш имкониятига мос равища уларнинг шкалалари 0,5% ли бўлим қиймати билан даражаланади.

Чап ёки ўнг каналлардан бири очиқ ва иккинчиси ёпиқ бўлган вазиятда бўлгич ўрта намуна (2 кг)нинг 13% ини ажратади. Ўнг каналнинг шкаласи одатда 36 бўлимдан иборат бўлади. Ҳар бир фоиз ажратилган донга $36/13=2,8$ бўлим, яъни яхлитланса — уч бўлим тўғри келади. Агар 100 г, яъни ўрта намунадан 5% дон ажратилиши керак бўлса, шкала бўйича белгилагич 15- бўлимга тўғрилаб қўйилади.

36 та бўлимдан ҳар бири чизиқ билан икки қисмга ажратиб қўйилган бўлиб, бу зарур вазиятда белгилагични юқори аниқлик билан ўрнатишга имкон яратади. Чап канал шкаласи бўлимларининг сони камроқ бўлиши мумкин. Бу ҳолда шкала қайтадан тузилади. Шкаланинг узунлиги ўлчанади, у тахминан 20 см га teng экан. Ҳар қайси ажратилган дон фоизига $20/13=1,5$ бўлим тўғри келади.

Қалин қофоздан бир йўл тилик қилиб қирқиб олинади, 20 бўлимга бўлинади (ҳар бири 1,5 см дан бир бўлим) ва ҳар қайси бўлим иккига (0,5% дан) ажратилади. Тилик чап канал шкаласининг устига ёпиштириб қўйилади.

5- жадвал бўлгичнинг индивидуал ўрнатилган шкаласи ёрдамида доннинг пропорционал қисми ажратилган вазиятда қўлланилади. Бу жадвал бўйича ҳар қайси алоҳида қабул

УЧУУЛАШТАН НЭМУНИИ ШАКЛАНГЫРЫШ үЧҮН АВТОМОБИЛДАР БИЛАН ЕТКЭЗБИЙ БЕРАЛГАН
ДОЛГАН ЭХОДАСТАЛГАН ЧАКЛАМА (%) МИКСДИРИНН (%) АИНКИДАМ

THE JOURNAL OF CLIMATE VOL. 14, NO. 10, OCTOBER 2001

АИТОМОБИЛДА СТАЗЫЛГАН ТУРЛЫ МАССАЛАТЫ (7) ДОШАН ОЛИНГАН УКУРУЛАНТАН НАУРАНА МАССАСЫГА НЫСБАТАН
БЕЛГИЛАНГАН АРАДАШМАЛАРИНИҢ ИЛУШИ

Автомобилдан олнаган умумланган нисбатынан	Актуалдан олнаган түрли массадаги (т) доңдан олинган умумланган нисбатынан аралашмаларнан улчы													
	3,0	3,2	3,4	3,6	3,8	4,0	4,2	4,4	4,6	4,8	5,0	5,2	5,4	5,6
1100	13,6	14,5	15,4	16,4	17,3	18,2	19,1	20,0	20,9	21,8	22,7	23,6	24,5	25,5
1200	12,5	13,3	14,2	15,0	15,8	16,7	17,5	18,3	19,2	20,0	20,8	21,6	22,5	23,3
1300	11,5	12,3	13,1	13,8	14,6	15,4	16,1	16,9	17,7	18,4	19,2	20,0	20,8	21,5
1400	10,7	11,4	12,1	12,8	13,6	14,3	15,0	15,7	16,4	17,1	17,8	18,5	19,3	20,0
1500	10,0	10,6	11,3	12,0	12,7	13,3	14,0	14,7	15,3	16,0	16,7	17,3	18,0	18,6
1600	9,4	10,0	10,6	11,2	11,9	12,5	13,1	13,7	14,3	15,0	15,6	16,2	16,9	17,5
1700	8,8	9,4	10,0	10,6	11,2	11,8	12,3	12,9	13,5	14,1	14,7	15,3	15,9	16,4
1800	8,4	8,9	9,5	10,0	10,5	11,1	11,7	12,2	12,8	13,3	13,9	14,4	15,0	15,5
1900	7,9	8,4	8,9	9,5	10,0	10,5	11,0	11,6	12,1	12,6	13,1	13,7	14,2	14,7
2000	7,5	8,0	8,5	9,0	9,5	10,0	10,5	11,0	11,5	12,0	12,5	13,0	13,5	14,0
2100	7,2	7,8	8,1	8,6	9,1	9,5	10,0	10,5	11,0	11,4	11,9	12,3	12,9	13,3
2200	6,8	7,3	7,7	8,2	8,6	9,1	9,5	10,0	10,5	11,0	11,3	11,8	12,2	12,7
2300	6,5	7,0	7,4	7,8	8,3	8,7	9,1	9,6	10,0	10,4	10,9	11,3	11,7	12,2
2400	6,3	6,7	7,1	7,5	7,9	8,3	8,7	9,2	9,6	10,0	10,4	10,8	11,3	11,7
2500	6,1	6,4	6,8	7,2	7,6	8,0	8,4	8,8	9,2	9,6	10,0	10,4	10,8	11,2

қилингандан олинган умумлашган намуна массасидан ўрта суткавий намунани шакллантириш учун ажратилиши зарур бўлган миқдорнинг фоизлардаги улуши аниқланали.

Ажralma miқdori ҳар bir etkazilgan tonnadan 50 g kattalik bўyicha aниқланади. Agar avtomobilning юк kутара olishlik imkoniyati 3 t bўlsa, bunda aжralma miқdori $50 \times 3 = 150$ g, 4 t bўlsa, u ҳolda $50 \times 4 = 200$ g bўлади. Жадвал shunday ketma-ketlikda тўлдирилади. Don qabul қилиш korxonalariдagi amaliy tажribalardan keliб чиқib, nuқtaviy namunalar olish қoидalari bўyicha odatda avtomobilдан aжratiladigan umumlaшган namunalarning massasi (g) ёзib olinadi, ular: 1100, 1200, 1300 ... 1500 ... 2000 va ҳokazo.

Сунгра avtomobill bilan etkazilgan don massasiga boғlik ҳolda umumlaшган namunанинг ҳар қайси kattaligi учун ўrta sутkaviy namunaga ketadigan don miқdori xисобланади. Bu miқdor umumlaшган namuna қийматига nisbatan foizlarда ifodalananadi. Xисob-kitob don massasini etkazib berган ҳар қайси avtomobill учун oлиб boriladi.

Mисол. Avtomobill 3 t don keltirди. I t don учун 50 g xисобидан $50 \times 3 = 150$ g ўlchanmani aжratib olish kerak. Bu miқdor foizlarда қуйидагича ifodalananadi:

Умумлашган namunанинг massasi, g	Умумлашган namunанинг massasiga nisbatan belgilangan aжralmанинг улуши, %
1100	(150x100) : 1100 = 13,6
1200	қолганлари 12,5
1300	ҳам shunday 11,5
1400	xисобланади 10,7
1500	10,0
1600	9,4
1700	8,8
1800	8,4
1900	7,9
2000	7,5
2100	7,2
2200	6,8
2300	6,5
2400	6,3
2500	6,1

Автомобилда etkazilgan boшқа don massasi (t) kattaliklari (3,2; 3,4; 3,6 va ҳokazolap) bўyicha ҳам analogik

равишида қисоблар бажарилади. Ҳисоблаш натижалари иккинчи жадвалга киритилади.

5- жадвалдан қуйидаги тартибда фойдаланилади. Автомобилдан олинган умумлашган намуна үлчанади. Унинг катталиги ва келтирилган доннинг массаси бүйича 5- жадвалдан ажралманинг миқдори (%) аниқланади. Масалан, келтирилган доннинг массаси 4 т ва умумлашган намунанинг массаси 1500 г бўлганда, ажралманинг миқдори 13,3% бўлиши керак. Ўнг канал шкаласининг устида $13,3/3=4,4$ 4,5 бўлимнинг тўғрисига белгилагич ўрнатилади. Чап канали ёпик ҳолатда турган бўлгич орқали 1500 г массали умумлашган намуна ўтказилади ва 220 г дон олиниб, у ўрта суткавий намуна учун юборилади. Агар ўнг каналдаги бўлимлар сони етарли бўлмаса, унга чап канал шкаласи бўйича мос равишидаги бўлимлар миқдори кўшилади. Иккала канал билан олинган умумлашган намуналарнинг қисмлари кўшилиб, ўрта суткавий намунани шакллантириш учун зарур бўлган дон миқдори (ажралма) ҳосил қилинади.

Умумлашган (автомобилдан олинган) ёки ўрта суткавий намунадан ўрта намунани ажратишда 6- жадвалдан фойдаланилади. Унга ўрта намуна ёки унинг маълум бир қисми масасининг умумлашган намуна ёки ўрта суткавий намунанинг маълум бир қисми массасига бўлган нисбатининг фоизларда ифодаланган қийматлари киради.

Жадвални тузиш учун ўрта намуна ёки унинг қисмларининг конкрет миқдорлари (кг) белгиланади, яъни 0,5; 1,0; 2,0 ва ҳоказо. Бу қийматларнинг ҳар бири учун умумлашган намуна массасига ёки ўрта суткавий намунанинг маълум бир қисми массасига бўлган фоизлардаги нисбати ҳисобланади. Бу ерда умумлашган намуна ёки ўрта суткавий намуна қисмининг массаси (кг) қуйидаги қаторни ташкил қиласи: 2,0; 2,5; 3,0; 4,0.

$$\frac{0,5 \times 100}{2} = 25\%;$$

$$\frac{0,5 \times 100}{2,5} = 20\%;$$

$$\frac{1,0 \times 100}{2} = 50\%;$$

$$\frac{1,0 \times 100}{2,5} = 40\%;$$

$$\frac{2,0 \times 100}{2} = 100\%;$$

$$\frac{2,0 \times 100}{2,5} = 80\%;$$

ва ҳоказо.

рангга киради. Униб чиққан ёки нам ҳолда сақланган дон хира рангни намоён қилса, қуришида заарланган (куйган) ёки ўз-ўзидан қизишда доннинг ранги түқ-қўнғир рангдан то хира-қизил рангга қадар ўзгаради. Кузги совуқдан заарланган дон, заарланиш даражасига боғлиқ ҳолда бужмайган, қорайган бўлиши ёки умуман ўз рангини йўқотиши мумкин. Гармсеп урган буғдой дони майда, пуч бўлиб, ранги бўйича нормал дондан фарқ қиласди. Доннинг ранги кундузги ёруғлик ёки электр чироқларининг ёруғлигидан қорайиб, стандартларда кўрсатилган ишчи намуналар билан тақъосланиб аниқланади. Стандартларда доннинг рангини аниқлаш учун қанча миқдорда олиш кераклиги кўрсатилмаган. Аммо тажрибалар шуни тасдиқлайдики, бунинг учун 100 г, аралашмалардан тозалангандан миқдори етарли бўлади.

Доннинг ҳидини аниқлаш

Ҳар қандай соглом дон ўзига хос ҳидга эга. Доңдаги бегона ҳидлар унинг бузилиши (органик моддаларнинг парчаланиши) ёки таркибида бегона моддаларнинг мавжудлиги натижасида пайдо бўлади. Доңда бузилиш жараёнининг бошланиши майса (солод) ҳиди, кейинги бузилишлар эса замбуруғ, димиқкан ва чириган ҳидларнинг ҳосил бўлиши билан тушунтирилади.

Доңдаги майса ҳиди ўта хушбўй бўлиб, унинг қизиганини ёки қизиётганини кўрсатувчи биринчи белгидир. Замбуруғ ҳиди нам ёки ҳўл доңда замбуругларнинг ривожланишидан далолат беради. Доң юомидаги димиқкан ҳид замбуругларнинг доң ичига кириб, ундаги органик моддаларнинг парчаланишидан дарак беради. Димиқкан ҳидга эга бўлган доң туркуми дефектли доң тоифасига киради. Димиқкан ҳидни, одатда, кўлланиладиган (куриши, ювиш) усуллар ёрдамида тўлиқ йўқотиб бўлмайди. Яқъол димиқкан ҳид таратиб турган доңдан тўла қимматли нон ва ёрма маҳсулотларини тайёрлаб бўлмайди. Доңдаги чириган ҳид кескин равишида кечеётган органик моддаларнинг парчалиниш жараёни оқибатидир.

Енгил учувчи, ўтқир ҳидли бегона моддалар (масалан, нефть маҳсулотлари) доң билан осонгина сорбцияланади ва доң ўзига хос бўлган ҳидни йўқотади.

Кўпинча, доң қабул қилиш фаолиятида мутахассислар ёвшан (полынь) ҳидига эга бўлган доңга дуч келишади. Бу

нарса дон ёвшан эфир мойларини ўзида сорбциялаганидан далолат беради. Бундан ташқари, дон саримсоқ, инсектицидлар (фумигация учун құлланиладиган моддалар), тутун, қоракуя, кана ва бошқа ҳидларни ўзлаштириб олиши мүмкін. Ҳидни бутун ёки майдаланган донда аниқлаш мүмкін. Янги майдаланган дондаги ҳид бутун донга нисбатан тезроқ аникланади. Олдиндан аралаштирилган ўрта ҳажмдаги намунадан 100 г ажратиб олиниб, косачага солинади ва доннинг ҳиди аникланади. Одатта мутахассислар бир сиқим донни кафтларига олиб, уни нафаслари билан қиздиришади ва ҳидини текширишади.

Агар дон туркумida ёвшан ҳиди аникланса, у таҳлилхонада құшимча равишда текширилади. Дон ёвшан саватчаларидан озод қилиниб, майдаланади ва шундан сұнг ҳиди аникланади.

Нормал ҳидга эга бүлмаган дондаги бегона ҳидларни кучайтириш учун у қиздирилади. Бунинг учун түр устига озроқ миқдордаги дон жойлаштирилиб, у қайнаётган сувнинг устида буғлаш мақсадида 2-3 минут ушлаб турилади. Сұнгра тоза қофоз устига тұқилиб, ундаги бегона ҳидлар аникланади.

Сифат тұғрисидаги ҳужжатда қайси (бутун ёки майдаланган) донда ҳиди аникланғанлығы тұғрисида ёзилади.

Доннинг мазасини аниқлаш

Ҳар қандай әкиннинг дони ўзига хос таъмга эга булиб, одатда үткір бүлмаган, деярли чучук таъмни намоён қиласы. Бузилаёттан дон шириңчак, нордон, аччиқ, томоқни қира-диган, замбуруғли ва бошқа хил мазаларга эга булиши мүмкін.

Доннинг мазасини аниқлаш учун олдиндан бегона аралашмалардан тозаланган 100 г дон майдаланади. 50 г майдаланган дон ажратиб олиниб, колбага солинади ва устидан 100 мл ичимлик суви қуйилади. Арапашма яхшилаб аралаштирилади. Бошқа идишда 100 мл сув қайнағунча қиздирилади. У иситиш асбобидан олиниб, унга майдаланган дон суспензияси қуйилади, яхшилаб арапаштирилиб, шиша косача билан ёпилади. Арапашма 30 ... 40°C даражагача совутилиб, мазаси аникланади.

дуккаклилар учун — 500 г, нұхат, құйбош нұхат учун — 200 г, ликопчасимон ясмиқ ва бурчоқ учун — 100 г, бүгдой, жавдар, арпа, сули, маржумак, шоли, оқ жұхори, вика, майда уруғли ясмиқ учун 50 г ва тарық учун — 25 г ни ташкил этади. Массаси 200 г гача бұлган үлчанмалар граммнинг үндан бир улушкигача, 200 г дан ошиқ бұлган үлчанмалар эса 1 г гача аниқликда үлчанадилар.

Үлчанмалардан намлиқ ва 1000 та доннинг массасини аниқлаш учун ифлослантирувчи ва донли аралашмалар ажратиб олинади. Яхшилаб тайёрланған биринчи үлчанма намликни аниқлаш учун ишлатиласы.

1000 та доннинг массасини аниқлаш учун иккита үлчанма ажратиласы. Таҳлил қар қайси үлчанма бүйича ало-хіда үтказиласы. Үлчанма яхшилаб аралаштириб, квадрат шаклидаги қатлам ҳосил қилиб ёйиб чиқиласы. Квадрат иккита диагонали бүйича түрт бұлак (учбурчак)ка булинади. Йирик уруғли экинлар учун қар қайси учбурчакдан (үлчанма 100 г ёки үндан күп бұлғанда) танламасдан 125 тадан, қолган экин донлари учун эса — 250 тадан уруғ санаб олинади. Иккита қарама-қарши учбурчаклардан олинған дон ва уруғлар құшиласы. Натижада иккитадан үлчанма ҳосил булады: йирик уруғли экинлар учун — қар қайси 250 та дондан ва қолган экин турлари учун эса қар қайси 500 та дондан. Жуфт сули донлари бир-биридан ажратиласы ва иккита дон деб саналади. Ҳосил бұлган түртала үлчанма ҳам техникавий тарозида граммнинг юздан бир улушкигача бұлган аниқликда үлчанади. Йирик ва майда уруғли экин донларининг иккита үлчанмаси орасидаги фарқ уларнинг ўртача массасига нисбатан 5% дан күп бұлмаса, тадбир түғри бажарылған деб ҳисбланади; агар фарқ күп бұлса, унда таҳлилни бошидан тақрорлаш керак.

1000 та доннинг массаси 500 та дондан иборат иккита үлчанма массасини умумлаштириб ёки 250 та дондан иборат иккита үлчанма массасининг умумлашмасини 2 га құпайтириб топиласы. Куруқ модда миқдорига нисбатан 1000 та доннинг массаси қуйидаги формула бүйича ҳисбланади:

$$m_k = \frac{m_x(100 - w)}{100};$$

бу ерда: m_k — ҳақиқий намлиқдаги 1000 та доннинг массаси, г;

w — доннинг намлиги (% ҳисобида)

Аниқлаш натижалари 10- жадвал бўйича ҳисобланади.

10- жадвал

Аниқлаш натижалари, г

1000 та дон массаси, г	Куйидаги сонгача ҳисобланади	Куйидаги сонгача ифодаланади
10 дан кам	0,001	0,01
10 дан 100 гача	0,01	0,1
100 дан ортиқ	0,1	1,0

Натижани яхлитлашда ўрнатилган аниқлик чегарасидан кейинги рақам 5 га тенг ёки ундан катта бўлса, яхлитланаётган сонга битта кўшиб ёзилади, агар 5 дан кичик бўлса, у ҳолда бу рақам ташлаб юборилади.

1- мисол. Иккита буғдой дони (1000 та дон) ўлчан-масининг массаси 40,14 г га тенг; дон намлиги 14,0%. Куруқ моддага нисбатан 1000 та доннинг массаси қўйидагича топилади:

$$m_k = \frac{40,14(100 - 14)}{100} = 34,54. \text{ Яхлитласак, } 34,5 \text{ г;}$$

2- мисол. Иккита ловия дони ўлчанмаси (500 та уруғ)нинг массаси 486,13 г; 1000 та ловия донининг массаси $486,13 \times 2 = 972,26$ г бўлади. Доннинг намлиги 16,7%. Куруқ моддага нисбатан 1000 та дон массаси қўйидагига тенг:

$$m_k = \frac{972,26(100 - 16,7)}{100} = 809,9. \text{ Яхлитласак, } 810 \text{ г.}$$

4- §. ДОННИНГ ШАФФОФЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Шаффофф дон учун шоҳсимон ички тузилиш характерли бўлиб, донни кесганда у ялтириб кўринади. Кесилган унсимон дон эса бўр бўлагининг юзасини эслатади. Буғдой,

шоли, қисман — арпа, жавдар ва маккажұхори учун дон мағзи (эндосперми)нинг ички тузилиши катта аҳамиятга эга.

Бүгдой дони шаффоф — тұла шаффоф мәғизли, унсимон — тұла унсимон мәғизли ва қисман шаффоф — қисман унсимон ёки қисман шаффоф мәғизли бұлиши мүмкін. Лаборатория таҳлиллари вактида доннинг умумий шаффофліги аниқланади. Умумий шаффофлік деганда тұла шаффоф донлар билан қисман шаффоф донлар ярмининг үйіндисі түшүнілади.

Доннинг шаффофліги уннинг унбоплик ва нонбоплик хоссаларини баҳолашда катта аҳамият касб этади.


Донни таҳлил қилишга тайёрлашда иккі ҳолат күзатылади. Үрта намунаға тұлық таҳлил қилишда бүгдой доннинг шаффофліги дон ифлослігі таҳлил қилингандан сұнг аниқланади, шолининг шаффофлігі эса пұстлоқлық таҳлил қилингандан сұнг ажратиб олинган 10 г гуруч үлчамаси бүйіча аниқланади. Фақат шаффофлікні аниқлаш таҳлилини үтказиш учун бүгдой ёки шоли донидан 50 г ажратиб олиніб, у бегона ва донли аралашмалардан тозаланади. Тозаланған шоли донидан бутун донлар үлчамаси ажратылади ва қобиқ ажратгич ёки күл ёрдамида гул қобиғи ажратиб олинади.

Стандарт бүйіча шаффофлік иккі усулда аниқланади:
а) кассета ва ҳисоблагачи бұлған ДСЗ—2 диафаноскопи ёрдамида (9- расм); б) кесилған дон бүйіча.

Шаффофлікні ДСЗ—2 диафаноскопи ёрдамида аниқлаш

Ишни бажариш күйидаги кетма-кетликда үтказилади. Кассета асбобдан чиқарылып, унга тозаланған бүгдой ёки қобиғи олинған шоли донлари солинади. Кассетаны айланма ҳаракатта келтириб, горизонтал қозаси бүйлаб жойлашған 100 та хоначаси биттадан дон билан тұлдырылади. Кассетаны озгина қиялатиб, ортиқча донлар туширилади. Уннинг дон билан тұлғанлігі текширилади. Агар хоначаларға дон тушмаган бұлса, уларға дон ташлаб чиқылади. Агар битта хоначага иккита дон тушған бұлса, улардан биттаси чиқарып олинади. Кассета асбобнинг корпусында үрнатылып, чирок ёқылади.

Бурагич ёрдамида кассета шундай силжитиладики, бунда кўриш майдонида дон билан тўлган биринчи қатор пайдо бўлсин. Саноқни бошқарадиган дастак ёрдамида ҳисоблагич шундай тайёрланадики, бунда юқори таблода 00 ва қуий таблода 50 рақамлари ҳосил бўлсин.



9- расм. Дон шаффофлигини аниқлашга мўлжалланган DC3-2 диафанскопининг схемаси.

1 — линза; 2 — конуссимон қувур; 3 — фланец; 4 — ролик; 5 — кассетаний силжитиш механизми; 6 — қопқоқ; 7 — кассета; 8 — иссиқлик изоляция плитаси; 9, 15 — филофлар; 10 — чироқ; 11 — ниқоб; 12 — экран; 13 — ластак; 14 — патрон; 16 — қушибажратгич; 17 — электр душохчаси; 18 — штепсели розетка.

II- жадвал

Турли типдаги буғдои донларининг диафанскопда куриниши

Доннинг типи	Доннинг табиати	
	шаффофф донлар	унсимон донлар
I	Донлар гиник, шаффофф, ёргулекни тұла үтказади.	Донлар тұқ-жигар рангли ёки қора, ёргулекни үтказмайды.
II, III, V ва VI	Донлар қаҳрабо ёки сариқ рангли, ёргулекни тұла үтказади.	Донлар қорамтири рангли, ёргулекни үтказмайды.
IV	Донлар ёргулекни тұла үтказдилар, лекин I типта нисбатан қорамтири.	Донлар жуда қорамтири ёки қора, ёргулекни үтказмайдилар.

Асбобнинг кўриш майдончасини ҳимоя қилувчи ниқоби энгаштирилиб, линза орқали доннинг биринчи қатори

либ, тұлдиргич устига үрнатилади. Воронкалың цилиндр тұлдиргич устига үрнатылғандан сұнг воронканиң түсічі бармөқ билан оқиста босиб очилади. Дон тұлдиргичнинг ичига тұқилю ғанағандан кейин воронкалың цилиндр чиқарып олинади.

Ұлчагичнинг тирқишидан пичоқ тез (аммо асбобни қимирлатмасдан) чиқарып олинади. Аввал юк, уннинг изидан эса ұлчагичта дон тушади. Пичоқ яна қайтадан олдинги эхтиёткорлик билан тирқишиң шундай қилиб, ұлчагичнинг ичидә аниқ 1 літр дон пайдо бұлади. Тұлдиргич билан биргаликда ұлчагич күтінинг устидаги комадан чиқарып олинади. Уларни ағдарып, тұлдиргичда қолған ортиқча дон тұқилю ғанағандан кейин воронкалың цилиндр чиқарып олинади. Пичоқ устида қолған алоҳида донлар ташлаб юборилади. Ұлчагичнинг тирқишидан пичоқ чиқарып олинади.

Дон билан тұлдирилған ұлчагич 0,5 г аниқликда ұлчанади ва доннинг сифат түғрисидеги ҳужжатларыда (сертификат ва гувохномалар) 1 г гача аниқликда ёзіб қўйилади.

Ҳар қайси дон намунаси учун дон натурасини камидан иккі марта аниқлаш зарур. Икки параллель намуналар ёки арбитраж аниқлашлар орасидеги фарқ сули учун 10, қолған экин донлари учун эса 5 г дан ошмаслиги керак.


Натура күрсаткичи сифатида иккі ёки бир неча аниқлаш натижаларининг ўрта арифметик қыймати қабул қилинади. Натижалар қуйидагича яхлитланади: агар граммнинг үндән бир улуши 5 рақамидан кичик бўлса, у ташлаб юборилади, агар у 5 дан катта бўлса, грамм сонлари бир бирликка ошириб олинади ва агар у 5 га teng бўлса, граммларнинг жуфт бутун қисмida у ташлаб юборилади, тоқ бутун қисмida эса бир бирликка ошириб олинади.

Дон натурасини 20 літрлик пуркада аниқлаш

Пурканиң ұлчагич сифими 20 л га мүлжалланган. У иккита рельс устида донни тұлдириш жойидан тарозитача ва тескари йұналишда осонгина ҳаракатланади.

Пурка тұлдиргич (куювчи воронка), текисловчи пичоқ, тарози тошлари, дон солинадиган идиш (24 л) лардан ташкил топган (11- расм). Донни солишдан аввал ұлчагич таянч-

гача ҳаракатлантириб тиради. Куювчи воронканинг пастки тешиги түсгич ёрдамида ёпилади. Тарози паллаларнинг тұхташига мұлжалланған мослама билан жиҳозланған. Идишга 24 л дон солинади. Идиш күтарилиб, пастки түсгич билан ёпилған воронкага дон күйилади. Шундан сұнг түсгич очилиб, дон үлчагични тұлдиради. Текисловчи пичноқ силжитилиб, ортиқча дон туширилади ва дон билан тұлдирилған үлчагич тортилади. Үлчашда ҳисобни осонлаштириш мақсадида килограммли тошлар палланинг пастки қаватига, граммли тошлар эса юқориги қаватига күйилади. Доннинг ҳар қайси намунаси бүйича натура 2 марта аникланади. 20 литрлик пуркада иккита параллель назорат ва арбитраж аниклашлар орасидаги фарқ сули учун 35 г, бошқа барча әкін донлари учун эса 20 г дан ошмаслиги керак. Бунда намуналар 10 г миқдордагы аниклик билан тортилади.



11- расм. 20 литрлик пурка.

1 — дон учун қути; 2 — тарози тошлари учун палла; 3 — йигиш воронкасы; 4 — пичноқни мустаҳкамлаш учун мослама; 5 — пичноқ; 6 — бурагич; 7 — түсгич; 8 — кривошиб; 9 — воронка; 10 — тарозининг күндаланғ елкасы; 11 — осгичлар; 12 — қармоқ; 13 — үлчагич; 14 — дастак; 15 — аравача.

6- §. БЕГОНА ҮСИМЛИК УРУГЛАРИ ВА ДОННИНГ КАСАЛЛИГИНИ ҮРГАНИШ

Бегона үсимлик уруглари. Бегона үсимлик уруглари дон сифатини ёмонлаштиради. Улар доннинг истеъмолбоп қийматини ўзларининг дағал қобиқлари ёки ҳид ва мазаси билан пасайтирадилар. Ифлослантирувчи бегона аралашмалар орасида инсон саломатлиги учун заарали бўлганлари ҳам мавжудки, улар дон сифатини бузигина қолмай, балки уни истеъмол учун яроқсиз ҳам қилиб қўяди. Масалан, бангидевона, ранг-баранг вязел, аччиқмия ва бошқа шунга ўхшаш бегона аралашмаларнинг кўпроқ микдорда ун таркибида учраши маҳсулотни заарали ҳолатга келтиради ва уни истеъмол қилиш организм учун хавфлидир. Жавдар уни таркибида татар маржумаги учраса, бундан ун қорамтири туслана киради. Кўпгина бегона үсимлик уругларининг аралашмаси дон массаси намлигини ошириб, уни саклаш пайтида қийинчиликларни юзага келтиради. Озиқовқат ва ем-хашакка мўлжалланган турли экин донларига ўрнатилган стандартларда маҳсус курсатилган бегона үсимлик уругларига қуидагилар киради: рандак, судралувчи аччиқмия, сафара тулкидум, ранг-баранг вязел, донник, татар маржумаги, кўкмараз, кампирчопон, ёввойи тарик ва бангидевона. Шувоқ уруғи, ёввойи сули, жавдар гулхани, печак маржумаги, дала печакгул уруғи ва вика кабилар ажралиши қийин бўлган ифлослантирувчи аралашмалар жумласидандир. Ун заводларида технологик жараённи ташкил қилиш ва бошқариш қоидаларида курсатилишича, янчиш (эзиш, парчалаш системаси)га юборилаётган дондаги заарали аралашмалар микдори (кукмаразни кўшган ҳолда) 0,05% дан ошмаслиги лозим.

Доннинг касалликлари. Қоракуя, қоракосов, фузариоз ва угрица донда кенг тарқалган касалликлардир.

Қоракуя (головня) — бошоқли фалла үсимликларининг замбуруғли касаллиги бўлиб ҳисобланади. У (купинча) буғдой, жавдар, арпа, тарик, сули ва маккажӯҳори донларини заарлайди. Буғдой донини аксарият ҳолларда базидиал замбуруғлар оиласига мансуб бўлган: а) чангли қоракуя ва б) ҳул, қаттиқ ёки сассик қоракуя заарлайди. Чангли қоракуянинг споралари ривожланаётган доннинг ичига кириб

олиб, у билан бирга ўсади ва замбуруғ ҳосил қилиб, келгуси йилгача сақланади.

Таркибида чангли қоракуянинг замбуруғларини сақлаган донни ташқи кўриниши бўйича соғлом дондан ажратиш қийин. Баъзан бундай дон хира тусни намоён қилиб, буришган юзага эга бўлади. Дон таркибидаги қоракуянинг замбуруғларини фақат бундай доннинг кесигини микроскоп остида кузатибгина аниқлаш мумкин. Ҳўл қоракуянинг споралари билан заарлантган дондан фақат қобиқгина қолади. Бу қобиқнинг ичи споралар билан лиқ тўла бўлиб, у қоракуя халтаси деб аталади. Донни йиғишда, тозалашда ва ташишда бу дон халтачалари эзилади ва бошқа донлар булғанади. Ҳўл қоракуя билан заарлантган дон ёқимсиз ҳидга эга бўлади.

Қоракосов — паразит замбуруғ бўлиб, жавдар, буғдой, арпа ва бошқа бошоқли донларни гуллаш пайтида заарлайди. Қоракосов билан заарланиш натижасида дон ўрнида 5 мм дан 20 мм гача узунликка эга бўлган қора-бинафша рангли гул (склероций)лар ҳосил бўлади. Кесигида улар оқиш-қирмизи рангда товланади. Қоракосов гуллари таркибида эрготамин, эргозин, эргокриптин ва бошқа заҳарли моддаларни ушлайди.

Стандарт бўйича тайёрланадиган бугдой ва жавдар донларининг таркибида қоракосовнинг миқдори 0,5% дан, ем-хашакка мўлжалланган ва омухта ем тайёрлаш мақсадида фойдаланиладиган дон таркибидаги (қоракосов ва қоракуянинг биргаликдаги) миқдори эса 0,1% дан ошмаслиги лозим.

Фузариоз — сумкали замбуруғ, ўсимликни ҳолдан тойдиради ва донга заҳарли хусусият бериб заарлайди. Бошоқли, дуккакли ва зигир донларини заарлайди. Доннинг фузариоз билан заарланиш даражаси икки хил бўлади. Биринчиси, бу доннинг ташқи белгилари бўйича аниқланиши мумкин бўлган очик, чукур заарланиши. Иккинчиси эса яширин, заиф заарланиш: бу ҳолат фақат дон ундирилган пайтда намоён бўлади.

Фузариоз билан очик заарлантган буғдой ва жавдар уруғлари буришганлик, енгил донлик белгиларини намоён қилиб, қобиги хира қулранг тусга киради. Кўпинча бунақа донларнинг ариқчасида замбуруғларнинг қирмизи,

сарық-заргалдоқ ва түқ қизил күринишдаги конидияси ҳамда мицелиялари тұтланади. Бу касаллик билан заарланған донлар ташқи күриниши бүйіча тұла-түкис, аммо енгіл вазнили, шу билан бирга хира қулранг қобиқли ва құпинча муртагининг устида қирмизи рангли дөгләри бұлади. Фузариоз билан очық заарланған донлар яшаб қололмайдылар.

Фузариоз билан күчсиз, яширин заарланиш формасини аниклаш учун дон күпайтириш мосламасыда бир-биридан 1,5 см масофада (ұзаро заарланмаслық мақсадыда) 400 та дон жойлаштирилади. Донни үндериш амали 20°C ҳарорат остида 4 күн давомида үтказилади.

Фузариоз билан касалланған донларнинг сони ҳар суткада хисобға олиб борилади. Агар доннинг юзаси униб чиқаёттган оқ ёки қирмизи-пуштиранг фузариоз замбуруғлари билан қопланса, бундай дон ушбу касаллик билан заарланған деб саналади. Баъзан замбуруғлар дон қобиғи остига яшириниб олиб, унға қирмизи ранг беради. Бироқ бу нарсани айнан фузариоз касаллигининг аломати деб таъкидлаб бұлмайды, чунки қирмизи ранг бактерияларга хос ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Навбатдаги кузатув натижасыда заарланған донлар чиқарып ташланади.

Үгрица — ҳайвонлардан келиб чиққан паразит. Узунлиги 0,5 ва йұғонлиғи 0,05 мм га тұғри келадиган құрт. Құрт гул тугунининг ичига кириб, тухум құяды. Улардан құртларнинг янги авлоди ривожланади. Заарланған гуллардан дон ўрнида қуртлар билан лиқ тұлған ўсимталар ҳосил бұлади. Улар ташқи күриниши билан дондан кескин фарқ қиласы. Заарланған бошчалар нотұғри шаклга, нотекис ғадир-будир юзасига эга бўлиб, ариқаси бўлмайды. Бу ўсимталар ўлчамлари бүйіча дондан қисқа ва йұғонроқдир.

Ранги оч қулрангдан қора рангтacha, дөғли бўлади. Мазкур ўсимталар ун таркибини бузади.

Стандартлар бүйіча түрли экин донларнинг заарли аралашмаларига аччиқмия, ранг-баранг вязел, донник, сафара тулқидум, күкмараз, эшакмия, кампирчопон, бандидевона, қоракуя, қоракосов ва угрицалар киради.

Ун заводларыда технологик жарапнан ташкил қилиш ва бошқариш қоидаларига мувофиқ омбор ёки элеваторлардан дон тозалаш бўлимига келаётган дондаги заарли аралашмаларнинг микдори 0,2% дан ошмаслиги керак.

Ун таркибидаги қоракосовнинг қоракуя, судралувчи аччиқмия, ранг-баранг вязел билан биргалиқдаги миқдори 0,05% дан, шу жумладан судралувчи аччиқмия ва ранг-баранг вязелнинг миқдори 0,04% дан ошмаслиги лозим. Уннинг таркибида кўкмараз ва кампирчопоннинг учрашига умуман йўл қўйилмайди.

7- §. ДОНЛИ ВА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ АРАЛАШМАЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Дон таркибida бегона аралашмаларнинг мавжудлиги унинг қийматини туширибгина қолмай, балки сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини ҳам қийинлаштиради. Бундан ташқари, аралашмаларнинг таркибida инсон организми учун зарарли бўлган моддалар ҳам бўлиши мумкин.✓

Доннинг ифлосланганлингини аниқлаш унинг техникавий таҳлилидаги муҳим амаллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Донли, бегона, алоҳида ҳисобга олинадиган аралашмалар ҳамда майда дон миқдори ва доннинг йириклиги ГОСТ 13586.2-81 стандарти бўйича аниқланади. Ишни йирик ифлослантирувчи аралашмаларнинг миқдорини аниқлашдан бошлаш керак. Ўрта намуна граммнинг ўндан бир улущигача бўлган аниқликда ўлчанади. Ундан йирик ифлослантирувчи аралашмалар икки усулда: йирик уруғли донлар (маккажӯхори, нўхат, озуқабоп дуккакли донлар, ловия, ясмиқ ва бошқалар)дан кўл ёрдамида, бошқа донлардан эса галвир орқали элаб ажратилади.

Ўрта намуна тешик ўлчами $\varnothing 6$ мм бўлган галвирни айланма ҳаракат қилдириб эланади. Агар лаборатория галвир қасноғининг диаметри 30 см дан кам бўлса, ўрта намуна бўлакларга бўлиб эланади. Йирик ифлослантирувчи аралашмалар галвирда эланган маҳсулотнинг қолдиқ қисмидан қўл билан ажратилади.

Ўлчамлари бўйича асосий тур дондан катта бўлган аралашмалар йирик аралашмалар бўлиб ҳисобланади. Булар — сомон, бошоқлар, кесак бўлаклари, бегона ўсимликларнинг йирик уруғлари ва бошқалар. Бошоқлар ва дуккакли донларнинг гул қобиқларини улардан дон ажратиб олинган-

дан сўнгтина ифлослантирувчи аралашма деб ҳисоблаш мумкин.

Ажратилган ифлослантирувчи аралашмалар берилган дон турига қўйилган стандартлар буйича фракцияларга бўлинади; улар ўлчанади ва ўрта намунанинг массасига нисбатан фоизларда ифодаланади:

$$x_{\text{и}p} = \frac{m_1 \times 100}{m};$$

бу ерда: m_1 — йирик ифлослантирувчи аралашманинг алоҳида ҳисобга олинадиган фракциясининг массаси, г;
 m — ўрта ўлчамманинг массаси, г.

Агар ўрта намунанинг таркибида йирик тош бўллаги учраса, у алоҳида фракцияяга ажратиб олинади ва зарарли ҳамда маҳсус ҳисобга олинадиган аралашмаларни аниқлаш пайтида ҳисобга олинади..

Аниқ намоён бўлган ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг миқдорини аниқлаш

Аниқ намоён бўлган ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг миқдори ўрта намунадан йирик ифлослантирувчи аралашмалар ажратилиб олингандан кейин аниқланади. Бунинг учун намунадан турли донлар учун қўйидаги массали ўлчаммалар ажратилади: буғдой, жавдар, арпа (жумладан пиво олинадиган тури), маржумак, сули, шоли, майда уруғли ясмиқ ва вика донлари учун — 50 г; тарик, сорго учун — 25 г; ликопчасимон ясмиқ ва озуқабоп дуккаклилар учун — 200 г; маккажўхори, нўхат, ловия, бурчок, қўйбош нўхат учун — 100 г.

Ўлчаммалар граммнинг ўндан бир улушигача аниқликда ўлчанади. Ажратиб олингандан ўлчаммалар лаборатория ғалвирларида эланади (13- жадвал).

Ғалвирлар кўйидаги кетма-кетликда ўрнатилади. Аввал таглик, сўнгра кичикроқ тешикли ғалвир, унинг устидан катта тешикли ғалвир ва энг устига янада йирикроқ ўлчамли тешикка эга бўлган ғалвир ўрнатилади. Ўлчамани энг юқориги ғалвир устига тўкиб, қопқоқ ёпилади.

Элаш жараёни кўл билан ёки маҳсус механизациялаш-

тирилган ғалвирлар ёрдамида амалга оширилади. Құл ёрдамида элаш пайтида дон (уруг) солинадиган ғалвирлар түплами текис юзали стол ёки шиша устига жойлаштирилади.

Агар түпланма фақат айланған тешикли ғалвирлардан иборат бўлса, элаш жараёни ғалвирлар түпламини силкитмасдан, айланма ҳаракат қилдириб, агар ғалвирлар узунчоқ тешикли бўлса, тешик йўналиши бўйича силкитмасдан илгариланма-қайтарилима ҳаракат билан ўтказилади. Бунда ғалвирнинг тебраниш амплитудаси 10 см атрофида бўлмоғи лозим. Дуккакли экин донлари 1 дақиқа ичидаги 110-120 тебраниш билан 1 дақиқа; қолтан донлар эса 3 дақиқа давомида эланади. Механизациялаштирилган элаш жараёни стандарт талаблари бўйича амалга оширилади.

13- жадвал

Лабораторияда қўлланиладиган ғалвирлар

Дон тури	Ғалвир тешикларининг ўлчами, мм		
	майда донларни ажратиш учун	ифлослант-ирувчи ара-лашмаларга мансуб бўл-ган эланнама-ларни аниқ-лаш учун	дон йирикли-гини аниқ-лаш учун
Буғдой	1,7×20	Ø 1,0	—
Жавдар	1,4×20	Ø 1,0	—
Озиқ-овқат ва ем-хашакка мўлжалланган ва ёрмабоп арпа	2,2×20	Ø 1,5	—
Пивобоп арпа	2,2×20	Ø 1,5	2,5×20
Сули	—	Ø 1,5	—
Ёрмабоп сули	1,8×20	Ø 1,5	—
Тариқ	—	1,4×20	—
Маржумак	—	Ø 3,0	Ø 4,0
Қобиги олинган гуруч	—	Ø 2,0	—
Маккажӯхори дони Нўхат	Ø 8,0 Ø 5	Ø 2,5 Ø 2,5	— I тип II тип

	(ёрмабоп нұхат учун)		$\varnothing 7,0$	$\varnothing 8,0$
Озиқ-овқатбоп ло- вия	—	$\varnothing 3,0$	$\varnothing 8,0$	$\varnothing 5,0$
Ликопчасимон яс- миқ	—	$\varnothing 2,5$	$\varnothing 6,3$	$\varnothing 5,2$
Майда уругли ясмиқ ва оқ жүхори	—	$\varnothing 1,2$	$\varnothing 4,8$	—
Бурчоқ, күйбош нұ- хат ва вика	—	$\varnothing 2,0$	—	—
Озуқабоп дуккакли- лар ва соя	—	$\varnothing 3,0$	—	—

Барча ғалвирларнинг қолдиқ маҳсулотлари алоҳида қилиб таҳлил таҳтачасига түқилади. Ҳар бир ғалвирнинг қолдигидан құл билан аниқ намоён бўлган ифлослантирувчи ва донли аралашмалар ажратиб олинади. Бунда ҳар қайси дон тури учун стандартда кўрсатилган талабларга таяниб иш олиб борилади. Ифлослантирувчи аралашмаларни ажратишга мўлжалланган ғалвирлар эланмасининг таркибидан фақат заарарли аралашмаларгина ажратиб олинади. Қолган эланма маҳсулоти тўлалигича ифлослантирувчи аралашмага таалуқли деб ҳисобланади.

Икки донли сули ва сулининг жуфт донлари элашдан олдин бир-биридан ажратилади.

Бўш қолган пўстлоқлар ифлослантирувчи аралашмага, кам ривожланган донлар эса донли аралашмаларга таалуқли бўлади.

Донли аралашма таркибидан ажратилган ёрмабоп сули таҳлил қилинганда $1,8 \times 20$ мм тешикили ғалвирнинг қолдигидаги қобиғи олинган сули, буғдой, полба, жавдар ва арпа донлари ажратилиб, алоҳида ҳисобга олинади. Шунингдек, тешик ўлчами $1,8 \times 20$ ммлик ғалвирнинг қолдиқ маҳсулотидаги ва эланмасидаги буғдой ва полбанинг, жавдар ва арпанинг, маккажүхори, нұхат, күйбош нұхат, бурчоқ, ясмиқ, соя, ловия, баҳорги вика, озуқабоп дуккаклиларнинг йифиндиси миқдори ҳисобга олинади.

Донли аралашма таркибидан ёрмабоп арпа таҳлил қилинганда тешик ўлчами $2,2 \times 20$ ммлик ғалвирнинг қолдиқ ва эланма маҳсулотларидағи заараланмаған буғдой ва полба

донларининг, бутун ва заарланган жавдар ва сули донларининг, пишиб етилмаган ва ривожланмаган арпа донларининг йифиндиси миқдорлари алоҳида ҳисобга олинади.

Ёрмабоп нўхат дони таҳлил қилинганда, тешик диаметри 5 мм лик ғалвирнинг қолдиқ ва эланма маҳсулотлари таркибидаги бутун уруф паллаларининг ва ярмидан каттароқ қисми қолган синган уруғларнинг йифиндиси миқдори алоҳида ҳисобга олинади. Сўтали маккажӯҳори дони таҳлил қилинганда (ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг миқдори) лаборатория усулида сўтадан ажратилган дон ва тозаланган сўта ўқлари бўйича аниқланади. Бу вазиятда шикастланган донлар (тешик диаметри 2,5 мм лик ғалвирнинг эланмаси ҳам шу ерга киради) ва эзилган соғлом донлар ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг таркибиға киритилмай, балки асосий донга даҳлдор деб ҳисбланади.

Ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг ажратилган фракциялари алоҳида ўлчанади ва қабул қилинган ўлчанма массасига нисбатан фоизларда ифодаланади.

Қўшимча ўлчанмадан олинган аниқ намоён бўлмаган бузилган ва заарланган дон миқдорларини аниқлаш

Буғдой, жавдар, арпа, сули, тарик, оқ жўхори ва маржумак донларидағи аниқ намоён бўлмаган бузилған ва заарланган донларнинг миқдори аниқ намоён бўлган ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозаланган қўшимча ўлчанмада аниқланади.

Бузилган ва заарланган буғдой, жавдар, арпа, оқ жўхори ва сули донларининг миқдорини аниқлаш

✓ Ўрта намунадан ташқи кўриниши шубҳали бўлган буғдой, жавдар, арпа ва оқ жўхори донлари 10 г миқдорда ўлчаб олинади. Улар кўндалангига кесилади.

Стандартларга мос равишда ҳар қайси экин турига боғлиқ ҳолда донлар бузилган ёки заарланган донларга даҳлдор бўлиб, улар алоҳида ўлчанади.

Массаси 10 г бўлган ҳамма сули донларидан қўл билан гул қобиги ажратилиб, бузилган ва заарланган донлар

ажратиб олинади. Бузилган ва зааралнган донлар ажратилган пўстоклари билан бирга ўлчанади.

Натижаларга ишлов бериш

10 г массали ўлчанмадан ажратиб олинган бузилган ёки зааралнган донларнинг миқдори (X_1) фоизларда куйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$X_{\delta_1} = \frac{m_{\delta_1} \times m}{5} - \text{буғдой, жавдар, арпа ва сули учун,}$$

$$X_{\delta_1} = \frac{m_{\delta_1} \times m}{2,5} - \text{оқ жўхори учун.}$$

Бу ерда: m_{δ_1} — 10 г ўлчанмадан ажратилиб олинган, бузилган ёки зааралнган донларнинг массаси, г;

m — массаси 50 г лик (оқ жўхори учун 25 г лик) ўлчанмадан донли ва ифлослантирувчи аралашмаларни ажратиб олгандан кейин қолган доннинг массаси (г ҳисобида).

Массаси 50 г лик (оқ жўхори учун 25 г лик) ўлчанмадан ва массаси 10 г лик қўшимча ўлчанмадан ажратиб олинган бузилган ёки зааралнган донларнинг умумий миқдори куйидаги формулалар бўйича ҳисобланади:

$$X_{\delta} = 2 \times m_{\delta_2} + X_{\delta_1} - \text{буғдой, жавдар, арпа ва сули учун;}$$

бу ерда: m_{δ_2} — 50 г лик (оқ жўхори учун 25 г лик) ўлчанмадан ажратиб олинган аниқ намоён бўладиган бузилган ёки зааралнган донларнинг массаси, г.

Мисол. 50 г массали буғдой ўлчанмаси таҳлил қилинганда, куйидаги миқдорда аралашмалар ажратилган: ифлослантирувчи аралашмалар — 0,45 г, жумладан бузилган донлар — 0,05 г; донли аралашмалар — 0,75 г, жумладан қуритишида зааралнган донлар — 0,25 г. Донли ва ифлослантирувчи аралашмалардан тозалантандан кейин қолган доннинг массаси:

$$m = 50 - (0,45 + 0,75) = 48,8 \text{ г}$$

10 г массали қўшимча ўлчанмадан 0,04 г бузилган, 0,10 г зааралнган донлар ажратиб олинган. 10 г ўлчанмадан ажратиб олинган бузилган донларнинг ифлослантирувчи

ва донли аралашмалардан тозаланган 50 г лик ўлчанмага нисбатан миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$X_{\delta_1} = \frac{0,04 \times 48,8}{5} = 0,39\%$$

Бузилган донларнинг умумий миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$X_{\delta} = 2 \times 0,05 + 0,39 = 0,49\%$$

Заараланган донларнинг миқдори ҳам юқоридаги тартибда топилади:

$$X'_{\delta_1} = \frac{0,10 \times 48,8}{5} = 0,98\%$$

Ўлчанмадаги заараланган донларнинг умумий миқдори қуйидагича бўлади:

$$X' = 2 \times 0,25 + 0,98 = 1,48\%.$$

Тариқ донидаги бузилган ёки заараланган донларнинг миқдорини аниқлаш

10 г массали тариқ донидан олинган ўлчанма қобиқдан тозаланади.

Қобиги ажратилиб, тўлиқ пўстлоғидан тозаланган дон ўлчанади, сўнгра ушбу экин дони учун стандартларда баён қилинган тавсифга мувофиқ бузилган ёки заараланган донлар ажратилади. Бузилган ёки заараланган донлар алоҳида ўлчанади.

Натижаларга ишлов бериш

10 г массали ўлчанмадан ажратилган бузилган ёки заараланган донларнинг миқдори фоизларда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$X_{\delta_1} = \frac{m_{\delta_1} \times m \times 100}{m_{аж} \times 25} = \frac{4 \times m_{\delta_1} \times m}{m_{аж}};$$

бу ерда: m_{δ_1} — 10 г массали ўлчанмадан ажратилган бузилган ёки заараланган магнитларнинг массаси, г;

m_{ax} — 10 г массали ўлчанмадан олинган ҳамма магизларнинг массаси, г;

m — 25 г массали ўлчанмада донли ва ифлослантирувчи аралашмалар ажратиб олингандан сўнг қолган арчилмаган донларнинг массаси, г.

25 г лик ўлчанмадан ва 10 г массали қўшимча ўлчанмадан ажратиб олинган бузилган ёки зааралangan донларнинг фоизлардаги миқдори (X_δ) куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$X_\delta = 4m_{\delta 2} + X_{\delta 1},$$

бу ерда: $m_{\delta 2}$ — 25 г массали ўлчанмадан ажратилган бузилган ёки зааралangan донларнинг массаси, г.

Мисол. 25 г тариқни таҳлил қилганда қуйидаги аралашмалар ажратилган: ифлослантирувчи аралашмалар миқдори — 2,80 г, жумладан бузилган арчилган тариқ донлари — 0,20 г; донли аралашмалар миқдори — 1,50 г, жумладан зааралangan арчилган донлар — 0,50 г. 25 г ўлчанмада ифлослантирувчи ва донли аралашмалар ажратиб олингандан кейин қолган қобиқдан тозаланмаган тариқ донининг массаси қуйидагича топилади:

$$m = 25 - (2,8 + 1,5) = 20,7 \text{ г}$$

10 г тариқ ўлчанмасидан қобиги тозалангандан сўнг куйидаги аралашмалар ажратилган: қобиқдан тозалангандан тариқ магизи — $m_{ax} = 8,43$ г; бузилган магиз — 0,20 г; зааралangan магиз — 0,30 г.

Дастлабки ўлчанма (20,7 г)да қобигидан тозаланмаган тариқ донидаги бузилган донларнинг миқдорини топамиз.

$$X_{\delta 1} = \frac{4 \times 0,20 \times 20,7}{8,43} = 1,96\%;$$

Ингандан донларнинг умумий миқдори қуйидагича топилади:

$$X_\delta = 4 \times 0,20 + 1,96 = 2,76\%$$

Кобиги олинмаган ўлчанма (20,7 г)даги зааралangan донларнинг миқдори топилади:

$$X_{\delta 1} = \frac{4 \times 0,30 \times 20,7}{8,43} = 2,95\%;$$

Зааралнган донларнинг умумий миқдорини ҳисоблашмиз:

$$X_{\delta} = 4 \times 0,50 + 2,95 = 4,95\%$$

Маржумакдаги бузилган донларнинг миқдорини аниқлаш

5 г ўлчанмали барча маржумак донлари олмос билан кесилиб, бузилган магизли донлар ажратилади.

Ажратилган бузилган маржумак донларининг пўстлоғи ва магиз қисмлари биргаликда ўлчанади.

Натижаларга ишлов бериш

5 г массали ўлчанмадан ажратилган бузилган маржумак донларининг фоизлардаги миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$X_{\delta 1} = \frac{2 \times m_{\delta 1} \times m}{5};$$

бу ерда: $m_{\delta 2}$ — 5 г ўлчанмадан ажратиб олинган бузилган маржумак донларининг массаси, г;

m — ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозаланган 50 г массали ўлчанмада қолган қобиги ажратилмаган маржумак донининг массаси, г.

50 г массали ўлчанмадан ва 5 г массали қушимча ўлчанмадан ажратилган бузилган маржумак донларининг фоизларда ифодаланган умумий миқдори (X_{δ}) қуйидаги формула бўйича топилади:

$$X_{\delta} = 2 \times m_{\delta 2} + X_{\delta 1};$$

бу ерда: $m_{\delta 2}$ — 50 г массали ўлчанмадан ажратилган, бузилган, қобиги тозаланмаган маржумак донларининг массаси, г.

Мисол. 50 г массали маржумак дони ўлчанмасидан қуйидаги қисмлар ажратилган: ифлослантирувчи аралашмалар — 1,10 г, жумладан бузилган қобиги тозаланган донлар — 0,10 г; донли аралашмалар — 0,70 г. Ифлослантирувчи ва донли аралашмалар ажратиб олингандан сунг 50 г ли маржумак ўлчанмасининг массаси қуйидагича топилади:

$$m = 50 - (1,10 + 0,70) = 48,2 \text{ г}$$

5 г массали күшімча үлчанмадан 0,22 г бузилған донлар ажратылған. Ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозаланған дон массасига нисбатан 5 г үлчанмадан ажратылған бузилған донларнинг миқдори қуидаги ҳисобланади:

$$X_{\text{з1}} = \frac{2 \times 0,22 \times 48,20}{5} = 4,24\%$$

Бузилған донларнинг умумий миқдорини ҳисоблаймиз.

$$X_s = 2 \times 0,10 + 4,24 = 4,44\%$$

Зараrlи ва алоҳида ҳисобга олинадиган аралашмалар миқдорини аниқлаш

Зараrlи ва алоҳида ҳисобга олинадиган аралашмалар бир-биридан бұлак равища аниқланади. Зараrlи аралашмаларга қуидагилар киради: қоракосов, нематода билан заарланған донлар, мастак, ранг-баранг вязел, судралувчи какра, сафара тулкідүм, эшакмия, кампирчопон, арпа донидаги тош қоракуя, жавдар ва сулида учрайдиган қаттық қоракуя, бүгдей ва тарық донида учрайдиган хұл қоракуя.

Алоҳида ҳисобга олинадиган аралашмалар таркибиغا қоракуялы дон, донник уруги, ёввойи саримсоқнинг илдиз меваси, тош, металмагнит аралашмалар киради. Агар дон түркүмини ташқи кузатув натижасида ёки уни таҳлил қылғанда заарли аралашмалар топилса, уларнинг миқдори күшімча үлчанмада аниқланади. Күшімча үлчанма йирик ифлослантирувчи аралашмалардан тозаланған ўрта намунадан ажратыб олинади. Қуида заарли аралашмаларнинг миқдорини аниқлаш учун күшімча үлчанмаларнинг массалари көлтирилған. Арпадаги қоракуяны ағықдаш учун — 500 г; арпадан бошқа экін донларидаги, жумладан бүгдей ва жавдар таркибидаги қоракуянинг миқдорини аниқлаш учун — 200 г; мастак миқдорини аниқлаш учун — 200 г; қолған заарли аралашмалар миқдорини аниқлаш учун — 500 г күшімча үлчанма ажратылади. Күшімча үлчанма күл билан таҳлил қилинади. Ажратылған заарли аралашмалар түрлари бүйіча алоҳида үлчанади. Ҳар қайси турдаги заарли аралашмалар миқдори (%) қуидаги формула бүйіча топылади:

$$X_1 = \frac{(m_1 \times 100)}{m};$$

бу ерда: m — ажратилган заарали аралашманинг массаси, г;

m — қўшимча ўлчанманинг массаси, г.

Дон таркибида маълум бўлган заарали аралашмаларнинг тури ва миқдори дон ифлослантирувчи аралашмаларининг умумий миқдори аниқланган пайтда кўрсатилади. Турдаги ҳар қайси экин дони учун стандартларда заарали аралашмаларнинг йўл қўйиладиган миқдори турлар бўйича кўрсатилади,

Агар қўшимча ўлчанманинг таркибида кампирчопон уруғи топилса, унинг миқдоридан қатъи назар бу дон туркуми заарали аралашмага эга деб ҳисобланади.

✓ Қоракуяли дон миқдорини аниқлаш

Қоракуя билан зааралangan донлар заарланиш даражаси бўйича икки хил бўлади. Улар тўлиқ зааралangan дон ва тукларининг ости зааралangan донларdir.

Аммо таҳлил қилиш пайтида ҳаммаси қоракуяли дон деб умумлаштирилади.

Ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозалangan ўрта намунадан 20 г қўшимча ўлчанма ажратилади. Ундан лупа ёрдамида қоракуяли донлар ажратиб олинади, ўлчанади ва уларнинг миқдори (%) аниқланади:

$$X_2 = \frac{m_2 \times 100}{20} = 5 \times m_2;$$

бу ерда: m_2 — 20 г ўлчанмадаги қоракуяли донларнинг массаси, г.

Дондаги қашқарбеда уруғи ва ёввойи саримсоқ илдизмевасининг миқдорини аниқлаш

Аниқ намоён бўладиган ифлослантирувчи ва донли аралашмаларни аниқлашда ўрта намунадаги қашқарбеда уруғи ва ёввойи саримсоқ илдизмеваси ифлослантирувчи

аралашмалар таркибига киритилади. Бундан ташқари, у ёки бу аралашмаларнинг миқдори 1 кг донга нисбатан донларда алоҳида кўрсатилади. Бунинг учун ўрта намунадан 500 г массада ўлчанма ажратиб олинади. Бу ўлчанма 1,7x20 мм ўлчамли фалвирда (таксинан 100 г ли) бўлакларга бўлиб эланади. Сўнгра қўл билан эланма таркибидан қашқарбела уруғлари, қолдиқ таркибидан эса саримсоқ илдизмевалари териб олинади. Топилган уруғ ёки саримсоқ илдизмеваларининг сони 2 га кўпайтирилади.

Дондаги тошларнинг миқдорини аниқлаш

Йирик ифлослантирувчи аралашмалардан тозаланган ўрта намунадан 500 г массали дон (урӯғ) ўлчанмаси ажратиб олинади. Ўлчанма тешик ўйчами $\varnothing 1,5$ мм бўлган фалвирда эланади. Фалвирнинг қолдиқ маҳсулоти таркибидан тошлар териб олинади ва ўлчанади. Уларнинг миқдори (%) куйидагича ҳисобланади:

$$X_{\text{н}} = \frac{m_1 \times 100}{500} = \frac{m_1}{5};$$

бу ерда: m_1 — 500 г массали ўлчанмадан терилган тошларнинг массаси, г. Тошларнинг умумий миқдори (%) куйидаги формуладан топилади:

$$X_{\text{н}} = X_{\text{н}} + X_{\text{н}}^{+}$$

бу ерда: $X_{\text{н}}$ — ўрта намунани тешик диаметри 6 мм ли фалвир ёрдамида элаганда қолдиқ маҳсулоти таркибидан терилган йирик тошчаларнинг фоизлардаги миқдори.

Дондаги металмагнитли аралашмалар миқдорини аниқлаш

Металмагнитли аралашмаларнинг миқдори ўрта намунадан ажратиладиган 1 кг массали ўлчанмада аниқланади. Дон (урӯғ) силлиқ юзага қалинлиги 0,5 см дан катта бўлмаган текис қават ҳосил қилиб ёйлади. Дон (урӯғ)даги металмагнит аралашмалар юк кўтара олишлик имконияти 12 кг дан кам бўлмаган тақасимон магнит билан ажратилади. Магнитнинг оёқчалари ёрдамида бутун дон қалинлиги бўйлаб магнит ўтказилади. Магнитга ёпишиб қолган аралаш-

малар ажратиб олиниб, косачага солинади. Дон йигилади, яна қайтадан юпқа қават ҳосил қилиб ёйиб чиқилади ва бутун тадбир тақрорланади.

Йигилган металлмагнитли аралашмалар ўлчанади ва уларнинг миқдори 1 кг донга нисбатан миллиграммларда ифодаланади.

Дондаги қийин ажралувчи аралашмалар миқдорини аниқлаш

Донни тозалаш усули бўйича ҳамма аралашмалар осон ва қийин ажралувчи аралашмаларга бўлинади. Бу катта амалий аҳамиятга эга бўлган ҳолатдир.

Қийин ажралувчи маданий аралашмаларга қўйидагилар киради: баҳорги буғдой таркибида — арпа; қишки буғдой таркибида — жавдар; сули таркибида — арпа. Арпа таркибида қийин ажралувчи ифлослантирувчи аралашмаларга сафара тулкидум, гажжакдум термопсис, кўккўз; тариқ таркибида эса мингбуш уруги, ғумай, кўккўз, судралувчи какра, эшакмия, товуқ тарифи киради.

Ишлаб чиқаришда дон таркибидан дон тозаловчи машиналар ёрдамида ажратиб олишнинг иложи бўлмаган аралашмалар ажралмайдиган аралашмалардир. Қийин ажралувчи аралашмалар миқдорини аниқлаш стандартларда кўрсатилган. Уларнинг дон таркибида қолган миқдори тўғрисида донни ифлосланганликни аниқлаш анализаторидан ўтказиб фикр юритиш мумкин.

Ифлослантирувчи ва донли аралашмаларни аниқлаш натижаларига охириги ишлов бериш

Ифлослантирувчи аралашмаларнинг умумий миқдори фоизлар ҳисобида қўйида келтирилган аниқлаш амалларининг мажмуаси сифатида ифодаланади:

— тешик диаметри 6 мм ли ғалвирда қолган қолдиқ таркибидан йирик органик аралашмалар ҳамда асосий ўлчанмадан ажратиб олинган органик аралашмалар миқдори аниқланади;

— тешик диаметри 6 мм ли ғалвирда қолган таркибидан йирик минерал аралашмалар ҳамда асосий ўлчанмадан

ажратиб олинган тошдан бошқа минерал аралашмаларнинг миқдори аниқланади;

— тешик диаметри 6 мм ли галвирнинг қолдигидан ажратилган тошчалар ҳамда құшимча 500 г массасы үлчанма таркибидан ажратиб олинган тошчалар миқдори аниқланади;

— тешик диаметри 6 мм ли галвирнинг қолдигидан ҳамда асосий үлчанмадан ажратилган ифлослантирувчи ва маданий үсімлік уруғларининг миқдори аниқланади;

— асосий ва құшимча үлчанмадан ажратилган бузилган донларнинг миқдори аниқланади;

— құшимча үлчанма таркибидан ажратилған зааралы аралашмалар миқдори аниқланади;

— түрли әкін түрлари бүйіча стандартларда ифлослантирувчи аралашмаларни аниқлашга мүлжалланған галвир эланмаларининг миқдори аниқланади.

Донли аралашмаларнинг умумий миқдори (%) асосий үлчанмадан ажратиб олинған аниқ намоён бүладиган донли аралашмалар фракцияси ва құшимча үлчанмадан ажратилған заараланған донлар фракцияларининг йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

✓ 8- §. МАЙДА ДОН МИҚДОРИНИ ВА ДОННИНГ ЙИРИКЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Стандартларда алоқида әкін донларига (уруғлари) нисбатан майда дон миқдорини аниқлаш ва донларни йирикligи бүйіча гурухларға ажратиши үсууллари көлтирилған.

Майда дон миқдори ва доннинг йириклигі ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг миқдори билан бир вақтда аниқланади. Майда дон миқдори бүгдой, жавдар, озиқ-овқатбоп, пивобоп ва озуқабоп арпа, сули, тарық, маржумак, шоли, маккаждүхори ва нұхат донларининг таркибидан аниқланади. Йириклик күрсатқици эса пивобоп арпа, маржумак, нұхат ва ликопчасимон ясмиқ донларини таҳлил қылғанда құлланилади.

Ифлослантирувчи ва донли аралашмалар миқдорини аниқлаш учун ажратилған үлчанмалар галвирда эланади. Йирикликни аниқлашға мүлжалланған галвирнинг қолдиги ва майда дон (уруғ)ларни ажратиб олишга мүлжалланған

эланма маҳсулотлари ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозаланиб, сўнгра ўлчанади.

■ Майдадон миқдори ёки йириклик (%) қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$X = \frac{m_1 \times 100}{m};$$

бу ерда: m_1 — майдадон (уруг) фракциясининг ёки йириклини аниқлашга мўлжалланган ғалвир қолдиги таркибида қолган дон (уруг)нинг массаси, г;

m — ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозалангандай ўлчамна таркибида қолган дон (уруг)нинг массаси, г.

Мисол. Пивобоп арпа таркибидаги майдадон миқдорини ва доннинг йириклигини ҳисоблаш.

50 г массали ўлчаммани элаб, уни ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозалагандан сўнг 2,5x20 мм ишчи ўлчамли ғалвирнинг қолдигида 34,30 г ва 2,2x20 мм ишчи ўлчамли ғалвир қолдигида 10,85 г, шунингдек 2,2x20 мм ишчи ўлчамли ғалвирнинг эланмасида 1,68 г — ҳаммаси бўлиб 46,83 г асосий дон қолди.

Аралашмаларнинг умумий миқдори 3,17 г.

Бунда йириклик қўйидагича ҳисобланади:

$$\frac{34,3 \times 100}{46,83} = 73,24 \text{ ёки } 73,2\%$$

Майдадон миқдори топилади:

$$\frac{1,68 \times 100}{46,83} = 3,58 \text{ ёки } 3,6\%$$

9- §. ДОН МАССАСИННИГ ТАБИИЙ ҚИЯЛИК ВА ИШҚАЛАНИШ БУРЧАГИНИ АНИҚЛАШ

Дон массаси турли компонентларнинг йигиндисидан, шунингдек асосий экинларнинг донларидан, аралашмалардан, микроорганизмлардан, доилар орасидаги ҳаводан, ҳашаротлар ва каналардан ташкил топган. Доида табиати бўйича турлича бўлган компонентларнинг мавжудлиги туфайли уларда ўзига хос хусусиятлар юзага келади. Қайсики бу хусусиятлар донни сақлашда эътиборга олиниши зарур.

Шундай қилиб, дон массаси ўзида турли хил компонентлар (дон, аралашмалар)ни сақлады, бу эса доннинг окувчанлигига таъсир кўрсатади. Окувчанлик хусусияти катта амалий аҳамиятга эга. Окувчанлик туфайли дон массаси норияларда, транспортёрларда ва бошқа машиналарда осон ҳаракат қиласди. Шунингдек, донларни бункерларга, силосларга жойлаштиришда ва ўзи оқизар қувурлар ёрдамида улардан чиқариб олишда ушбу хусусияти асқотади.

Дон массасининг окувчанлигини зътиборга олган ҳолда ўзи оқизар қувурларнинг минимал қиялик бурчаги ҳамда элеваторларда, ун, ёрма ва омухта ем ишлаб чиқариш заводларида бункер ва силосларнинг ҳақиқий ҳажмлари аниқланади. Сақлаш жараёнида дон массасининг окувчанлиги камаяди.

Окувчанлик кўрсаткичи доннинг ишқаланиш ва табиий қиялик бурчаклари билан баҳоланади.

Табиий қиялик бурчаги деб дон массасининг горизонтал текисликка тушиб ҳосил қилган конус асосининг диаметри билан ташкил қилувчиси орасидаги бурчакка айтилади.

Ишқаланиш бурчаги деб, дон массасининг қия юза бўйлаб ҳаракатга кела бошлаган энг кичик бурчагига айтилади.

Дон массасининг окувчанлик даражасига дон массасидаги қаттиқ жисмларнинг грануламетрик таркиби ва табиати таъсир кўрсатади. Булар дон ва аралашмалар юзасининг ҳолати, тавсифи, шакли, ўлчамлари, намлиги, аралашмаларнинг таркиби ва миқдори, шунингдек сирпанувчи юзадан, материалидан ва шаклидан иборат.


Юқори окувчанликка ва кичик табиий қиялик бурчагига эга бўлган дон массалари юмалоқ шаклга, силлиқ юзага эга бўлган доңлардир. Булар тариқ, нўхат, соя ва бошқалар.

Донлар шакли юмалоқ кўринишдан узоклашган сари уларнинг окувчанлиги камаяди. Дон массалари таркибидаги аралашмалар миқдори унинг окувчанлигини камайтиради. Айниқса енгил аралашмалар (сомон, хас ва бошқалар) уни сезиларли даражада камайтиради.

Дон массасининг намлиги ошиб борган сари унинг окувчанлиги камаяди ва аксинча, табиий қиялик бурчаги ортиб боради.

Дон массасининг табиий қиялик бурчаги 12- расмда келтирилган асбоб ёрдамида аниқланади.

Бу курилма чиқарувчи қисми ёпиладиган воронка (1) ва бу воронкани маҳкамлаш учун таглик (2), бурчакни ўлчаш учун юк боғланган транспортир (3) ва чизгичдан ташкил топ-



12- расм. Воронкадан тўкилганда доннинг табиий қиялик бурчагини аниқлаш учун қурилма.

1 — воронка; 2 — таглик; 3 — транспортир.

ган. Воронкада тўкиладиган доннинг баландлиги аниқ қийматга эгадир. Воронка текшириладиган дон билан юқориги қисмигача тўлдирилади. Воронкадан тушаётган дон массаси текис юзада конус ҳосил қиласиди. Асос диаметри ва конуснинг ҳосил қилувчиси ўртасидаги бурчак табиий қиялик бурчагидир. У чизгич ва транспортир ёрдамида аниқланади.

10- §. ДОНЛАР ОРАСИДАГИ БЎШЛИҚ, ЖОЙЛАШУВ ЗИЧЛИГИ ВА ДОНЛАРНИНГ ҲАВО БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Дон массаси омборларда ёки силосларга жойлаштирилганда зич масса ҳосил қilmайди. Унинг қаттиқ компонентлари орасида эркин бушликлар қолади, қайсики бу оралиқлар ҳаво билан тўлгандир. Донларнинг жойлашув зичлиги

ва улар орасидаги бұшлик дон массасининг умумий ҳажмига нисбатан фоизларда ифодаланади.

Дон массасининг жойлашув зичлиги ва улар орасидаги бұшликнинг мавжудлігі сақлашда катта амалий аҳамиятта зға. Донлар орасыда ҳавонинг мавжудлігі дон массасининг ҳарорати ва намлигининг ўзгаришига таъсир күрсатади ва унда кечадиган физиологик жараёнларнинг тавсифини аниқлади. Донлар орасидаги ҳаво ғоваклар бүйіча жойлашиб, иссиқликни конвекция йўли билан узатади ва намлик дон массаларидан буғ кўринишида тарқалади. Донлар орасидаги бұшликнинг мавжудлігі уларни куритиш, фаол шамоллатиш ва газация ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

Дон массасининг ғоваклиги уруғларни сақлашда уларнинг ҳаёт фаолиятига катта таъсир күрсатади. Дон массаларининг жойлашув зичлиги ва ғоваклиги унинг таркибидаги қаттиқ компонентларнинг шаклидан, ўлчамидан, юзасининг ҳолатидан, дон массасининг намлигидан, туркумнинг ҳажмидан, омборнинг шакли ва ўлчамларидан, уни тўлдириш усулидан ҳамда сақлаш муддатидан boglik bўлади.

Жойлашув зичлиги фоизларда ифодаланади ва қўйидаги формула билан топилади:

$$t = \frac{V}{V_1} \times 100,$$

ғоваклик эса

$$S = \frac{V_1 - V}{V_1} \times 100$$

V - дон массаси таркибидаги қаттиқ компонентларнинг ҳақиқий ҳажми, см^3 ;

V_1 - дон массасининг умумий ҳажми, см^3 .

Кузатишларга қараганда t ва S нинг янада аниқ ва солиширма қийматларини ГОСТ 10846—76 га асосланиб, 1000 та доннинг массасини топиш усулидан фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин.

1000 та доннинг ҳақиқий ҳажми аниқ ҳажмгача (10—50 см^3) дон намиқмайдиган суюқлик — керосин солинган

ўлчамли цилиндрга олдиндан саналган донларни ташлаш йўли билан аниқланади. Сув ишлатишга рухсат берилмайди, чунки сувнинг миқдори донлар томонидан шимилиши мумкин. Шунингдек, донлар тўлиқ намланмаслиги, дон массалари орасидан ҳавонинг учеб кетиши ва шулар ҳисобига ноаниқ натижалар юзага келиши мумкин. 1000 та донни цилиндрга туширгандан кейин унинг ичидаги суюқликнинг ошган қиймати ҳақиқий ҳажмнинг изланаетган қийматини беради.

Дон массасининг умумий ҳажмини V , натура орқали ифодалаш мумкин ва исталган оқувчан массасининг ҳажмини аниқловчи формуладан фойдаланиш мумкин.

$$V_1 = \frac{P \times 1000}{j},$$

бу ерда: P — 1000 та доннинг массаси, грамм;

j — доннинг натураси, г/л (литрли пуркаларда аниқланади ГОСТ 10840-64).

Донлар орасидаги бўшлиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S = 100 - t, \%$$

Унга t ва V нинг қийматларини қуйиб,

$$S = 100 - \frac{V}{V_1} \times 100,$$

$$S = 100 - \frac{V \times j \times 100}{P \times 1000},$$

$$\text{ёки } S = 100 - \frac{V \times j}{P \times 10} \text{ лар топилади.}$$

P , V ва V_1 лар ҳисобланиб, дон массаларининг жойлашув зичлиги, улар орасидаги бўшлиқ ва шу бўшлиқнинг ҳаво билан таъминланганлик қийматлари топилади.

Дон массасининг асосий тавсифларидан бири унинг ҳаво билан таъминланганлиги ёки 1 тоинада дон массасида мавжуд бўлган ҳавонинг ҳажмидир. Бу кўрсаткич дон массасини фаол шамоллатишида қўлланилади. Дон массасининг ҳаво

билин таъминланганлиги ($\text{см}^3/\text{г}$ ёки $\text{м}^3/\text{г}$) қўйидаги формула билан аниқланади:

$$F = \frac{V_1 - V}{P}.$$

Бу ерда: $V_1 - V$ — 1000 та дондан ташкил топган дон массаси таркибидаги ҳавонинг ҳажми, см^3 ;

Формулага V_1 нинг қийматини қўйган ҳолда қўйидаги қўринишни оламиз:

$$F = \frac{\frac{100 \times P}{j} - V}{P} = \frac{1000}{j} - \frac{V}{P}.$$

Дон омборларидаги донлар орасидаги ҳавонинг ҳақиқий ҳажми нафақат P, V, j каби катталиклардан, балки дон массасининг жойлашув зичлигидан, ўз навбатида сақлашнинг давомийлигидан ва сақлаш шароитларидан ҳам боғлиқдир.

11- §. ТЕНЗИМЕТРИК УСУЛ ЁРДАМИДА ДОННИНГ МУВОЗАНАТДАГИ НАМЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Дон массасининг намлиги уни сақлашдаги асосий қўрсаткичидир. Бироқ маълумки, сақлашда донларнинг намлиги сақлаш шароитидан боғлиқ ҳолда ўзгаради: намлик ва ҳавонинг ҳарорати.

Дон массасининг намланиши ёки қуриши ташқи ҳаводаги сув буғларининг босимига ва донларнинг юзасидаги намлик миқдорига боғлиқдир. Ташқи ҳаво буғларининг нисбий намлиги билан донлар орасидаги нисбий намликнинг фарқи қанчалик катта бўлса, намликнинг сорбцияси ёки десорбцияси шунчалик тез боради. Бир қанча вакт ўтиши билан ҳаводан донга ёки дондан ҳавога сувнинг ўтиши тутайди — дон динамик мувозанат ҳолатига келади. Бу пайтда ташқи ҳаводаги сув буғининг парциал босими билан дон массаси юзасидаги парциал босим бир-бирига тенг бўлади. Дон массасининг мувозанатдаги намлиги тензиметрик ва динамик усуllар билан аниқланади.

Донларнинг мувозанатдаги намлигини тензиметрик усул билин аниқлаш

Дон массасининг мувозанатдаги намлигини аниқлаш қўйидагича амалга оширилади. Текширилаётган дондан олинган ўлчанмалар ўлчанганди шиша бюксарларга ёки идишларга солинади. Булар — гигростат юза қисмиди аниқ тарангликка эга бўлган сув буглари мавжуд суюқлик солинган экспикаторга қўйилади. Вакт утиши билан донларнинг ўзига намлики шимдириб олиши унинг гигроскоплигидан датолат беради. Тажриба жараёнида эришилган доннинг мувозанатдаги намлиги ўлчанмани қуритиш йўли билан аниқланади. Донларни ўзгармас массасигача қуритиш усули кам аниқликдаги натижаларни беради.

Ҳавонинг аниқ нисбий намлигини ҳосил қилиш учун экспикаторларга 1-2 литрга яқин сульфат кислотасининг керакли концентрацияли эритмасидан ёки тузларининг тўйинган эритмаларидан солинади. Концентрланган кислота эритмалари, ишқорлар ва бошқа моддалар техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда тайёрланади.

Тажрибалар доимий ва қатъий аниқланган ҳароратлар остида икки-учта параллел намуналар билан ўтказилади. Ютиладиган намлик экспикатордаги донлар билан суюқлик ўртасидаги масофадан, маҳсулот қатламиининг қалинлигидан, гигростат қурилмасидан боғлиқ. Бу шартлар барча тажрибаларда бир хил бўлиши ва айниқса, вакт оралиғида намликининг ўзгариш жараёнини ўрганишда бу нарсага алоҳида эътибор бериш керак. Бу усулнинг камчилиги — жараённинг давомийлигига (мувозанат ҳолати 20-30 ва ундан ортиқ кунларда бошланади) ва донларнинг могорланишиладир (ҳавонинг нисбий намлиги 75-80% бўлганда). Булар эса тажриба натижаларига салбий таъсир кўрсатади.

ИШНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

I. Текшириладиган намуналарни қўйилган мақсадни ва кутиладиган натижаларни эътиборга олган ҳолда тайёрлаш керак. Намуналарни стандарт бўйича тўлиқ техникавий таҳлил қилиб, сифат тавсифларини 14- жадвалга ёзиб бориш керак.

14- жадвал

Текширилдиган донларнинг сифати бўйича тавсифи (мисол)

Элан түри, №№	Донлар №№	Носий экзиннинг ўтган месорий экзиннинг ўтган месори, %	Читирнадиги, %	Сифон	Пампинг, %	1000 та донларнинг массаси, г	шарурун г/л	Арӯқ массасига нисбатан ишоради, %			Ёнгимт КОН 1 г ётга нисбатан
								Оғим	Ер		
Бугдой «Юни»	1999	99,6	0,4	111	9,3	35,2	802	13,12	2,17	8,1	

2. Таҳлил учун шиша бюксларни тайёрлаш: уни яхшилаб ювиб, доимий массага келгунча қутиши ва рақамлаб, аналитик тарозида ўлчаб олиш керак.

3. Текширилаётган дондан 5 ёки 10 грамм ўлчанма олиб, ўлчанганди буюксларга солинади ва ҳавонинг намлиги маълум бўлган экспикаторларга жойлаштирилади. Экспикаторнинг гардишини герметик мой ёки вазелин билан яхшилаб мойлаш керак. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг донли буюксларнинг ҳажми ўлчаниб борилади ва улар доимий массага Эришганларидан кейин мувозанатдаги намлиги аниқланади. Тажриба натижалари 15- жадвалга киритилиб, улар бўйича график тузилади. Бунда абсцисса ўқига ҳавонинг тажриба охиридаги намлий намликатлари, ордината ўқига эса доннинг фоизларда ифодаланган мувозанатдаги намлий намликатлари жойлаштирилади.

Юқорида келтирилган тажриба бўйича ўлчанма массасининг ўзгариши ҳисобига исталган кун учун доннинг мувозанатдаги намлиги аниқланади.

Мисол. Доннинг бошлангич намлиги $W=12,5\%$, тажриба бошлангунча доннинг массаси $G=5,0$ г бўлган, қандайдир вақт оралиғида доннинг массаси $G=5,6$ г га ўзгарган.

Тажриба бошлангунча ўлчанма таркибида

$$a = \frac{12,5 \times 5}{100} = 0,625 \text{ г намлик},$$

$5 - 0,625 = 4,375$ г қуруқ модда бўлган.

Шунга асосан, ютилган сувнинг умумий миқдори
 $5,600 - 4,375 = 1,225$ г га тент бўлади.

15- жадвал

Ҳавонинг турли нисбий намликларига тўғри келадиган доннинг
мувозанатдаги намлиқ қийматлари

Экин тури	намуна раками	Ҳавонинг нисбий намлиги (%) ҳисобида)									
		10	20	30	40	50	60	70	80	90	100

Доннинг мувозанатдаги намлиги (%)

$$W_1 = \frac{1,225 \times 100}{5,6} = 21,9\% \text{ га тент бўлади.}$$

Шундай қилиб, доннинг исталган вақтдаги оралиқ намлиги қўйидаги формула бўйича аниқланади.

$$W_1 = 100 - \frac{G_1}{G_2} (100 - W_2).$$

12-§. ДОНЛАРНИНГ ДЕФЕКТЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Қабул қилишда, сақлашда, узатишда донлар сифатининг органолептик белгилари, ҳиди ва бошқа кўрсаткичлари уларнинг тозалик ҳолатини белгилайди. Ўз навбатида донларнинг тозалик ҳолати уларнинг дефектлик даражаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Донларнинг тўртта дефектлик даражаси мавжуд.

Б и р и н ч и дефектлик даражаси солод (майса) ҳиди билан баҳоланади. Тинч ҳолатдан чиқсан донларда кучли физиологик ва микробиологик жараёнлар кечади, натижада етарли ишлов берилмаса, улар сақлашга чидамсиз, бироқ озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ишлатишга яроқли бўлади.

И к к и н ч и дефектлик даражаси дон туркумининг мөгорли димиқкан ҳиди билан баҳоланади. Ҳиднинг жадаллашуви эса уларга мөгорли замбуругларнинг таъсир даражаси билан аниқланади. Донларнинг мағзи ва куртаклари мөгорли замбуруглар билан заарланган бўлмаса, уларга етарли ишлов бериш натижасида озиқ-овқат мақсадида ишлатиш учун яроқли ҳолатга келтириш мумкин.

У ч и н ч и дефектлик даражаси чириган-димиқкан ҳид билан баҳоланади. Чуқурлашиб борувчи жараёнлар мөгорли замбуруглар таъсири остида оқсил ва ёғларнинг парчаланиши ёки бактериозларнинг кучли ривожланиши оқибатида юзага келади.

Т ў р т и н ч и дефектлик даражаси ўз-ўзидан қизишнинг ривожланиши оқибатида қобиқнинг қўнгир-қора рангача ўзгариши билан баҳоланади. Бундай донлар фақат техник мақсадларда қўлланилади.

Арбитражли баҳолаш жараёнида, шунингдек донларнинг дефектлик даражасини характерлаш учун органолептик аниқликлар шубҳа туғдирса, қуйидаги қўшимча кўрсатичлар эътиборга олинади:

биринчи дефектлик даражасида аммиакнинг миқдори 5 дан 15 мг % гача булади; солод ҳидли донлар таркибида униб чиққан донлар миқдори 3% гача мавжуд бўлса, бу ҳидни шамоллатиш ва қуритиш йўли билан йўқотиб бўлмайди. Агар униб чиққан донлар миқдори 3% дан юқори бўлса, аммиакнинг миқдори 22 мг % гача рухсат берилади;

иккинчи дефектлик даражасида аммиакнинг миқдори 15 дан — 40 мг % гача булади; таркибидаги униб чиққан донлар миқдори 3 % гача бўлиб, дон мөгорли-димиқкан ҳидга эга бўлади. Агар униб чиққан донлар миқдори 3% дан ошса, аммиакнинг миқдори 22 дан 40 мг % гача бўлади;

учинчи дефектлик даражасида аммиакнинг миқдори 40 дан 100 мг % гача бўлиб, донлар чириган-димиқкан ҳидга эга бўлади;

тўртинчи дефектлик даражасида аммиакнинг миқдори 40 дан юқори ва 100 мг % гача бўлади; донлар чириган ҳидни намоён қилиб, қобиқ ва мағизлар қораяди.

Донларда аммиакнинг миқдорини аниқлаш (ВНИИЗ услуби бўйича)


Намлиги маълум бўлган 10 г ўлчанма (солод ҳидли донлар учун 15 г) янчилиб, сифими 1000 см³ бўлган айланада тубли колбага солинади. Колбага 100 см³ дистилланган сув, 15 см³ этил спирти (аралашма олдиндан купикланишининг олдини олиш учун) ва олдиндан 20 см³ сув билан аралаштирилган 3 г магний оксиди кўшилади. Бундан ташқари колбага шавел кислотасининг натрийли ёки калийли эритмаси (фосфор кислотасининг боғланиши ва аммиакли — магнезиал фосфорининг ҳосил булиши оқибатида аммиак йуқолишининг олдини олиш учун) солинади. Колбадаги аралашма яхшилаб аралаштирилади. Реакция лакмус қофози билан текширилади — у аниқ ишқорий муҳитни намоён қилиши керак.

Колба тешик резина тиқин билан зич маҳкамланади. Бутешик орқали капилляр найда ўтади. Унинг йўғон томонида эса винтли қисқич бўлган каучук найда мавжуд. Колбага совутгич уланади. Совутгичнинг тугаган қисми тиқин орқали сифими 250 см³ бўлган Бунзен колбасига уланади, у эса ўз навбатида 3 та Зайцев сўргичига уланади. Иккита четдаги сўргич буш кўйилиб, улар бехосдан ўтиб қолган суюқликларни ушлаб қолиш учун хизмат қиласди. Ўртадаги сўргичга 0,1 н H_2SO_4 дан 10 см³ миқдорида солинади. Колба сув ҳаммомига кўчирилади. Четдаги Зайцев сўргичининг бўш томони каучукли найда орқали вакуумли насосга уланади. Аввал насос ишга туширилади, системада вакуум ҳолати юзага келгандан кейин эса сув ҳаммоми қўшилади. Сув ҳаммомининг ҳарорати (термометр бўйича текширилади) ҳайдаш вақтида 40-45°C дан ошмаслиги керак. Аммиакни ҳайдаш бир соат давом этади. Ҳайдашдан олинган маҳсулот миқдори 50-60 см³ дан кам бўлмаслиги керак.

Ҳайдаш тугагандан кейин сўргичлардаги суюқликлар эҳтиёткорлик билан Бунзен колбасига кўчирилади. Ундан суюқлик пуфлаб чиқарилади ва сўнгра сўргичлар дистилланган сув билан уч марта ювилади.

Бунзен колбасига 5 томчи комбинация қилинган индикатор (кўк метилен ва метилрот аралашмаси) томизилади ва 0,05 н.ли $NaOH$ эритмаси билан бинафша рангдан яшил рангга ўтгунча титрланади.

Аммиакнинг миқдорини аниқлаш учун ишлатиладиган курилманинг схемаси 13- расмда кўрсатилган.



13- расм. Дефектли донлардаги аммиакнинг миқдорини аниқлаш схемаси.

1 — термометр; 2 — қисқич; 3 — бостирма; 4 — совуткич; 5 — Бунзен колбаси; 6 — Зайцев сўргичи; 7 — сув ҳамоми; 8 — айланга тубли колба.

Аммиакнинг миқдори (мг %) куйидаги формула билан ҳисобланади.

$$X = \frac{(AK_1 - \frac{BK_2}{2}) \times 1,7 \times 10000}{m(100 - w)};$$

бу ерда:

A — 0,1 н. H_2SO_4 эритмасининг миқдори, см³;

B — 0,5 н. $NaOH$ эритмасининг миқдори, см³;

K_1, K_2 — кислота ва ишқорларнинг нормаллигини аниқлаш учун тўғриловчи коэффициентлар;

1,7 — аммиакни қайта ҳисоблаш коэффициенти;

w — доннинг намлиги, %;

m — текшириласттан дондан олинган ўлчамманинг масаси, г.

Таҳтил натижалари 0,5 мг % аниқликгача яхлитланади.

13-§. ДОН ВА УНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЗАРАРКУНАНДАЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг зааркунандалар билан зааррланганлиги қабул қилиш, сақлаш ва маҳсулотни жўнатиш пайтида аниқланади. Зааррланганлик дон туркумидан ажратиб олинган умумлашган намуна натижаларига кўра дон, ун, ёрма ва омухта ем сифатини аниқлаш усулларига қўйилган давлат стандартига мувофиқ аниқланади.

Омбор ёки майдонда сақланаётган доннинг зааррланганлиги майдони таҳминан 200 м^2 бўлган шартли бўлимдан ажратиб олинган умумлашган намуна бўйича аниқланади. Ҳар бўлимда олтита жой (омбор узунлиги бўйича ҳар қайси қарама-қарши томонларнинг уч жойи)дан нуқтавий намуналар олинади. Намуналар омбор деворидан 1 м ичкаридан ҳамда баландлиги 1,5 м дан юқори бўлган дон масасининг уч қаватидан олинади: юқори қават ўюм юзасидан 100-150 мм чуқурликда бўлган жой, ўрта қават ва кўйи қават (полнинг юзаси). Агарда ўюмнинг баландлиги 1,5 м дан кичик бўлса, намуна юқори ва кўйи қаватлардан олинади. Ҳар қайси қават ва бўлим учун нуқтавий намуналар алоҳида умумлашган намуналарга бирлаштирилиб, улардан таҳлил учун 2 кг миқдорда ўрта намуналар олинади. Дон туркумининг зааррланганлиги зааркунанда миқдори кўпроқ бўлган намуна бўйича ўрнатилади.

Донни қайта ишлашда олинган маҳсулотларнинг зааррланганлигини аниқлаш учун ўрта намунадан 1 кг ун, ёрма, кепак ёки 0,5-1 кг омухта ем ўлчаб олинади.

Доннинг зааррланганлигини баҳолашда зааррланишнинг икки хил тури ўрин тутади. Булар очиқ зааррланганлик ҳамда яширин зааррланганликдир. Агар ҳашарот ва каналар донлар орасидаги бўшлиқда яшаб озиқланса, бундай зааррланганликка очиқ зааррланганлик дейилади. Агар зааркунанда у ёки бу ривожланиш даврида алоҳида доннинг ичидаги яшаса, доннинг бундай зааррланганлигига яширин зааррланганлик деб айтилади (узунбурун қўнғизлар, донхўр қўнғизлар, дон тешувчи қўнғизлар, дон куяси).

Очиқ заараланганлик умумлашган дон намунаси тешик диаметри 1,5 (остки) ва 2,5 мм (устки) фалвирлар йигими-дан иборат мослама ёрдамида элаб ва қолдиқ ҳамда эланма маҳсулотларидағи зааралундалар сонини санаш йўли билан топилади.

Намуна фалвирда қўл кучи ёрдамида бир дақиқада 120 марта айлантириб ёки механизациялаштирилган ПОЗ-1 фалвирда 1 дақиқа давомида эланади. Йилнинг совуқ вақтида, яъни доннинг ҳарорати 5°C дан кичик бўлса, қолдиқ ва эланма маҳсулотлари зааралундаларини совуқдан жумбушган ҳолатидан чиқариш учун 10-20 дақиқа давомида 25-30°C гача қиздирилади.

Доннинг заараланганлиги иккала фалвирнинг қолдиқ ва эланмаларини алоҳида таҳлил қилиш йўли билан аниқланади. Диаметри 2,5 мм бўлган фалвир қолдигини таҳлил тахтасига юпқа қават билан ёйиб, ундаги йирик ҳашаротлар сони саналади. Бу ҳашаротлар мавритания қўнғизи, катта ун ва қора-кулранг миталари, муғамбир қўнғиз ва бошқалар бўлиши мумкин.

Таҳлил тахтасининг қора шишиаси устига тешик диаметри 1,5 мм бўлган фалвир эланмаси юпқа қават ҳосил қилиб ёйилади ва лупа ёрдамида кўрилиб, анча майда зааралундалар ажратиб олинади. Бу зааралундаларга узунбурун қўнғизлар, дон тешувчи қўнғиз, тўғнағич мўйлов ва кичик ун миталари, унхўр қўнғизлар ва каналар мисол бўлади.

Қолдиқ ва эланмаларни таҳлил қилишда тирик зааралундалар ажратиб олинади ва уларнинг 1 кг дондаги сони ҳамда тури аниқланади. Улган ва дон массасига тасодифан тушиб қолган дала зааралундалари бегона аралашмалар таркибиға киритилади ва заараланганликни баҳолашда улар зътиборга олинмайдилар. Доннинг узунбурун қўнғизлар ва каналар билан заараланиши бўйича очиқ заараланганлик даражаси ўрнатилган (16-жадвал).

Бошқа зааралундалар учун заараланганлик даражаси ўрнатилмаган. Заараланганлик 1 кг дондаги зааралундаларнинг сони билан белгиланади ва уларнинг турлари кўрсатилади. Доннинг зааралундалар билан яширин заараланганлиги бир неча усувлар ёрдамида аниқланади. Булар кўйида келтирилган.

Доннинг узунбурун құнғыздар ва каналар билан заарланғанлық даражаси

Даражаси	1 кг дондаги заарқунаңдалар сони	
	Узунбурун құнғыздар	Каналар
I	I тадан 5 тағача	I тадан 20 тағача (20 киради).
II	6 тадан 10 тағача (10 киради)	20 тадан ортиқ, аммо әркін ҳаракатланади, Йигілмалар қосил қылмайды.
III	10 тадан ортиқ	Каналар гүжум қатлам қосил қылған.

Яширин заарланғанлықни донни кесиб аниқлаш усули

Бу усул ГОСТ 10841 стандарты бүйіча амалга оширилади. Үрта намунадан 50 г массали үлчанма ажратиб олинади ва ундан 50 дона дон ажратиб олинади. Скалпель ёки олмос тиғ ёрдамида дон ариқаси бүйлаб кесилади ва турли ривожланиш даври (курт, ғумбак, вояга етган ҳашарот ҳолати)даги тирик ҳашаротлар лупа орқали күрилади. Заарланған доннинг миқдори таҳлил учун олинган доннинг сонига нисбатан фоизларда белгиланади. Бу усул мөхнатталаб, кам унумли, доимо кераклы натижани беравермайды.

Дондаги «тиқинча»ларни бүяш усули

Бу усул доннинг узунбурун құнғыздар билан заарланғанлыгининг яширин шаклини аниқлашда ишлатилади. Маълумки, урғочи құнғыз доннинг юзасини гешиб, чуқурча қосил қылади, бу чуқурчага уруг құяды ва тешикни «тиқинча» билан ёпади. Бу усул тиқинларни сунъий йүл билан катталаштириб, уларни янада яхшироқ пайқаш учун қуюқроқ рангга бўялишига асосланган.

Үрта намунадан 50 г оғирликдаги үлчанма ажратиб олинади. Үлчанмадан 250 та бутун дон ажратиб олиниб, турда

харорати 30°C бўлган идишдаги сувга тушириб, 1 дақиқа мобайнида сақланади. Сувда дон шишади ва «тиқинча» ларнинг ўлчами катталашади. Сўнгра донли тўр сувдан олиниб, 1% ли тоза тайёрланган калий перманганат ($KMnO_4$) эритмасига туширилади. Бу пайтда доннинг «тиқинча»лари ва қобигининг заарланган жойлари қорамтири тусдаги рангга бўялади. Қобиқ юзасидаги ортиқча ранг донли турни 20-30 сония мобайнида совуқ сув ёки сульфат кислотанинг водород пероксид эритмасига тушириб йўқотилади. Доннинг ювилиши унинг юзасидаги диаметри 0,5 мм бўлган қора «тиқинча»ларни сақлаган ҳолда табиий рангига қайтарилишини таъминлайди. «Тиқинча»лар билан бирга ёрилган, механик заарланган ёки доннинг узунбурун қўнғизлар билан ейилган қисми ҳам бўялади. Бунаقا доғлар эгри чизиклар билан чегараланиб, атрофи жадал бўялган, ўрта қисми эса очикроқ рангли бўлади.

Сувдан олинган дон фильтр қоғозининг устига ёйиб қўйилади, дон қуrimасдан «тиқинча»лар эса рангизланмасдан тезгина кўздан кечирилади. «Тиқинча»ли заарланган донлар намунадан ажратиб олинади ва кесилади, сўнгра эса тирик зааркундалар (курт, гумбак ёки узунбурун қўнғизлар)нинг сони саналади.

Яширин заарланганлик заарланган донлар микдорининг таҳлил учун олинган умумий донлар сонига бўлган нисбатининг фоизларда ифодаланган қиймати билан баҳоланади.

Бу усулнинг камчилигига унинг мураккаблиги, кўп вақтни олиши, кам унумлилиги киради.

Зааркундаларнинг намёён бўлиши орқали аниқлаш усули

Бу усул доннинг яширин заарланганлигини аниқлашнинг энг аниқ усулидир. Мазкур усул текширилаётган намунадаги зааркундаларнинг сони ҳамда турини аниқлашга имкон беради. Бироқ бу усул жуда кўп вақтни талаб қиласи. Ўлчанмани донлар орасидаги бўшлиқда учраган ҳашаротлардан тозалайдилар. Шундан сўнг ўлчанма ҳарорати 27°C бўлган термостатга жойлаштирилади. Тажриба бошланган кундан бошлаб 4 ёки 6 ҳафта ўтгандан сўнг

Үлчанма эланади ва зааркунандаларнинг тури ва сони аниқланади.

Кимёвий индикация усули

Дон намунаси нингидрин кимёвий моддаси билан ишлов берилган икки варақ фильтр қофоз орасига кўйиб, пресс ёрдамида эзилади. Бу модда ҳашарот тана суюқлиги билан таъсирашганда рангли реакцияни беради. Дон билан бирга дон ичидаги жойлашган ҳашаротлар ҳам эзилади. Қофозда эса сарик, бинафша рангли доғлар қолади. Уларнинг сони саналади.

Рентгеноскопик усул

Доннинг яширин заарланганлигини аниқлашда портатив рентген асбоби қўлланилади. Рентген қофозида доннинг ҳашарот курти озиқланиб ҳосил қилган бўшлиғи қора доғ шаклида намоён бўлади. Рентген нурлари дон ёки ҳашарот танасига нисбатан бўш жойдан эркинроқ ўтади. Бўшлиқнинг табиати, ўлчамлари ёки шаклига қараб ҳашаротнинг ривожланиш босқичини тахминан айтиш мумкин. Аммо бу усулда ҳам кимёвий индикация усулидаги сингари зааркунанданинг ўлиқ ёки тирик эканлигини аниқлаш қийин.

Акустик усул

Дон ичидаги яшаётган зааркунандалар озиқланиш ёки ҳаракатланиш пайтида овоз чиқаришади. Заарланганликни аниқлашнинг акустик усули қуйидаги принципга асосланади: ҳашарот чиқарган товуш сезгир асбоб ёрдамида қабул қилиниб, электр сигналига айлантирилади. Шундан сўнг бу сигнал бир неча минг маротаба кучайтирилиб, динамик (ёки бош телефон)га узатилади.

Ун ёки кепакнинг заарланганлиги умумлашган намунадан олинган 1 кг массали дон үлчанмасида аниқланади. Уннинг нуқтавий намуналари ун шуплари ёрдамида қопдан ажратиб олинади. Намуна таркибида 5 қоп уни бўлган туркумнинг ҳар бир қопидан олинади. Таркибида 6-100 қоп ун бўлган туркумда камида 5 қоп ундан намуна олинади. Агар ун туркумнинг таркибида қоплар сони 100 тадан

ортиқ бўлса, намуна ун туркумининг 5% қопидан олинади.

Агар кепак уюмининг баландлиги 0,75 м дан кам бўлса, намуна майдони 4-5 м² бўлган жой марказининг юқори ва пастки қаватларидан олинади. Агар уюмнинг баландлиги 0,75 м дан ортиқ бўлса, намуна 3 та қаватдан олинади.

Бир жойдан иккинчи жойга оқиб ўтаётган ун ва кепакдан эса намуна намуна ажратгич ёрдамида тенг вақтлар оралиғида олинади.

Донда қўлланилган режимлар ёрдамида ун, ёрма, кепак ва омухта ем намуналари ҳам турли ўлчамли ғалвир ва элаклардан фойдаланиб, қўл кучи воситасида ёки механизациялаштирилган асбоб ёрдамида эланади.

Маҳсулот намунасининг ҳарорати 15-18°C дан кам бўлса, зарарланганликни аниқлашдан олдин уй ҳарорати (18-20°C)гача қиздирилади. Ҳар бир элакнинг қолдиқ ва эланма маҳсулотлари тагига оқ қофоз ёйилган оқ шиша устига юпқа қават билан ёйилади ва синчиклаб текширилади. Зараркунандалар (қўнғизлар, капалаклар, қуртлар, ғумбаклар)нинг тури аниқланади. Ун, кепак, омухта ем намуналари элангандан сўнг остки элак эланма маҳсулотлари тагига қора қофоз ёйилган шиша устига юпқа қатлам ҳосил қилиб ёйилади, текисланади ва куруқ тоза шиша ёрдамида зичланади. Ҳосил қилинган, қалинлиги 1-2 мм бўлган маҳсулот юзаси синчиклаб текширилади.

14-§. ДОН МАССАСИНИ ФАОЛ ШАМОЛЛАТИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Дон массасини фаол шамоллатиш — уюмдаги донга қўзгатмасдан атмосфера ҳавоси билан ишлов беришdir. Мазкур усулнинг моҳияти шуңдаки, вентилятор билан пулланган ҳаво донлар орасидаги бўшлиқдан ўтаётиб, унинг физик ва физиологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, натижада дон массасининг сифати яхшиланиб, сақлаш пайтида чидамлилиги ошади.

Фаол шамоллатиш вақтида дон уоми кўрсаткичлари ва атмосфера ҳавоси орасидаги мувозанат ҳолати юзага келгунча, дон ва ҳаво ўртасида иссиқлик ва намлик алмаси-нуви давом этаверади.

Шароитга боғлиқ ҳолда дон совуши, қуриши ёки намланиши мумкин. Иссиқлик ва намлик алмашинув жараёни нининг йўналиши ҳамда унинг жадаллиги, асосан, доннинг хоссалари ва ҳолатига, шунингдек дон уюмининг ҳолати ва ҳаво ҳаракатининг тезлигига боғлиқ.

Дон массасини фаол шамоллатиш режимига пулданаётган ҳавонинг нисбий намлиги, ҳарорати ва I т донга бериладиган сарфи ҳамда дон уюмининг баландлиги ва шамоллатиш давомийлиги таъсир қиласи.

Фаол шамоллатиш имкониятини аниқлаш

Дон массасини фаол шамоллатишни бошлашга қадар бу ишловни ўтказиш имкониятини аниқлаш зарур. Бунинг учун дон массасининг мувозанатдаги намлигини аниқлаш керак. Агар доннинг намлиги шамоллатишга қадар мувозанатдаги намликтан юқори бўлса, дон ўзининг бир қисм намлигини ҳавога беради ва куруқлашади, агар доннинг намлиги фаол шамоллатишга ишлатиладиган ҳавонинг мувозанатдаги намлигидан кичик бўлса, дон ҳаводаги намлики ютиб, намланади. Агар фаол шамоллатиш пайтида доннинг ҳолати ёмонлашмаса, бу амални бажариш мумкин.

Фаол шамоллатишни ўтказиш имконияти қўйидаги асосий кўрсаткичлар: дон массаси ва ташқи ҳавонинг ҳарорати бўйича аниқланади.

Агар юқоридаги омилларнинг йигиндиси дон массасининг совуши ва қуришини ёки унинг намлигини туширмасдан совушини таъминласагина, актив шамоллатишни ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Фаол шамоллатишга қадар доннинг намлиги стандарт усул билан, ҳарорати эса термоштанг ёки ҳароратни масофадан назорат қиласидаган қурилмалар воситасида аниқланади.

Шамоллатиш имкониятини аниқлашда дон уюмининг энг кичик ҳарорати ҳисобга олинади.

Зарур кўрсаткичлар танлангандан сўнг, дон массасининг фаол шамоллатиш имконияти аниқланади.

ВНИИЗ планшеткалари (14- расм) доннинг мувозанатдаги намлигини аниқлашга мўлжалланган. Планшеткалар маҳсус бўлимли бешта шкаладан иборат: биринчи шкалага

ВНИИЗ номограммаси ва планшеткаси бўйича фаол шамоллатиш имкониятини аниқлаш



14- расм. ВНИИЗ номограммаси бўйича ҳавонинг ҳарорати 0°C дан юқори бўлганда дон массасини фаол шамоллатиш имкониятини аниқлаш.

1 — қуруқ термометрнинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$; 2 — ҳўл термометрнинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$; 3 — ҳавонинг мутлақ намлиги, $\text{г}/\text{м}^3$; 4 — доннинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$; 5 — доннинг мувозанатдаги намлиги, %.

куруқ термометрнинг ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$) ўрнатилган, иккинчи шкалага ҳўл термометрнинг кўрсаткичи ўрнатилади, учинчи шкалада ҳавонинг мутлақ намлиги кўрсатилган (мм сим. уст.), тўртинчи шкалага доннинг ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$) ва бешинчи шкалаге доннинг мувозанатдаги намлиги (%) ўрнатилган.

Аниқлаш жараёнида номограммага чизғич шундай қўйилиши керакки, бунда у 1 ва 2 шкалаларда мос равиша

Куруқ ва хұл термометрлар күрсаткічларини кесиб ұтиб, учинчи шкала билан кесишиши керак. Учинчи шкалада топилған нұқта ҳавонинг мутлақ намлигини күрсатади. Сұнгра учинчи шкалада топилған нұқта тұртінчи шкаладаги доннинг ҳароратига тұғри келадиган нұқта билан туташтирилади. Бу күрсаткічларни туташтирувчи тұғри чизик давом эттирилса, бешинчи шкалани кесиб ұтади. Бу күрсаткіч доннинг изланыётгандык мувозанатдаги намлигини беради. Топилған мувозанатдаги намлик доннинг ҳақиқий намлиги билан солишириләді ва шамоллатиш имконияти аниқлауда.

Мисол. Бугдой донининг намлиги 16%, ҳарорати $+20^{\circ}\text{C}$, куруқ термометрнинг ҳарорати $+5,5^{\circ}\text{C}$, хұл термометрнинг күрсаткічи $+4^{\circ}\text{C}$. Дон массасининг фаол шамоллатыш имкониятини аниқланғ.

Масалани ҳал қилишда номограммадан фойдаланамиз. 1- шкаладан $5,5^{\circ}\text{C}$ нұқтасини топиб, 2- шкаладаги $+4^{\circ}\text{C}$ нұқтаси билан туташтирамиз. 3- шкала 5,25 күрсаткічиде кесишиди. Бу ҳавонинг мутлақ намлигидир. Сұнгра 3- шкаладаги 5,25 нұқтаси 4- шкаладаги дон ҳарорати 20°C билан чизгіч ёрдамида туташтирилади. Бу чизиқни 5- шкала билан кесишигүнча давом эттириб, 9,8% күрсаткічини топамиз. Доннинг ҳақиқий намлиги 16% бүлгани учун ҳам фаол шамоллатиш мүмкін: шамоллатиш пайтида дон массаси қуриб, совийди.

Намлиги 15% дан юқори бүлған жағдар ва арпа донларининг мувозанатдаги намлигини аниқлашда, топилған мувозанатдаги намлика 1% құшилади, шунингдек намлиги 13% дан кичик куруқ сули дони учун эса топилған мувозанатдаги намлиқдан 1% айрилади ва шундан сұнггина фаол шамоллатиш имконияти түгрисидаги масала ҳал қилинади.

Фаол шамоллатишни ұтказиш ҳар 6 соатдан сұнг (соат 1, 7, 13 ва 19 да) амалға оширилади.

Бекарор об-ҳаво шароитида фаол шамоллатиш ҳар 3 соатдан, баъзан эса шароитдан келиб чиққан ҳолда ундан ҳам тезроқ ұтказилади.

Агар шамоллатиш пайтида об-ҳаво үзгариб дон намланса, фаол шамоллатишни тұхтатиш керак.

III б о б. ДОННИНГ СИФАТИНИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА КИМЁВИЙ УСУЛЛАР ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ

Доннинг кимёвий таркиби ва унинг кимёвий тадқиқ қилиш усуллари дон биокимёси курсида чукур ўрганилади. Аммо донни тайёрлаш, сақлаш ва уни қайта ишлаш жараёнларида дон кимёвий таркибининг айрим кўрсаткичлари унинг сифатини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Доннинг сифатини баҳолашда ундаги куруқ модда ва намлик орасидаги ўзаро муносабат алоҳида аҳамиятга эга. Сақлашда доннинг узоқ муддатга чидамлилиги биринчи навбатда ундаги намлик миқдорига боғлиқ. Нам дон жуда тез ўз-ӯзидан қизиш ҳолатига дучор бўлади, бу ҳолат унинг сифатини ёмонлаштиради. Агар ўз вақтида зарур чоралар кўрилмаса, дон ўюми тўлалигича бузилади. Намлик дондаги микроорганизм ва заараркунандаларнинг ҳаёт фаолиятига имкон беради. Донни қайта ишлашнинг технологик режимлари ундаги намлик миқдорига боғлиқдир. Намлик миқдори юқори бўлган донни қайта ишлаш мумкин эмас. Дон намлигини электрометрик усулда аниқлашда унинг электротказувчанлик ва диэлектриклик хоссаларидан фойдаланилади.

Бугдой дони сифатини баҳолашда кимёвий таркибининг бошқа кўрсаткичлардан — ҳўл клейковина миқдор ва сифатини, кулланиш даражасини ва кислоталиликни аниқлаш каби усуллардан фойдаланилади.

Донни қайта ишлаш схемаси ва режимларини ишлаб чиқиша технологлар доннинг кулланиш даражаси ва таркибий қисмлари (магиз, қобиқлар)нинг тузилиши ва миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ишлайдилар. Бинобарин, унинг кулланиш даражаси ҳужайра ва доннинг қобиқ қисмлари миқдорига боғлиқдир.

Кислоталилик доннинг тозалик (янгилик) кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласи; дондаги кислоталиликнинг ошиши органик моддаларнинг парчаланиши билан боғлиқ бўлган номувофиқ жараёнларнинг кечишини кўрсатади.

Мазкур бобда юқорида қайд қилиб ўтилган физик-кимёвий ва кимёвий усуллар билан доннинг у ёки бу сифат кўрсаткичлари баҳоланади.

1-§. ДОН ВА УННИНГ НАМЛИГИНИ СЭШ-1 ВА СЭШ-ЗМ ҚУРИТИШ ШКАФЛАРИДА ҮЛЧАНМАНИ СТАНДАРТ ҚУРИТИШ УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

Электр шкафлари ишчи зонасида электр қиздириш мосламалари ва автоматик ҳарорат созлагичи бўлган кичик ўлчамли қуритиш шкафини намоён қиласди.

СЭШ-1 электрик қуритиш шкафи қуйидаги асосий қисмлардан тузилган: иссиқлик-изоляция қавати билан ҳимояланган филоф (филоди бюксаларни қиритиш учун эшикча мавжуд); 10 та бюксани ўрнатишга мулжалланган айланма столча ва алоҳида қобиқ билан ўраб олинган электр қиздиргичи мавжуд.

СЭШ-1 нинг баландлиги (ўрнатилган термометр баландлиги билан) 522 мм, диаметри 360 мм, массаси 22 кг, электр қуввати 600 Вт; ташқи муҳитнинг ҳарорати 20°C бўлганда ишчи зонасини 105°C гача қиздириш учун кетадиган вақт 30 дақиқадан ошмайди; ҳароратни созлаш аниқлиги + -2°C; огоҳлантирувчи лампа автомобилга ўрнатиладиган лампалар тоифасидан бўлиб, кучланиши 6 ... 8 В га тенг. СЭШ-1 127 ёки 220 В лик ўзгарувчан ток тармоғига уланади. СЭШ-ЗМ электр шкафи бироз бошқача конструктив ўзгаришларга эга.

Агар аниқлаш натижаларининг хатолиги ўрнатилган меъёрдан катта бўлмаса, донни қуритиш учун бошқа асбоб (шкаф)лардан ҳам фойдаланишга стандартлар рухсат беради.

Намликини аниқлаш

Доннинг намлиги стандарт усул билан қуйидаги тартибда аниқланади.

1. Шкафнинг токга улагичи «Ёқилган» ҳолатига қўйилади. Бунда сигнал чироги қизил ёруғлик бериб ёнади.

2. Диаметри 48 мм ва баландлиги 20 мм бўлган зарур миқдордаги бюксалар ажратиб олинади. Бюксалар олдиндан тайёрланган бўлиши керак: улар яхшилаб тозаланган ва қопқоғи билан биргаликда номерланган бўлиши керак. Бюксалар 0,01 г гача аниқликда ўлчанади.



3. Лаборатория тегирмончасини олдинги тортилган на-
муналардан ғозалаш мақсадида ундан күп бўлмаган миқ-
дорда текширилаётган дон намунасидан солиб ўтказилади.
Агар ЛЗМ кўлланса, бу жараённи ўтказишга ҳожат йўқ.

4. 30 г атрофида тадқиқ қилинаётган дон намунаси ян-
чилиб, у зич қилиб ёпиладиган тиқинли банкага солина-
ди.

5. Банкадаги майдалангандан маҳсулот яхшилаб аралашти-
рилади.

6. Кичкина куракча ёрдамида банканинг ҳар жойидан
5 г дан сал кўп бўлган миқдорда иккита порция олинади.
Ҳар бир порция маҳсулоти алоҳида металл бюксаларга со-
линади.

7. Ичига майдалангандан дон намуналари солингандан бюксалар
қопқоқлари билан бирга техник тарозиларга қўйилади.
Ҳар қайси бюксага аниқ 5 г дан майдалангандан дон тортиб
солинади.

8. Контактли термометр ўчирилади, шкаф 140°C гача
қиздирилади. Ҳарорат оддий термометр ёрдамида ўлчана-
ди. Қуритиш камерасининг эшикчаси очилиб, шкафнинг
ичига тезгина маҳсулоти бўлган 10та бюксажа жойлаштири-
лади. Бунда очиқ бюксалар туви билан ўз қопқоқларига кий-
дириб қўйилади. Бу пайтда шкафнинг ҳарорати пасаяди,
сигнал чирогининг кўшилиши шундан далолат беради.
Сигнал чироги 10 дақиқадан кам бўлмаган вақт оралигига
ениб туриши керак.

9. Сигнал чирогининг иккинчи марта учиш вақтидан
бошлаб, яъни ҳарорат ~~(130+20)~~ га етган палладан бошлаб
бюксаларни шкафда 40 дақиқа давомида сақлаб туриш ке-
рак.

10. Маҳсулот қуритилгандан сўнг, бюксалар тигель қис-
қичлари ёрдамида шкафдан олинниб, қопқоқлари ёпилади
ва улар тўлиқ совутиш мақсадида 15...20 дақиқа вақт ичидан
эксикаторга солиб қўйилади. Ичидан маҳсулоти бўлган бюксалар
эксикатор ичидан ўлчаммаган ҳолда 2 соат қолиб ке-
тилищига йўл қўйилмайди.

11. Совутилгандан сўнг қопқоғи кийдирилган майдалангандан донли бюксалар техник ёки электрон тарозида ўлчана-
ди. Қуритишгача ва ундан кейинги массанинг фарқи бўйича буғланган намнинг массаси топилади. У массаси 5 г бўлган
ўлчаммага нисбатан фоизларда ифодаланади.

Намлик қуйидаги формула бүйича аниқланади:

$$X = \frac{(b - c) \times 100}{b - a},$$

бу ерда: a — бүш бюксанинг қопқоғи билан бирга массаси, г;

b — майдаланган дон үлчанмаси солинган бюксанинг қопқоғи билан бирга қуритишгача бўлган массаси, г;

c — майдаланган дон үлчанмаси солинган бюксанинг қопқоғи билан бирга қуритишдан кейинги массаси, г;

Дастлабки үлчанманинг массаси 5 г бўлганда доннинг намлигини ($b - c$) миқдордаги буғланган сувнинг массасини 20 г кўпайтириб топиш мумкин.

Ҳар қайси намуна учун иккита паралель тажриба ўтказилади. Изланаётган намунанинг намлиги бу икки аниқлаш натижаларининг ўрта арифметик қиймати бўйича топилади. Иккита паралель аниқлаш натижалари орасидаги фарқ $+ - 0,25\%$ дан катта бўлмаслиги керак. Назорат ва арбитраж аниқлашлар пайтида меъёрдан четланиш миқдори $+ - 0,5\%$ дан ошмаслиги лозим.

Эксикаторни тайёрлаш

Эксикаторнинг пастки қисмига қуруқ кальций хлорид кукуни сепилади ёки зичлиги 1,84 га teng бўлган сульфат кислотаси қўйилади. Зарур бўлса, ойига бир марта калыгий хлоридни чинни косага солиб, аморф массага айлангунча яхшилаб қиздирилади. Сульфат кислотадан фойдаланганда, унинг зичлиги текширилади. Агар кислотанинг зичлиги камайган бўлса, у алмаштирилади. Эксикаторнинг салпал ейилган қирраларига юпқа вазелин қавати суртилади.

Майдаланган донни СЭШ-ЗМ шкафида қуритиш

Тузилиши бўйича СЭШ-ЗМ қуритиш шкафи СЭШ-1 шкафидан қиздириш камерасининг тубида вентилятори борлиги билан фарқ қиласи. Вентилятор электродвигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилиб, шкаф ичилада ҳавонинг жадал алмашинувини таъминлаш учун хизмат қиласи.

Шкаф панелига қиздириш жараёнини қушиб ажратишга мүлжалланган мослама (ұчиргич) ва контактлы термометр уяси жойлаштирилген. Чап томондаги (ассосий) қушиб-ажратгич билан электродвигатель уланади, үңг томондаги улагич билан эса шкафни тез қиздириб, 120°C дан юқори ҳароратда ишлашини таъминлаш мүлжалланган құшимча бўлим уланади.

Доннинг намлигини олдиндан бироз қуритиш усули билан аниқлаш .

Бу усул намлиги 18%дан юқори бўлган донлар учун стандартда кўрсатилган. Нам дон майдаланган пайтда намликнинг бир қисми йўқолади, шунинг учун бу дон олдиндан бироз қуритилади. Аниқликка эришиш мақсадида бу усулдан фойдаланишнинг моҳияти ҳам шундан иборатdir. Техник тарозида 20 г дон ўлчаб олиниб, диаметри 8...10 см га тенг, аммо унча чукур бўлмаган косачага солинали. Дон ҳарорати 105°C га тенг бўлган қуритиш шкафида 30 дақиқа давомида қуритилади. Сўнгра очиқ косачада совтилиб, яна ўлчанади. Агар намлик 18% ва ундан пастроқ миқдорга туширилмаган бўлса, жараён такрорланади.

Қуритилган доннинг намлиги стандарт усули бўйича аниқланади. Донни лаборатория тегирмончасида майдалаб, массаси 5 г бўлган иккита ўлчанма ўлчаб олинади.

Намлик миқдори (%) қуйидагича ҳисоблаб топилади. Белгилаймиз : G — майдаланмаган 20 граммлик дон ўлчан- масининг 105°C ҳароратда 30 дақиқа қуритилгандан кейинги массаси, г; g — майдаланган 5 граммлик дон ўлчан- масининг қуритишдан кейинги массаси, г; w — доннинг намлиги, %.

Қуритиш натижасида 5 граммлик майдаланган дондан (5 — g) г миқдордаги намлик буғланди, 20 г хўл доннинг ўзида ушлаган намлиги (g) қуйидагича ҳисобланади:

$$X = [(20 - G) + \frac{G(5 - g)}{5}],$$

ёки $X = (20 - \frac{Gg}{5}).$

Намлик миқдори (%) эса қыйидагича топилади:

$$W = \left(20 - \frac{Gg}{5}\right) \times \frac{100}{20} = 100 - Gg$$

Шундай қилиб, бироз олдиндан қуритилган доннинг намлиги қыйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$W = 100 - Gg$$


СЭШ-ЗМ қуритиш шкафига тавсия қилинадиган сим тўрли бюксалардан фойдаланганда олдиндан бироз қуритилган дон АУС-1 аппаратида совутиласди.

Аппарат бўш цилиндрни намоён қилиб, унинг юқори қисми қопқогида олтита тўрли уячалар мавжуд. Цилиндрнинг ичига вентилятор жойлаштирилган. 5 дақиқа мобайнида аппаратда бирварақайига олтита дон ўлчанмасини ташқи муҳитнинг ҳароратига қадар совутиш мумкин. АУС-1 аппаратининг афзалиги шундан иборатки, у дон совушини ва бутун дон массаси бўйлаб намликнинг тарқалишини таъминлаб беради.

2- §. ДОННИНГ НАМЛИГИНИ ВП-4 ЭЛЕКТРОМЕТРИК НАМЎЛЧАГИЧ БИЛАН АНИҚЛАШ


Доннинг намлигини ВП-4 намўлчагич ёрдамида аниқлаш мумкин. Асбоннинг ишлаш принципи намликнинг ўзгариши билан прессланган ҳолатдаги дон массаси электртўкказувчалигининг ўзгаришига асосланган. Маълумки, куруқ доннинг электртўкказувчанилиги кескин камаяди ва асбоннинг аниқлиги пасаяди, шу сабабли электрнамўлчагичдан фақат доннинг намлиги намўлчагичнинг ўтказувчи жадвалида кўрсатилган миқдоридан ошмаган ҳолатдагина фойдаланиш мумкин (17-жадвал).

Электрнамўлчагич ВП-4 (15-расм) учта асосий қисмдан иборат: а) дон ўлчанмасини зичлаш учун пресс; б) меггер — зичланган (прессланган) ўлчанманинг электр қаршилигини ўлчайдиган асбоб; в) асбонни электр энергияси билан таъминлаш учун куруқ анодли батарея;



15- расм. Электрнамұлчагич ВП-4.

А — электрод қурилмали пресс; Б — меггер; В — куруқ аюодли батарея. 1 — клеммалар; 2 — «Т» түгмаси; 3 — «С» түгмаси; 4 — магнитли шунт дастаги; 5 — корректор; 6 — «100» рақамлы түгмача; 7 — электрұячаси;



16- расм. ВП-4 намұлчагичга уланадиган электрон мосламали пресснинг схемаси.

Алоҳида донлар орасыда ишончли контактни таъминлаш мақсадида үлчанма прессга солиб зичланади (16-расм). Бунинг учун прессдан ташқари пулат стакан (9) (унда донқисилади); ловия, нұхат, маккажүхори ва бошқа йирик уруғли донлардан бошқа барча донлар учун құлланиладиган катта конуссимон плашка (7); ловия, нұхат, маккажү-

Доннинг намлиги (% ҳисобида)

Дон тури	намликният чегараси		Дон тури	намлижният чегараси	
	куйи	юқори		куйи	юқори
Бүгдой:			Арпа	11,60	21,00
I тип	11,75	22,65	Тариқ;		
II тип	11,32	20,65	жанубий		
III тип	11,10	22,50	худудларда		
IV тип	12,59	20,84	шимолий	10,50	18,16
Жавдар:			худудларда		
III тип	11,98	20,93	Маккажү-	11,13	21,45
IV тип	13,06	23,83	хори	12,52	26,47
Шоли	10,72	21,30			

хори донлари учун қўлланиладиган катта бўлмаган цилиндр кўринишидаги кичик плашка (13); пресснинг белгилаш мосламаси (2)ни текшириш учун мўлжалланган цилиндр кўринишидаги назорат плашкаси (12); пуансон (8) – пўлат стаканнинг бутун узунлигига мосланган цилиндр (пуансон ёрдамида стакандаги дон ўлчанмаси зичланади); стакандаги донни зичлаш учун мўлжалланган зичлагич (14) ишлатилади.

Пресс асосли синч (станина), икки дастакли қисиш бурамаси ва белгилаш мосламаларидан ташкил топган. Синчнинг иккита кўндаланг юпқа металл тахтаси бўлиб, улардан пасткиси (6) ҳаракатланувчан; унинг устига зичлаш жараёнидан олдин дон ўлчанмаси солингган пўлат стакан қўйилади. Иккинчи тахтача (3) юқорироқла жойлашган бўлиб, ҳаракат қилмайди. Унинг ён томонида уйиб кесилган жойи бўлиб, у стаканни ўрнатиш учун хизмат қиласади.

Белгилаш мосламаси икки қисмдан тузилган: а) улар пресснинг синчига маҳкамланган белгилаш рамкаси; б) қисиш бурамаси пастки қисмига маҳкамланган йўналтириш ҳалқаси. Белгилаш рамкаси белгилаш бутини ҳосил қилувчи иккита (горизонтал ва вертикал) кесишувчи иппарга эга. Ҳалқанинг устига оқ бўёқ билан кесишувчан горизонтал ва вертикал чизиклар тортилган. Пресслаш жараёнининг охирида рамка устидаги белгилаш бути ҳалқадаги бутнинг рўпарасида жойлашган бўлиши керак.

Белгилаш рамкаси винтлар билан қотирилган бўлиб, уни юқорига ва пастга ҳаракатлантириш мумкин. Йўнаттириш ҳалқаси қисиши бурамасига стопор ёрдамида қотирилган. Уни бўшатиб, ҳалқани бурама атрофида бемалол айлантириш мумкин.

Пўлат стаканнинг ичида контактли (электродли) ҳалқа (10) жойлашган бўлиб, у корпусдан эбонит прокладка билан ҳимояланган.

Стаканнинг ташқари томонидан электродли ҳалқа изоляцияланган контактли бурагич (11) билан тугайди.

Пресс синчининг ташқи томонида иккита контактли уяча (5) жойлашган. Улардан бири («+» белгилиси) синчнинг ички томонида жойлашган контактли пружина (4) билан уланади. Пўлат стакан прессга шундай қўйиладики, унинг контактли винти синчнинг контактли пружинасига тегиб турсин.

Меггер зичланган дон намунасининг электр қаршилигини ўлчаш учун хизмат қиласди. Унинг муҳим қисми бўлиб галванометр хизмат қиласди. У билан зичланган дон ўлчамасининг электртұказувчанлигига тұғри пропорционал бўлган ток кучи ўлчанади. Батареялар билан улаш учун меггернинг юқори қисмидаги иккита клемма мавжуд (улардан бири «+» белгиси билан). Меггерни прессга улаш учун унинг чап томонига иккита уяча ўрнатилган (уячалардан бири «+» белгиси билан). Ўтказгичлар ёрдамида меггер батарея ва прессга уланади. Меггернинг юқори қисмидаги учта тутмача жойлашган. Улардан иккитаси ўнг томонда жойлашган бўлиб, биттаси Т ҳарфи билан, иккинчиси С ҳарфи билан белгиланади. Т ҳарфи билан белгиланган тутмача тормозга уланган. Агар уни босиб ўнгта буралса, галванометрнинг ҳаракатланувчи қисмлари ҳаракатсиз ҳолатта ўтади. Тутмача чапта буралса, тормоз галванометрнинг ҳаракатланувчан қисмларини бушатади ва у занжирга қўшилиб ишчи ҳолатга ўтади. С ҳарфи билан белгиланган тутмача куруқ дон намлиги (11 дан 14%гача) ни ўлчашда ишлатилиди. Бу тутмачани босган пайтда тармоқдаги қўшимча қаршилик ажратилади, чунки куруқ маҳсулотининг қаршилиги кескин ошади. Меггернинг юқориги чап томонида жойлашган 100 рақамли тутмачаси галванометрнинг ишини текшириш учун хизмат қиласди.

Уни босган пайтда токка уланган галванометрнинг стрелкаси чапдан ўнгга оғиб, 100 рақамининг устида тұхташи керак. Галванометр стрелкасининг ноль ҳолати юқориги қопқоқда, аникроғи бўлимли шкала ва стрелкадан пастроқда жойлашган корректор (кундаланг тор ариқчага эга бўлган айланувчан дискли) ёрдамида созланади. Корректор занжир токдан ажратилган пайтда тишли калит (отвёртка) ёрдамида буралади.

80 В кучланишга эга бўлган анодли батарея энергия манбаи бўлиб хизмат қилади. У электр намулчагичнинг маҳсус қутисига жойлаштирилади. Қутининг чап ён деворида иккита чукурча бўлиб (улардан бири «+» белгиси билан), улар ёрдамида батарея ўтказгичлар орқали меггерга уланади. Агар батареяниң кучланиши 72 В дан паст бўлса, у ишга яроқсизdir. Янги зарядланган батареяниң кучланиши 87 В га етиши мумкин.

Намулчагични ишга тайёрлаш

Намулчагичнинг бир меъёрда ишлаши учун уни тугри ўрнатиб, яхшилаб текширмоқ зарур. Барчасидан яхшироги, намулчагични мустаҳкам стол устига жойлаштириш керак. Намулчагичнинг пресси столнинг чап томонига қотирилади. Ундан ўнгроққа аввал меггер, сунгра эса батареяли қути ўрнатилади. Батареяни столнинг ичига ҳам жойлаштириш мумкин. Бу вазиятда столнинг устига қўйиладиган қутига бўлган эҳтиёж қолмайди. Намулчагичнинг яқинроғига, деворга термометр осиб қўйилади. Унинг курсаткичлари намулчагич курсаткичларининг ҳарорат тузатиш катталикларини аниқлашда зарур булади.

Иккита маҳсус ўтказгич ёрдамида меггер батареяга уланади. «+» белгили меггер клеммаси батареяниң худди шундай белгили уячаси билан уланади. Аввал ўтказгичнинг текис мосламали учи меггер клеммасига уланади, кейин эса унинг штепселли оёқчаси батарея билан уланган уячага ўрнатилади.

Бошқа томондан меггер прессга уланади. Бу мақсадда охирида штепселли оёқчалари бўлган ўтказгичдан фойдаланилади. Бу вазиятда яна шу нарсага риоя қилиш керакки, пресснинг «+» белгили уячаси худди шундай белгили уячага уланиши керак.

Меггер томонидан иккала ўтказгичнинг ҳам штепсели оёқчалари дарҳол унинг уячаларига тиқилади. Прессга аввал битта ўтказгич уланади. Иккинчи ўтказгичнинг штепсели оёқчаси намлик аниқланаётган ва меггер курсаткичлари ҳисобга олинаётган вақтда пресснинг мос уячасига тиқилади.

Меггернинг ишини ҳар бир аниқлашдан олдин текшириш керак. Бунинг учун галванометр стрелкасининг нолдаги ҳолати ва унинг шкала бўйича 100 рақамигача оғиш ҳолатлари кузатилади. Галванометрнинг стрелкаси токлан ажратилган вазиятда ноль ҳолатида туриши керак. Агар стрелка нолдан ярим булимга оғган бўлса, меггер қопқоғи устидаги корректорни отвёртка билан бураб, ноль ҳолатига келтирилади.

Күшилган токли, яъни 100 рақами ёзилган тугмача бо силган ҳолатда стрелка ҳаракатга келиб, шкаланинг шу ракамли белгиси қаршисида тухташи керак. Агар стрелка зарур ҳолатга етмаса, у магнитли шунт дастагини оҳиста бураб, шкаланинг 100 рақамига етказилади. Агар шу аснода ҳам стрелка керакли булим (100) ни курсатмаса, унда бемалол айтиш мумкинки, батареянинг кучланиши 72 В дан кам ва уни алмаштириш керак бўлади.

Визирлаш (белгилаш) мосламаси ҳеч бўлмаса 10 кунда бир марта текширилади. Яхшиси, бу нарсани ҳар куни бажариш керак. Визирлаш мосламасини текшириш учун назорат плашвали стакан ва пуансон прессга ўрнатилади. Бурара винт охиригача буралади. Сунғра у чорак айланишга бушатилиб, кескин бир ҳаракат билан яна охиригача бураб ёпилади. Кейин йўналиш ҳалқасининг бути билан визирлаш рамкасининг устидаги бутнинг тўғри келиши текширилади. Горизонтал чизиқлар бир-бирига тўғри келишлари керак, вертикал чизиқлар эса 1 мм гача оғишлари мумкин. Агар чизиқлар тўғри келмаса, визирлаш мосламаси ёки йўналтириш ҳалқаси (ёки у ҳам бу ҳам) силжитилади.

Бунинг учун отвёртка (бурагич) ёрдамида йўналтириш ҳалқасининг таянч винти (вертикал чизиқлар тўғри келмагандан) ва визирлаш рамкасининг винти (горизонтал чизиқлар тўғри келмагандан) бўшатилади. Визирлаш рамкаси ва йўналтириш ҳалқасининг ҳолатлари созланиб, улар винтлар билан маҳкам қотирилади. Шундан сўнг такроран визирлаш мосламаси текширилади.

Үлчанманин тайёрлаш ва намлигини аниқлаш тартиби

Намунадан 30 г атрофида дон ажратиб олинади ва нам-үлчагичнинг кўрсаткичларига нотўри маъно бермаслик мақсадида у ҳамма металл ва минерал аралашмалардан яхшилаб тозаланади (бунда барча бошқа аралашмалар донда қолади).

Намликинин аниқлашда йирик уруғли донлардан — ловия, нўхат, маккажӯхоридан 8,0 г дан, бошқа тур донлар учун эса 5,0 г дан иккита үлчанма үлчаб олинади.

Намўлчагич асбоби билан намлик қуидаги тартибда үлчанади.

1. Буғдой, жавдар, арпа ва шунга ўхшаш донларнинг намлигини аниқлаш учун стаканнинг пастки қисмига ко-нуссимон катта плашка, ловия, нўхат, маккажӯхори каби донларнинг намлигини аниқлаш учун эса цилиндр кўри-нишидаги кичик плашка ўрнатилади.

2. Дон үлчанмаси стаканга солинади. Бунда доннинг со-чили маслигини ва тўлиқ стаканга тушишини таъминлаш керак. Агар дон стаканга сифмаса, у зичлаб жойлаштирилади.

3. Бурама винт юқори таянч нуктасигача кўтарилади.

4. Стаканга пуансон ўрнатилади. Плашка тушиб кетмаслиги учун стаканнинг пастки томонидан бир қулнинг кўрсаткич бармоғи билан маҳкам ушлаб, прессга ўрнатилади. Бунда стаканнинг контактли винти пресснинг контактли пружинасига тегиб туришини таъминлаш керак.

5. Бурама винт ёпилади. Визирлаш рамкасидаги ва йўналтириш ҳалқасидаги горизонтал чизиклар бир-бирига яқинлашганда винт секин айлантирилиши керак. Йўналтириш ҳалқаси ва визирлаш рамкасининг бутлари бир-бирига тўғри келган вазиятда пресслаш жараёни тутатилади. Агар бурама винт ҳаддан зиёд бураб ёпилган бўлса, уни тескари томонга айлантириб, бўшатишга йўл кўйилмайди. Акс ҳолда үлчанмани алмаштириб, пресслаш жараёнини тақрорлаш керак.

6. «Т» ҳарфи ёзилган тутмача босиб, чап томонга буралади ва бу билан меггернинг ҳаракатланувчи қисмлари бўшатилиб, ишчи ҳолатга ўтказилади.

7. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, гальванометр стрелкасининг ноль ва 100 рақами қаршисидаги ҳолатлари текширилади.

8. Пресс меггер билан уланади, бунинг учун ўтказгич-нинг штепсели оёқчаси пресснинг банд бўлмаган уячаси-га тикилади.

9. Галванометр стрелкасининг қаерда тўхташи кузати-лади. Бунда икки ҳолат бўлиши мумкин: биринчи ҳолат галванометр стрелкаси шкаланинг саккизинчи бўлимидан катта қийматни кўрсатади; иккинчи ҳолатда эса стрелка саккизинчи бўлимга етмасдан тўхтайди.

10. Биринчи ҳолатда бутун ўлчаш жараённида меггердаги биронта тутмача ҳам босилмайди. Фақат стрелка қайси бўлимгача оғиши саналади ва унинг бу кўрсаткичи ёзиб олинади.

Намўлчагичнинг кўрсаткичлари ўрта куруқ ва нам дон-лар учун жадвал бўйича намликнинг қийматларига ўтка-зилади.

11. Иккинчи ҳолатда «С» ҳарфли тутмача босилади. Шка-ланинг бўлимлари «С» ҳарфли тутмача босилган вақтда са-налади. Асбобнинг кўрсаткичларини намликнинг қиймат-ларига ўтказиш учун «Куруқ дон учун» деган ибора қайд қилинган бошқа жадвалдан фойдаланилади.

12. Термометрнинг кўрсаткичи ёзиб олинади.

13. Битта штепсели оёқчани пресснинг уячасидан су-гуриб, занжир ажратилади.

14. Пресснинг пастки плашкasi тортиб олинади, бу-нинг учун бурама винтни бироз бўшатиш керак.

15. Бурама винт ёпилади. Натижада прессланган дон ўлчанмаси пуансон ёрдамида плашка билан бирга стакан-дан итариб чиқарилади.

16. Бурама винтни тескари йўналишда айлантириб бўша-тилади.

17. Стакан прессдан чиқариб олинади ва тозаланади.

18. Чиқариб олинган пастки плашка илгариги жойига қайтиб ўрнатилади.

Ўгириш жадвалларидан фойдаланиш тартиби

Меггер кўрсаткичларини намлик фоизларига ўтказиш учун электрнамўлчагичга жадваллар илова қилинган. Улар-да асбоб кўрсаткичининг рўпарасига мос келувчи намлик фоизлари келтирилган. Ўгириш жадваллари тажриба йўли

билин тузилади. Агар меггер шкаласи бўйича булимларни санаш жараёни пресснинг банд бўлмаган уячасига штеп-сelli мослама тиқилган моментдан бошлаб дарҳол амалга оширилган бўлса, «Положение переключателя — кнопка с буквой «С» не нажата (сырое)» деб ёзилган жадвалдан фойдаланилади. Агар санаш жараёни «С» ҳарфли тугмачани босиб амалга оширилса, у ҳолда «Положение переключателя — кнопка с буквой С нажата (сухое)» деган ёзувли иккинчи жадвал қўлланилади.

Ўгириш жадвалида келтирилган курсаткичлар ишчи хонадаги ҳавонинг ҳарорати 20°C бўлган шароит учун мўлжалланган. Агар ҳарорат 20°C дан у ёки бу томонда бўлса, ҳар 1°C ҳарорат учун намлик кўрсаткичларига $+0,1\%$ миқдорда тузатиш киритилади. Аниқроғи, агар ҳақиқий ҳарорат 20°C дан катта бўлса, у ҳолда ўгириш жадвалидан олинган намлик фоизидан тузатиш миқдори айрилади. Агар ҳарорат 20°C дан кичик бўлса, унда намлик фоизига тузатиш миқдори кўшилади.

Таҳлил қилинаётган дон намунасининг намлиги икки параллел ўлчанма кўрсаткичларининг ўрта арифметик қиймати шаклида ифодаланади.

Намулчагичдан фойдаланган пайтда ўрнатилган қоидаларга қатъий риоя қилинса, асбобнинг узоқ ишлашига ва аниқ ўлчаш натижаларига эришиш мумкин.

3- §. БУҒДОЙ ДОНИНИНГ КЛЕЙКОВИНА МИҚДОРИНИ СТАНДАРТ УСУЛДА АНИҚЛАШ

Клейковина миқдори майдалангандан ўлчанмаси масасига нисбатан фоизларда ифодаланади. Клейковина икки хил бўлади: ҳўл — узига сувни сингдирган клейковина ва қуруқ клейковина — клейковинанинг қуритишдан сўнгги миқдори.

Таркибидаги клейковина миқдорига боғлиқ ҳолда буғдой донини куйидагича туркумлаш мумкин.

Дон тоифалари

Юқори клейковинали дон
Ўртacha миқдордаги клейковинали дон

Дондаги ҳўл клейковинанинг
миқдори, %

30 дан юқори

26 . . . 29,9

Үртачадан паст миқдордаги	
клейковинали дон	20 . . . 25,9
Паст клейковинали дон	20 дан паст

Кучли бүгдой дони сифати I гурухдан паст бўлмаган, миқдори эса камида 28% бўлган ҳўл клейковинага эга бўлиши лозим. Ҳўл клейковинанинг сифати эластиклик хусусиятлари билан баҳоланади. Стандартда кўзда тутилмаган, аммо амалда клейковинанинг сув ютиш имконияти ва ранги (очик, кул ранг, қорамтири) аниқланади.

Урта намунадан 30 . . . 50 г массали дон ўлчанмаси ажратиб олинади ва унинг таркибида бузилган бүгдой, жавдар ва арпа донлари қолдирилиб, ифлослантирувчи аралашмалардан тозаланади. Тозаланган ўлчанма лаборатория тегирмончасида майдаланади. Майдаланган дон №067 металл ғалвирида эланганда қолдиқ миқдори 2% дан ошмаслиги, 38- рақамли капрон ёки ипак элагининг эланмаси эса 40% дан кам бўлмаслиги керак. Агар ушбу талаблар бажарилмаса, у ва бу элакда қолган қолдиқ маҳсулотлар қайтадан майдаланади. Майдалаш вақти камида I дақиқа бўлиши керак. Маҳсулот 38- рақамли элакда эланганда, элакни тозалаш учун диаметри 1 см, қалинлиги 0,3 см атрофида бўлган уч-тўртта резина айланачалар ташлаб қўйилади.

Агар доннинг намлиги 18% дан юқори бўлса, унда ўлчанмани майдалашдан олдин хона ҳароратида ёки 50°C ҳароратга эга бўлган термостат (қуритиш шкафи)да 18°C намликка қадар қуритилади. Майдаланган дон яхшилаб аралаштирилади ва ундан техникавий тарозида 25 г ёки ундан кўпроқ миқдорда ўлчаб олинади. Бундай миқдордаги ўлчанмадан камида 4 г ҳўл клейковина олса бўлади. Ўлчанма чинни косачага солиниб, унинг устидан ҳарорати 18 . . . 20°C атрофида бўлган дистилланмаган сув қўйилади.

Ҳамир қориш учун ўлчанма оғирлигига боғлиқ ҳолда унга қўшиладиган сув миқдори қўйидагича бўлиши керак:

Майдаланган ўлчанманинг массаси, г:	Сув миқдори, мл:
25	14
30	17
35	20
40	22

Маълум миқдорда сув солинган ундан шпатель ёрдамида яхшилаб хамир қорилади. Косача ва шпателга ёпишган хамир бўлакчалари топ-тоза қилиб (пичоқ ёрдамида) қириб олинади ва хамирга қўшилади. Хамирдан шарик ясаб, косачанинг ичига жойлаштириб қўйилади ва шиша (ёки бошқа косача) билан 20 дақиқа давомида ёпиб қўйилади. Холбуки, бунда майдалангандон зарралари сувни шимади ва клейковинани ташкил қиласидиган оқсиллар шишилади. Сўнгра «дамини олган» хамир шариги кучсиз водопровод суви оқими остида, зич тўқилган ипак ёки капрон элагининг устида ушлаб, секин-аста клейковинаси ювилади. Дастрраб клейковина хамир таркибидаги крахмал ва қобиқ қисмлари билан ювилиб кетмаслиги учун эҳтиёткорлик билан аста-секин, крахмал ва қобиқнинг катта қисми оқиб тушгандан сўнг эса жадалроқ суратда ювилади. Тасодифан узилиб тушган клейковина бўлакчалари йигиб олинади ва клейковинанинг умумий массасига қўшилади.

Клейковинани тоғора ёки товоқ ичида (агар водопровод бўлмаса) ювишга ҳам рухсат берилади. Тоғоранинг ичига камидаги 2 л сув қўйилади. Сув ичида хамир қўл билан эзилади. Сув крахмал ва қобиқ қисмлари пайдо бўлганда, у зич ипак ёки капрон элаклари орқали сузиб, тўкиб ташланади ва клейковина тўлиқ ювилиб бўлгунча тоза сув солиниб, бу жараён такрорланаверади.

Агар клейковинаси аниқланаётган дон совуқ урган, кўкарган ёки тошбақасимон кана билан зарарланган бўлса, унда клейковина аввал эҳтиёткорлик билан тоғорада ювилади. Хамир таркибидаги қобиқлар тўлиқ чиқарилгандан сўнг ва клейковина сиқилганда чиқадиган сув тиниқ ҳолга келганда ювиш тўхтатилади. Агар клейковина ювилмаса, анализ натижаларида: «Ювилмайдиган» деб ёзиб қўйилади. Клейковинани ювишни тўхтатиб, у кафтлар орасида қисилади ва қўл вақт-вақти билан куруқ сочиққа артиб турилади.


Бунда клейковина бир неча марта бармоқлар билан айлантириб турилади.

Бу жараён клейковина сал-пал кўлга ёпишгунга қадар давом эттирилади.

Клейковина ўлчаниб, яна 2 ... 3 дақиқа давомида ювилади, уни қайтадан сиқиб, массаси яна ўлчанади. Икки ўлчашлар орасидаги масса фарқи 0,1 г дан ошмаса, клейковинани ювишни тўхтатиш мумкин.

Хұл клейковинанинг миқдори майдаланган дон үлчан-масига нисбатан фоизларда ифодаланади. Назорат ва арбитраж таҳлиллар пайтида хұл клейковина миқдори бүйи-ча тафовут + – 2% дан ошмаслиги керак.

Бұгдой донининг клейковинасини аниқлашда ТЛ1-75 (17-расм) хамирқоргич ва ДВЛ-3 сув дозатори ишлатила-ди. ТЛ1-75 хамир қоргичи массаси 10 дан 50 г гача бұлған майдаланган дон ва ун үлчанмаларини механик равища қоради. Хамир қориш давомийлігі майдаланма учун ўрта-ча 0,6 дақықа ва ун учун 0,7 дақықаны ташкил қылади.



17 — расм. ТЛ1-75 хамир қоргичнинг схемаси;

1 — бошқарыш панели; 2 — панель; 3, 10, 11 — винтлар; 4 — дежа, 5 — каллак; 6 — ұмоя мосламаси; 7, 8 — шкивлар; 9 — гилоф; 12 — ҳаракатлантиргич; 13 — корпус; 14 — электропанель; 15 — муштум-ча; 16 — итаргич.

ТЛ1-75 хамир қоргичи ишлатилғанда 50 г үлчанмага икки марта 14 мл дан сув қойлади. Хамир қоришининг биринчи вариантида ишни бошлашдан олдин хамир қоргичнинг ишга яроқлилігі текшириләди. Дежа каллакка тиқиб қойлади. Тумблер қүшилиб, «Пуск» тұгмаси бо-силади — ҳаракатлантиргич ва вақт релеси ишга тушади. Сигнал чироги ёнғандан сунг «Пуск» тұгмаси қойиб юбо-рилади. Шу билан бир вақтда секундомер ишга тушрила-ди. Вақт датчиғи ишга тушгандан сунг двигатель тұхташи керак. Чироқ үчиб, иш тугаганини билдиради.

Хамир қоргичнинг ишлаши текширилғандан сунг, май-

даланган маҳсулот (ун) намунаси дежага солиниб, устидан сув қуйилади. Дежани каллакдаги комага тиқиб, мустаҳкамлик даражаси текшириб кўрилади. «Пуск» тугмачаси босилади. Қориш жараёни бошланади. Каллак тўлиқ тухтагандан кейин дежа чиқариб олинади. Тумблер ўчирилади. Ҳамир қоргич цилиндр шаклида гомоген массани олишга имкон беради ва бу масса қўл билан шакл бермасдан тўғридан-тўғри дамиқтирилади.

Клейковинанинг миқдор ва сифатини аниқлашда меҳаник ҳамир қоришнинг иккинчи варианти бўйича ТЛ1-75 ҳамирқоргичи ДВЛ-3 сув дозатори билан биргаликда ишлатилади. Лаборатория сув дозатори 13, 14, 16, 17 ва 20 мл ҳажм миқдорларида сув бериш имкониятига эга. Ў дақиқада дозатор 12...15 доза сув беради. Дозаторнинг ишлаш принципи ўлчовли цилиндрда босимнинг даврий равишда камайиши ва ортишига асосланган.

Шприцнинг охирига кийдирилган резина трубканинг пастки эркин учи сувли идишга туширилади. Дозатордаги меъёrlанадиган суюқликнинг сатҳи 13 мл дан паст бўлишини назорат қилиб туриш керак. Агар поршенинг устидаги сув пайдо бўлса, у ноксимон ҳаво сургич ёрдамида дренажли трубка орқали чиқариб ташланади. Махсус дастак айлантирилиб, дозаторда талаб қилинадиган сув меъёри белгиланади. Ҳамир қоргичнинг дежаси дозаторнинг таглиги устига ўрнатилади. Ҳаракатлантиргичнинг дастаги пастга охиригача босилиб, ҳамир қоргичнинг дежасига сув юборилади.

Ҳаракатлантиргичнинг дастаги айлантирилганда шприцнинг поршени пастта силжийди. Шу пайт босим пайдо бўлиб, қабул қилувчи клапани очади ва чиқарувчи клапани ёпади. Дастак камида 1 сек. давомида босилган ҳолатда қолдирилиб, сув чиқариб юборилади. Берилган меъёrdаги сув чиқарилгандан сўнг пружина ёрдамида дастак дастлабки ҳолатига қайтарилади ва дозатор шприцнинг сув билан тўлиш ҳолати кузатилади. Иш тугагандан кейин дозаторнинг ташқи юзаси қуруқ тоза сочиқ билан артилади. Шприцга ҳаво кириши ва резина клапанларнинг қуриб қолишининг олдини олиш мақсадида дозатор ишламаётган вақтда идиш ва шприции сувсиз қолдириш ярамайди.

Шундан сўнг дежага дозатор билан талаб қилинган сув миқдори ўлчаб берилиб, иш давом эттирилади. Дежага майдаланган дон ўлчанмаси солинади. Хамир қоргичнинг каллагига дежа тиқилиб, юқорида кўрсатилган тартибга асосан хамир қорилади. Вақт датчиги 15 сек. дан кейин ишга тушади. Хамир қоргичнинг каллаги тамоман ишдан тўхтагандан сўнг дежа ечилиб, цилиндр кўриннишида шаклланган хамир чиқариб олинади. Каллакнинг парраклари ва дежанинг деворлари яхшилаб хамир қолдиқларидан тозаланиб, улар умумий массага қўшилади.

Дондаги сувнинг таркиби 11% дан кам бўлганда хамир нотекис қорилади. Бундай вазиятда хамир дежадан чиқарилмасдан яна бир марта «Пуск» тутмачаси босилиб, қайтадан қорилади.

Шаклланган хамирга қўл билан қўшимча ишлов бермасдан косачага солиш ва усти ёпилиб, 20 минут давомида дам бериш керак.

Майдаланган буғдой ўлчанмаси ва клейковина массасини 0,1 г гача аниқлик билан ўлчаш керак.

Дон сифати тўғрисидаги ҳужжат (сертификат ва гувоҳнома)ларда ҳул клейковинанинг миқдори 1.0% аниқлик билан қайд қилинади. Агар аниқ чегарасидан кейинги рақам 5га тенг ёки ундан катта булса, ундаи ҳолда олдинги рақам бир бирликка оширилади ва агар у кичик бўлса, ташлаб ёзилади.


4- §. ҲЎЛ КЛЕЙКОВИНАНИНГ СИФАТИНИИ АНИҚЛАШ

Ҳўл клейковинанинг сифати унинг эластилик хусусиятлари билан баҳоланади. Клейковина миқдорини аниқлагандан сўнг, ундан 4 г массали ўлчанма ажратилиб, шарикча шаклига келтирилади ва у 15 дақиқа давомида ҳарорати $+18 + -2^{\circ}\text{C}$ бўлган сувга солиб қўйилади. Массаси 4 г дан кам бўлган ўлчанмада клейковина сифатини аниқлашга рұксат бериilmagan. Агар ювилган клейковинанинг масаси 4 г дан кам бўлса, у ҳолда қайтадан қўпроқ массали майдаланган доннинг клейковинаси ювиб аниқланади.

Эзилиб кетадиган, осонгина узиладиган ва бармоқлар билан 3 ... 4 марта айлантирганда шарик ҳосил бўлмаса,

бундай клейковинани асбобга қўймасдан, дарҳол сифати бўйича III гурухга таалуқли деб ҳисоблаш мумкин.

Клейковинанинг сифатини ИДК-1 асбобида аниқлаш мумкин (18 — расм). Ўлчайдиган блокнинг пастки қисмида айланада столча ўрнатилган булиб, унинг устига клейковина намунаси жойлаштирилади.



18 — расм. Клейковина сифатини аниқлашга мўлжалланган ИДК-1 асбоби.

1 — «Сеть» тугмачаси; 2 — сигнализация элементлари; 3 — корректор; 4 — индикатор; 5 — ўлчаш бўлаги; 6 — созловчи резистр мосламалири; 7 — пуансон дастаги; 8 — «Тормоз» тугмачаси; 9 — «Пуск» тугмачаси.

Столчанинг устида юк (пуансон) жойлашган. У диск билан тугайди. Таҳлил пайтида пуансон вертикал йўналишда bemalol, эркин ҳаракатланади. Юкнинг клейковина намунаси таъсир давомийлиги вақт релеси билан бошқарилади. Колган вақтда юк маҳсус механизм билан тўхтатилади. Тўғри чизиқли ҳаракат юзага келиб, у олдинги деворда жойлашган ўлчаш бўлаги шкаласининг кўрсаткичига узатилади.

Клейковинанинг эластиклиги қўйидаги тартибда ўлчаниди. Асбобнинг столчаси устига 4 г клейковина қўйилади. Вақт релесини ишга тушириш тугмачаси босилади. Юк эркин ҳолда клейковина намунасининг устига туширилади. 30 сониядан кейин вақт релеси кўшилади, пуансон тормозлана бошлайди ва кўрсаткич (стрелка) шкала бўйлаб ҳаракатланади. Асбобнинг кўрсаткичи ёзиб олинади. Вақт релесининг тугмачаси босилади. Пуансон энг юқориги

ҳолатга кутариб қўйилади ва тухтатиш ричаги босилади. Текширилган клейковина намунаси столчадан олинади. Асбобнинг шартли бирликлари катталиги бўйича, клейковина сифати бўйича учта гурухдан биттасига дахлдор булади (18-жадвал).

18- жадвал

Клейковинанинг сифат гуруҳлари

ИДК-1 асбобнинг кўрсатиши, шкала бирлиги	Сифат бирлиги	Клейковина тавсифи
0 дан 15 гача	III	Қаттиқ қониқарсиз
20 дан 40 гача	II	Қаттиқ қониқарли
45 дан 75 гача	I	Яхши
80 дан 100 гача	II	Кучсиз қониқарли
105 дан 120 гача	III	Кучсиз қониқарсиз

Асбобнинг кўрсатиши қиймати шкаланинг бир бўлими (5 шартли бирлик)гача аниқлик билан ёзилади. Шкала бир бўлимининг ярмигача бўлган улуш катталиклари ташлаб ёзилса, ярим бўлим ва ундан катта бўлган қийматлар бир бутун бўлим деб ҳисобланади. Икки параллел назорат намуналари ва арбитраж таҳдиллар пайтида кўрсатгичлар орасидаги фарқ асбобнинг 5 шартли бирлиги (шкаланинг бир бўлими)дан ошмаслиги керак. Доннинг сифати тўғрисидаги ҳужжат (гувоҳнома ва сертификат)ларда ҳўл клейковинанинг миқдори 1 % гача аниқлик билан ёзилади. Фоизнинг 5га тенг ёки ундан катта бўлган ўнлик улушлари бир бирликка тенглаштириб олинса, 5дан кичик улуси эса ташлаб юборилади.

5- §. ҚУРУҚ КЛЕЙКОВИНА МИҚДОРИНИ ВА УНИНГ ГИДРОТАЦИОН ХУСУСИЯТИНИ АНИҚЛАШ

Ҳўл ва қуруқ клейковинанинг миқдори маълум бўлса, унинг гидротацион хусусиятини аниқлаш мумкин. Клейковинанинг гидротацион хусусияти, яъни сувни ютиш ва боғлаб олиш хусусияти ҳўл клейковинанинг массаси ва уни

Куритгандан (сувсиzlантирилгандан) сунгги массалари уртасидаги фарқ буйича ўрнатилади; у клейковинанинг шишиш пайтида ўзига сувни ютиш имкониятини баҳолайди. Сувни ютиш имконияти қуруқ клейковина массасига нисбатан фоизларда ифодаланади.

Қуруқ клейковина билан ютиладиган сувнинг миқдори дон нави ва консистенциясига боғлиқ ҳолда 170 . . . 250%ни ташкил қиласди. Клейковинанинг сувни ютиш имконияти унинг физикавий хоссаларига таъсир курсатади. Клейковинанинг юқори сув ютиш (гидротацион) имконияти юқори нонбоплик хусусиятли буғдой уни (ва дони) учун характерлиdir.

✓ Қуруқ клейковинанинг миқдори стандарт буйича икки усуlda: ВНИИХП-ВЧ асбобида ва қуритиш шкафида қуритиб аниқланади.

Биринчи усул буйича 4 г массага эга булган ҳўл клейковина ўлчаммаси сифати аниқлангандан сунг, у қофоз пакетга ёки алюмин фолгасидан қилинган пластинка ичига жойлаштирилади. Қофоз пакет газета, ротатор ва бошқа турдаги қофозлардан ясалади. Томонларининг узунлиги 16 см га тенг булган квадрат шаклидаги қофоз ёки алюмин фолгасидан қилинган варак диагонали буйича учбурчак шаклида буқланади, бунда қофознинг учлари тахминан 1,5 см га ичкарига қатланади. Пакет 180°C ҳароратга эга булган асбобда 3 дақиқа давомида қуритилади, сунгра эксикаторга ўтказилиб, 2 дақиқа ичиде совутилади. Совутилган пакет ўлчаниб, яна қайтадан эксикаторга жойлаштирилади ва кўпи билан 2 соат мобайнида сақланади.

Шундан сунг ичиди клейковинаси булган пакет ёки пластинка тагин асбобга жойлаштирилади ва 180°C ҳарорат остида 10 дақиқа давомида қуритилади. Қуритилган намуна совутиш учун 2 дақиқа эксикаторда сақланиб, кейин ўлчанади.

✓ Иккинчи усул буйича соат шишаси ёки Петри косачаси қуритилади ва ўлчанади. 4 г клейковина ўлчаб олинниб, у иложи борича юпқа қават ҳосил қилиб, шиша юзаси буйлаб чўзилади.

Клейковина шкафда 105°C ҳарорат остида қуритилади. Қуритишни бошлашдан 3 . . . 4 соат ўтгандан сунг устига клейковина жойлаштирилган шиша 20 дақиқа давомида экси-

каторга солиб совутилади, сўнгра ўлчанади ва яна қайтадан олдинги ҳарорат остида I соат мобайнида қуритилади. Клейковинали шиша яна эксикаторда совутилиб, массаси ўлчанади. Агар клейковинанинг массаси тақрорий қуритишдан кейин ўзгармаса, қуритиш жараёни тугалланган деб ҳисобланади; агар масса камайса, у ҳолда доимий массагъ эришгунга қадар қуритиш давом эттирилади.

Куруқ клейковинанинг массаси 4 г лик ҳул клейковина ўлчамасига нисбатан фоизларда белгиланади.

Клейковинанинг гидратацион имконияти (%) куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$X = \frac{(m_1 - m_2) \times 100}{m_2} +$$

бу ерда: m_1 — ҳул клейковинанинг массаси, г;
 m_2 — куруқ клейковинанинг массаси, г.

6- §. БУҒДОЙ ДОНИНИНГ КУЧИНИ СЕДИМЕНТЛАШТИРИЛГАН ЧУКМА БЎЙИЧА АНИҚЛАШ

Буғдой донининг кучи қуйидаги кетма-кетлиқда аниқланади.

100 та дон лаборатория майдалагичида майдаланиб, тешик размери 150 ёки 200 мкм бўлган элак ёрдамида эланади. Ҳажми 100 мл лик тиқинли шиша цилиндрга (шиша цилиндр 0,1 мл бўлим билан шкалаланган), 3,2 г ун солинади. Унинг устига (50 мл) кўк бромфенол бўёғи билан аралаштирилган 50 мл дистилланган сув қуйилади. Секундомер ишга туширилади (у аниқлаш жараёнининг охиригача тўхтатилмайди). Цилиндр тиқин билан ёпилиб, горизонтал ҳолатда 5 секунд мобайнида яхшилаб аралаштирилади, бунда бир таркибли суспензия ҳосил бўлиши керак. Цилиндр суспензия билан 55 секунд давомида вертикал ҳолатда қўйилади. Шундан сўнг тиқин олиниб, 25 мл ҳажмдаги сирка кислотасининг 6% ли эритмаси қуйилади. Цилиндр ёпилиб, 15 секунд мобайнида тиқин бармоқ билан яхши ушланган ҳолда 4 марта тиккасига айлантирилади.

Шундан сүнг 45 секунд мобайнида цилиндр тинч ҳолатда қўйилади. Сўнгра 30 секунд давомида цилиндр 18 марта секин бир текисда айлантирилади, 3- марта 5 сония давомида цилиндр тинч ҳолатда қолдирилиб ва шундан сўнг 0,1 мл аниқликкача седиментланган чўкма ҳажми кузатилади. Агар чўкманинг кўп бўлмаган қисми эритма юзига сузуб чиқса, уни асосий чўкма таркибига киритиш мумкин. Седиментланган чукманинг ҳажми (мл) 14,5% намлика эга бўлган унга нисбатан қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V = V_{\text{эксп.}} \left(\frac{100 - 14,5}{100 - W_x} \right);$$

бу ерда: $V_{\text{эксп.}}$ — седиментланган чўкманинг ҳақиқий экспериментал ўлчангандан қиймати, мл;

W_x — тадқиқ қилинаётган уннинг ҳақиқий намлиги, %.

Доннинг нонбоплик кучини седиментлаштирилган чўкма қиймати бўйича баҳолаш учун қуйидаги тахминий меъёрлар тавсия қилинади (19 — жадвал): $W_x = 11,9\%$

19- жадвал

Майдаланган, турли йирикликтаги ун маҳсулоти учун седиментлаштирилган чўкма

Ун тоифаси	ЭЛАК ЗЛАНМАСИ	
	150 мкм	200 мкм
жуда кучли	> 60	> 45
кучли	60 ... 40	45 ... 30
ўргача кучли	40 ... 20	30 ... 15
кучсиз	< 20	< 15

7- §. ЖАВДАР ДОНИНИНГ КЛЕЙКОВИНАСИНИ ВНИЗ УСУЛИ БҮЙИЧА ЮВИБ АЖРАТИШ

Иш күйидаги кетма-кетликда ўтказилади:

1. 3% ли натрий хлорид (ош тузи) эритмасида калий сулфатнинг (K_2SO_4) 1% ли эритмаси тайёрланади. Бунинг учун 2,5 л дистилланган сувга 75 г натрий хлорид ва у яхши эригандан кейин 25 г калий сулфат тузи ташланади. Жараённи жадаллаштириш учун эритмани 35..50°C ҳарораттагача қиздириш мумкин.

Тузли эритма жавдар донидан шиллик-оқсил моддаларини ажратиб чиқариш учун мўлжалланган.

2. Ўрта намунадан 100 г жавдар дони ажратилади ва ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозаланади. 50 г массали ўлчамна янчилади.

3. Туз эритмалари 35°C ҳарораттагача қиздирилади.

4. Туз эритмасида унли суспензия тайёрланади. Бунинг учун 50 г майдалланган дон (ун)га 500 мл ҳажмда тузларнинг қиздирилган эритмаси солиниб, яхшилаб чайқалади.

5. Тешик ўлчами 300..400 мкм капрон ёки ипак элак ёрдамида унли суспензиядан кепакнинг катта қисми ажратиб олинади.

6. Аралаштиргичда ун суспензияси механикавий гомогенлаштирилади (яъни текис таркибли ҳолатга келтирилади). Агар аралаштиргич бўлмаса, унли суспензия стаканда кўл ёрдамида чайқаб, яхшилаб аралаштирилади.

7. Центрифугали стаканда 3..5 дақиқа давомида унли суспензия чайқатилади.

8. Чўкманинг устидаги суюқлик тўкиб ташланади. Қолдиқ яхшилаб аралаштирилади ва эритмага 1:10 муносабатда кичик порциялар билан сув куйилиб, яхшилаб аралаштирилади ва яна центрифугаланади.

9. Аралаштириш ва центрифугалаш жараёни 90 дақиқа ичida 4 марта такрорланади. Центрифугалашдан сўнг суюқлик юзасида кўпик ҳосил бўлади; клейковинани ювиш учун суюқлик элак устидан қўйилади. Кўпик ҳосил бўлиш жараёнини камайтириш учун центрифугалашдан оддин стакандаги суспензия эҳтиёткорлик билан чайқатилади.

10. Тўрт-беш карра центрифугалашдан сўнг центрифугали стакандаги чўкма тешик ўлчами 100 мкм дан катта

бўлмаган ипак ёки капрон элакка солиниб, уй ҳарорати остида водопровод суви оқимида, худди буғдой донининг клейковинасини ювандай қилиб ювилади.

II. Крахмалнинг асосий массаси ювиб ташланиб, клейковинанинг шаклланган бўлакчалари ва кепак қисмлари бир жойга тўпланади. Ва улар каттароқ тешик (300...400 мкм)ка эга бўлган капрон элакнинг устида қўшимча равишда ювилади.

Иккита элакда клейковинани ювиш вақти 30 дақиқадан, суспензияни аралаштириш вақтидан бошлаб эса 2 соатдан ошмаслиги керак.

Клейковина иккита параллел ўлчанмадан ажратиб олиниб ўлчанади ва уларнинг ўрта арифметик қиймати 0,1% гача аниқлик билан олинади. Клейковинанинг сифати ИДК-I асбоби ёрдамида аниқланади. Клейковинанинг чиқим миқдори назарий, яъни дон (ун)даги глиадин ва глютеннинг йигинди миқдорига нисбатан 90% ни ташкил қиласиди.

Тузли экстракция усули билан жавдар донидан ҳўл клейковинани ювиб олганда, унинг миқдори 3,9дан 10,2% гача тебранади. ИДК-I нинг кўрсаткичи 75 дан 110 бирликкача ва гидротацион имконияти 210 дан 280% гача бўлган миқдорни ташкил қиласиди.

8- §. АРПА ДОНИНИНГ КЛЕЙКОВИНА МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Арпа донининг айрим навлари таркибидагина клейковина бор. Сифати бўйича арпа донининг клейковинаси буғдой дони клейковинасига нисбатан ёмонроқ. Клейковина миқдорини аниқлаш учун арпа дони ўлчанмасини тайёрлаш тартиби худди буғдой донидаги сингари амалга оширилади. 100 г тозаланган дон янчилади ва ундан 25 г ун ўлчаб олинади. Кейин ун ўлчанмасига 45°C ҳароратли водопровод суви куйилади. Қорилган хамир соат шишиши билан ёпилади ва оқсиллари шишиши учун 30 дақиқа тинч ҳолатда қолдирилади.

Клейковина 45...50°C ҳароратли иссиқ сув билан ювилади. Бунда тешик ўлчами 0,1...0,2 мм бўлган элак ишлати-
104

лади. Арпа дони клейковинасининг бўлакчалари секин ва кучсиз равишда бир-бирига қўшилади. Шунинг учун ярим-суюқ ҳолатдаги массани элакнинг устида жуда эҳтиёткорлик билан ювиш керак.

Арпа клейковинасининг сифати худди буғдой дони клейковинаси сифатини аниқлашда ишлатилган усул билан баҳоланади.

9- §. ДОННИНГ КИСЛОТАЛИЛИГИНИ ЧАЙҚАШ УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

Доннинг кислоталилигини чайқаш усули билан аниқлаш ГОСТ108440 — 74 стандарти бўйича ўтказилади. Доннинг кислоталилиги даражаларда ўлчанади. Соғлом буғдойнинг кислоталилиги 3°дан юқори бўлмаслиги керак. Донни саклаш даврида ва унинг бузилишида биокимёвий жараёнлар бўлиб ўтади.

Доннинг кислоталилигини аниқлаш учун ўрта намунадан 50 г ўлчанма ажратиб олинади ва у бузилган дондан бошқа барча ифлослантирувчи аралашмалардан тозалана-ди. Дон лаборатория теги:рмончасида янчилади. Майдаланган дон 08 ракамли металдан тўқилган элакдан ўтказила-ди.

Янчилган дон шиша идишга солинади ва устига ҳам шиша пластинка ёпилади (бунда маҳсулот қалинлиги 3 — 4 мм лик қават ҳосил қилиши керак). Устки шиша олинади. Маҳсулотнинг ҳар жойидан (камиде 10 жойидан) 5 г дан иккита ўлчанма ажратиб олинади. Ўлчанмалар техникавий тарозида 0,01 г гача аниқликда тортилади. Ҳар бир ўлчанмани куруқ конуссимон колбага солиб, устига 50 мл дан дистилланган сув қуйилади. Колба яхшилаб чайқалади, бунда ун ва сув яхши аралашиби керак. Чайқатилган ара-лашмага 5 томчи 1% ли фенолфталеин эритмасидан томи-зилади ва яхшилаб чайқатилади ва у NaOH нинг 0,1 н ли эритмаси билан секин титрланади. Титрлашни эҳтиёткорлик билан амалга ошириш керак. Титрлаш пайтида колба доимий равишда чайқатиб турилади. Титрлаш 20–30 со-ния давомида йўқолмайдиган оч пушти ранг ҳосил бўлгунга қадар давом эттирилади. Агар чайқатилгандан сўнг бу ранг

Йўқолмаса, титрлаш тұхтатилади, агар ўз рангини йўқотса, колбага яна 3–4 томчи фенолфталеин эритмасидан солиб, титрлаш давом эттирилади. Ҳосил бўлган пушти ранг титрлаш тугаганидан далолат беради. Агар қўшилган фенолфталеин томчилари пушти рангни ҳосил қилмаса, титрлаш жараёни яна давом эттирилади.

Агар титрлашга тайёрланган чайилма жадал буялган бўлса, ўша дондан учинчи чайилма ҳам тайёрланиб, ҳосил бўладиган тус доимий равишда унинг бошланғич ранги билан таққослаб борилади.

Кислоталилик даражаларда куйидаги формула бўйича топилади:

$$X = \frac{V \times K \times 100}{10m_H} = \frac{10VK}{m_H} = \frac{10VK}{5} = 2VK;$$

бу ерда: V — титрлашга сарф бўлган 0,1 н. ли эритманнинг ҳажми, мл;

K — ишқорни титрлаш учун тўғрилаш коэффициенти;

m_H — янчилган дон ўлчамасининг массаси, г.

Охирги натижа икки параллел аниқлаш натижаларининг ўрта арифметик қиймати сифатида қабул қилинади. Иккита параллел аниқлашлар орасидаги фарқ $0,2^\circ$ дан ошмаслиги керак.

10- §. ДОНДАГИ КРАХМАЛ МИҚДОРНИИ ЭВЕРС УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

Крахмал миқдорини Эверс усули бўйича аниқлаш декстринларнинг (крахмал гидролизининг оралиқ маҳсулотлари) қутбланган нурнинг текислигини айлантириш қобилиятига асосланади. Айлантириш бурчаги катталиги модданинг эритмадаги концентрациясига пропорционал равиша ўзгаради.

100 мл ўлчов колбасига 5 г майда янчилган дон кукуни солинади. Устидан 25 мл 1% ли HCl эритмаси қуйилиб, эритма яхшилаб чайқалади ва яна 25 мл ўша кислотадан қуйиб, колбанинг бўйнига ўтириб қолган ун зарралари

ювилади. Яна колба чайқатилиб, 30 дақиқа мобайнида сувли ваннада қиздирилади. 30 дақиқали крахмал гидролизидан сүнг колбага 30 мл совуқ сув қойилиб, колба ичидаги маҳсулот 20°C ҳароратгача совутиласи ва оқсилиларни чўктириш мақсадида 10 мл 4% ли молибден аммоний кислотаси эритмасидан солинади. Колбанинг ичидаги маҳсулот қуруқ фильтр орқали қуруқ колбага фильтрланади. Мутлақ тиник фильтрат ҳеч қандай ҳаво пуфаги қолдирилмасдан қутблантирувчи найчага қойилиб, сунгра найча сахариметрга ўрнатиласи ва айлантириш бурчаги аниқланади. Крахмал миқдори қойидаги формула бўйича аниқланади;

$$C = \frac{L \times 100 \times 100 \times 100}{[L]^{20} D \times P \times l(100 - W)} \times 0,3469;$$

бу ерда: L — айлантириш бурчаги;

P — ун оғирлиги, г;

l — қутблантирувчи найча узунлиги, дм;

W — тадқиқ қилинаётган модда намлиги, %;

$[L]^{20}D$ — декстринларнинг солиштирма айлантириш бурчаги.

0,3469 — поляриметрнинг айлана шкаласи курсаткичидан сахариметрнинг нормал шкаласига ўтувчи коэффициент катталиги. (Нормал шкаланинг 1 та бўлими 0,3469° га тенг). Ҳар бир оптик фаол модда учун унинг солиштирма айлантириш катталиги константа бўлиб хизмат қиласи.

Солиштирма айлантириш катталиги деб, 1 дм узунликка эга бўлган найчадаги 100 мл ҳажмда 100 г моддани сақлаган эритманинг нурни айлантириш бурчагига айтилади. У $[L]^{20}D$ белгиси билан ифодаланади. Бу ерда 20-эртиманинг ҳарорати, D эса спектр чизигини (Na шуъласи) билдиради. Қуйида турли экин крахмалларидан олинган декстринларнинг солиштирма айлантириш бурчаклари келтирилган:

картошка	194,5
гуруч	185,9
жавдар	184,0
буғлой	182,0
арпа	181,5
сули	181,3

Айлантириш бурчаги қуидаги аниқланади. Анализатор окуляри аник күринишга ўрнатилади ва винтни айлантириш орқали шкаланинг «ноль» бўлими билан нониус шкаласи бир-бирига тўғри келтирилади; бунда поляриметрнинг күриш майдони бир хил ёритилган бўлиши керак. Сахариметрнинг новачасига эритма билан тўлдирилган найча ўрнатилади ва қопқоқ ёпилади. Эритманинг оптик таъсири натижасида поляриметрнинг куриш майдончаси вертикал чизиқ бўйича иккита ярим доира шаклидаги бўлимларга бўлинади: ўнг томонда қоронғу ва чап томонда ёруф бўлимлар: винт соат стрелкасига қарама-қарши айлантирилиб, күриш майдончаси иккита ярим бўлаклари бир хил даражада ёритилганликка келтирилади. Шундан сунг қийматлар олинади. Қўзга бир пас дам берилиб, яна бир марта маҳсулот қутблантирилади ва икки кўрсаткичдан ўртачаси олинади. Қийматни олиш учун қайси икки бўлак ўртасида нониуснинг “ноль” рақами тўхтаса, бунда улардан кичиги бутун сон ден ҳисобланади. Сунгра “ноль” дан ўнгда жойлашган нониуснинг қайси бўлаги шкала бўлимининг қайси рақамига тўғри келса, бу ўнлик улуш деб олинади.

11- §. ДОН ВА УННИНГ КУЛЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Доннинг кулдорлиги дон таркибидаги қийин ҳазм бўлувчи моддалар миқдорини кўрсатади. Кулланиш даражаси майдаланган доннинг муфел печида куйдириб ҳосил бўлган кулининг таҳлил учун қабул қилинган ўлчанма массасига нисбатан фоизларда ҳисобланган миқдорига teng.


Кулланиш даражасини аниқлаш учун ишлатиладиган лаборатория ускуналари ва инвентарь

Доннинг кулланиш даражасини аниқлашда МП-2УМ, МП-2М, № 3 ва бошқа муфел электропечлари ишлатилади (19 – расм). Лаборатория тарозисида маҳсулот рухсат этилган + –0,0002 г хатолик билан ўлчанади. Маҳсулот солинадиган тигеллар куймайдиган қолдиқлари билан экспекторда совутилади.

Бу печ маҳсулотни 1000°C ҳарорат остида куидиришга

мүлжалланган. Электропеч ичига сопол муфел жойлаштирилган металл корпус ва бошқариш пултидан ташкил топган. Муфелнинг устига қиздириш спирали үралган бўлиб, филоф ва муфелнинг орасида иссиқлик ўтказмайдиган қават жойлаштирилган. Муфелнинг олдинги деворида эшикчали туйнук ўрнатилган. Эшикча очилганда (дастак буралиб) горизонтал ҳолатга келтирилади.

Бошқарув пульти (термосозлагич) печнинг чап томонига ўрнатилиб, қопқоқ остига жойлаштирилган (шу ерда асбобни электртармоқقا улайдиган клеммалар ҳам жойлашган). Печнинг магнитли ишга туширгичи қиздиргични кўшиб ажратади. Бошқарув пульти сигналли чироқ билан таъминланган. Термосозлагич “0” дан “10” гача булган шартли бўлимли шкала ва кўрсатиш стрелкасига эга. Кўрсатиш стрелкаси “10” рақамининг устига келтирилса, печнинг ҳарорати максимал даражага, яъни 1000°C га етади. Кўрсатиш стрелкаси соат мили йуналиши бўйича айланади. Термосозлагичнинг шкаласидаги бўлимлар — нисбий сонлардир, шунинг учун печнинг ишчи зонасидаги қизиш ҳароратини милливольтметрли термопара билан текшириш керак. Шундай қилиб, шкала бўлимларининг қизиш ҳароратига тахминий мослиги топилади. Печнинг ишчи зонасига термопараларни киритиш учун мўлжалланган тешик муфел печнинг орқа деворида жойлаштирилган. Маҳсулотни куидириш жараёнида печнинг қиздириш ҳарорати милли-



19 -расм. МГ-2УМ русумли электропеч.

1 — корпус; 2 — қиздиргичли муфел; 3 — иссиқлик изоляцияси; 4 — бошқарув пульти; 5 — эшикча; 6 — клеммали панель; 7 — ҳароратсозлагич дастаги.

вольтметр ва термопаралар ёрдамида ҳам назорат қилинади. Печнинг корпуси маҳсус оёқчалар устига ўрнатилган.

№ 3 муфел электропечи. У дон маҳсулотлари корхоналарининг лабораторияларида кенг қўлланилади.

Муфел печи иккита асосий қисмдан иборат: корпус ва реостат. Корпуснинг сопол қисми хром никелли сим билан ўралган бўлиб, унинг икки учи ташқарига чиқарилиб, иккита контактга уланган. Юқори томонидан сопол сим бўйлаб асбест билан қопланиб, темир филоф билан ёпилган. Реостат ёрдамида печнинг чўғланиш даражаси оширилади ёки камайтирилади.

Чўғланган муфелнинг ранги бўйича шкалага таяниб, печнинг қизиш даражаси ҳақида тахминий фикр юритиш мумкин: кучсиз-қизил-600-650°C, ёрқин-қизил — 850°C, оқ — 1200°C.

Тигеллар. Улар қаттиқ моддаларни қиздириш ва шу каби мақсадлар учун ишлатилади. Тигеллар 1200°C га яқин ҳароратга чидайдилар. Дон маҳсулотлари корхоналари лабораторияларида чинни ёки кварцдан ясалган З -рақамли тигеллар ишлатилади.

Тигел қисқичлари. Улар иссиқ тигелларни ушлаб, муфел печига киритишда ва ундан чиқаришда ишлатилади.

АДВ-200 русумли лаборатория тарозиси

Тарози (20 -расм) иккинчи аниқлик синфига тааллуқли бўлган тарозилар жумласидан бўлиб, кимёвий таҳлиллар пайтида ишлатилади ва маҳсулотни + -0,0002 г хатолик билан ўлчашга имкон беради.

Тарозини ишлатиш қоидаси — ўлчанадиган предметнинг ҳарорати тарози ҳароратига тенг бўлиши керак. Шу сабабли тортилиши керак бўлган барча предметлар тарози ёнида камида ярим соат мобайнида ҳарорати тенглаштирилиши учун сақлаб турилиши керак. Иссиқ, илиқ ёки жуда совуқ предметларни тарозида ўлчашга рухсат берилмайди, чунки бу ҳолатда ўлчаш натижалари нотўғри чиқади. Ўлчанадиган предмет ва тарози тошлари палланинг ўртасида жойлаштирилиши керак. Тошлар фақат суюқ ёки пластмасса учли пинцет ёрдамида олиниши керак. Тарозининг металл елкаларига таъсир қилувчи очиқ идишида қўйилган суюқ ёки қаттиқ моддаларни тарозида ўлчаш ман этилади.

Тарози махсус хонада сақланади. Уларни қиздирувчи асбобларнинг, шунингдек ишлаганда хона деворларини, полларини титратадиган машина ва аппаратларнинг яқинига ўрнатиб бўлмайди.



20 -расм. АДВ-200 русумли тарози (димпферли).

1 — паллалар; 2 — елка; 3 — ҳалқалар; 4 — лимбалар; 5 — демпфер; 6 — ёргулик шкаласи.

Титрашни йўқотиш учун тарози махсус таглик устига жойлаштирилади ёки унинг оёқчалари остига эластик материалдан мосламалар қўйилади. Тарозига қўёш нурининг тушиши мумкин эмас.

Ўлчаш тартиби — тенгелкалик ва сезирлик бўлиб, у худди техниковий тарозилардаги сингари текширилали. Тарози курсаткичининг доимилиги юкламаган тарозизда ноль нуқтасининг иккита аниқлаш натижалари таққосланаб текширилади.

Ўлчашдан олдин ноль нуқтаси топилади. Бунинг учун арретир кўтарилиб, стрелканинг пастки шкаладаги ўрта бўлимдан чапга ва ўнгга оғиши белгиланади. Даврий чайқалиб туралиган (демпферсиз) тарозилар учун ноль нуқтасини топишда қўйидаги формула ишлатилиади.

$$K_1 - 2K_2 + K_3$$

4

бу ерда: K_1 , K_3 — стрелканинг ўнгга оғиши, шкала бўлимлари;

K – стрелканинг ўртадан чапга оғиши, шкала бўлимлари.

² Ўнгга оғиши мусбат, чапга оғиши эса манфий деб ҳисобланади. Тарозининг чап палласига пинцет ёрдамида тигел, ўнг палласига эса тарози тошлари қўйилади. Бунда ўнлик улушлар катта лимба, юзлик улушлар кичик лимба, минглик ва ўн минглик улушлар эса куи шкаланинг кўрсаткичлари бўйича ёзилади. Муфел печидан куйдиришга мўлжалланган, ўлчанганди, ичидаги маҳсулоти бор тигелларни қўл билан олиш мумкин. Куйдирилиб совутилгандан кейин то тўлиқ ўлчангунга қадар кулли тигелларни қўл билан олиш тақиқланади.

Дон кулланиш даражасини тезлаттичиз ва тезлаттич ёрдамида аниқлаш

Доннинг кулланиш даражасини тезлаттич қўлламасдан ва тезлаттич ёрдамида аниқланади. Тезлаттич сифатида нитрат кислотаси ва магний ацетат ишлатилади. Улчанмалар қийин қўлланган вазиятдагина тезлаттичдан фойдаланилади. Тезлаттичларнинг таъсир қилиш механизми қўйида-гича: улар тўлиқ куиб, куйдирилаётган маҳсулотнинг қобиғини ғоваклаштиради ва маҳсулот ичига кислороднинг кириши осонлашиб, куиши жараёни тезлашади. Баъзан кулланиш даражаси юқори ҳарорат остида аниқланади.

Дон олдиндан тайёрланади, янчилади, сўнгра эса муфел печида куйдирилади.

Донни тайёрлаш. Ўрта намунадан бўлгич ёки қўл билан 30-50 г дон ажратиб олинади. У бузилган донлардан, бошқа ифлослантирувчи аралашмалардан тозаланиб, лаборатория тегирмончасида майдаланади.

Майдалаш даражаси шундай булиши керакки, бунда майдалanganan маҳсулот тўлиқ 08 номерли элакдан ўтиши керак. Майдалanganan дон шиша пластинка устига тукилади, иккита текис куракча билан аралаштирилади ва текисланади. Сўнгра маҳсулотни иккинчи шиша билан шундай ёпиш керакки, бунда маҳсулот қалинлиги 3-4 мм ли юпқа қават ҳосил қилсин.

Тигелларни тайёрлаш. Тигеллар муфел печида доимий массага етгунча қиздирилади ва эксикаторга жойлаштирилади, улардан эса маҳсулот бевосита куйдириш олдидан чиқариб олинади.

Кулланиш даражасини асосий усул билин (тезлатгичсиз) аниқлаш

Тайёрланган тигеллар үлчанади. Кейин эса шиша устидаги майдаланган маҳсулотнинг ҳар жойидан ингичка куракча билан тигелга камида ўн марта маҳсулот шундай ориентир билан солиниши керакки, бунда тигел ичида тахминан 2-2,5 г маҳсулот ҳосил бўлсин. Ичида үлчанмаси бўлган тигеллар аналитик тарозида 0,0002 г хатолик билан үлчанади.

Ўлчанган маҳсулотли тигеллар 400 – 500°C ҳароратга-ча қиздирилган (тўқ-қизил чўғланиш) печнинг ичига, эшикласига яқин қилиб жойлаштирилади. Бунда қуруқ ҳайдаш маҳсулотларининг алангаланишига йўл қўйилмасдан куйдирилади.

Қуруқ ҳайдаш маҳсулотларининг ажралиб чиқиши тухтагандан кейин тигелларни муфел печининг ичига итариб, эшикчалар ёпилади. Сунгра печ 600 – 900°C ҳарорат (очиқ қизил чўғланиш) гача қиздирилади.

Куйдириш жараёни тигелдаги маҳсулотнинг кул ранг ғовакли массага айлангунига қадар давом эттирилади.

Эксикаторда совутилгандан кейин тигеллар үлчанадилар, сунгра яна 20 дақиқа давомида куйдирилади. Агар кули билан бирга тигелларнинг массаси ўзгармаса, у ҳолда куллаш жараёни тухтатилади. Агар уларнинг массаси камида 0,0002 г микдорга камайса, унда куйдириш тақрорланади. Тақрорий куйдиришдан кейин тигелларнинг массаси ортса, унда кичик қийматли масса натижা сифатида қабул қилинади.

Нитрат кислотаси иштирокида маҳсулотни кулга айлантириш

Даставвал үлчанма муфел печида тигелдаги маҳсулот кул ранг ғовак ҳолатга етгунча куйдирилади (асосий усул билан кулга айлантириш пунктига қаранг). Шундан сунг тигеллар совутилиб, ичидаги маҳсулот устидан 3-5 томчи нитрат кислотаси томизилиб кулланади.

Тигеллар ичкаридан муфел печининг эшикчаси олдига (агар эшикча ағдарилиб очиладиган бўлса, эшикчанинг 8 – 28

устига) құйилади ва эхтиёткорлик билан кислотанинг қайнашига йүл құймасдан буғланади, шундан сұнг тигеллар 600 - 900°C ҳарораттагача қыздырылған печнинг ичкариология суріб құйилади. Эшикча ёпилиб, тигелдеги масса 20-30 дақықа мобайнида күйдирилади.

Ичидаги үлчанма кулға айланған тигеллар эксикаторда совутилади ва үлчанади. Агар 20 дақықалық тақрорий қиздиришдан сұнг кулли тигелларнинг массаси ұзгармаса, күйдириш жараёни туталланған деб ҳисобланади.

Магний ацетатининг спиртли әритмаси иштироқида маҳсулотни кулға айлантириш

Хар қайси үлчанмали тигелга томизгич билан магний ацетатининг спиртли әритмасидан 3 мл томизилади. Үлчанма теззатгич билан түлиқ түйингандан кейин, 1-2 дақықа үтиши билан тигеллар бевосита сұрувчи шкаф ичига металл ёки чинни тәглилкә құйиб жойлаштирилади. Тигел ичидаги маҳсулот металл стерженга кийдирилған, олдиндан спирт шимдирилған ёнаётган пахта күйдирилади.

Теззатгич күйгандан сұнг тигеллар муфел печининг ичига эшикласига яқынроқ қылаб (агар эшикча ағдарилиб очилса, унинг устига) жойлаштирилади. Бунда печ 600 - 900°C ҳарорат (очиқ-қызил чүгланиш) гача қыздырылған бұлиши керак. Секин-аста тигеллар муфел печининг ичкариология итарилади.

Тобlab қыздыриш таҳминан 1 соат мобайнида, қора зарачалар тұла-тұқис йүқолғунға қадар давом эттирилади.

Кул массасини анықлаш

Кул миқдори X (%) құйидаги формула бүйича ҳисобланади:

$$X = \frac{m_k \times 100 \times 100}{m_{yL} (100 - W)},$$

бу ерда: m_k — кул массаси, г;

m_{yL} — майдаланған дон үлчанмасининг массаси, г;

W — майдаланған доннинг намлиги, %.

Магний ацетат (спиртли эритма) иштирокида кул ҳосил қилингандан, унинг миқдори қўйидагича топилади:

$$X = \frac{(m_k - m_t) \times 100 \times 100}{m_{y, l} (100 - W)};$$

бу ерда: m_k — кулнинг умумий массаси, г;

m_t — тезлатгич кулининг массаси, г;

$m_{y, l}$ — майдалангандон ўлчанмасининг массаси, г;

W — майдалангандоннинг намлиги, %.

Тезлатгич кулининг массасини топиш учун (қиздириб тобланган ва ўлчанган) қуруқ тигелга магний ацетатнинг спиртли эритмасидан 3 см³ миқдорда солинади ва ёқилади. Тезлатгич ёниб бўлгандан сўнг тигел муфел печида 20 дақиқа давомида қўйидирлади, кейин совутилиб ўлчанади ва ичида тезлаттичининг кули бўлган тигел ва бўш тигел массалари ўртасидаги фарқ бўйича тезлатгич кулининг массаси топилади.

Кулланиш даражаси иккита параллел ўлчанма бўйича аниқланади. Агар икки натижа орасидаги фарқ йўл қўйиладиган (0,05%) катталикдан ошмаса, у ҳолда асос сифатида шу икки ўлчанма натижасининг ўрта арифметик қиймати қабул қилинади.

Кулланиш даражаси миқдори фоизнинг мингдан бир улушигача аниқлик билан ҳисобланиб, у иккинчи ўнлик белгигача яхлитланади.

Яхлитлаш тартиби қўйидагича амалга оширилади: агар ташлаб юборилиши керак бўлган биринчи рақам чапдан ўнга қараб санаганда бешдан кичик бўлса, у ҳолда сақланниши керак бўлган охирги рақам ўзгармайди. Агар у бешга teng ёки катта бўлса, сақланадиган рақам бир бирликка оширилади.

Кулланиш даражаси миқдори назорат қилингандан дастлабки аниқлаш натижаси ва текшириш натижалари орасидаги фарқ 0,1% дан ошмаслиги керак.

Текшириш натижаларига кўра, дастлабки ва назорат натижалари орасидаги фарқ йўл қўйиладиган меъёрдан ошмаса, охирги натижа сифатида дастлабки аниқлаш

кўрсаткичи қабул қилинади. Агар тафовут йўл қўйиладиган месъёрдан ошса, у ҳолда охирги кўрсаткич сифатида назорат натижаси қабул қилинади.

Мисол. Бўш тигелнинг массаси 10,3284 г; тигелнинг ўлчанма билан биргаликдаги массаси 12,3940 г; тигелнинг кул билан биргаликдаги массаси 10,3724 г; тезлатгич кулининг массаси 0,01 г; маҳсулотнинг намлиги 14%. Кулланиш даражаси аниқлансан.

$$\text{Ечиш. } m_{\text{уЛ}} = 12,3940 - 10,3264 = 2,0656 \text{ г;} \\ m_k = 10,3724 - 10,3284 = 0,01 - 0,0340 \text{ г;} \\$$

$$X = \frac{0,0340 \times 100 \times 100}{2,0656(100 - 14)} = 1,91\%$$

IV боб. АЙРИМ БОШОҚЛИ ДОНЛАРНИ БОТАНИК ХОССАЛАРИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ

Турли экин донлари кўпгина ўхшаш белгиларга эгадир, шу сабабли уларнинг сифатини баҳолаш учун умумий усуллардан фойдаланса бўлади. Улардан кўплари билан биз олдинги бобларда танишдик. Шу билан бирга турли экин донлари битта тур ичидаги турличи ботаник хусусиятларга, кимёвий таркибга ва турли хўжаликбоп хоссаларга эга бўлади. Шу сабабли ҳам алоҳида экин донлари учунгина характерли бўлган таҳлил усулларини кўллашга тўғри келади.

Турли экин донларининг ўзига хос техник таҳлили дон сифатини аниқлаш усулларига бағишлиланган маҳсус Давлат стандартларида баён қилинган.

1- §. ҚАТТИҚ ВА ЮМШОҚ БУГДОЙ ДОНЛАРИНИ ТАНЛАШ

Қаттиқ ва юмшоқ бугдой донлари ташқи белгилари бўйича фарқланади. Қаттиқ бугдой дони асосан туқ қаҳрабо рангдан то оч қаҳрабо рангга қадар ўзгариши, айrim ҳолларда эса қизил рангли ҳам бўлиши мумкин. Қаттиқ

бұғдой дони шаффоф, кам ҳолларда күчсиз унсимон, шакли бүйіча узунчоқ, бурчакли — қобиргали, уртаси йүғонроқ; куртаги қавариқ — узунчоқ шаклда; ариқчаси яққол ажраби турған; туклари ёки умуман бұлмайды, ёки шунчалик заиф шаклланған бұладики, ҳатто оддий күз билан күриш ҳам бұлмайды.

Узунлиги энига $3\frac{1}{2}:1$ нисбатта бұлади.

Юмшоқ бұғдойнинг ранги турлича: оқ, қызыл ва түк-қызыл булиши мүмкін. Юмшоқ бұғдой дони күпинча калта ва думалоқ шаклға зәға. Доннинг учдан биринчи қисми кенгрөқ бұлади (21- расм). Куртаги думалоқ, кенг, бироз ботикроқ. Доннинг куртакка қарама-қарши жойлашған учи қалин туклар билан қопланған.

Юмшоқ бұғдой бутунлай ёки қисман унсимон булиб, 100% шаффоф дон деярли кузатилмайды. Узунликнинг энига бұлған нисбати 2:1ни ташкил қиласы.

Шакли ва тукларининг характеристері қаттық ва юмшоқ бұғдой донларни таниш учун доимий белгилари булиб ҳисобланади. Доннинг консистенцияси нави ва үсімликні етиштириш шароитига боғлиқ ҳолда ұзғарып туради, шу сабаб ли ҳам уни барқарор белгі деб ҳисоблаб бўлмайди.

Қаттық ва юмшоқ бұғдой донлари бегона аралашмалардан, шунингдек урилған ва ейилған донлардан тозаланған 20 г массали ўлчаммани қўл билан ажратиш йўли билан аниқланади.



21- расм. Бұғдой дони: а — юмшоқ; б — қаттық.

2- §. БҮГДОЙ ДОНИНИНГ ТИПИК ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШ

Озиқ-овқатта ва омұхта ем ишлаб чиқаришга мүлжалланған бүгдой дони маңлым бир тип ёки кичик типта мансуб бўлади. Ботаник ва биологик белгилари, ранги ва шаффоғлиги бўйича бүгдой дони тип ва кичик типларга бўлинади (20- жадвал).

I ва IV типларнинг 1 . . . 4 кичик тип бүгдой донлари шаффоғлиги бўйича берилган кичик типта муносиб бўлса ҳам, ранги бўйича талабларга жавоб бермаслиги мумкин. Бу ҳолатда у шаффоғлиги бўйича тегишли кичик типта киритилади ва “Ранги бўйича типик эмас” деб кўшиб қўйилади.

Агар қаттиқ бүгдой таркибида қисман шаффоғ ва қисман унсимон донлар учраса ва шу сабабли у ранги бўйича меъёрдан четта чиқса, маңлум кичик тип номери билан белгитанмайди ва “Ранги бўйича типик эмас” деб топилади. Ноқулай пишиш, йиғиб олиш ёки сақлаш шароитида бүгдой дони ўзининг табиий рангини йўқотса, бунда дон учун кичик тип рақами курсатилмайди. Бу ҳолатда тип белгиланади ва ёки “Рангини йўқотган” деб ёзид қўйилади. “Қорайған” деган сўз бүгдой донининг таркибида қорайған донлар мавжуд бўлса, ёзилади. “Рангини йўқотган” деб топилган дон туркуми учун рангсизланиш даражаси ҳам кўрсатиб ўтилади.

Стандартда уч хил рангсизланиш даражаси кўрсатилган:

биринчи — бошланғич босқич, бунда дон бошоқдалик пайтида ёки хирмонга тушиш пайтида салгина намланиш натижасида ялтироқлиги ва орқа томонидан рангини йўқотади;

иккинчиси — давомли (узоқ) намланиш вақтида дон рангини йўқотади (дон орқа ва ён томоғларидан ялтироқлиги ва рангини йўқотади);

учинчиси — дон бошоқдалик ва хирмонга тушиш пайтида давомли намланиш натижасида бутун юзаси бўйлаб ўз рангини йўқотади.

Бүгдой донини ранги бўйича у ёки бу тип ва кичик типта мансублигини ва шунингдек рангсизланиш даражасини аниқлаш учун ишчи намуналардан фойдаланилади.

Бүгдий донимнинг тавсифи

Типнинг номи ва рақами	Нашлар нинг тақмичий рўйхати	Бошқа типлардаги бүгдий донлари миқдори, фойздан кўп эмас		Кичик типлар тавсифи		
		номи ва рақами	шумадан	Рангни	Умумий шаффолиги, фойз	
1	2	3	4	5	6	7
I - юмшоқ бақорги қизил донли	Саиазар - 4 Интенсив	10	5-катортиқ	1	Тўқ қизил. Асосий тусини бузмайдиган миқдорда сариқ, сариқ ёлини, рангсизланган ва қорайланган донлар бўлиши мумкин.	75 дан кам эмас
				2	Қизил. Асосий тусини бузмайдиган миқдорда сариқ, сариқ ёлини, рангсизланган ва қорайланган донлар бўлиши мумкин.	60 дан кам эмас
				3	Оч қизил ёки сарғиш қизил. Асосий тусини бузмайдиган	40 дан кам эмас
				4	ҳамма турқумга сариқ тус берадиган, аксарият	40 дан кам эмас
II - қаттиқ баҳорги		15	10 - қизил донли	1	Тўқ - қаррабо ранг. Асосий тусини бузмайдиган миқдорда оқарган, хираланган, рангсизланган, унсимон донлар бўлиши мумкин.	80 дан кам эмас
				2	Оч - қаррабо ранг. Асосий тусини бузмайдиган миқдорда оқарган, хираланган, рангсизланган унсимон донлар бўлиши мумкин	метёрланмайди

1	2	3	4	5	6	7
III - юмшоқ баҳорғи оқдоңли	Оқ бүгдой Цета-Цер-рүс 66 Унумли бүгдой	10	Қызыл донли	1	Оқдоңли-шаффоф	60 дан кам эмас
IV - юмшоқ күзги қизил-доңли	Балыстай I Ёнбаш, Маржон, Спартака, Ски- финка Юна, Санзар 6, Улугбек 600, Сур- хон 5688, Шерлор, Красный водопад- 210	10	5-кат- тиқ	1	Тұқ қызыл. Асосий тусни бузмайдыган миқдорда сарғай-ған, сариқ ёнли, рангсизланған ва қорайған донлар бўлиши мумкин.	
				2	Қызыл. Асосий тусни бузмайдыган миқдорда сарғай-ған, сариқ тусли, рангсизланған, қорайған бўлиши мумкин.	60 дан кам эмас
	Истиқлол			3	Оч қызыл. Асосий тусни бузмайдыган миқдорда сарғай-ған, сариқ тусли, рангсизланған ва қорайған донлар бўлиши мумкин.	
				4	Сарғиш-қызил. Туркумга олачи- пор сарғиш-қызил ринг берадиган миқдорда сарғай-ған, сариқ ёнли донлар бўлиши мумкин	40 дан кам эмас
				5	Аксарият бутун туркумда сарғиш тус берадиган сарғайған ўз сариқ ёнли донлар	40 дан кам эмас
V - юмшоқ күзги оқдоңли	Санзар-8 Грекум - 439	10	Қызыл донли		бўлинмайди	юъёрглан-майди
VI - қаттиқ күзги	Марварид, Леукурум-3, Бахт, Александровка, Макуз-3	15	юмшоқ бүгдой		бўлинмайди	70 дан кам эмас

Бу намуналар ҳар қайси ҳудуд учун ҳосил сифатига бөлік ҳолда ҳар йили тузилади ва вилоят Давлат дон инспектори томонидан тасдиқланади.

Бүгдой донининг типик таркибини аниқлаш натижалари 1% гача аниқлаш билан белгиланади. Яхлитлаш пайтида, агар ташлаб юбориладиган рақамлардан биринчиси бешден кичик бўлса, охирги сақланиб қоладиган рақам ўзгартирилмайди. Агар ташлаб юбориладиган рақамлардан биринчиси бешден катта ёки тенг бўлса, у ҳолда охирги сақланиб қоладиган рақам бир бирликка ошириб ёзилади.

Назорат аниқлашлари пайтида, агар назорат ва дастлабки аниқлашлар орасидаги тафовут ўрнатилган меъёрдан ошмаса, охирги натижа сифатида дастлабки аниқлаш натижаси қабул қилинади. Агар тафовут катта бўлса, у ҳолда назорат аниқлашнинг қиймати охирги натижа деб қабул қилинади.

3- §. ЮМШОҚ ҚИЗИЛ ВА ОҚ БУГДОЙ ДОНЛАРИ ОРАСИДАГИ ФАРҚНИ АНИҚЛАШ

Юмшоқ қизил ва юмшоқ оқ бугдой донлари 20 г массали ўлчаммада бир-биридан кўл билан ажратилади. Агар доннинг ранги яққол намоён бўлмаса, унга ўювчи натрий (NaOH)нинг 5 %ли эритмаси билан ишлов берилади. Бу қўйидаги тартибда амалга оширилади. Ранги бўйича гумон қўлинган донлар саналади ва техникавий тарозида ўлчана-ди, сўнгра стаканга солиниб, устидан ишқор эритмаси қўйилади. 15 дақиқадан сўнг оқ бугдой оч сарик рангга, қизил бугдой донлари эса қизил-қўнғир тусга кирадилар.

Яққол намоён бўлмаган рангли бугдой донларига ўювчи натрий билан ишлов берив, рангини аниқлаш усули асосий усул бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга донга қайноқ сув билан ҳам ишлов берса бўлади. Олдиндан қайнатилган сув солиб қўйилган кимёвий стакан ёки чинни ко-сачага дон солиниб, яна 20 дақиқа давомида қайнатилади. Шундан сўнг қизил бугдой донлари қўнғир тус олса, оқ донлар эса оқаради.

Мисол. 20 г массали қизил донли бугдой ўлчамасидан 0,58 г массали 17 та оқ бугдой донлари ва 10 та ноаник рангли массаси 0,31 г бўлган донлар ажратиб олинган.

Ишқор ёки сувда қайнатиб ишлов берилғандан кейин нотаниқ рангли 10 та дондан 3 таси қызыл-құнғир, 7таси зса оқ сарық рангга кирдилар.

7 та оқ рангли бүгдой донларининг массаси (г)ни аниқлаймиз:

$$\frac{0,31 \times 7}{10} = 0,22$$

Оқ бүгдой донларининг умумий массаси: $0,58 + 0,22 = 0,8$ г ни ташкыл қылади. Ўлчанмадаги оқ бүгдой донларининг миқдори (%):

$$\frac{0,80 \times 100}{20} = 4,0\% \text{ га тенг экан.}$$

4- §. БҮГДОЙ ДОНИНИ СТАНДАРТ БҮЙИЧА ТҮЛА ТЕХНИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Бүгдой донига УзРСТ 880-98 "Бүгдой. Тайёрлаш ва етказиб беришга бұлған талаб" деган битта стандарт белгіланған. Стандарт Давлат дон тайёрлов системаси, шунингдек озуқа ва омухта ем ишлаб чиқариш учун мүлжалланған бүгдой донларига татбиқ этилади.

Стандартда бүгдой донининг сифати ва ҳолатини баҳолайдиган қуйидаги белгилар: тип ва кичик тип; тайёрланадиган бүгдой учун базис ва чегаравий меъёrlар күрсатылған техникавий талаблар; бүгдой донининг синфлар бүйича түркүмләниши; озуқа мақсадида ва омухта ем ишлаб чиқариш учун мүлжалланған бүгдойга белгиланған талаблар; асосий доннинг, ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг таркиби; бүгдой донининг намлиги ва ифлосланғанлығы бүйича ҳолати күзда тутилади.

Стандартда дондан намуна олиш шартлари ва алоҳида сифат күрсатқышларини аниқлаш усууллари күрсатылған. Дон сифатини баҳоловчы усул ва белгилари үрганиб булинғандан сүнг түлиқ техник доннинг типи ва кичик типи, натураси, намлиги, аралашмалар миқдори, зарапкунандалар

билин зааралганганилиги, ҳолати, ранги, ҳиди, шаффофилиги, униб чиқсан донлар миқдори, клейковинанинг сифат ва миқдори аниқланади.

Тайёрланадиган юмшоқ бүгдой донлари сифати бўйича тўрт синфга (21- жадвал) ва қаттиқ бүгдой донлари эса уч синфга (22- жадвал) бўлинадилар.

21- жадвал

Юмшоқ бүгдой донининг тавсифи ва меъёллари

Кўрсаткичлар номлари	Синфлар учун тавсиф ва меъёллар				
	1	2	3	4	
1	2	3	4	5	
Тип таркиби	I типнинг 1-3-кичик типлари; III типнинг 1-кичик типи ва IV тип	I, III, IV, V типларнинг барча кичик типлари	I, III, IV, V типларнинг барча кичик типлари ва кичик типлар аралашмаси		
Ҳолати	Қизимаган соғлом аҳволда				
Ҳиди	Нормал бүгдой донига хос бурқсимаган, солодсиз, мотор ва бошқа бегона ҳидларсиз				
Ранги	Мазкур тип ва кичик тип донига хос бўлган нормал тип				
	Биринчи даражали рангсизланишга йўл қўйилади	Биринчи ва иккинчи даражали рангсизланишга йўл қўйилади	Рангсизланиш ва қорайишига йўл қўйилади		

1	2	3	4	5
Шаффоффлик, % дан кам эмас	60,0	60,0	50	чекланмайды
Клейковина миқдори, % дан кам эмас	32,0	28,0	23,0	18,0
Клейковина сифати, гурұхы ...дан паст эмас	I	I	II	II
Натура огирлиги, г/л	Базис мөйері да- ражаси		710	710
Ифлосланти- рувчи аралаш- маларга тегиши- ли қыйин аж- ратиладиган аралашма (свойи сули, татар маржу- маги, % дан күп эмас	2,0	2,0	Умумий ифлослантирувчи аралашмалар миқдори чеклаш мөъсрлари доирасида	
Дони ара- лашмалар таркибиға кирувчи унган дон, % дан күп эмас	1,0	1,0	3,0	5,0

Эслатма: Таркибидә бошқа дон ва дуккакли дон экинлари
аралашмасы 15 % дан ортиқ бұлған бүгдой, бүгдой аралаш-
масы сифатида қабул қилинади.

Қаттиқ бүгдой донининг тасифи ва мөъёрлари

Кўрсаткич-лар номлари	Синфлар учун тасифи ва мөъёрлар							
	1	2	3	4				
1	2	3	4	5				
Тип таркиби	II - типнинг 1, 2- кичик типлари, VI - тип		НОТИПЛИККА ЙЎЛ КЎЙИЛАДИ					
Ҳолати	Қизимаган соглом аҳволда							
Ҳиди	Нормал бүгдой донига хос, бурқсимаган, солодсиз, мотор ва бошқа бсона ҳидларсиз							
Ранги	Мазкур тип я қичик тип донга хос бўлган нормал тип							
	Биринчи даражали рангизланишга йўл кўйилади		Биринчи ва иккинчи даражали рангизланишга йўл кўйилади	Рангизланишга йўл кўйилади				
Клейковина миқдори, % дан кам эмас	28,0	25,0	22,0	18				
Клейковина сифати, гуруҳи ... дан паст эмас	II	II	II	II				
Натура оғирлиги, г/л дан кам эмас	770	745	745	725				

1	2	3	4	5
Шаффошли- ги, % дан кам эмас	80,0	75,0	70,0	чекланмай- ди
Донли ара- лашмаларга мансуб бўл- ган жашдар, арпа ва униб чиқсан дон- ларнинг (биргалик- да) миқдори, % дан кам эмас	2,0	2,0	4,0	Умумий аралашган донларнинг чегаравий меъёри доирасида
Бошқа тип- даги буғдой донлари, % дан кўп эмас	10,0	15,0	15,0	15,0

Эслатма: бошқа типдаги буғдой дони миқдори бўйича 4-синф талабларига мувофиқ келмайдиган қаттиқ буғдой, типлар аралашмаси ҳисобланади ва қаттиқ буғдойга тегишли эмас.

Юмшоқ буғдэй донини у ёки бу синфга киритиш учун клейковинанинг сифат ва миқдори муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қиласи.

Иккинчи ва учинчи даражали рангизланганда, доннинг сифати сезиларли даражада пасаяди. Бундай донларни фақат III ва IV синфларга киритиш мумкин.

Бошқа типдаги донларнинг миқдори бўйича синфсизлик талабларига жавоб бермаса (яъни 15% дан ортиқ бўлса), бундай қаттиқ буғдой донини қаттиқ деб ҳисоблаб бўлмайди; уни типлар аралашмасига дахлдор деб санаш мумкин. Бошқа сифат кўрсаткичлари бўйича юмшоқ ва қаттиқ буғдой донлари тайёрланадиган буғдой учун чегаравий сифат меъёrlарига жавоб бериши керак.

Юқори синф талабларидан бирортасини қаноатлантиргмаган буғдой дони қўйи синфга кўчириб белгиланади.

Ифлослантирувчи ва доңли аралашмаларнинг таркиби — одатдаги донли экинларга дахлдор бўлган таркибдан иборатdir.

5- §. ЖАВДАР ДОНИНИ СТАНДАРТ БЎЙИЧА ТЎЛА ТЕХНИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Худди бугдой сингари жавдар ҳам тип ва кичик типларга бўлинади. Мавжуд стандартларга мувофиқ буғдой донидан фарқли ўлароқ МДҲ мамлакатларида етиштириладиган жавдар донининг тип ва кичик типларга бўлиниши асосида уни етиштириш ҳудудлари ва биологик хусусиятлари (кузги ва баҳорги жавдар навлари) ётади. Жавдар дони учта типдан иборат: I — кузги шимолий, II — кузги жанубий ва III — баҳорги.

Аралашган кузги ва баҳорги, шунингдек турли кичик типдаги жавдар донлари типларнинг ёки кичик типларнинг аралашмаси сифатида туркумланадилар.

Озиқ-овқатлар учун мўлжалланган жавдар сифати бўйича икки грухга бўлинади. Биринчи грухга базис кондицияси талабларига жавоб берадиган жавдар донлари киради; бундай дон учун тўла қиймати бўйича ҳақ тўланади. Иккинчи грухга эса сифати базис кондицияси меъёрлари талабига жавоб бера олмайдиган, аммо сифат кўрсаткичлари (намлиги, ифлос аралашмалар миқдори, жумладан зарарли ва донли аралашмалар миқдори, зааркунандалар билан зааррланганлик даражаси) бўйича чегаравий кондиция меъёр талабларига мос келадиган жавдар донлари киради; улар донни қабул қилиш корхоналарига нархи ва массаси чегирилиб қабул қилинади.

Пишмаган хом, тўла ривожланмаган ва пуч жавдар донлари донли аралашмаларга киритилади. Баъзан тўла ривожланмаган донларни пишган кўк донлардан фарқ қилиш қийин кечади. Уларни таниб билиш учун унча кўп бўлмаган миқдордаги (75...100 г) донни қуритиш шкафида бироз қуритишга туғри келади. Станларт бўйича заарланиш табиати ва ўлчамидан қатъи назар, синган ва ейилган донларнинг ярмиси донли аралашмаларга ва қолган ярмиси эса асосий дон миқдорига киритилади.

Тайёрланадиган жавдар донлари намлиги бўйича тўрт

Гурухга бүлинадилар: қуруқ дон — намлиги 14 % гача, ўрта қуруқ дон — намлиги 14,0 дан 15,5% гача, нам дом — намлиги 15,5 дан 17 % гача; ҳұл дон — намлиги 17 % дан ортиқ бўлганда. Жавдар дони ифлосланганлик даражаси бўйича уч ҳолат: тоза, ўрта тоза ва ифлосланганлик даражаси юқори бўлган ҳолатларни намоён қиласди. Жавдар донининг техникавий таҳлили ҳудди буғдой дони текширилган кетмакетликда ва ҳудди буғдой дони учун аниқланган сифат кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади. Фақат шаффоффик ва клейковина миқдорини аниқлаш бундан мустасно-дир.

Спирт ишлаб чиқаришда қўлланиладиган солодни қайта ишлаш учун жавдар донининг ҳамма тип ва типларининг аралашмаси ишлатилади. Бунда доннинг намлиги 15,5 % дан ошмаган, ўзи эса қизимаган ва соғлом ҳолатда бўлиши керак. Солод ишлаб чиқаришга юбориладиган жавдар донининг асосий кўрсаткичи — бу унинг униб чиқишига қобилиятлилигидир: бу кўрсаткич бешинчи суткада 92 %ни ташкил қилиши керак. Бундай жавдарга натура (камида 685 г/л), донли аралашмалар миқдори (купи билан 5%) ва ифлослантирувчи аралашмалар миқдори (купи билан 2 %), жумладан заарли аралашмалар миқдори (купи билан 0,2 %) бўйича қатъий талаблар қўйилади. Каналар билан зарарланганлик I даражадан ортиқ бўлмаслиги керак. Жавдарнинг бошқа дон захираси зараркунандалари билан зарарланишига йўл қўйилмайди.

V б о б. ТЎЛА ҚИММАТЛИ БЎЛМАГАН ДОНЛАРНИ АНИҚЛАШ

Дон массаси ўз таркибида у ёки бу даражада ўзгарган хусусиятли дон аралашмаларини сақлаши мумкинки, улар ўз навбатида доннинг чидамлилигини камайтиради ва унинг уруғлик ҳамда технологик хусусиятларига ёмон таъсир кўрсатади. Паст сифатли донлар ноқулай пишиш шароитлари (совук уриши, тошбақасимон канаси билан зарарланиши) ёки нотўғри сақлаш шароитлари (кўкариши, ўз-ўзидан қизиш, зараркунандалар билан зарарланиши) натижасида ёки нотўғри қуритиш жараёнида юзага келади. Дон

ноқулай омиллар таъсир қилаётган пайтда шу омилларнинг таъсир қилиш давомийлигига боғлиқ ҳолда турлича даражада заарланиши мумкин.

Дон сифатини туширадиган белгиларни билиш элеватор саноатида ишлайдиган ҳар бир мутахассис учун ҳам фарз, ҳам қарзdir.

I- §. СОВУҚ УРГАН БУҒДОЙ ВА ЖАВДАР ДОНЛАРИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

МДХ мамлакатларининг айрим ҳудудларида ғалла донларини ўсимлик ҳолатида совуқ уриб кетади. Аксарият вазиятларда буғдой донида бу ҳолат учрайди. Совуқ урган деб, физиологик жиҳатдан пишган, аммо бошоқдалик пайтида ҳўл ёки нам совуқ ҳаво оқими таъсир қилган, шунингдек сутли ёки мумли пишиш даврида совуқ урган, ҳали тўлиқ пишиб етилмаган донлар ҳисобга олинади. Донларнинг совуқ уриш даражаси уч хил бўлади:

биринчиси — бундай дон етилган, катталиги ва шакли бўйича ҳам нормал ҳолатда бўлади, аммо хира ялтироқликни намоён қиласди. Доннинг фақат орқа қисмида ёки бутун юзаси бўйлаб кўндаланг майда ажинлар пайдо бўлади;

иккинчиси — бундай дон етилган, нормал катталика эга, хира рангли, сал-пал қорайган, ялтирамайди. Доннинг юзаси майда кўндаланг ажинлар билан қопланган бўлади;

учинчиси — доннинг шакли кескин ўзгарган: у ривожланмай қолган, бужмайган, пуч шаклни намоён қиласди. Дон кучли кўкимтир-қора рангга киради. Доннинг юзаси яққол кўзга ташланадиган ажинлар билан қопланади. Агар дон бармоқлар орасида ишқаланса, унинг юқори қатлами осонгина ажралиб тушади.

Биринчи ва иккинчи даражали совуқ урган донлар биргаликда асосий тур донга киритилса, учинчи даражали совуқ урган донларни эса донли аралашмаларга киритиш мумкин.

Совуқ урган донларни асосий дон ёки донли аралашмалар таркибига киритишда ДДИ тузган эталонлардан фойдаланиш керак.

Совуқ урган доннинг миқдори унинг ифлослиги билан бир вақтда аниқланади. Агар фақат совуқ урган донларнинг миқдорини аниқлаш керак бўлса, ифлосланганиликни аниқлаш учун стандартда кўрсатилган (буғдой ва жавдар учун 50 г дан) миқдорда иккита ўлчанма ажратилади.

Совуқ урган донларнинг массаси дастлабки ўлчанмага нисбатан фоизларда ифодаланади. Агар иккита ўлчанманинг аниқлаш натижалари орасидаги фарқ 5 % дан ошмаса, охирги натижа сифатида уларнинг ўрта арифметик қиймати қабул қилинади.

2- §. УНИБ ЧИҚҚАН ДОНЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Стандарт бўйича униб чиққан донлар икки групга ажратилади: биринчисига донли аралашмалар, иккинчисига эса асосий дон киритилади.

Асосий донга тегишли кўкарган донларда муртак (зародыш) устидаги қобиқ эндиғина ёрилган, аммо майсанинг ўсимтаси ва илдизи ҳали дондан ташқарига чиқмаган бўлади.

Донли аралашмага тегишли кўкарган донларда эса муртак устидаги қобиқ ёрилиб, ундан маълум ўлчамларга эга бўлган майса униб чиқади (майса ўсимтаси ва илдизининг узуналигидан қатъи назар). Шунингдек ўсимта ва илдизини йўқотган, аммо униб чиқиш оқибатида қобиқ рангини ва шаклини ўзгартирган донлар ҳам донли аралашмаларга киради.

Униб чиққан донларнинг миқдори доннинг умумий ифлосланганлиги билан бир вақтда аниқланади. Агар фақат униб чиққан донларнинг миқдорини аниқлаш талаб қилинса, ифлосланганликни аниқлаш учун стандартда кўрсатилган (буғдой, жавдар, сули ва арпа донлари учун 50 г дан) миқдорда иккита ўлчанма ажратилади.

3- §. ЎЗ-ЎЗИДАН ҚИЗИГАН ВА ҚУРИТИШДА КҮЙГАН ДОНЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Доннинг ўз-ўзидан қизиши сифатининг ёмонлашувига ва унинг бутунлай бузилишига олиб келади.

Юқори ҳарорат таъсирида ўз-ўзидан қизиган ва куйган донда оқсилларнинг қайтариб бўлмайдиган денатурацияси юзага келади ва улар пишиш қобилиятини йўқотиб қўяди. Ўз-ўзидан қизиш пайтида замбуруғларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратилади. Ўз-ўзидан қизиш натижасида доннинг ранги ўзгаради: у очиқ-жигарранг тусга киради. Дон ўзагининг ранги оч сарғиш тусга ва ҳатто сариқ тусга-ча ўзгаради.

Куйган дон ҳам худди ўз-ўзидан қизиган дон каби қўри-нишга киради, лекин ундан фарқли ўлароқ бундай дон мағ-зининг атрофида ўзига хос ҳошия пайдо бўлмайди. Кү-йишдан заарланган донни яна қуйидаги белгилари бўйи-ча ҳам фарқлаш мумкин: бундай донни кессак, ичи бўш айланасимон шаклтар пайдо бўлганligини кўрамиз. Аммо дон мағзининг ранги нормал ҳолатда қолади. Кучсиз дара-жада ўз-ўзидан қизиган ёки куйиш натижасида доннинг ранги ўзгарса, бундай дон стандарт бўйича донли аралаш-маларга киритилади. Агар ўз-ўзидан қизиш ёки қуритишда куйиш (қоврилиш) натижасида дон тўла бузилган ҳолатга келса, бундай дон ифлослантирувчи аралашма деб ҳисоб-ланади.

Ўз-ўзидан қизиган ёки қуритишда бузилган донлар ифлосланганликни аниқлаш пайтида ажратилади. Фақат шунаقا донларнинг миқдорини аниқлаш зарурати туғил-ганда эса, ифлосланганликни аниқлаш учун стандартда кўрсатилган массали иккита ўлчанма (буғдой ёки жавдар учун — 50 г дан) ажратиб олинади. Заарланган донлар ажратилади, ўлчанади ва уларнинг миқдори ўлчанма мас-сасига нисбатан фоизларда ифодаланади.

Одатда куйган (қоврилган) донларнинг миқдорини аниқлашда уларнинг жигарранг туси доннинг натурал ран-гидан унчалик кўп фарқ қўлмаслиги қийинчилкларга олиб келади.

Шунинг учун куйган (қоврилган) донларнинг миқдо-рини аниқлашнинг кимёвий усули мавжуд. У қуйидагича амалга оширилади. Аралашмалардан тозаланган 10 г мас-сали дон ўлчанмаси кимёвий стаканга солинади ва унинг устидан гипохлорид ва натрий хлорид аралашмасининг 1...2 % ли эритмаси қуйилади. Эритма ҳамма донни қоплаши керак. Шундан сўнг натрий гипохлорид эритмаси дон ўлчан-

маси билан бирга I дақиқа давомида қайнатилади. Сұнгра қайноқ әрітма тұқиб ташланади, дон иккі марта совуқ сув билан ювилади ва фильтрли қоғозда қоритилиб сараланды. Тұлақонли донлар бутунлай оқариб, шохсимон оқ түсгә киради. Күйган донлар күйиш даражасига боғлиқ ҳолда умуман оқармайды (қорамтири бұлып қолаверишади) ёки бироз оқариши мүмкін.

Мұтлақ оқ донларгина соглом ва тұлақонли деб саналады. Ҳатто сал-пал рангли донлар ҳам тұла қимматли бұлмаган донлар сарасига киритилади. Кора тусдаги, кам рангизланған ва тұла рангизланған донлар үлчанади ва уларнинг миқдори фойзларда аниқланади.

4- §. ТОШБАҚАСИМОН КАНА БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН БУҒДОЙ ДОНИНИ АНИҚЛАШІ

Тошбақасимон каналар буғдой донининг пишиш даврида унга хартумчасини тиқиб заарлайдылар ва ичидағи маҳсулотни сұрып оладылар. Бунда кана хартумчасидан сұлак билан бирга донға оқсилларни бузиб парчалайды (дезагрегациялантирады) ферментлар ҳам үтады. Бу ферментлар таъсири остида клейковинанинг сифати кескин ёмонлашады: у күчсизланиб қолади. Тошбақасимон кана билан заараланған донни қайта ишлаб олинған ундан қорилған хамир паст сифатли бўлади. У шакл бермайды, окувчан бўлади. Бунақа хамирдан пиширилған нон жуда ёмон ғовакликка ва йиртиқ қобиққа эга бўлади.

Нормал сифатли унга тошбақасимон кана билан заараланған дон унидан кам миқдорда, ҳатто 0,5 % миқдорда қўшилганда ҳам клейковинанинг сифати сезиларли дарражада ўзгаради; уннинг эластиклиги камаяди. Агар 4...5 % шунақа ундан қўшилса, бундай уннинг клейковинаси жуда кучсиз ҳолатта келиб, ҳатто уни ювиб ҳам бўлмайди.

Доннинг тошбақасимон кана билан заараланғанлигини таҳтил қилиш учун массаси 50 г ли үлчанмадан аралашмалар миқдори аниқлаб бўлингандан сұнг иккита массаси 10 г ли үлчанма ажратиб олинади ва бу үлчанмалардаги донлар ҳамма томонидан яхшилаб кузатилади.

Доннинг тошбақасимон кана билан заарланиши қуйидаги учта белги бўйича аниқланади:

а) доннинг юзасида айланача ёки нотўғри шаклдаги оч сариқ рангли доғ билан ўраб олинган қора нуқта (кананинг заарлантирган жойи) пайдо бўлади;

б) доннинг юзасида худди а) пунктда кўрсатилганидек оч сариқ рангли доғ бўлиб, доғнинг усти озгина эзилган, атрофи эса бироз буришган бўлади, аммо кананинг хартумчасини тиқиб олган жойи кўринмайди, заҳарланган из йўқ;

в) дон муртагининг атрофига оч сариқ доғ пайдо бўлади (бу доғ қора нуқтасиз, эзилган жойсиз ва ажинсиз ҳам бўлиши мумкин).

Барча ҳолатларда доннинг доғ остидаги қисми пўкак ва унли ҳолатда бўлади.

Агар сариқ доғ муртак атрофига жойлашмаган бўлса ва заарланишнинг бошқа белгилари намоён бўлмаса, бундай донни тошбақасимон канадан заарлантган дон деб бўлмайди. Заарланган донлар граммнинг юздан бир улуши аниқлигига ўлчанади.

Ҳар қайси ўлчанма учун тошбақасимон кана билан заарлантган донларнинг миқдори (%) куйидаги формула бўйича топилади:

$$X_T = \frac{m_2 \times 100}{10} = m_2 \times 10\%$$

бу ерда: m_2 — заарланган донларнинг массаси, г.

Доннинг сифат тўғрисидаги ҳужжатига икки параллел ўлчанма натижалари бўйича олинган ўрта арифметик қиймати ёзилади:

$$X_{TO} = \frac{X_{T1} + X_{T2}}{2}$$

Икки параллел, шунингдек назорат аниқлашлар орасидаги фарқ ўлчанмадаги тошбақасимон кана билан заарлантган доннинг миқдори 5 % гача бўлса, 0,5 %дан, агар заарланган доннинг миқдори 5 % дан кўп бўлса, фарқ 1 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

МИЗ-1 микроскопи ёрдамида буғдой донининг тошбақасимон кана билан заарланганлигини аниқлаш

Юқорида баён қилинган усул ёрдамида дондаги тошбақасимон кана билан заарланиш даражасини усулнинг субъективлик томонлари туфайли юқори аниқликда ифодалаб бўлмайди.

Заарланган донларни кузатиш учун инфрақизил нурли МИЗ-1 микроскопи ишлатилади. У инфрақизил нурларнинг 0,75 дан 1,2 мкм тўлқин оралиғида буғдой донининг тошбақасимон кана билан заарланганлигини, шунингдек соғлом донларнинг шаффоғлигини кузатиш йўли билан аниқлашга имкон беради. Электрон-оптик ўзгартирич ёрдамида инфрақизил тасвир спектрнинг кўриниш областидаги тасвирга ўзгартирилади.

Турли белгилари бўйича донларни санаш учун микро-ЭВМ-КМИЗ ҳисоблаш мосламаси хизмат қиласди. Инфрақизил нурлари остида кузатиш пайтида микроскоп объектини 4 марта катталаштиришга имкон беради. Микроскоп частотаси 50 Гц, кучланиши 220+ – 22 В лик ўзгарувчан электр токи билан ишлайди. Бунда истеъмол қилинадиган қувват 130 В×А дан ошмайди.

Микроскопнинг габарит ўлчамлари $600 \times 1400 \times 500$ мм, ҳисоблаш қурилмасининг ўлчами эса $378 \times 310 \times 122$ мм га тенгdir. Микроскопнинг массаси 30 кг, ҳисоблаш қурилмасининг массаси эса 15 кг ни ташкил қиласди.

Микроскопнинг ишлаш принципи магнит (эндосперм)-нинг ҳолатига боғлиқ ҳолда нурнинг унга ютилишига асосланади. Доннинг зараркунандалар билан зарарланган қисми қолган жойларига нисбатан қорароқ рангда кўринади. Шаффоғ донлар эса қисман шаффоғ ва унсимон донларга нисбатан тиникроқ бўлиб кўринадилар.

МИЗ-1 микроскопи билан заарланганлик аниқланганда назорат аниқлигига доннинг типи, унинг ўлчамлари, етиштириш ҳудуди, намлиги, қобиқ ранги, бинобарин, рангизланган донларнинг мавжудлиги ҳам ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Доннинг тошбақасимон кана билан зарарланганлигини ва шаффоғлигини аниқлаш бир вақтда

битта намуна ёрдамида амалга оширилади. Битта таҳлилни ўтказиш учун ўртача 3,5 дақиқа, юқори шаффоғ бүғдойни таҳлил қилишда эса 2 дақиқа вақт сарф қилинади.

Тошбакасимон каналар билан заараланганликни ИК- нурланиш ёрдамида аниқлашда мутлақ хатолик 0,03...0,16 % дан, стандарт бўйича эса 0,5...1,0 % дан ошмаслиги керак.

VI б о б. ЁРМАБОП ДОНЛАРНИНГ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

Ёрмабоп донлар (тариқ, маржумак, арпа, сули ва шоли)нинг ботаник жиҳатдан ўзига хослиги ва улардан ёрма ишлаб чиқаришда маҳсус амалларнинг қўлланилиши уларнинг сифатини баҳолашда алоҳида усуслардан фойдаланишини тақозо қиласди. Алоҳида ёрма турларини ишлаб чиқаришда бир қанча умумий жараёнлар: донни анча самарали равишда қобиқдан ажратиш учун уни йириклиги бўйича саралаш; донларни пўстлогини айриб олган ҳолда йириклиги бўйича тахлаш, дон кукунини, синган донларни тозаланган маҳсулотдан ажратиш ва пўстлоқни бутун тозалапмаган донлардан ажратиш учун элаш ва ҳаволи ажратиш, ҳамда арчилмаган донларни тозалангандаридан ажратиш ишлари амалга оширилади. Ёрмабоп донларнинг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда техник таҳлил уларнинг пўстлоқлилигини, магиз миқдорини, бузилган донлар миқдорини ва бошқаларни аниқлашни ўз ичига олади.

I- §. ЁРМАБОП ДОНЛАРНИНГ ПЎСТЛОҚЛИЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Пўстлоқлиликни аниқлаш учун сули, шоли донлари-нинг ўрта намунасидан 50 г массали, тариқ донидан эса 25 г массали ўлчанма ажратиб олинади. Ўлчанмалар ифлослантирувчи ва донли аралашмалардан тозаланадилар. Тозаланган сули ўлчанмасидан майда донлар, яъни тешик ўлчами $1,8 \times 20$ мм ғалвирдан ўтган донлар ажратилиб, асосий дон таркибига қўшилади. Қилтиқли шоли донининг қил-

тиқлари синдирилади. Шундан сүнг дон аралаштирилиб, бутун донлардан иккита ўлчанма ажратилади (23- жадвал).

23— жадвал

Ўлчанмаларниң массасы (г. ҳисобида)

Экин түри	а р ч и ш	
	құл билан	ГДФ ёрдамида
Маржумак ва тариқ	2,5+ – 0,01	
Шоли ва сули	5+ – 0,01	–
Шоли	–	10+ – 0,01
Тариқ	–	5+ – 0,01

25 г ва ундан ортиқ массали ўлчанмалар граммнинг ўндан бир улушигача аниқликда ўлчанади. Қобиқ ажратгични құлламасдан, маржумак ва сули донларининг пүстлоғи құл билан ажратилади.

Тариқ ва шоли донларининг пүстлоғи эса құл билан ёки ГДФ-1 ва пүстлоқлилыкни аниқлашга имкон бера оладиган бошқа қобиқ ажратгичлар ёрдамида ажратилади.

Дон ўлчанмаси чинни косачага солиниб, у сүқича ёрдамида доннинг эзилиб кетишига йүл құймасдан, секин босиб айлантирилади ва пүстлоқ дондан ажратилади. Пүстлоқни яхши ажратиш мақсадида сүқичаниң боши ва косачаниң тубини юпқа металл түр билан қопласа, яхши бўлади. Пүстлоқнинг ажралишини енгиллатиш мақсадида маҳсулот доннинг турига қараб қуйида келтирилган тешикли галвирлар ёрдамида эланади. Бунда тариқ учун $1,4 \times 20$ мм ёки $1,2 \times 20$ мм лик фалвирлар; шоли учун эса $2,2 \times 20$ мм ёки $1,8 \times 20$ мм лик фалвирлар ишлатилади. Қолган донлар ажратиб олинниб, қайтадан косачага солиб, тулиқ қобиғи ажралгунга қадар сүқича билан ишланади. Ажратиб олинган пүстлоқлар граммнинг юздан бир улушигача аниқликда ўлчанади. Аналогик равишда иккинчи ўлчанма билан ҳам шу ишлар бажарилади.

Пүстлоқлилик курсаткичи олинган ўлчанманиң масасига нисбатан % ларда ифодаланади. Бунда ҳар қайси

Үлчанма учун бу кўрсаткич фоизнинг юздан бир улушкига-ча, охирги натижа (иккита үлчамманинг ўрта арифметик қиймати) эса фоизнинг ўндан бир улушкига аниқликда ҳисобланади.

Иkkита параллел ўтказилган, шунингдек назорат ва арбитраж (мунозарали) ҳолларда ўтказилган аниқлашлар орасидаги фарқ 1,0 % дан кўп бўлмаслиги лозим.

Сули донининг пўстлогини магиз (ядро)дан ажратиш учун муртак томони (йўғон уни) дан бош кўрсаткич бармоқлари ёрдамида қисиши керак. Сулининг пўстлогини ажратишда УІ-ЕШО лаборатория қобиқ ажратгичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида баён қилинган стандарт усулдан ташқари, пўстлоқлиликни аниқлаш учун бошқа усуллар ҳам ишлатилади.

Арпа донининг пўстлоқлилигини аниқлаш

Арпа донининг асосий навлари пўстлоқли навларга тегишилдири. Бундай донларда пўстлоқ миқдори 7,5 дан 15 % гача бўлиши мумкин.

Люфф усули. Ифлосланганлик миқдори аниқлангандан кейин қолган дондан ҳар қайси 50 та дондан иборат иkkита намуна ажратиб олинади. Дон аралаштирилади, квадрат кўринишида юпқа қават ҳосил қилиб текисланади ва диагонали бўйича тўртта учбурчакларга бўлинади. Ҳар қайси намуна учун алоҳида, танламасдан, иkkита қарамакарши учбурчаклардан дон санаб ажратилади. Намуналар техникавий тарозиларда үлчанади, сўнгра ҳар қайси үлчанма 200 мл сифимли конуссимон колбаларга солинади. Колбага 150 мл сув ва 5 % ли 10 мл аммиак аралашмаси куйилиб, колбанинг оғзи пахта бўлаги ёки оддий тиқин билан бекитилади. Шундан сўнг колба 80°C ҳароратли сув ҳамомида I соат мобайнида қиздирилади. Кейин суюқлик тўкиб ташланади. Шишган донлар эса шишанинг устига тўкилади. Доннинг пўстлоги қисқич ёрдамида ажратилади. Дастлаб дондан пўстлоқнинг муртак қисмига ёпишиб турган катта орқа бўлаги, сўнгра эса олдинги қисми ажратиб олинади. Чиқариб олинган пўстлоқ доимий массагача курити-

лади ва ўлчанади. Ишлаб чиқариш лабораториясида пўстлоқ 130°C ҳароратда 40 дақиқа мобайнида қуритилади.

Пўстлоқ миқдори 50 та доннинг куруқ моддаси массасига нисбатан фоизларда ҳисобланади. Бунинг учун қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$X = \frac{100}{a} \left(b + \frac{b}{12} \right) \frac{100}{100 - c} = \frac{10830}{a(100 - c)},$$


бу ерда: a — 50 та куруқ арпа донининг массаси, г;

b — қуритилган пўстлоқларнинг массаси, г;

c — арпанинг намлиги, %.

Носатовский-Кемниц усули. 200...300 мл сифимли қалин деворли шиша банкага икки-тўрт пробиркага мўлжалланган симли штатив ўрнатилган. Банканинг оғзига яхшилаб тиқилган каучук тиқин орқали иккита қувур ўтказилган. Улардан биттаси сув оқимли насосга уланган бўлса, иккинчиси эса банкага ҳавони етказиб бериш учун хизмат қиласи (22- расм).

Банкадаги штативга пробирка ўрнатилади. Банканинг юқори қисмида эркин жой қолдирган ҳолда, унга сув қўйилади. У тиқин билан зичлаб ёпилади ва чиқарувчи қувурдаги кран (қисқич) ёпилиб, насос ишга туширилади. Банканинг ичида вакуум ҳолати юзага кела бошлайди ва пўстлоқнинг остидаги ҳавонинг ўрнига доннинг елимловчи пектин моддасини бузиб, сув киради. 6 . . . 10 дақиқадан сўнг кран очилиб, ҳаво юборилади ва насос ишлашдан тўхтайди. Банкадан пробиркалар чиқарилади ва сув тўкиб ташланади. Дон таҳлил доскасининг устига тўкилади. Доннинг пўстлоғини пинцет ёрдамида ажратиб олиб қуритилади ва кейин ўлчанади. Пўстлоқнинг миқдори (%) Люфф усулида кўрсатилганидек ҳисобланади. Фақат ундан фарқли ўлароқ, пўстлоқ моддаларининг сувда эрувчанлик бўйича тузатиш катталиги бу ҳолат учун қобиқ массасининг 1/20 қисмига teng қилиб олинади. Амалда бу катталикни ҳисобга олмаса ҳам бўлади.



22-расм. Носатовский-Кемниц асбоби.

1- шиша банка; 2 — штатив; 3— пробирка; 4 — ҳаво қувури; 5— қисқиччумак; 6 — сув оқимли насос.

1/20 тузатиш катталигини ҳисобга олган ҳолда арпа-нинг пўстлоқлилиги (%) куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$X = \left(b + \frac{b}{20} \right) \frac{100}{a} \times \frac{100}{100 - c} = \frac{10500b}{a(100 - c)};$$


Тузатиш катталиги ҳисобга олинмаса, формула куйидаги кўринишни олади:

$$X = \frac{10000b}{a(100 - c)}$$

Тарикнинг пўстлоқлилигини аниқлаш

25 г массали ўлчанма ифлослантирувчи ва донли ара-лашмалардан тозаланади ёки бу ерда ифлосланганлиги аниқлангандан кейин қолган дои массаси ишлатилади. Ўлчанмадан ҳар қайсининг массаси 2,5 г дан бўлган иккита намуна ажратиб олинади. Ҳар бир намуна алоҳида қобигидан ажратилади. Ажратиб олинган пўстлоқлар ўлчаниб,

натижа фоизларда ифодаланади. Иккита натижадан ўрта арифметик қиймат ҳисоблаб топилади. Тариқ құл билан, Городецкий қобиқ ажратгичида ёки лаборатория қобиқ ажратгичлари ёрдамида қобигидан ажратилади. Городецкий қобиқ ажратгичи (23- расм) айлана уячали ёғоч бўлагини намоён қилиб, унга юқорисида дастаги бор бўлган ишқалагич бемалол киради.



23- расм. Городецкий қобиқ ажратгичи.
1 — корпус; 2 — уяча; 3 — ишқалагич; 4 — ишқалагичнинг дастаги.

Уячага тариқ намунаси солиниб, ишқалагич ёрдамида дон ярим айлана—қайтариш ҳаракат билан қобигидан ажратилади. Бунда доннинг эзилиб кетишига йўл қўйилмайди.

40 . . . 60 та айлантиришлардан сўнг маҳсулот тешик ўлчами $1,4 \times 20$ мм ёки $1,2 \times 20$ мм (доннинг ўлчамларига боғлиқ ҳолда) бўлган ғалвирларда эланиб, пўстлоғидан тозаланади. Пўстлоғи тозаланмаган донлар ажратиб олиниб, яна қайтадан тозаланади.


Пўстлоқларнинг айрим миқдори резина юзага ёки қобиқ ажраттичнинг ишқалагичига ёпишиб қолиши мумкин. Уларни пинцет ёрдамида яхшилаб териб олиш лозим.

2- §. ЛАБОРАТОРИЯ ҚОБИҚ АЖРАТГИЧЛАРИ ЁРДАМИДА ДОНЛАРНИ ҚОБИГИДАН АЖРАТИШ

ГДФ-1 лаборатория қобиқ ажратгичи

У тариқ ва шоли донларининг пўстлоқлилигини; бузилган тариқ дони миқдорини; бузилган, қизил, глютинозли ва мағзи сарғайған шоли донларининг миқдорини аниқлашда ишлатилади.

ГДФ-1 қобиқ ажратгичи асос, юклаш камераси, циклон, пневмотранспортёр ва электрошкаф қисмларидан ташкил топган (24-расм).



24- расм. ГДФ-1 қобиқ ажратгичининг схемаси.

1 — түрли қопқоқ; 2 — юклаш камераси; 3 — таъминлаш вали; 4 — резина валик; 5 — вентиляторлар; 6 — магиз йигмадони; 7 — ошириб берувчи клапан; 8 — вентиляцион канал; 9 — пустлоқ йиггич; 10 — циклон; 11 — пневмотранспортёр.

Қобиқ ажратиш қисмидаги иккита бўлим мавжуд. Биринчи бўлимда таъминлаш вали, секин ҳаракатли ва тез ҳаракатли валлар, пневмоканал, пўстлоқни элаш учун вентилятор ва редуктор жойлашган. Вентилятор ҳаракатни электродвигателдан олади. Қобиқ ажратгичнинг бошқа бўлимида арчилган маҳсулотни ёпиқ цикл бўйича ташишга мўлжалланган ҳаво оқимини ҳосил қиласидиган вентилятор мавжуд; бу вентилятор ҳам ҳаракатни ўша битта электродвигателдан олади. Қобиқ ажратгич корпусининг устида юклаш камераси ва циклон ўрнатилган. Юклаш камерасининг ички томони маҳсулотни таъминловчи валга йўналтирувчи бурамали (спирал) бўлгичдан иборат. Юклаш камерасининг устки тешиги тўрли қопқоқ билан ёпилиб, ундан дон тушади.

Ундан пастроқда циклон жойлашган бўлиб, унинг пастига пўстлоқлар учун йиггич (шиша банка) ўрнатилган-

дир. Асбобнинг асос қисмига электродвигатель, ишга туширгич ва ҳимоя аппаратуруси бўлган электрошкаф жойлаштирилган. Асбобнинг ичига маҳсулот йўналишини ўзгартириш учун мўлжалланган, ошириб берувчи клапанли учёқлама тарқатгич; пневмоқабулқилгич (эжектор); вентиляторни пневмоқабулқилгич билан боғлаб турувчи қувур; магиз йигитич ва захира қисмлар (валлар, щуплар, очгичлар, чёткалар) ни солиб қўйиш учун кути жойлаштирилган. Дон қўйидаги кетма-кетликда пўстлоқдан тозаланади. Қобиқ ажраттичнинг эшикчаси очилади. Курилманинг ишчи бўшлиғи чётка ёрдамида тозаланиб, валлар орасидаги оралиқ тарик учун 0,05 . . . 0,1 мм, шоли учун 0,2 . . . 0,5 мм катталикда ўрнатилади. Бу оралиқ шуп билан назорат қилиб туриласди.

Дон ўлчанмаси юклаш камераси (2) га тўкилади. Асбоб “Пуск” тумгачасини босиб ишга туширилади. Таъминловчи вал (3) донни ишчи зонага бир-бирига қарама-қарши йўналишда, турли тезликларда айланувчи иккита резина вал орасидан беради. Арчилган донлар вентиляцион каналга тушиб, бу ерда вентилятор ёрдамида ҳосил килинадиган ҳаво оқими билан дучлашиб, пўстлоқ шамол билан олиб кетилади. Пўстлоқ циклонда чўқтирилиб, пўстлоқ йигитч (9)да тўпланади. Пўстлоғи тозаланган ва тозаланмаган донлар (огир фракция) пневмотранспортёр (11) орқали циклон-бўшатгич (юклаш камераси)га қайтиб келади.

Маҳсулот тўлиқ қобиги ажралмагунча шу тарика қурилманинг ичидаги айланаверади. Тозалаш жараёни тутагандан кейин тақсимлаш клапанининг ҳолати ўзgartирилиб, магизлар йигитчага юборилади.

Тажрибалар натижасида шу маълум бўлдики, тарик доинининг қобигини ажратиш учун 30 . . . 45, шоли дони учун эса 45 . . . 50 сония вақт сарфланади.

Агар шоли дони массасида (қилтиқли) донлар бўлса, ўлчанма ўлчангандан сўнг, қобигини ажратишдан олдин дон қилтиқларини қўл билан синдириб олиб, тозалаш жараёни тутагандан кейин улар пўстлоқ миқдорига қўшилади.

Пўстлоқларнинг миқдори қўйидаги формула бўйича топилади:

$$X_n = \frac{m_1 \times 100}{m}$$

Бу ерда: m_1 — ажралган пўстлоқларнинг массаси, г;
 m — дастлабки ўлчамманинг массаси, г.

ЛШ-1 русумли лаборатория қобиқ ажраттичи

Бу қобиқ ажраттич тариқ донининг пўстлоқлигини ва ундаги бузилган донлар миқдорини аниқлаш учун ишлатилади. Агар айланувчи конус абразив материалдан ясалса, ЛШ-1 қобиқ ажраттичини маржумакнинг пўстлоқлигини аниқлашда ҳам ишлатса бўлади. Курилма вертикал валга қотирилган конуссимон қобиқ ажраттич ва вентилятордан ташкил топган (25- расм).

Ташки қўзғалмас конуснинг ичига айланувчан конус ўрнатилган. Иккала конуснинг бир-бирига тегиб турувчи юзалари тери билан қопланган. Айланувчан конуснинг юзасига бурама ариқча кесилган. Валнинг юқориги ағдарувчи қисми созланадиган таъминлагичнинг ичига киради. Қобиқ ажраттичининг деталлари каркас ичига жойлаштирилган. ЛШ-1 қобиқ ажраттичидан иш қўйидаги кетма-кетликда ўтказилади. Аввал қобиқ ажраттичининг оптимал иш режими топилади. Бунинг учун қўйидаги амаллар бажарилади:

ҳалқали оралиқ ёпилади;

таъминлагичнинг воронкасига 2 . . . 3 г тариқ киритилади;

қобиқ ажратиш конуслари орасидаги дастлабки оралиқ ўрнатилади: ташки қобиқ ажратиш конусини соат стрелкаси бўйича таянчгача айлантириб, винт бўшатилади. Сўнгра конусни соат стрелкасига қарама-қарши йўналишда 180° га бураб, винт маҳкамланади;

электродвигатель ишга туширилиб, ҳалқали оралиқ очилади;

қобиқ ажраттич орқали ўтган арчилган ва синган донларнинг миқдорини аниқлаш учун маҳсулот таҳлил қилинади;

ишчи оралигини ошириш зарурати туғилганда, конусни соат стрелкасига қарши йўналишда айлантириб, қобиқ

ажратгичнинг иши мөъёрга келтирилса, оралиқни камайтириш учун эса конус соат стрелкаси бўйича буралади. Агар маҳсулот йигитдан чиқадиган арчилмаган донларнинг миқдори маҳсулот массасига нисбатан 0,5 ...0,6 % ни ташкил қиласа, ишчи оралиқни созлаш тутатилади;


аралашмани кесиб ўтадиган ҳаво оқимининг тезлиги ҳавони суриш созлагичининг ҳалқасини бураб ростланади.

Тўғри танланган иш режимида йигитдан чиқаёттан маҳсулот таркибидаги пўстлоқлар минимал миқдорда, аспириацион чиқиндилар таркибидаги магнит миқдори минимал кўринишда бўлмоғи керак.

Қобиқ ажратгич ёрдамида тариқнинг пўстлоқлилиги куйидаги кетма-кетликда аниқланади:

техникавий тарози ёрдамида ўрта намунадан 2,5 г массалали иккита ўлчамма ўлчаб олинади;

таъминлагич воронкасини соат стрелкаси бўйича охиригача бураб, ҳалқали оралиқ ёпилади;



25-расм. ЛШ-1 русумли қобиқ ажратгич.

1 — таъминловчи мослама; 2 — конусли қобиқ ажратгич; 3 — вертикаль вал; 4 — вентилятор; 5 — маҳсулот тушадиган стакан; 6 — циклон.

таъминлаш воронкасига ўлчамма солинади ва электродвигатель ишга туширилади;

таъминлаш қурилмасининг воронкаси соат стрелкаси-га қарама-қарши йұналишда буралиб, ҳалқали оралиқ се-кингина очилади;

хамма маҳсулот қобиқ ажратгичдан ўтгандан сұнг элек-тродвигатель үчирилади;

Йиғичдан туширилган маҳсулот қайтадан таъминлагич-нинг воронкасига тұқылади.

Таҳлил доскасининг устида олинган маҳсулот ичидаги тозаланмаган донлар шпатель билан ажратиб олиниб, ма-шинаға ташланади ва тұлиқ тозаланмагунча жараён давом эттирилади. Айрим вазияттарда маҳсулот машинадан беш мартагача ўтказилиши мүмкін. Қобиқ ажратиши жараёни тутатылғандан кейин пүстлоқ миқдори қабул қылинган ўлчанма массасига нисбатан фоизларда ифодаланади.


Хар әхтимолға қарши назорат учун, олинган магизлар ҳам гарозида аникланади. Ўлчаш жараёнидан сұнг ўлчан-мадиги бузилған донларнинг миқдори ва бошқа сифат күрсаткышлари аникланади.

Сулини қобиқдан ажратиша ишлатыладын Ү1-ЕШО руsumli лаборатория қобиқ ажраттычи

Сули ўлчанмаси пүстлоқтегини ва бузилған донлар миқ-дорини аниклашга мүлжалланған (26-расм). Сули дони қобиқ ажратиши камераси (5) да жойлашған резинали де-канинг тищчалари ва қанотчали қамчилар орасида күп мартали зарблар таъсирида гул қобиғидан озод бұлади, 5 г массали дон ўлчанмаси юқориги бүшатгич (2) га қуйлади ва у тақсимлагич (4) орқали арчиш камерасига тушади. Арчилған маҳсулот камерасидан ҳаво оқими ёрдамида па-стки бүшатгич (14) га келиб тушади ва у ердан ҳаволи аж-ратгич (8) га оқиб үтади. Бу ерда эса пүстлоқтар магиз ва арчилмаган донлардан ажратылади.

Пүстлоқтар ҳаво оқими билан пүстлоқ Йиғич (12) га олиб кетилади ва пакет (9) да йиғилади. Қобиқ ажратгич тұгмачаларни (11 ва 13) босиш орқали ишга туширилади ва тұхтатылади. Тақсимлагичнинг (4) тұсгичи күл билан бошқарылади. Пүстлоқтар Йиғич (12) га туша бошлаган-дан кейин қобиқ ажратиши жараёни тұхтатылади. Ўлчанмага ишлов бериш давомийлигининг зарурати синов ўлчанма-лары ёрдамида олдиндан аникланади.

Үлчанмага ишлов бериш вақти секундомер билан назорат қилинади. Қобиқ ажратгич I соатда тұртта үлчанмага ишлов бера олади. Агар қобиқ ажратиши ұажми 90 % дан кам бўлмаса, тешик үлчами Ø1,5 мм ли ғалвирдан үтган эланма (маҳсулот миқдори) 5 % дан кўп бўлмаса, алоҳида пўстлоқдаги магиз миқдори (үлчанма массасига нисбатан) 5 % дан кўп бўлмаса, қобиқ ажратгич нормал ишлайти деб ҳисоблаш мумкин. Пўстлоқлиликни ва бузилган донлар миқдорини охирги аниқлаш кўл билан ўтказилади.



26- расм. УІ-ЕШО русумли лаборатория қобиқ ажратгичи.

1—қопқоқ; 2, 14—бұшатгичлар; 3—дастак; 4—тақсимлагич; 5—қобиқ ажратиши камераси; 6—магиз йиғгич; 7—корпус; 8—ҳаво ажратгич; 9—пакет; 10—қисгич; 11, 13—«Пуск» ва «Стоп» тұгмачалари; 12—пўстлоқ йиғгич; 15—маҳсулот ташигич.

3- §. СУЛИ, МАРЖУМАК ВА ТАРИҚ ДОНИДАГИ МАГИЗ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Ёрмабоп донларнинг сифатини баҳолашда пўстлоқлилик билан бир қаторда магиз миқдорининг фоизлардаги ифодаси ҳам муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Доннинг магиз миқдори ифлосланганлик ва пўстлоқлилик кўрсаткичлари аниқлангандан сўнг аниқланади. Магиз миқдорини аниқлашда маржумак ва тариқ учун ҳар қайсининг

массаси 2,5 г лик, сули учун эса ҳар қайси 5 г лик иккита-дан параллел ўлчамалар олинади. Магиз миқдори фоизнинг ўндан бир улушигача аниқлик билан ҳисобланади.

Сули донидаги магиз миқдорини аниқлаш

Стандарт бўйича ёрмабоп сули донидаги магиз миқдори доннинг ифлослантирувчи ва донли аралашмалар ҳамда майда сули билан биргаликдаги массасига нисбатан 63 % дан кам бўлмаслиги керак. Магиз миқдори (%) қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$X = \frac{(100 - \Pi)[100 - (\frac{I_a}{D_a} + \frac{M_d}{D_a})]}{100} + 0,7(C_k + K_k).$$

бу ерда: Π – сули донининг пўстлоқилиги, %;

I_a – ифлослантирувчи аралашмалар миқдори, %;

D_a – барча донли аралашмалар миқдори, %;

M_d – майда сули дони миқдори, %;

C_k – тешик ўлчами $1,8 \times 2,0$ мм лик ғалвир қолдигидаги арчилган сули миқдори, %;

K_k – тешик ўлчами $1,8 \times 2,0$ мм лик ғалвир қолдигидаги буғдой, полба, жавдар ва арпа донларининг миқдори, %.

Тариқ ва маржумак донларидаги магиз миқдорини аниқлаш

Магиз миқдори (%) қўйидаги формула бўйича топилади:

$$X = \frac{[100 - (I_a + D_a)][100 - \Pi]}{100} + 0,73D_a,$$

бу ерда: I_a – ифлослантирувчи аралашмаларнинг миқдори, %;

D_a – донли аралашмаларнинг миқдори, %;

Π – пўстлоқилик, %;

0,73 – донли аралашмалардан фойдаланиш коэффициенти.

Мавжуд стандарт (ГОСТ 19093-73) бүйича ёрмабоп маржумак донидаги магиз миқдори 71 % дан, (ГОСТ 22983-78 бүйича) тарық донидаги магиз миқдори эса 74 % дан кам бўлмаслиги керак.

4- §. ШОЛИДАГИ ЁРИЛГАН ДОНЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Шоли донининг таркибида ёрилган ёки дарз кетган магизли донларни учратиш мумкин. Бундай донларниң ёриги кўндаланғанда ёки бўйлама йўналишда бўлиб, улар қисилганданда ёки босилганда қисмларга ажралиб кетмайди. Купинча ёриқлар доннинг бўйлама ўқига нисбатан перпендикуляр ёки айрим бурчак остида жойлашган бўлиб, доннинг ярмигача ёки бутун дон бўйлаб ўтиши мумкин. Одатда ёриқларниң сони биттадан уч-тўрттагача булиши мумкин. Ёрилганлик ёрилган донлар сонининг таҳлил учун олинган умумий донлар сонига бўлган нисбатиничг фоизларда ифодаланган миқдори билан ўлчанади. Шоли донининг ёрилганлиги 50 % ва ундан кўп миқдорга эга бўлиши мумкин. Шолининг ёрилганлигини аниқлаш учун стандарт белгиланмаган.

Ёрилганликни ёруғлик ёрдамида аниқлаш

Ифлосланганлик даражаси аниқлангандан сўнг, яъни донли ва ифлослантирувчи аралашмалардан тозаланган ўлчаммадэн, ҳар қайсида 100 тадан бутун донлари бўлган иккита намуна ажратиб олинади. Ҳар қайси намуна қўл билан қобигидан ажратилади. Пинцет билан гул қобиги ёрилиб, енгил қисиш ёрдамида магиз чиқарилади. Ёрилган донлар ёруғлик ёрдамида аниқланади. Бунинг учун танланган донлар шишанинг устига жойлаштирилиб, юқоридан ёруғлик дон юзасига нисбатан айрим бурчак остида йўналтирилади.

Ёрилганликни диафаноскоп ёрдамида аниқлаш

Бу мақсадда ҳар қандай конструкцияли диафаноскопни ишлатса бўлади. Донлар диафаноскопнинг панжарасига

жойлаширилади. Биринчи кузатувдан сўнг ериқ донлар ажратиб олинади. Қолган донларни ағдариб яна текширилади. Бунда ҳам ериқ донлар ажратиб олиниб, олдинги донларга кўшилади. Тажриба иккита параллел намуналар учун ўтказилиб, охирги натижа иккита аниқлашнинг ўрта арифметик қиймати сифатида топилади.

Ёрилганлиқни Москва озиқ-овқат сансат технологияси институти усули билан аниқлаш

Ҳар бирининг массаси 5 г га тенг бўлган иккита ўлчанма ажратиб олинади. Ҳар қайси дондан эҳтиёткорлик билан қўл ёрдамида гул қобиги ажратилади. Сўнгра ҳар қайси магиз асбобсиз, оддий кўз билан ва лупа ёрдамида барча томонидан қараб текширилади.

Чуқур кетган ёриқли ҳамда майдаланган магизлар (сечка) ажратиб олинади, ўлчанади ва уларнинг миқдори фоизларда ҳисоблаб топилади.

Ёрилганлик ҳар қайси ўлчанма учун алоҳида ҳолда аниқланади. Охирги натижа икки параллел аниқлаштарнинг ўрта арифметик қиймати сифатида ҳисобланади.

Ёрилға ликини рентгенографик усулда аниқлаш


Агар органолептик усулда оддий кўз билан ёки лупа ёрдамида кўриш мумкин бўлган йирик ёриқлар ҳисобга олинса, рентгенли асбобда эса ҳамма майда ёриқлар, жумладан яширин, умуман заараланмаган мева қобиги остида жойлашган ёриқчаларни ҳам пайқаб аниқлаш мумкин.

Рентгенограммалар шуни кўрсатадики, ёриқлар, жумладан яширин ёриқлар ҳам фақат эндоспермдагина бўлиб, дон муртагида учрамайди. Ёрилганлик шолининг униб чиқиши хусусиятини пасайтирмайди. Агар дон бир сутка мобайнида намланса, унинг эндосперми шишади ва микрёриқлар тортилиб, рентгенограммада тасвирланмайдилар.

Шоли донининг ёрилганлигини ДМ-3 асбоби ёрдамида аниқлаш

Х. Л. Кешаниди таклифига биноан диафаноскопга аниқлик даражасини оширадиган тирқишли диафрагма кири-

тилган, ёруғлик манбасининг ёруғлиги оширилган, линзалар мажмуси билан ёруғлик оқимидан фойдаланиш коэффициенти оширилган, оптик схеманинг узунлиги ва тирқишли диафрагма билан дон жойлаштириладиган текислик орасидаги масофа қисқартирилган (27-расм).



27-расм. ДМ-3 русумли диафаноскоп.

1—клавишил ҳисоблагич; 2—ойна; 3—линза; 4, 14—корпузлар; 5—силжитиш механизми; 6—диафрагма; 7—таянч шиша; 8—панжара; 9—силжитгич; 10—диафрагма; 11—ёруғлик фильтри; 12—окуляр; 13—конденсатор; 15—экран-қайтаргич; 16—чироқ; 17—штепсельли розетка.

ДМ-3 асбобида арчилган ва арчилмаган шоли донининг ёрилгашигини аниқлаш мумкин. ДМ-3 асбоби иккита корпусдан иборат. Биринчи корпус (4) да оптикавий схема элементлари ва созлаш механизмлари жойлашган бўлса, иккинчи корпус (14) да эса ёруғлик манбаи ($K\ 220\times 100$ электр чироги) ўрнатилган. Чироқдан тарқалган ва экран-қайтаргич (15) дан қайтган ёруғлик оқими иккита қавариқ линзадан тузилган конденсатор (13) га, сўнгра эса горизонтга нисбатан 45° бурчак остида жойлашган ойна (2) га тушади.

Ойнадан қайтган ёруғлик оқими 90° га бурилиб, цилиндрик линза (3) га йўналади. Ёруғлик дастаси синганда унинг ўқ симметрияси бузилади, бу нарса линзанинг тескари томонидан фокал чизигига тушувчи астигматик ёруғ-

лик боғламининг ҳосил бўлишига олиб келади. Фокал чизифи яқинида тирқишли диафрагма (6) ўрнатилган бўлиб, унинг устига эса механизм (5) билан тирқишли диафрагмага нисбатан ҳаракатланувчи силжитгич (9) жойлаштирилган. Силжитгичга таянч шишаси (7) ётқизилган бўлиб, унинг устига эса шоли донини жойлаштириш учун 50 та тешикли (10 қатор, ҳар қаторда 5 тадан) юклаш панжараси ўрнатилгандир. Кузатувчининг диққатини йигиш учун панжаранинг устига кўриш майдони диафрагмаси (10), ёруғлик фильтри (11) ва окуляр (12) ўрнатилган. Корпуснинг пастки қисмида клавиши ҳисоблагич (1) ўрнатилган бўлиб, у ёриқ донлар сонини аниқлаш учун хизмат қиласди.

Пустлоги тозаланган ёки тозаланмаган шоли донларининг ёрилганлик миқдорини аниқлаш учун ҳар қайсисида 50 та дон бўлган тўртта намуна ажратиб олинади. Панжарали силжитгич дон билан тўлдириб, асбоб корпусига ўрнатилади ва ёруғлик қўшилади.

Ёруғлик боғлам бўлиб фокусланади ва тирқишли диафрагмадан ўтаётисиб, донли кассетанинг тагига тушади. Силжитгични секингина илгариланма-қайтма ҳаракатга келтириб, ёриқларининг оптимал кўриниш ҳолати топилади. Даставвал бешта дондан иборат бўлган биринчи қатор кузатилади ва қаторда нечта ёрилган донлар кузатилса, шунча марта ҳисоблагичнинг тутмаси босилади, сўнгра навбатдаги қатор тўғриланиб, барча амаллар такрорланади. Шу тартибда 200 та доннинг ҳаммаси кузатиб чиқилади. Ҳисоблаш қурилмасининг циферблатида ёрилган донларнинг сони қайд қилинади. Ҳисоблагичнинг шкаласида қайд қилинган донлар сонини иккига бўлиб, ёрилган донлар миқдори фоизларда топилади.

ДМ-3 асбоби бир, икки, уч ва ундан ортиқ ёриқлари бўлган донлар сонини алоҳида ҳисобга олиш имкониятига эга.

5- §. ШОЛИ ДОНИНИНГ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ

Шоли донининг сифатини, ундағи донли ва ифлослантирувчи аралашмалар миқдорини, шунингдек қизил мева ва уруг қобиқли, сарғайган мағизли ва глютинозли

донлар миқдорини аниқлаш схемаси бүйича амалга оширилади.

Таҳлил доннинг ўрта намунасини ўлчаб, йирик ифлослантирувчи аралашмалар миқдорини аниқлаш учун уни тешик ўлчами 6,0 мм лик ғалвирда элашдан бошланади. Ғалвир қолдигидан сомон-похол, бошоқ бұлаклари, кесак, майда тош, бегона үсімлікларнинг йирик уруглари ва ўлчами шоли донининг ўлчамидан йирикроқ булган бошқа йирик аралашмалар қул билан ажратилади.


Ажратилган йирик аралашма тозаланмаган шоли дони учун стандартда күрсатилган фракциялар бүйича ажратилади, жумладан минерал аралашмалар таркибидаги тошчалар миқдори алоҳида қилиб күрсатилади. Ифлослантирувчи аралашмалар миқдори ажратилган фракциялар бүйича ўлчанади ва уларнинг ҳар қайсиси намунанинг ўртача ҳажмдаги массасига нисбатан фоизларда ифодаланиб, күйидаги формула бүйича топилади:

$$X_d = \frac{m_L}{m} \times 100,$$

бу ерда: m , — алоҳида ҳисобга олинадиган йирик ифлослантирувчи аралашманинг массаси, г;

m — намунанинг ўртача ҳажмдаги массаси, г.

Сүнгра яққол намоён бұлган ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг миқдори аниқланади. Бунинг учун ўртача ҳажмдаги намунадан йирик ифлослантирувчи аралашмалар ажратиб олингандан сүнг 50 г массали ўлчанма ажратиб олинади ва у тешик ўлчами 2,0 мм лик лаборатория ғалвирида эланади. Ғалвирдан үтган барча эланма маҳсулоти ифлослантирувчи аралашма деб ҳисобланиб, таркибидаги заҳарли аралашмалар ажратиб күрсатилади. Ғалвир қолдигидан яққол намоён бұлган ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг миқдсөн аниқланади. Ифлослантирувчи аралашма таркибидаги заҳарли аралашмалар ажратилади. Бундан кейинги таҳлиллардан олиналигап барча заҳарли аралашмалар (тешик ўлчами $\varnothing 2$ мм лик ғалвир қолдик ва эланмасидан олинадиган) чиқариб ташланади. Заҳарли аралашманинг миқдори күшимча орттырылған ўлчанма бүйича алоҳида аниқланади. Күйида шола ономини тұлық таҳлил қилиш схемаси күрсатилған.



Шоли донидаги ифлослантирувчи аралашмаларга қуидагилар киради: тешик үлчами Ø2,0 мм бўлган ғалвирдан ўтган барча эланма маҳсулотлар; ғалвир қолдигидаги минерал аралашмалар (тупрок, тошча, шлак), ёввойи ва маданий ўсимликлар уруғлари; органик аралашмалар (бошоқли қисмлар, гул қобиқлари, бўш бошоқчалар, қипиқлар, поя бўлаклари ва бошқалар); эндоспермининг ранги (очкунгир тусдан қора рангтагача) ўзгарган, чирий бошлаган, замбуруғланиб бузилган шоли донлари; 1/4 қисми ейилган, тўла ривожланмаган, шунингдек асосий донга тааллуқли бўлмаган, кесганда тўлиқ унсимонликни ёки марказида шаффофф додни намоён қилувчи яшил донлар. Шолидаги донли аралашмалар таркибиға қуидагилар киради: тешик үлчами Ø2 мм ли ғалвирдан ўтмаган синиқ донлар; ўсимтаси униб чиққан донлар; тозаланган донлар; 3/4 қисми ейилган, тўла ривожланмаган, шунингдек асосий донга тааллуқли бўлмаган, кесганда тўлиқ унсимонликни ёки марказида босилганда эзилиб кетадиган шаффофф додни намоён қилувчи яшил донлар.

Агар дон қилтиқли бўлса, қилтиқлари синдириб олиниб, ифлослантирувчи органик аралашмалар таркибиға киритилади. Яшил донлар тенг иккига бўлинади ва мағзи тўлишган шаффофф яшил донлар асосий донлар таркибиға киритилади. Қолган яшил донлар эса илгари кўрсатилган белгилари бўйича донли ёки ифлослантирувчи аралашмаларга киритилади.

Аниқ намоён бўлмаган ифлослантирувчи ва донли аралашмалар миқдорини аниқлаш учун 50 г массали ўлчанмадан ифлослантирувчи ва донли аралашмалар ажратиб ташлангандан сўнг ҳар бири 10 г бўлган иккита ўлчанма ажратилиб тозаланади (қобиқ ажраттичда ва кўшимча равишда қўл билан). Ҳар бир ўлчанманинг тозаланган донлари ўлчанади. Тозаланган шоли донларидан мева қобиғи қизил, глютинозли, тўла ривожланмаган ва яшил донлар ажратилади.

Уруг ва мева қобиқлари қизарган (қизил рангдан то очкунгир-жигаррангача) шоли донлари қизил донларга киради. Глютинозли донлар оқ шиша мағизли пишиқ тузилишга эгадирлар. Кесганда улар стеаринсимон кўриннишли, бир хил рангли, аммо унсимон ёки шаффофф тузилма-

га эга бўлмайди. Унсимон донларнинг кесиги анча ғовакли, унсимон қисми яққол намоён бўлиб, дон ҳажмини тўлиқ тўлдирган ёки шаффоф доғлари билан ажралиб турган бўлади: шу билан улар глютинозли донлардан фарқ қиласидар. Глютинозли ва унсимон донларни кучсиз йод эритмаси билан ишлов бериб бир-биридан фарқлаш мумкин (бунда 10 ... 15 мл дистилланган ёки қайнатилган сувга икки-уч томчи йод қўшилиб эритма тайёрланади). Бундай ишлов берилгандан кейин глютинозли донлар қизил-қўнғир ёки жигарранг тусга, унсимон донлар эса тўқ кўк рангга киришади. Қизил ёки глютинозли шоли донларининг миқдори (%) 10 г массали ўлчанмага нисбатан қўйидаги формула бўйича топилади:

$$X_{k_1} = \frac{m_{k_1}}{m_1} \times 100;$$

бу ерда: m_{k_1} – арчилган дон ўлчанмасидан ажратилган қизил ёки глютинозли донларнинг массаси, г;

m_1 – ўлчанмадаги арчилган донларнинг массаси, г.

Охирги натижা икки параллел аниқлашларнинг ўрта арифметик қиймати сифатида топилади.

50 г массали қўшимча ўлчанмадаги қизил ёки глютинозли шоли донларининг умумий миқдорини (%) аниқлаш учун қўйидаги формула ишлатилади:

$$X_{k_1} = \frac{m_{k_2} \times 100}{m_1} + X_{k_1};$$

бу ерда: m_{k_2} – 50 г массали ўлчанмадаги арчилган қизил ёки глютинозли донларнинг массаси, г;

m – ўлчанмадан аниқ намоён бўлган донли ва ифлослантирувчи аралашмалар ажратилгандан кейин қолган шоли донининг массаси, г.

10 г массали ўлчанмадаги бузилган, тўла ривожланмаган ёки яшил донларнинг миқдори (%) қўйидаги формуладан топилади:

$$X_{\delta_1} = \frac{2m_{\delta_1} \times m}{m_1};$$

бу ерда: m_{α_1} – 5 г массали арчилган шоли донидан ажратилган бузилган, тұла ривожланмаган ёки яшил донларнинг массаси, г;

m , – 10 г массали үлчанмадаги арчилган шоли донининг массаси, г;

m – 50 г массали үлчанмадан аниқ намоён бұлған ифлослантирувчи ва донли аралашмалар ажратиб олингандан сүнг қолган шоли донининг массаси, г.

10 г массали құшимча үлчанма ва 50 г массали үлчанмадан ажратиб олингандан бузилган, тұла ривожланмаган ёки яшил шоли донларнинг умумий мөлдөри (%) қыйидагича ҳисобланади:

$$X_{\alpha} = 2m_{\alpha_2} + X_{\alpha_1},$$

бу ерда: m_{α_2} – 50 г массали үлчанмадан ажратиб олингандан бузилган, тұла ривожланмаган ёки яшил рангли донларнинг массаси, г.

Сарғайған піс ти донларнинг мөлдөрини аниқлаш

Илгари ажратиб олингандан иккита пүстлоги тозаланған шоли дони үлчанмасига улардан ажратилған қызил, глютенинзли, тұла ривожланмаган ва яшил рангли донларнинг фракциялари қайтарып қышылади. Ҳар қайси үлчанма силлиқланади. Сүнгра бу үлчанмалар тешик үлчами 1,5 мм бұлған ғалвирда кукунини ажратиш учун зланади. Ғалвир қолдиги үлчаниб, ундан бутун ва майдаланған сарғайған мәғизлар ажратылади. Айрилған сарық донлар үлчанади. Сарғайған шоли дони деб түрли даражада сарғайған мәғизли донлар тушунылади.

Сарғайған шоли донининг мөлдөри (%) асосий донга нисбатан қыйидаги формула орқали ҳисобланади:


$$X_c = \frac{m}{m} \times 100;$$

бу ерда: m , – силлиқланған гуруч үлчанмасидан ажратилған сарғайған бутун ва майдаланған мәғизларнинг массаси, г;

m – кукуни ажратиб ташланғандан сүнг қолған силлиқланған гуруч мәғизларнинг массаси, г.

УШР русумли қурилмада түрүчни силлиқлаш

Қурилма ЛЗМ русумли лаборатория тегирмончаси ба-засида ишлаб чиқылған. Қурилманинг (28-расм) ишчи органлари — құзғалмас дека (3) ва хом ишланған теридан ясалған тез айланувчи қамчи (4) дан иборат. Деканинг ишчи юзаси күм қофоз билан қопланған. Дека ёғоч устунча (6) га маҳкамланған. У эса ўз навбатида зинч қилиб ЛЗМ стакани ичига үрнатылған. Қамчи шайба (2) ёрдамида электродвигателнинг үқига қотирилған. Расмда, шунингдек қуйи (1) ва юқори (7) бостирумалар ҳам күрсатылған бўлиб, улардан бири стаканнинг тубига, иккинчиси эса қопқоқ (8) га қотирилған.



28-расм. Гуруч магзини силлиқлашда ишлатиладиган УШР русумли қурилма

1-куйи бостирма, 2-шайба; 3-құзғалмас дека; 4-айланувчи қамчи; 5-гайка; 6-ёғоч устунча; 7-юқори бостирма; 8-қопқоқ.

Қопқоқ юқори бостирма билан бирга силжитиб очилади ва арчилған шоли дони улчамаси қурилманинг ишчи зонасига қўйилади. Юқори бостирумали қопқоқ жойига қайтарилиб ёпилади ва электродвигатель ишга туширилади.

Қамчили қурилма айланма ҳаракатга келиб, у билан дека ва ўзаро ишқаланиб ҳаракатланаётган донлар силлиқланади.

Силлиқлаш жараёни тугагандан сўнг электродвигатель учирилади ва юқорида баён қилинганидек таҳлил ўтказилади.

Ҳисоблаш натижалари қуйидаги аниқликда яхлитлана-ди: ифлослантирувчи ва донли аралашмалар, қизил ва сар-

ғайған донлар миқдори, йириклик — 0,1, зарарли аралашмалар миқдори — 0,01, металмагнит аралашмалар миқдори — 0,001 қийматларда.

Таҳлил карточкаларига натижалар яхлитланмасдан ёзилади. Олинган натижалар сифат түғрисидаги ҳужжатларга күчирилаётганда күйидаги қоидаларга амал қилиб яхлитланади. Тайёрланаётган шоли дони базис мөъёларининг охирги натижаларини асосий донга тааллукли бўлган глютинозли ва сарғайған магнитлар миқдори бўйича фоизнинг ўндан бир улушкигача аниқликда, қолган барча кўрсаткичлари бўйича эса бутун фоизларда ёзилади. Тайёрланаётган шоли донининг чегаравий мөъёлардаги кўрсаткичлари бузилган донлар миқдори бўйича фоизнинг ўндан бир улушкигача аниқликда, қолган барча кўрсаткичлари бўйича эса бутун фоизларда ифодаланади.

Ёрма ишлаб чиқаришга юборилаётган шоли дони таркибидаги курмак миқдори, намлиги, минерал аралашмалар ва тошчалар миқдори бўйича фоизнинг ўндан бир улушкигача бўлган аниқликда, қолган барча кўрсаткичлар бўйича эса бутун фоиз миқдорларида баҳоланади. Агар соннинг каср қисмидаги биринчи рақам 5 дан кичик бўлса, у ташланиб, қолган охирги рақам ўзгартирилмайди. Агар каср қисмидаги биринчи рақам 5 га тенг ёки ўндан катта бўлса, у ҳолда қолган рақам бир бирликка ошириб ёзилади.

Аралашмаларнинг параллел ва назорат аниқлашлари орасидаги тафовутлар күйидаги кўрсатмалар билан белгиланадилар.

Ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг, шунингдек қизил ва сарғайған донларнинг умумий миқдори (%):

0,5 гача	0,2
0,5 дан 1,0 гача, 1,0 ичидা	0,4
1,0 дан 2,0 гача, 2,0 -"	0,6
2,0 -" 3,0 -" 3,0 -"	0,8
3,0 -" 4,0 -" 4,0 -"	1,0
4,0 -" 5,0 -" 5,0 -"	1,2

Икки параллел ва назорат аниқлашлардаги (уларнинг ўрта арифметик қийматларида) йўл қўйиладиган тафовутлар (%):

5,0	-"-	6,0	-"-	6,0	-"-		1,4
6,0	-"-	7,0	-"-	7,0	-"-		1,6
7,0	-"-	8,0	-"-	8,0	-"-		1,8
8,0	-"-	9,0	-"-	9,0	-"-		2,0
9,0	-"-	10,0	-"-	10,0	-"-		2,2
10,0	-"-	15,0	-"-	15,0	-"-		3,0
15дан юқори							3,8

Шолининг шаффофлигини аниқлаш

Ўрта намунани тўлиқ таҳлил қилишда шоли донининг шаффофлиги кўл ёрдамида ёки механизациялашган усулда тозаланган дон ўлчамасидан ажратиб олинган 10 г массали ўлчаммада пўстлоқлилик даражаси таҳлил қилингандан сўнг аниқланади. Шаффофлик ДСЗ-2 русумли касетали диафаноскоп ёрдамида ёки буғдой донида ўтказилгандаги каби донни кесиб кузатиш натижаси бўйича аниқланади. Таҳлил натижасига кўра тўлиқ шаффоф ва қисман шаффоф донлар миқдори ярмисининг йиғиндиси сифатида умумий шаффоф донларнинг миқдори фоизларда ифодаланади.



Иккинчи бўлим. ДОН ВА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТЕХНОКИМЁВИЙ НАЗОРАТИ

I б о б. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯ ЛАБОРАТОРИЯСИ (ИЧТЛ)

1- §. ИЧТЛ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

✓ Корхоналарда ИЧТЛ мустақил тузилмали бўлинмадир. У куйилаги вазифаларни бажаради:

— ўрнатилган кондиция ва меъёрлар асосида корхонага қабул қилинадиган дон, уруғ, пичан ва бошқа маҳсулотларнинг сифатини текширади;

— қабул қилинган дон, уруғ, хомашё ва пичан маҳсулотларнинг сифат курсаткичларидан келиб чиқиб, омборларга юборали, ҳар куни уларнинг жойлашиши тўғрилигини кузатади;

— корхонадан жунатиладиган дон, уруғ, хомашё, пичан ва маҳсулотларнинг сифатини текширади ва улар ўрнатилган кондиция ва меъёрларга мос келмаган тақдирда жунатилишини тақиқлайди;

— амалдаги йўл-иўриклиар бўйича сақланаётган дон, уруғ, хомашё, пичан, маҳсулотлар, чиқиндиларнинг сақланиш муддатини, сифатини ва ҳолатини назорат қилади ва уларнинг сифатини сақлашни таъминлайдиган тадбирларнинг ўтказилишини кузатади;

— дон ва уруғларга ишлов бериш жараёнини (куритиш, фаол шамоллатиш, тозалаш ва бошқалар)ни назорат қилади ва аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича корхона раҳбариятига зарур таклифларни киритади;

— дон захиралари зараркунандаларига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқаришда қатнашади ва ўрнатилган муддатда уларнинг бажарилишини кузатади;

— ишлаб чиқариш, омбор, лаборатория бинолари, ишлаб чиқариш ускуналари ва корхона ҳудудининг тозалик ҳолатини назорат қилади;

— дон ва хомашёнинг, уларнинг сифатидан келиб чиқ-қан ҳолда, қайси мақсадда фойдаланиш мумкинлиги тўғри-сидаги саволни ҳал қилишда қатнашади;

— қайта ишлаш учун мўлжалланган дон ва хомашё турлари аралашмасининг рецептурасини тузишда қатнашади ва унинг бажарилишини назорат қилади;

— қайта ишланадиган дон ва бошқа хомашё турларининг, чиқариладиган маҳсулот ва чиқиндиларнинг сифатини текширади;

— амалдаги кўрсаткичларга мувофиқ ун, ёрма ва омухта ем ишлаб чиқаришга мўлжалланган доннинг тайёрлигини, оралиқ маҳсулотларнинг сифатини ва технологик ускуналарнинг иш самарадорлигини назорат қилади;

— ун тортиш ва ёрма заводларида маҳсулот чиқими-нинг ҳисоб меъёрларини тузади;

— маҳсулот чиқими меъёрларига риоя қилинишини ку-затади;

— қоп-идишларнинг, қоплаш-қадоқлашнинг сифатини, маҳсулот солинган қопларнинг массасини ва қадоқланган кўринишда чиқадиган маҳсулот устида товар белгиси (завод тамғаси) борлигини назорат қилади;

— маҳсулот сифатини ошириш, яроқсиз (сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг) олдини олиш буйича амалга ошириладиган тадбирларни ишлаб чиқаришда қатнашади;

— дон, уруғ, маҳсулот, пичанни қабул қилувчиларнинг рекламасини кўриб чиқишида қатнашади, ички цех бракининг ва сифатсиз маҳсулот чиқаришининг, маҳсулот чиқими меъёрларининг бажарилмаслик сабабларини аниқлайди;

— дон, хомашё ва маҳсулотни берувчилар билан сифат бўйича юзага келган мунозараларни кўриб чиқишида қатнашади;

— дон маҳсулотлари, уруғлар, хомашёнинг сифатини аниқлайдиган назорат ўлчов воситаларининг ҳолатини ва бу ўлчов воситаларининг давлат текшируви учун ўз вақтида тақдим қилинишини назорат қилади;

— лаборатория ускуналарини, инвентарь ва реактивларни олиш учун талабнома тузади, бузилган лаборатория ускуналарини таъмирлашни ташкиллаштиради;

— қабул қилинадиган, юклаб жұнатыладиган ва юбориладиган дон, уруғ, пичан, хомаше әмбебаптың маңындағы сифаты түркілділдердің натижалары асосида езилған ҳужжаттарни беради;

— тайёрланған ва сақланған дон маңындағы сифаты ҳамда ишлаб чиқарыладиган маңындағы сифат да чиқими түркілділдердің натижаларын түзади;

— дон, уруғ, маңындағы сифатини аниклаш да дон, хомаше әмбебаптың маңындағы сифатын түркілділдердің натижаларын түзади;

— лаборатория таҳлиллари да сифат түркілділдердің ҳужжаттарда берилған натижаларнинг миқдор-сифат ҳисобкитобидаги езувларига мөс келишини текширади;

— дон маңындағы сақлаш, ишлөв беріш да қайта ишлөв пайтида юзага келген нобудгарчиликтернинг сабабини аниклашда қатнашади;

— дон, уруғ, пичан, маңындағы сақлашта күйилған темирйүл вагонлари, кемалар да автомобиллернинг тозалик ҳолатини текширади;

— ишлаб чиқарылған бинолари да корхона ҳудудини мемекен тозалаш, дезинфекция қилиш да дератизация қилиш бүйінша үтказылған ишларнинг сифатини дон маңындағы сифатын түзилған экспедиция билан ҳамкорлықда текширади;

— үн, ёрма, омухта ем да кепакнинг сақланиш мүддатини ҳисобға олған ҳолда дастлабки тарқатып режасини түзишда қатнашади да бу ишнинг бажарылышын назорат қылади;

— дон да маңындағы сифатини бағолашнинг илғор усулдарини да янги лаборатория ускуналарини жорий қылади.

Катта ДМК ларда марказий лаборатория билан бир қаторда ҳар бир цех ёки корхонада лабораториялар мавжуд. Ҳар қайси лабораторияны ИТЧЛ бошлиғининг үринбосары, лаборатория мудири, техник-лаборант бошқариши мүмкін. 29-расмда ИТЧЛ тузилмаси бўлинмаларнинг схемаси келтирилган.



29-расм. ИТЧЛ түзилмаси.

1. Қабул лабораторияси. Дон тайёрлаш компанияси даврида ташкил қилинади.

Лаборатория жамоа хұжаликларидан қабул қилинган дон сифатини бағолайды, жойлаштириш режасига мувофик уни дон омборига юборади ҳамда қабул қилинган ва сақланаёттан донни тозалашни, қуритишни ва фаол шамоллатишини назорат қилади.

2. Дон лабораторияси. Сақланаёттан доннинг қабули, жойлашиши, ишлов берилиши, сақланиши ва жұнатилиши билан боғлиқ бўлган жараёнларни, технокимёвий назорат қилишни бошқаради.

3. Цех лабораторияси. Технологик жараённинг ҳар сменадаги назоратини ўтказади. Қайта ишлашга қабул қилинадиган дон ва тайёр маҳсулотнинг сифатини бағолайды.

4. Тажриба лабораторияси. У фақат ун тортиш заводларида ташкил қилинади. Лаборатория доннинг технологик хусусиятларини ўрганади, тортиш туркуми тузилганинг тўғрилигини текширади, донни қайта ишлаб уни олиш режимларини ўрнатади.

5. Марказий лаборатория. Ишлаб чиқариш – цех лабораторияларининг иш фаолиятини текширади, доннинг қайта ишланадиган туркумларини тузади, рецептларни ажратиб олади ва улардаги хомашёни алмаштирали, маҳсулот чиқишини ҳисоблади ва назорат қилади, анча мураккаб таҳлилларни бажаради, маҳсулот сақланишини кузатади, маҳсулотни жұнатади, дон маҳсулотлари ҳисоби бўйича ҳисобот тузади, зааркунандалар билан заараланган объексларни текширади, корхонанинг тозалик ҳолатини назорат қилади.

2- §. ИЧТЛНИНГ БИНО ВА УСКУНАЛАРИ

Марказий лаборатория алоҳида корпусга жойлаштирилади. ИЧЛ (цех лабораториялари) эса корхона ишлаб чиқариш корпуслари ичига ёки уларнинг ёнига жойлаштирилади. Қабул қилиш лабораторияси тортиш ва намуна олиш мосламалари билан бирга автомобиль транспорти киришига кулай жойда, баъзан марказий лаборатория билан бирга қурилади. Лаборатория биносининг ичидаги $t > 18^{\circ}\text{C}$, ёритилганлик 200 лк дан кам бўлмаслиги керак. Лаборатория бинолари ҳар йили дезинфекция ва дератизация қилиниши керак.

Лабораторияда аптечка, маҳсус кийимлар бўлиши керак. Ҳар бир лаборатория аниқ назорат ўлчов аппаратураси, идишлар, реактивлар билан таъминланган бўлиши керак.

Лабораторияда қўйидаги операцияларни бажариш учун алоҳида хоналар бўлиши талааб қилинади:

- намунани қабул қилиш ва таҳлилга тайёрлаш учун;
- техник амалларни бажариш учун (намлик, ифлослик);
- аниқ таҳлилларни бажариш учун хона;
- кимёвий таҳлилларни бажариш учун хона;
- идишларни ювиш учун хона;
- пишириш учун хона;
- намуналарни сақлаш учун хона;
- химикатларни сақлаш учун хона;
- ИЧТЛ бошлиғи учун хона;
- гардероб.

Лабораторияда техника хавфсизлиги йўриқномаси ИЧТЛ бошлиғи томонидан ишлаб чиқарилади. Бу йўриқнома бош муҳандис ва касаба юшмаси раиси томонидан имзоланиб, бинонинг кўринадиган жойига осиб қўйилиши керак.

Лаборатория таҳлиларини ўтказиш учун маҳсус столжавонлар, БИС-1 ва ДЗК-1 бўлгичлари, электр намулчагич ВП-4, ВЭ-2М, пурка ПХ-1, ПОЗ-1 заарланишни аниқлаш асбоби, металмагнит аралашмаларни аниқлаш учун ПВФ-2 ва ПИФ-2 аппаратлари, майдалагич МУЛ-1, элакдон-анализаторлар ва бошқалар бўлиши керак.

3- §. ИЧТЛНИНГ ШТАТ ВА БУРЧЛАРИ

ИЧТЛ ва унинг алоҳида лабораторияларининг штатлари бажариладиган иш тавсилоти ва ҳажмига боғлиқ бўлади. Штатдаги кишилар сони 5-7 дан 50-60 тагача бўлиши мумкин. ИЧТЛ штати таркибига ИЧТЛ бошлиғи, унинг ўринбосари, муҳандис-технолог, муҳандис-химик, агроном, техник лаборантлар ва лаборант-визирловчилар (намуна олувчилар) киради. Агар дон маҳсулотлари комбинати таркибига бир неча катта корхоналар кирса, ҳар қайси алоҳида лабораторияни лаборатория мудири бошқаради.

ИЧТЛ бошлиғи директорнинг тавсияномасига биноан юқори ташкилот рухсати билан тайинланади.

ИЧТЛ бошлиғи қўйидаги вазифаларни бажариши лозим (бурчи):

- лабораториянинг муттасил ишлашини таъминлайди;
- барча хомашё, тайёр маҳсулотларга, сифатни аниқлаш усулларига қабул қилишда ва қайта ишлашда қўйиладиган давлат стандартларига риоя қилишни таъминлайти;
- корхонанинг қабул қилиш, жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаши бўйича ўтказиладиган амалларни ўз ичига оладиган иш режасини тузади;
- бир ойда ва бир чоракда ўтказиладиган таҳлиллар сонини ҳисоблайди;
- корхонада ўтказиладиган жараёнлар, намуна олиш усуллари, таҳлил усул ва кўрсаткичларининг назорати жадвали ва схемаларини ишлаб чиқаради;
- технологик ускуна ишини назорат қилиш жадвалини тузади, штатлар жадвалига мувофиқ лаборатория штатларини ходимлар билан тўлдиради. Улар орасида вазифаларни тақсимлайди ва ишга чиқиш жадвалини тузади;
- ҳар куни барча лаборатория ходимларининг ишини назорат қиласи.

ИЧТЛ бошлиғи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- корхонадаги барча ходимлар томонидан стандартлар, техник шартларнинг бажарилишига риоя қилишни, технологик схема ва йўриқномаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

— донга ишлов бериш ва қайта ишлашда технологик схемаларни ҳал қилишда, технологик жараёнга ўзгартириш киритишда қатнашиш;

— агар донни қуритиш, тозалаш ва фаол шамоллатиш амаллари қоидаларга номувофиқ ўтказилиб, дон сифатини ёмонлашишига олиб келса, уни тўхтатиб қўйиш;

— агар дон маҳсулотлари, уруғ, пичаннинг сифати сақлашга ёки ташишга яроқсиз бўлса, уларни омбор, вагон ва кемаларга юқлатилишини тақиқлаш;

— агар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот стандартлар, техник шартлар, ёки юқори ташкилотлар юхати талабларига жавоб бермаса, унинг чиқарилиши, жўнатилишини тўхтатиб қўйиш;

— агар тайёр маҳсулотта қўйиладиган тасдиқланган стандарт ёки техник шарт бўлмаса, унинг ишлаб чиқарилишини тақиқлаш.

Лаборатория назоратининг усуллари:

— технологик меъёрий ҳужжатлар ёрдамида ёзма равишида бажарилиши керак;

— органолептик усуллар, физик усуллар (натура, шаффофлик ва ҳоказо), кимёвий усуллар (кулланиш даражаси, протеин) қўлланилади;

— физик-кимёвий усуллар (клейковина, крахмал-амилограф);

— фотоэлектрокалориметрик усул (турли оқсил, витаминларни аниқлаш усули).

Дон маҳсулотларининг намуналарини тузиш ва таҳлил қилиш тартиби

Таҳлиллар натижалари кўпинча намуна тузишнинг тўғрилигига боғлиқ бўлади. Умумлашган ва ўрта намуналарнинг тузилиши нуқтавий намуна олинишдан бошлиниади.

Нуқтавий намуна – бу бир туркумдан бир қабул вақтида олинган кўп бўлмаган маҳсулот микдоридир. Дондан нуқтавий намуна олиш тартиби ГОСТ 13588.3-83 да, ун учун ГОСТ 10838-69 ва ГОСТ 9404-60, ёрма учун ГОСТ 26321.1-84, омухта ем учун ГОСТ 496,0-80 да берилган.

Нуқтавий намуналарнинг йифиндисидан умумлашган намуна пайдо қилинади. Агар алоҳида нуқтавий намуналарнинг сифати бўйича фарқ топилса, бир неча умумлашган намуна ҳосил қилинади. Умумлашган намуна солинган идишга таҳлил карточкаси солиб қўйилади. Карточкада ушбу намуна қайси автомобиль, вагон, кемадан олинганини, қачон ва ким томонидан олингани ва массаси, қайси жамоа хўжалигидан қабул қилинганини ёзилб қўйилади.

Умумлашган намунадан ўрта намуна ажратиб олинади. Ўрта намуна деб дон, ун, ёрма, омухта ем ва бошқа хомашёлардан лаборатория таҳлили учун олингандан умумлашган намуна қисмига айтилади. Ўрта намуна квадрат усули ёрдамида ажратиб олинади. Ўрта намунанинг массаси дон учун – 2 кг, ун ва кепак учун – 2,5 кг, ёрма учун – 1 кг, омухта ем учун – 2 кгни ташкил қиласи. Донни жамоа хўжаликларидан дон қабул қилиш даврида транспортлар ишини тўхтатиб қўймаслик учун бир таркибли туркумлардан ўрта суткавий намуна олинади.

Стандартлар бўйича ўрта намунани ҳосил қилиш тартиби ва таҳлил қилиш схемаси мазкур китобнинг биринчи бўлим I- боб 2- параграфида келтирилган.

4- §. ИЧТЛНИНГ ИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўз фаолиятида ИЧТЛ қўйидаги ҳужжатларни юритади:

1. Дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини қайд қиласиган бирламчи ҳужжатлар:
 - а) Анализ карточкалари. Уларда дон ва дон маҳсулотларнинг барча аниқлаш ҳолатлари тўлдирилади.
 - б) Сифат тўғрисидаги гувоҳнома. Дон ва тайёр маҳсулотлар жўнатилаётган вақтда тўлдирилади.
 - в) Штабел ёрлиқлари. Дон ва дон маҳсулотлари сақланяётган омбор ёки силосларга ёзилб қўйилади. Таҳлил карточкаларига натижалар яхлитланмасдан ёзилади. Улар қўйидаги рақамларга эга: ун учун - № 45, ёрма учун - № 46, дон учун № 47.

Сифат тўғрисидаги гувоҳнома уч нусхада ёзилади. 1- нусха юк хати билан олувчи адресига юборилади. 2- нусха бухгалтерияда қолади, 3- нусха ИЧТЛда қолади. Сиёҳ ёрдамида тўлдирилиб, сифат бўйича директор ўринбосари

ёхуд ИЧТЛ бошлиги ёки цех лаборатория бошлиги ёки смена бошлиги томонидан имзоланади. Гувоҳномада корхона муҳри бўлиши шарт. Бу гувоҳнома ун учун № 40, ёрма учун № 41, дон учун № 42, омухта ем учун № 43 га эга.

Бирламчи ҳужжатлардан ташқари, лабораторияда бир қанча журналлар ҳам мавжуд. Журналлар № 49 дан № 81 гача давом этади. Журналларнинг ҳамма варақлари рақамланган бўлиши керак. Журнал охирида директор ва ИЧТЛ бошлигининг имзоси ва корхона муҳри бўлиши керак. Бузилган рақамларни тўғрилаш фақат таҳлил ўтказган лаборант томонидан амалга оширилиб, варақ охирида “Тўғриланганлигига ишонилсин” деб ёзиб қўйилади.

Барча журналлар 4 гуруҳга бўлинади:

1. Хомашё сифатини баҳолаш журналлари.
2. Технологик жараёнларни назорат қилиш ва сақлашни кузатиш журналлари.
3. Сифатнинг алоҳида кўрсаткичларини акс эттириш журналлари.

4. Кўрсаткичларни умумлаштириш журналлари.

Уларда ўрта смена намуна таҳлиллари бўйича ҳамма кўрсаткичлар ёзилади. 4- гуруҳ журналларига № 52 (тегирмон учун) ва № 53 (ёрма заводлари учун) журналларни мисол қилиш мумкин. № 52 тегирмон иши бўйича тезкор назорат журнали. Унда ҳар сменада тегирмонга тушадиган дон сифати, ун сифати, тегирмон тозалик ҳолати қайд этиб борилади. № 53 ёрма заводида № 52 журналига мос равишида тўлдирилади.

5- §. ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МИҚДОР-СИФАТ БЎЙИЧА ҲИСОБИ

Дон маҳсулотларининг миқдорий ҳисоби унинг сифатини ҳисобга олмасдан амалга оширилмайди, чунки сифат ўзгариши миқдор ўзгаришига олиб келади. Бунда сифат кўрсаткичларидан: дон маҳсулотининг намлиги ва ифлослиги эътиборга олинади. Сақлаш, куритиш, тозалаш ва шамоллатиш вақтида бу кўрсаткичлар ўзгаради, бинобарин дон маҳсулотларининг миқдори ҳам ўзгаради. Шунинг учун намлик ва ифлослантирувчи аралашмалар миқдор-сифат ҳисобининг асоси қилиб олинган.

Миқдор-сифат бүйича ҳисоб дон маҳсулотини сақлашда массанинг табиий йўқолишини аниқлаш ва назорат қилиш учун ҳам зарур. Дон массаси миқдор-сифати бүйича ҳисобининг асосий хужжатларидан бири 36- шаклдаги китобdir. У ҳар бир сақлаш жойи учун юритилиши мумкин. Элеваторда сақланаётган ҳамма дон учун битта ҳисоб-китоби № 36 юритилади.

II б о б. ЭЛЕВАТОР ВА ДОННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ТЕХНОКИМЁВИЙ НАЗОРАТ

Донни қабул қилиш корхоналари (ДКҚК) да ИЧТЛ нинг вазифаси кўйидагилардан иборат:

- дон, мойли экин уруғлари, сўтали маккажухори, уруғлар, ўсимлик уруғлари, пичан ва ўт-ўлан талқонини қабул қилиш ва жойлаштиришда қатнашиш;
- дон ва навли уруғларни тозалаш, қуритиш, фаол шамоллатиш ва сақланишини назорат қилиш;
- донни турли зааркунандалар билан заарланишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни ўтказишида қатнашиш;
- дон, мойли уруғлар, навли уруғлар, ўт-ўлан уруғлари ва пичанни жўнатишида қатнашиш;
- дон омборлари тозалови ва инвентаризациясида, шунингдек миқдор-сифат кўрсаткичларини қайд қилиш ҳисобини юритишида ва сифат бўйича ҳисбот тузишида қатнашиш.

I- §. ДОННИ ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ

Донни жамоа ва давлат хўжаликларидан қабул қилиш

Янги ҳосил қабул қилишдан олдин донни қабул қилиш, ишлов бериш ва сақлашнинг технологик схемаси аниқланади.

Бош муҳандис ва дон сақлаш хўжалигининг мудири билан биргаликда ИЧТЛ бошлиғи қабул компанияси даврида донни қабул қилиш, ишлов бериш ва жойлаштириш

режасини тузишади. Дон туркumlари экин тури ва типлари бўйича тузилади; бир экинга тегишли донлар эса кичик тип ва синфларга бўлинади.

Буғдой дон туркumlари тузилганда эса кучли ва қимматли навлар алоҳида ажратилади. Барча экин дон туркumlари намлик ва ифлослик ҳолати бўйича шаклланади. Бунда куруқ ($W < 14$), ўрта куруқ ($W = 14,0 - 15,5\%$) алоҳида бир туркum қилиб тузилади. Шунингдек, нам дон ($W = 15,5 - 17\%$) алоҳида, ҳўл дон ($W = 17 - 22\%$) алоҳида туркum қилиб, ўта ҳўл дон ($W > 22\%$) алоҳида ажратиб олинади. Шу билан бирга дон туркumlари ифлосланганлик бўйича ҳам ажратилади. Бунда тоза дон — ифлослантирувчи аралашмалар миқдори 1% гача, ўрта тоза дон — ифлослантирувчи аралашмалар миқдори 1 — 3%, ифлос дон — ифлослантирувчи аралашмалар миқдори 3% дан юқори бўлган ҳолатлар учун қайд қилиниши керак. Куруқ, ўрта куруқ, тоза ва ўрта тоза дон туркumlари ишлов берилмасдан сақлашга юборилади. Қолган дон туркumlари эса тозаланиб, қуритилиб, сўнг сақлашга юборилади.

Дон туркumlарини тўғри шакллантириш ва юқори технологик хусусиятларга эга бўлган донларни ажратиб олиш мақсадида ҳосил, даладалик вақтида олдиндан текшириб ўтказилади. Бунда комиссия тузилиб, комиссия таркибига лаборатория вакили ҳам киритилади. Қаттиқ ва кучли буғдой донидан 1 кг миқдорда ўрта намуна олиниб, лабораторияга текшириш учун юборилади.

Қабул қилинган дон устида олиб бориладиган ҳисоблар

Жамоа ва давлат хўжаликларидан давлатта қабул қилинган дон устида ҳисоб юритилганда базис ва чекланган кондициялар, шунингдек сотиб олиш нархи ҳисобга олинади.

Базис кондицияси — доннинг жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан топширилгандаги сифат даражаси, қайсики унга сотиб олиш нархи боғлаб ҳисобланади.

Чекланган кондиция — донни давлатга сотишда йул қўйиладиган энг куйи сифат меъёри. Агар доннинг сифат кўрсаткичлари чекланган кондициядан паст бўлса, бундай дон туркumlари ДҚҚК га қабул қилинмайди.

Қабул қилинган дон сифати базис кўрсаткичларига тўғри келса, корхона дон топширувчига кг ни кг га ҳисоб-170

лаб сотиб олиш нархида пул тұлайди. Агар дон массаси-нинг намлик ва ифлослиги бүйіча сифат күрсаткічлари базис кондициясидан фарқ қылса, унда натурал құшимча ва өзгериш миқдорлари киритилади. Башқа сифат күрсаткічлари базис кондициясидан фарқ қылғанда пуллік құшимча ва өзгериш миқдорлари киритилади.

Доннинг ҳисобға олинган массаси (зачетная масса) деб натурал құшимча ёки өзгериш миқдорига оширилған ёки камайтирилған физикавий массага айтилади.

Ч, 2

Донни жойлаштириш.

Донларни жойлаштиришни тұғри ташкил қилиш — уни яхши сақлашнинг сифатини яхшилайдын чора — тадбирларни ұтказышда харажат камайтирилишининг гаровидир. Қабул қилиш, ишлов бериш ва жойлаштириш режасини тузиша ИЧТЛ бошлиғи қуйидаги материаллардан фойдаланади:

- жамоа ва давлат хұжаликлари билан тузилған шартнома асосида қабул қилинадын дон миқдори ҳақида маълумот;
- ДҚҚК га келадын доннинг соатбай жадвали;
- үтган йилги дон ҳосилининг қолдиги тұғрисидаги маълумотлар;
- қабул қилиш даврида юқори ташкилот томонидан корхонага бериладын доннинг киритиш ва чиқарыш реjalари;
- кутилаётган ҳосил ва дон сипати ҳақида маълумотлар, бунинг учун үтган йилги күрсаткічлар, қишлоқ хұжалик ишчилари маълумоти ва ҳосилни текшириш натижалари;
- уруғлик дон тайёрлаш режаси;
- барча дон сақлаш бинолари сипими тұғрисидаги күрсаткічлар;
- технологик оқым йұлларининг сони, тури ва унумдорлиғи тұғрисидаги күрсаткічлар.

Донни туркумлар бүйіча омборларга жойлаштиришда қуйидаги хусусиятлари зерттеборға олинади:

1. Ботаник хусусиятларында қараб: ұзға навға, турли репродукцияға ёки алоҳида синфға тааллуклы бұлған дон тур-

кумларини бир жойга жойлаштириш қатъяян ман қилинади. Чунки турлича ботаник белгиларга эга бўлган дон массаси ҳар хил нонбоп, харидоргир ёки истеъмолбоплик хусусиятларини намоён қиласди.

2. Намлигига қараб: қуруқ ва ўрта қуруқ дон массалари нам ва намлиги 22% гача бўлган ҳўл дон туркумидан алоҳида жойлаштириллади. Намлиги 22% дан юқори бўлган дон массаси эса ҳар 6% дан кейин алоҳида туркум қилиб жойлаштириллади. Шоли учун эса бу оралиқ 3%ни ташкил қиласди. Қуруқлиги бўйича қабул қилинган дон таркибидаги намлигига қараб қўйидагича фарқланади:

- қуруқ дон — намлиги $W < 14\%$;
- ўрта қуруқ дон — намлиги $W = 14,0 - 15,5\%$;
- нам дон — намлиги $W = 15,5 - 17\%$;
- ҳўл дон — намлиги $W > 17\%$.

3. Дон массасидаги аралашмаларнинг миқдори ва таркибига қараб ҳам дон массаси алоҳида туркумлар билан жойлаштириллади. Таркибидаги кўп бегона аралашмаларни сақлаган дон массаси силосларда сақланиши керак. Тоза ва ўрта тоза донлар битта туркум қилиб жойлаштириллади.

Ифлослик ҳолати бўйича қабул қилинган дон қўйидагича фарқланади:

- тоза дон — $U_f < 1\%$;
- ўрта тоза дон — $U_f = 1 - 3\%$;
- ифлосланган дон — $U_f > 3\%$.

4. Зааркунанда ва каналар билан зааралangan дон массаси ҳам бошқа туркумларидан алоҳида сақланади.

5. Кўзланган мақсадга қараб: дон массаси уруғчилик учун, нон пишириш учун, омухта емга мўлжалланган ёки техник мақсад учун қўлланилиши мумкин. Шу белгиларга қараб ҳам улар алоҳида жойлаштирилиши керак.

6. Махсус ҳисобга олиниши керак бўлган белгиларига қараб: Тошбақасимон кана билан зааралangan дон массаси алоҳида жойлаштириллади. Кўкарған дон ҳам алоҳида жойлаштириллади.

2- §. ДОННИ ТОЗАЛАШ

Донда бегона аралашмаларнинг мавжудлиги ўз-ўзидан қизиш, зааркунандаларнинг ривожланишига имкон бе-

ради ва қуритишни қийинлаштиради. Донни тозалаш — ишлов беришнинг энг муҳим босқичи бўлиб, дон сифатини яхшилаб, сақлашда унинг чидамлилигини оширади.

Кўйидаги дон туркумлари тозаланиши керак:

- таркибидаги аралашма миқдори бўйича ўрта тоза ва ифлос гуруҳга тегишли бўлган истеъмолбоп донлар;
- ✓ шахтали қуритичда қуритиш учун юбориладиган донлар; ✓
- ифлослантирувчи аралашмалар миқдори чекланган кондициядан юқори бўлган ембоп дон туркуми.

Дон тайёрлаш компаниясидан аввал ИЧТЛ бошлиги донни тозалаш режасини тузади.

24- жадвал

Донни тозалаш режаси

Экин тури, тип ва ифлослик ҳолати	Дон массаси, т	Беш кунлик			
		1-чи	2-чи	3-чи	ва бошқалар
Бугдой, IV тип, жумладан:					
- ўрта тоза донлар	18400	10000	4400	4000	
- ифлослиги чекланган кондициягача бўлган дон	6400	4000	1400	1000	
- ифлослиги чекланган кондициядан ортиқ бўлган донлар	4000	2000	2000	-	
	8000	1000	4000	3000	

Элеваторда дондан эни, йўғонлиги ва аэродинамик хусусиятлари билан фарқ қиласидиган аралашмалар ҳаво-галвирли ажратгичларда ажратиб олинади. ✓

Ажратгичнинг ҳақиқий иш унумдорлиги кўйидаги формула бўйича топилади:

$$Kx = \frac{M \times 60}{1000}, \text{ т/соат}$$

бу ерда: M — машинага тушадиган дон аралашмаси, кг/мин.

Кўйидаги жадвалда ҳаво-галвирли ажратгич иш жараёнининг таҳлил натижалари кўрсатилган.

Фракция таркиби ва чиқими (А1 – БИС – 100 учун)

Фракция	Фракция чиқими кг/дақиқа	Ажраладиган аралашма миқдори		Дон миқдори, % (3,5 мм. ли галвир қолдиги)
		кг/дақиқа	%	
Тозалашдан сўнгги дон. Саралаш галвири қолдиги. Элаш галнири зланмаси.	1300	51	3,92	96,08
	15,6	14,2	92,18	7,92
	53	51,4	98,68	1,32
Аспирация чиққандилари. Жами.	25,6	21,7	86,17	13,83
	1394,2	138,3	9,92	90,18

$$K_X = \frac{1394,2 \times 60}{1000} = 83,65 \text{ т/сут.}$$

Ажратгичларнинг иш самарадорлиги кўйидаги формула бўйича топилади:

$$n = \frac{A - B}{A} \times 100$$

бу ерда: А – ажратгичгача ажраладиган аралашма миқдори, кг;

В – тозалашдан сўнг ажраладиган аралашма миқдори, кг.

$$n = \frac{138,3 - 51}{138,3} \times 100 = 66,4\%.$$

3- §. САҚЛАШДА ДОН ҲОЛАТИНИ КУЗАТИШ

Дон массасининг ҳолатини кўйидаги белгилар баҳолайди.

1. Ҳарорат. Омборларда сақланаётган дон массаси ҳароратини ТМЩ-11 ёрдамида ўлчаш мумкин. Бу қурилма узунлиги 1,6 – 3,2 метр, диаметри эса 20 миллиметрни ташкил этувчи қувурни намоён қиласи. Термошублинг ичига оддий симобли термометр ёки спиртли термометр ўрнати-

лиши мумкин. Элеваторларда эса дон массасининг ҳарорати ДКТЭ – 4, ДКТЭ – 4М, ДКТЭ – 5 ўлчагичлар ёрдамида ўлчанади.

Бу термометрлар массанинг иссиқлик қаршилиги асосида ишлайди.

2. Аралашмалар миқдори – бу белги дон массаси ҳолатини характерловчи ёрдамчи омилдир.

3. Дон массасининг намлиги дон ҳолатини белгиловчи навбатдаги омилдир.

4. Заарланиш ҳолати, бу омил ҳам дон массасининг ҳолатини белгилайди.

5. Дон массасининг ҳиди ва ранги ҳам дон ҳолатини белгиловчи асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Куйидаги жадвалда дон ҳолатини намлик ва ҳароратга боғлиқ ҳолда назорат қилиш режимлари келтирилган.

26- жадвал

Сақлашда дон ҳолатини намлик ва ҳарорат билан боғлиқ ҳолда назорат қилиш.

Намлик бўйича ҳолати	Янги ҳосил донини қабул қилингандан сўнг 3ой давомида	Турли ҳароратли бошқа донлар		
		$t < 0$	$0 < t < 10$	$t > 10$
Куруқ ва ўрта қуруқ	5 кунда 1 марта	15 кунда 1 марта	15 кунда 1 марта	15 кунда 1 марта
Нам	ҳар куни	15 кунда 1 марта	5 кунда 1 марта	2 кунда 1 марта
Хул	ҳар куни	10 кунда 1 марта	5 кунда 1 марта	1 марта ҳар куни

Омборда шоли дони намлик ва шамоллатиш қурилмасининг турига боғлиқ ҳолда 1,5 ва 5 метр уюм ҳосил қилиниб сақланади.

27- жадвал

Шоли туркумларида дон ҳолатини текшириш даврийлиги

Доннинг намлик бўйича ҳолати	Сақлашга қабул қилингандан сўнг 3ой давомида	Дон уюмининг ҳарорати		
		$t < 0$	$0 < t < 10$	$t > 10$
Куруқ	3 кунда 1 марта	15 кунда 1 марта	15 кунда 1 марта	10 кунда 1 марта
Ўрта қуруқ	2 кунда 1 марта	10 кунда 1 марта	10 кунда 1 марта	10 кунда 1 марта
Нам	ҳар куни	7 кунда 1 марта	5 кунда 1 марта	ҳар куни 1 марта
Хул	ҳар куни	ҳар куни	ҳар куни	ҳар куни

44 4- §. ДОННИ ЮКЛАБ ЖҮНАТИШ ВА ЮБОРИШ

Дон бошқа корхоналарга юқори ташкилотлар — вилоят, хукумат дон маҳсулотлари бошқармасининг юхат ва буйруқлари бўйича юклаб жўнатилади ёки юборилади. Юхатларда доннинг мўлжалланиш мақсади ва сифати кўрсатилади.

Юхатни олиш билан ИЧТЛ бошлиғи ёки лаборатория мудири дон туркумини унинг тайинланишини ҳисобга олган ҳолда танлаб қабул қиласди. ИЧТЛ бошлиғи мазкур дон туркуми учун белгиланган кондиция меъёрлари ва техник шартларига амал қиласди.

Дон туркумини танлаб олингандан сўнг омбор мудири ёки элеватор бошлиғига буйруқ расмийлаштирилади.

Донни транспортта юклашдан олдин лаборант уни яхшилаб текширади. Донни тузук, тоза, бегона ҳидсиз ва дон захираси зааркундалари билан заарланмаган транспорт воситаларида ташишга рухсат берилади. Агар текшириш пайтида лаборант санаб ўтилган камчиликларни кўриб қолса, бу ҳолда у транспорт ташкилоти вакили билан биргаликда транспортнинг дон ташишга яроқсизлиги тўғрисида далолатнома тузиб, унда яроқсизлик сабабларини кўрсатиши керак.

Донни юклаш пайтида лаборант-ижозатчи нуқтавий на муналарни олиб, умумлашган ва ўрта намуналарни тузади ва уларни таҳдил карточкалари билан таъминлайди.

Юклаб жўнатиш ва юбориш пайтида доннинг қуидаги кўрсаткичлари: ҳиди, ранги, заарланганлиги, типи, натураси, берилган экин тури учун стандартда белгиланган фалвир эланмаси, намлиги, фракциялар бўйича ифлослантирувчи ва донли аралашмалар миқдорлари, айрим донлар учун кичик тип ва синфи аниқланади. Қўшимча равишда буғдой донини юклашда шаффоғлиги, клейковина миқдор ва сифати, тошбақасимон кана билан заарланганлиги; ёрмабоп донларнинг пўстлоқлилиги, йириклиги, тозаланган донлар, бузилган магиз миқдори; пивобоп арпа донининг униб чиқиш қобилияти; дуккакли донларнинг донхўр капалак билан заарлангаилиги ва заарланиш даражаси; сўтали маккажӯхорида доннинг ҳақиқий чиқими; мойли экин донларида 1000 та доннинг массаси

ва пўстлоқлилиги аниқланади. Таҳлил натижалари таҳлил карточкасига ва лаборатория таҳлилларини қайд қилиш журнallарига киритилади.

Ҳар қайси дон туркуми (вагон, баржа ва бошқалар)га лаборатория транспортта юклаш даврида олинган намуналарнинг таҳлил натижалари бўйича дон сифати ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштиради.

Бу хужжатдаги барча сифат кўрсаткичлари белгиланган аниқлик билан ифодаланади. Бунда доннинг натураси 1 г гача; тип бўйича таркиби, бошқа экин донларининг миқдори, клейковина чиқими, шаффоффлик, маккажўхрининг дондаги чиқими, униб чиқиш қобилияти 1% гача; намлик, ғалвирдан ўтган эланма миқдори, ифлослантирувчи ва донли аралашмалар миқдори, қоракуяли ва тошбақасимон кана билан зааралangan донларнинг миқдори, донхўр капалак билан зааралangan дуккакли донларнинг миқдори, пивобоп арпа дони учун текисланганлик кўрсаткичи, ёрмабоп донлардаги тоза магиз миқдори 0,1% гача; ифлослантирувчи ва донли аралашмаларнинг алоҳида фракциялари, бузилган ва зааралangan донларнинг миқдори 0,01% гача; металмагнит аралашмаларнинг миқдори 0,001% гача аниқликда белгиланади.

ДДИ инспектори донни юклаб, жўнатишда сифатини текшириб, сертификат деб аталган хужжатни расмийлаштиради. Донни жўнатувчи корхона лабораторияси сертификатни маҳсус журналда қайд қиласди, аммо миқдор-сифати бўйича ҳисобларни расмийлаштириш учун ДДИ инспектори лабораторияга ўзи тасдиқлаган таҳлил карточкасини беради. Бу вазиятда лаборатория сифат тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиrmайди.

Дон ички шохобча (глубинный) элеваторлардан асосий дон қабул қилиш корхоналарига жўнатилганда, дон сифатини жўнатиш ёки қабул қилиш корхоналари аниқлайди. Бир турли дон туркумларининг сифати урта суткавий намуна бўйича баҳоланади. Намуналар ҳар қайси алоҳида ҳисобга олинадиган дон қабул қилиш жойи ва донни юклаб жўнатувчи ҳар қайси моддий жавобгар шахс томонидан расмийлаштирилади.

Агар дон маҳаллий таъминот учун юборилса, бунда сифат кўрсаткичлари фактурага киритилиб, у ИЧТЛ бош-

лиги ёки унинг йўқлигига техник-лаборант томонидан им-
золанади. Агар қабул қилувчи лаборатория кўрсатган си-
фат курсаткичларидан рози бўлмаса, у ҳолда икки томон
иштирокида такрорий таҳлил ўтказилиб, у охирги деб
ҳисобланади ва фактурага киритилади.

Қабул қилиш корхоналарига дон автомобиль транспорти
билин етказилса, туркум сифати товар-транспорт юк хати-
да кўрсатилади.

Қабул қилиш корхоналаридан дон қайта ишлаш кор-
хоналарига кўчирилганда, агар улар битта (ёки турли) аҳоли
яшаш пунктида жойлашган бўлса, доннинг сифати бирга-
ликда аниқланиб, миқдор-сифати бўйича ҳисоблаш кито-
бига бир хил сифат кўрсаткичлари асосида ёзиб қўйилади.

III б о б. ТЕГИРМОНЛАРДА ТЕХНОКИМЁВИЙ НАЗОРАТ

I- §. ТЕГИРМОНГА ДОННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ҲОЛАТИНИ КУЗАТИШ

Тегирмонга донни қабул қилиш

Тегирмонга қабул қилинган дон сифати бўйича тегир-
мон кондициясига жавоб бериши керак, яъни ранги, ма-
заси ва ҳиди меъёрда бўлиши; агар корхонада қуригич
бўлса, қабул қилинган дон намлиги 15,5% дан ортиқ
бўлмаслиги, қуригич бўлмаган тақдирда 13,5% дан ортиқ
бўлмаслиги; каналар билан заарланганлиги II даражадан
ортиқ бўлмаслиги; ифлослиги – 2,0%, жумладан заарли
аралашма миқдори 0,3% дан катта бўлмаслиги; буғдой учун
донли аралашма миқдори 5,0% дан ортиқча бўлмаслиги,
жавдар учун 4,0% дан ортиқ бўлмаслиги, жумладан кўкар-
ган дон миқдори 3,0% дан ошмаслиги; навли ун учун клей-
ковина миқдори 25% дан, оддий ун учун 20% дан кам
бўлмаслиги; навли ун олишда дон клейковина сифати II гр
дан паст бўлмаслиги керак.

Тортиш туркуми аралашмасининг рецептини ИЧТЛ
бошлиғи, технолог, элеватор бошлиғи ёки омбор мудири
иштирокида тузишади. Тортиш туркуми таркибини бош
муҳандис тасдиқлайди.

Тортиш туркумини тузишда ИЧТЛ бошлиғи қўйидаги материаллардан фойдаланади:

- ун тортиш тури ва тегирмон унумдорлигидан;
- мавжуд дон миқдори ва сифатидан;
- тайёр маҳсулот сифат меъёrlаридан;
- тортиш туркум аралашмасининг сифат кўрсаткичидан.

Донни сақлагичларга жойлаштириш учун ИЧТЛ бошлиғи бош технолог ва дон сақлагич бошлиғи билан ҳамкорликда жойлаштириш режасини тузадилар.

Донни жойлаштириш

Донни жойлаштириш режаси шундай тузилиши керакки, бунда дон миқдорининг сақланиши ва ишлаб чиқаришга юборишгача сифатининг яхшиланиши, шунингдек турли технологик хусусият ва сифат кўрсаткичларига эга бўлган дон туркумларининг алоҳида сақланиши таъминлансин. Бу ўринда донни юклаб жўнаттан корхона лабораторияси ёки мазкур корхона лабораторияси сифат тўғрисидаги гувоҳномасининг кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Доннинг технологик хусусиятларини белгиловчи асосий сифат кўрсаткичлари: ўстириш ҳудуди, типи, кичик типи, шаффофлиги, натураси, клейковинанинг миқдор ва сифати, ифлосланганлиги, намлиги ва кулланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

Турли минтақавий ҳудудларда етиштирилган донлар алоҳида жойлаштирилади. Улар типи, кичик типи ва шаффофлигига bogliq ҳолда сақлашга жойлаштирилади. Шаффофлиги бўйича дон уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга шаффофлиги 60% дан юқори, иккинчи гуруҳга 40 дан 60% гача ва учинчи гуруҳга эса шаффофлиги 40% дан кам бўлган донлар киритилади. Шаффофлиги 75% дан юқори ва 20% дан паст бўлган буғдой донининг катта туркumlари келганда улар алоҳида қилиб жойлаштирилади.

Дон натураси — унбоплик хусусиятининг кўрсаткичи. Буғдой дони учун 775 г/л дан юқори, 690 г/л дан 775 г/л гача ва 690 г/л дан кичик натурални дон туркumlари алоҳида қилиб жойлаштирилади. Жавдар дони учун 700 г/л дан юқори, 650 дан 700 г/л гача ва 650 г/л дан кичик натурални дон туркumlари алоҳида қилиб шакллантирилади.

Чекланган мөъёр бўйича намлиги 15,5% дан юқори бўлмаган донларни юклаб жўнатишга рухсат этилади, бироқ бундан юқорироқ намликка эга бўлган донларнинг келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу вазиятларда дон намлик ҳолати бўйича, намлиги 17% дан юқори бўлганда эса намлик бўйича 2% лик оралиқ билан жойлаштирилади.

Клейковина миқдор ва сифатига боғлиқ ҳолда дон туркумлари тузилади ва клейковина миқдори 25% дан юқори, 20% дан 25% гача ва 20% дан паст бўлган дон туркумлари бир-биридан бўлак ҳолда сақланадилар. Клейковина сифати бўйича эса донлар I, II ва III гурухли туркумларга бўлинадилар. Жайдари ун тортишда эса клейковина миқдори 20% дан юқори ва 20% дан паст бўлган дон туркумларига бўлинадилар. Кучли буғдой оддий буғдойдан бўлак қилиб жойлаштирилади, зеро ундан кучсиз буғдойни яхшилагич сифатида фойдаланилади. Уни жойлаштириш тартиби ҳам худди дон қабул қилиш корхоналаридаги сингари амалга оширилади.

Униб чиққан, совуқ урган, тошбақасимон кана билан зарарланган, шувоқли, қоракуяли ва ҳоказо донлар туркуми ҳам алоҳида қилиб жойлаштирилади.

Донни тозалаш

Тегирмонга қабул қилинган дон таркибидаги аралашмалар миқдори базис мөъёrlарида кўрсатилган қийматлардан катта бўлса, дон тозалаш машиналарида тозаланади. ИЧТЛ нинг тегирмонда тозаланган дон сифатига булган талаб даражаси қабул қилиш корхоналарида тозаланган дон сифатига қўйиладиган талаб даражасидан юқоридир.

Тозаланган донда ифлослантирувчи аралашмалар миқдори 1% дан, жумладан зарарли аралашмалар миқдори 0,2% дан, қоракуя ва қоракосовнинг миқдори алоҳида ёки биргаликда 0,05% дан, какра ва вязелнинг миқдори алоҳида ёки биргаликда 0,04% дан юқори бўлмаслиги керак.

Тозалангандан кейин буғдой донида қолган донли аралашмалар миқдори 4% дан, жумладан униб чиққан донлар миқдори 3% дан ошмаслиги керак.

Элеваторларда буғдой донидан майда дон фракцияси – тешик ўлчами 2×20 мм ёки $2,2 \times 20$ мм лик ғалвирдан ўтган

эланма ва $1,7 \times 20$ мм лик ғалвирнинг қолдигидан ташкил топган дон аралашмаси ажратиб олинади.

Майдада дон фракцияси омухта ем ишлаб чиқариш саноатида ишлатишга мўлжалланиб, асосий тур донга ва донли аралашмаларга тааллукли бўлған буғдой донларининг миқдори 85% дан кам бўлмаслиги керак. Унинг таркибидағи ифлослантирувчи аралашмаларнинг миқдори 5% дан, жумладан минерал аралашмаларнинг миқдори 1% дан ошмаслиги керак.

Донни қуриғитиш

Тегирмонга келадиган нам ва ҳўл донлар дарҳол қуритилади.

Қуритилган дондан ун тортишгача у камидаги 5 сутка мобайнида сақланади; ушбу вақт ичидаги дондаги намлик қайта тақсимланиши керак. Агар навли ун тортиш жараёнида дон ювиладиган бўлса, ишлатиладиган I ва III тип буғдой донларининг намлиги 12,5% дан, бошқа тип буғдой донларининг намлиги 13,5% дан ошмаслиги ва агар дон ювилмайдиган бўлса, мос равишида 13,5 ва 14,5% гача намлика эга бўлиши керак.

Сақлашда дон ҳолатини кузатиш

Тегирмоннинг донсақлагичларида сақланадиган доннинг ҳолатини доимий равишида кузатиб туриш керак. Доннинг сифат кўрсаткичларини назорат қилиш жараёни дон қабул қилиш корхоналаридаги сингари амалга оширилади.

2- §. УН ТОРТИШ ТУРКУМЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Тортиш туркуми аралашмасини тузишида иккى хил усулдан фойдаланилади:

I. Формула ёрдамида аниқланадиган усул.

Агар тортиш туркуми 2 компоненгидан тузилса, қўйидаги тенглик ўринлидири: $M_X = M_1 X_1 + M_2 X_2$; $M = M_1 + M_2$; бу ерда:

$$M_1 = \frac{M(X - X_2)}{X_1 - X_2}; M_2 = M - M_1;$$

M — талаб қилинаётган тортиш туркуми аралашмасининг массаси ёки тегирмон унумдорлиги; т/сут;

X — тортиш туркумидаги аралашманинг сифат кўрсаткичи (шаффофлик, клейковина, натура ва ҳоказо);

M_1 — биринчи компонент массаси, т;

M_2 — иккинчи компонент массаси, т;

X_1 — биринчи компонент сифат кўрсаткичи;

X_2 — иккинчи компонент сифат кўрсаткичи;

Агар тортиш туркуми 3 компонентдан иборат бўлса, куйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$MX = M_1X_1 + M_2X_2 + M_3X_3;$$

$$M_1 = \frac{M(X - \frac{X_2 + X_3}{2})}{X_1 - \frac{X_2 + X_3}{2}}; \quad M_2 = M_3 = \frac{M - M_1}{2}.$$

2. Тескари пропорция усули.

а) жадвал усули. Масалан: $M=1500$ т бўлсин, у ҳолда тортиш туркуми қуйидаги жадвалда кўрсатилган тартибда тузилади.

30- жадвал

Кўрсаткичлар	Компонентлар		Талаб қилинган аралашма
	Биринчи	Иккинчи	
1. Шаффофлик, %	65	40	55
2. Берилган компонентнинг талаб қилинган компонентдан фарқи	65-55=10	55-40=15	
3 Туркумдаги компонентларининг ўзаро нисбати	15	10	15+10=25 қисм

$$M_1 = \frac{1500 \times 15}{25} = 900 \text{ т}$$

$$M_2 = \frac{1500 \times 10}{25} = 600 \text{ т}$$

6) график усул.



олинган 25 қисм а) усулда күрсатилған M_1 ва M_2 ни топиш формулаларыга құйилиб, компонентларнинг массаси топилади.

3- §. МАҲСУЛОТ ЧИҚИМИНИ ҲИСОБЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Маҳсулот чиқимини ҳисоблаш учун дон сифатининг базис күрсаткичларини, доннинг ҳақиқий сифатини, доннинг чиқимини ва доннинг базис сифатига ҳақиқий сифати мөс келмаган пайтда ҳисобға олинадиган құшимча ва өзгериш мөъёрларини билиш зарур.

Эслатма: ҳақиқий, ҳисобланған намланиш ва қуриш миқдори қийидаги формула орқали ҳисобланади.

$$X = \frac{(a - b) \times 100}{100 - b};$$

бу ерда: X — намланиш ёки қуриш миқдори;

a — доннинг тозалагунга қадар зәға бұлған ўрта үлчанған намлиги (агар намлик 12% дан кічин бўлса, ҳисоблашда у 12% га teng қилиб олинади);

b — маҳсулот (ун, манна ёрмаси, озуқабоп (кукун, кепак ва бошқалар)нинг ўрта үлчанған ҳисоблаш (ҳақиқий) намлиги.

I. Доннинг ҳақиқий сифати ҳисоблаш сифатидан фарқ қылғанда берилған ун заводи учун үрнатилған ун, кукун ва кепак чиқимларыга пропорционал катталикда үзгартыриш киритилади.

Қайта ишланадиган доннинг ҳақиқий сифат күрсаткичлари ҳисобий күрсаткичларидан фарқ қылганда маҳсулот чиқимига қўшиладиган ёки чиқариладиган меъёрлар

Сифат курсаткичлари	Ҳисоблаш шартлари	Базис чиқимининг ўзгариши (+) - кўпайиш; (-) камайиш			
		ун, кепак	озуқабоп дон маҳсулотлари	механик йўқотиш ва чиқиндилар	куришга боғлиқ миқдор (усушка)
1	2	3	4	5	6
Намлик	<p>А. Юмшоқ ва қаттиқ буғдойдан навли ун тортинда маҳсулотнинг ҳисоб намлиги 14,5% (ўрта ўлчангандан) ҳар бир фоиз ҳисобланган намланиш ёки қуритиш учун:</p> <p>а) намланганда</p> <p>б) қуритилганда</p> <p>Б. Жавдардан навли ун, буғдойдан ва жавдардан оддий ун тортинда ҳар қайси намланиш ёки қуритиш фоизи учун:</p> <p>а) намланганда (маҳсулотни намланган даражасини 0,3% қуритиш катталиги меъеригача оширилади)</p> <p>б) ҳақиқий қуритинда меъердан юқори (0,3%)</p> <p>меъердан паст (0,3%)</p>	+ 0,5 - 1	- -	- -	-0,5 + 1

1	2	3	4	5	6
Кулланиш даражаси	<p>Буғдой ва жавдардан навли ун тортинда</p> <p>Доннинг базис (1,85%) дан юқори ҳар 0,01% кулланиш даражаси учун:</p> <p>ун кепак</p> <p>Буғдой ва жавдардан оддий ун тортинда</p> <p>Доннинг базис (1,97%) дан юқори ҳар 0,01% кулланиш даражаси учун:</p> <p>ун кепак</p>	- 0,18 + 0,18	- -	- -	- -
Шаффоффлик	<p>Буғдойдан навли ун тортинда Юмшоқ буғдойдан базис (50%) дан паст ҳар бир фоиз умумий шаффоффлиги учун:</p> <p>ун кепак</p> <p>Қаттиқ буғдойнинг базис (80%) дан кам ҳар бир фоиз шаффоффлиги учун:</p> <p>ёрмача + ярим ёрмача</p> <p>2- нав ун (ионбоп)</p>	- 0,20 + 0,20	- -	- -	- -

1	2	3	4	5	6
Натура	Булдой ва жаһалардан майын үн тортишша Булдой учун 775 г/л ва жаһалар учун 700 г/л натуралан кам ҳар бир грамм учун: үн кепак Аммо бу ҳолда маҳсулот чиқимдан кулланни даражаси чигриялмайди. Булдой ва жаһалардан барча тур учун үн тортишша базис (1% дан) юкори ҳар бир фонз ифлослан- тирувни аралашма (ГОСТ бүйича) учун: ҳар 0,01% зарарлы аралашма учун:	- 0,05 + 0,05	-	-	+ 0,06
Ифлослан- тирувчи аралашма	Зарарлы аралашмалар бүйича чиқим меъридан чигрилтанды уннинг миндори ифлослантирувни аралашма таркибиға киритилмайди ҳар 5% түлиқ зарарланган дон учун (мараное), ҳар 5% туки ости зарарланган дон учун (санг түзочное) Базис (1%) дан юкори ҳар бир фонз умумий доңли аралашма ва майда дон учун: навли үн тортишша үн кепак жайлари үн тортишша	- 0,3 + 0,3	-	-	-
Коракуя (головня) билин зарарлан- ган дон Доңли аралашма ва майда дон	Зарарлы аралашмалар бүйича чиқим меъридан чигрилтанды уннинг миндори ифлослантирувни аралашма таркибиға киритилмайди ҳар 5% түлиқ зарарланган дон учун (мараное), ҳар 5% туки ости зарарланган дон учун (санг түзочное) Базис (1%) дан юкори ҳар бир фонз умумий доңли аралашма ва майда дон учун: навли үн тортишша үн кепак жайлари үн тортишша	- 0,1 + 0,1	-	-	-

2. Бир ой мобайнида, мос равиша, натураси 775 г/л ва 700 г/лдан кичик ёки кулланиш даражаси 1,85% дан катта бўлган буғдой ва жавдарнинг алоҳида туркумларидан навли ун олишда ҳисоб чиқими ҳисобот даври мобайнида қайта ишланган шу доннинг солиштирма оғирлигидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Унинг массаси смена давомида ёки қайта ишлашга юборилган дон ҳақидаги фармойишларда кўрсатилган қайта ишланадиган доннинг сифат ва миқдори тўғрисидаги маълумотларга асосланиб ўрганилади.

3. Ҳақиқий чиқимни ҳисоблаш пайтида маҳсулот (ун, кукун ва кепак)нинг сифат кўрсаткичлари ҳисобот давридаги ўрта ўлчангандан катталиклар сифатида қабул қилинади.

4. Тегирмоннинг донни тозалаш бўлимида майда дон фракцияси ажратиб олинганда натура бўйича маҳсулотнинг ҳисоб чиқими ўтказилмайди ва майда дон миқдори ҳисобга олинмайди.

5. Навли ун олишга мўлжалланган тегирмонлар учун асосий маҳсулотнинг ҳисоб чиқими таъминлансанагина, дон тозалаш бўлимида I ва II тоифадаги озуқабоп дон маҳсулотларининг ажратиб олинишига рухсат берилади. Олинган озуқабоп дон маҳсулотларининг ҳақиқий миқдори ҳисобот ҳужжатларида кўрсатилади.

Маҳсулот чиқим меъёрларини аниқлашда базис, ҳисоблаш ва ҳақиқий чиқимларга бўлинади.

Базис чиқими шундай маҳсулот миқдорики, бунда у маълум бир ун тортиш турида сифати базис кондициясига мос келадиган дондан олиниши керак. Дон сифатининг базис кўрсаткичлари қуйидаги катталиклар билан баҳоланади: намлик миқдори — 14,5%; кулланиш даражаси — 1,85%; ифлослантирувчи аралашма миқдори, ҳаммаси — 1,0%, жумладан, зарарли аралашмалар — 0,1% (зарарли аралашма таркибидаги аччиқ дон (горчак) ва вязел миқдори — 0,05%); натура, буғдой учун — 775 г/л, жавдар учун — 700 г/л; навли ун тортишда умумий шаффоффлик юмшоқ буғдой учун — 50%, қаттиқ буғдой учун — 80% бўлиши керак.

Кўпгина ҳолларда доннинг сифати ўрнатилган базис меъёрларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳар қайси қайта ишланадиган дон туркуми учун маҳсулотнинг ҳисоблаш чиқими ўрнатилади.

Ҳисоблаш чиқими — маҳсулотнинг шундай миқдорики, қайта ишланадиган доннинг ҳақиқий сифат кўрсаткичларига бοглиқ ҳолда базис чиқими қатталикларига қўшимча ва чегириш меъёrlарини қўллаган ҳолда ҳисобланади.

Ҳақиқий чиқим — олинган маҳсулотнинг қайта ишланган дон массасига нисбатан фоизларда ифодаланган миқдори. Сменада чиқсан маҳсулот чиқими қабул мосламасига тушаётган доннинг сифати бўйича ҳисобланса, сутка, декада ва бир ойда чиқсан маҳсулот чиқими доннинг шу давр ичидағи ўрта ўлчанганди сифат кўрсаткичларидан қўйидагича аниқланади:

$$A = \frac{X_1 Q_1 + X_2 Q_2 + \dots + X_n Q_n}{Q_1 + Q_2 + \dots + Q_n}$$

бу ерда

X_1, X_2, \dots, X_n — алоҳида дон туркумларининг мос сифат кўрсаткичлари,

Q_1, Q_2, \dots, Q_n — алоҳида дон туркумларининг массаси.

Заводнинг ишини назорат қилиш учун ишлаб чиқариш корпусини ҳар ойлик тозалаш ўтказиш йўли билан ишлатилган хомашёнинг сифат ва миқдорини, маҳсулотнинг куриш ва намланишини, механик йўқотиш ва маҳсулотнинг ҳақиқий чиқимини аниқлаш керак.

Натижалар эса 117 шаклга киритилади. Тайёр маҳсулотнинг чиқимига доннинг қўйидаги сифат кўрсаткичлари таъсир қиласи: намлик, шаффофлик, кулланиш дараҷаси, натура, ифлослантирувчи ва донли аралашмалар миқдори.

Чиқимга киритилган тузатиш қийматлари ҳар қайси кўрсаткич учун алоҳида аниқланади, сўнгра эса турли сифат кўрсаткичлари бўйича барча чиқим ўзгаришлари ишораси ҳисобга олиниб қўшилади ва базис меъёрига қўшилиб, ҳисоблаш чиқими олинади.

Тузатиш қийматлари 0,01% аниқлик билан ҳисобланади, бунда ҳисоблаш чиқимининг суммаси 100% га teng; чегириш суммаси қўшимчалар суммасига teng бўлиши керак.

Мисол. Ишлаб чиқаришга қуйидаги сифат күрсаткичларига эга бўлган дон юборилди:

- | | |
|---|------------|
| — намлик | — 12,8%; |
| — шаффоффлик | — 55%; |
| — кулланиш даражаси | — 2,0%; |
| — ифлослантирувчи аралашмалар миқдори | — 0,6%; |
| — $1,7 \times 20$ ғалвирининг қолдигидаги донли аралашма | — 2,3%; |
| — $1,7 \times 20$ ғалвирининг эланмасидаги донли аралашма | — 1,6%; |
| — униб чиқсан донлар миқдори | — 0,2%; |
| — натура | — 785 г/л. |

Маҳсулотнинг базис чиқими, %

- | | |
|---|---------|
| — олий навли ун | — 35% |
| — I навли ун | — 25% |
| — II навли ун | — 15% |
| Уннинг умумий чиқими | — 75% |
| — кепак | — 21,5% |
| — озуқабоп чиқинди | — 2,7% |
| — ноозуқабоп чиқинди ва механик йўқотиш | — 0,8% |

Базис чиқими ва чегиришларни аниқлаймиз.

Ҳисоб элементлари:

1. Бизнинг мисолимизда намлик миқдори базис күрсаткичларидан паст, яъни — 12,8% га тенг.

$14,5 - 12,8 = 1,7\%$. “Қоидалар...”га асосан бу ҳолатда ун ва кепак чиқимининг ошиш меъёри базис меъёридан кичик ҳар бир фоиз учун 0,5 ни ташкил қиласди, яъни

$$1,7 \times (+ 0,5) = 0,85\%.$$

Чиқимларга мувофиқ қўшимча миқдор ун навлари ва кепакнинг чиқими бўйича тақсимланади:

$$\text{олий навли ун} \quad \frac{0,85\% \times 35}{96,5} = 0,31\%;$$

$$\text{I навли ун} \quad \frac{0,85\% \times 25}{96,5} = 0,22\%;$$

II навли ун

$$\frac{0,85\% \times 15}{96,5} = 0,13\%;$$

кепак

$$\frac{0,85\% \times 21,5}{96,5} = 0,19\%.$$

2. Кулланиш даражаси базис кўрсаткичидан юқори, шунинг учун ҳар 0,01% фарқ учун умумий ун чиқимини 0,18% га камайтириб, кепак чиқимини 0,18% га оширамиз.

$$2,0 - 1,85 = 0,15\%,$$

$$\frac{0,15 \times 0,18}{0,01} = 2,7\%.$$

“Умумий ун чиқими” деган бўлимга 2,7% ни минус ($- 2,7\%$) ишораси билан ёзсан, “кепак чиқими” деган бўлимга эса $+ 2,7\%$ ёзамиш.

3. Бизнинг мисолимизда дон натураси базис натурасидан юқори. Агар у базис кўрсаткичидан кичик бўлсайди, кулланиш даражаси бўйича ҳисоб ўтказилмаган бўлиб, уннинг чиқими 775 г/л натурадан кичик ҳар бир грамм учун кепакнинг ошиши ҳисобидан 0,11% миқдор билан камайтириларди.

4. Ифлослантирувчи аралашманинг миқдори базис кўрсаткичидан кичик, шу сабабли ун чиқимини ошириб, I ва II тоифа чиқиндиларнинг чиқимини камайтирамиз:

$$1 - 0,6 = 0,4; \quad 0,4 \times (+1,0) = 0,4\%$$

Бу катталик ун ва кепакнинг базис чиқимларига мувофиқ тақсимланади:

олий навли ун

$$\frac{0,4 \times 35}{96,5} = 0,145;$$

I навли ун

$$\frac{0,4 \times 25}{96,5} = 0,104;$$

II навли ун

$$\frac{0,4 \times 15}{96,5} = 0,062;$$

кепак

$$\frac{0,4 \times 21,5}{96,5} = 0,089;$$

5 а. Донли аралашманинг ($1,7 \times 20$ ғалвир қолдигидаги) миқдори базис меъёридан юқори, шу туфайли ҳар бир фоиз фарқ учун маҳсулот чиқимини $0,15\%$ га камайтириб, озуқабоп чиқиндининг чиқимини эса оширамиз:

$$2,3 - 1,0 = 1,3 \times (-0,15) = -0,195,$$

олий навли ун чиқимининг камайиши =

$$= -\frac{0,195 \times 35}{96,5} = -0,07,$$

$$\text{I навли ун чиқимининг камайиши} = \frac{0,195 \times 25}{96,5} = -0,05,$$

$$\text{II навли ун чиқимининг камайиши} = \frac{0,195 \times 15}{96,5} = -0,032,$$

$$\text{кепак чиқимининг камайиши} = \frac{0,195 \times 21,5}{96,5} = -0,043,$$

ва $+ 0,195$ миқдор I ва II тоифа чиқиндилари бўлимига ёзилади.

5 б. $1,7 \times 20$ ғалвиригининг эланмасидаги донли аралашма $1,6\%$ ни ташкил қиласди, ҳар бир фоиз аралашма учун ун ва кепак чиқими $0,5\%$ га камайиб, озуқабоп чиқиндилар миқдори шунчага ошади:

$$1,6 \times (-0,5) = -0,8\%,$$

— 0,8% сони ҳар қайси нав ун ва кепак учун чиқимиға боғлиқ ҳолда тақсимлаб ёзилади.

5 в. Униб чиқсан дон миқдори 0,2% ни ташкил қилади. Кепак миқдорининг ошиши эвазига униб чиқсан доннинг ҳар бир фоизи учун ун чиқими 0,5% га камаяди:

$$0,2 \times (-0,5) = -0,1\%,$$

— 0,1 сони ҳар қайси нав ун чиқимиға боғлиқ ҳолда пропорционал равишда тақсимланади ва кепак чиқимиға + 0,1 ёзилади.

Ҳар бир нав ун, кепак ва чиқиндилар бўйича базис чиқими қўшимча ва чегириш миқдорлари билан суммалаштириб, ҳисоблаш чиқими топилади. Асосий ва қўшимча маҳсулотлар чиқимининг йигиндиси 100% га teng. Демак, ҳисоблаш чиқимлари тўғри аниқланган.

Ҳисоблаш чиқими аниқлангандан кейин ҳақиқий чиқим келтирилади. Агар корхона меъерида ишласа, ҳақиқий чиқим ҳисоблаш чиқимиға teng ёки ундан катта бўлади.

4- §. УН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Донни тозалаш бўлими

Донни тортишга тайёрлаш жараёни устидан ишлаб чиқариш ва лаборатория назоратлари ўрнатилган. Ишлаб чиқариш назоратини донни тозалаш бўлими машиналарига хизмат кўрсатувчи ходимлар ўтказади. Лаборатория назорати эса ИЧТЛ бошлиғи томонидан тузилган схема бўйича ўтказилади.

✓ Дон тозалаш бўлимида тегирмонга тушаётган дон сифати, машиналар иш юкламаси, тортишга юборилаётган дон сифати, урилган дон миқдори, намлик ва ҳоказолар назорат қилинади.

✗ Бундан ташқари, дон тозалаш бўлимининг технологик самарадорлиги назорат қилинади. Мақсад донни аралашмалардан тозалаш, оптимал шароитни яратиш ва дон сифатини аниқлашдан иборат. Тегирмонга тушаётган дон сифати 1 сменада 2 марта аниқланади. Стандартларда кўрсатилган тартибга мувофиқ ўтказилган таҳлил натижалари

52- рақамли журналга ёзилади. Шундан сўнг I ёрмалаш системасига тушаётган дон сифати I сменада I марта олинидаган таҳлил натижаларига асосан аниқланиб, дон то-залаш бўлими иши тўғрисида хулоса қилинади. Куйидаги жадвалда дон тозалаш бўлимида бугдой донининг сифат кўрсаткичлари келтирилган.

32- жадвал
Дон тозалаш бўлимида бугдой донининг сифат месъёлари

Кўрсаткичлар %	Месъёлар (% ҳисобида)	
	Д.т.б.га тушишда	I ёрмалаш системасига юборишда
Намлик, %	Навли ун олишда I ва II тип < 12,5 IV тип < 13,5	< 15,0 - 16,5
Ифлослантирувчи аралашмалар, жумладан, зарарли аралашма- лар: какра, вязел, коракосон, қоракун	<2,0 0,2 0,04 0,05	< 0,4 0,05 0,04 -
Донли аралашмалар, % жумладан: униб чиққан дон, %	<5,0 <3,0	<4,0 <3,0

**Дон тозалаш бўлими машиналарининг ишини
назорат қилиш**

✓ Дон тозалаш бўлими машиналарининг иши биринчидан унумдорлик, иккинчидан бажарилган амалнинг технологик самарадорлиги ва учинчидан унумдорлик ҳамда самарадорлик мажмуаси бўлган иш стабиллигига боғлиқ ҳолда баҳоланади.

Баҳолаш куйидаги амалларни бажариш билан амалга оширилади:

1. Тайёрлаш ишларини бажариш.
2. Баланс олиш.
3. Намуна олиш ва ўлчанма ажратиш.
4. Дон ёки бошқа маҳсулотлар таҳлилини бажариш.

Дон тозалаш машиналарининг иш унумдорлиги қўйидаги формуладан топилади:

$$Q = \frac{60 \times G}{t \times 1000}, \text{ т/соат.}$$

бу ерда:

G — машинага тушаётган дон миқдори, кг;

t — баланс олиш вақти, дақиқа.

Дон тозалаш машиналарининг самарарадорлиги қўйидагича баҳоланади:

$$E = \frac{A - B}{A} \times (100 - a), \%$$

бу ерда: A — ажраладиган аралашманинг тозалашгача бўлган миқдори, кг;

B — ажраладиган аралашманинг тозалашдан кейинги миқдори, кг;

a — доннинг чиқинди таркибидаги миқдори, %.

Ажраттич ва аспираторлар учун a нинг миқдори 2% дан кўп бўлмаслиги керак. Е ажраттич учун $> 65\%$, аспиратор учун 40 — 50% га teng бўлиб, a — рандакажраттич учун 5,0%, $E > 70\%$, овсюгажраттич учун эса $a = 0$ бўлиши керак. Юқори унумдорли комплект ускунали тегирмонларда ГТИ жараёнигача ифлослантирувчи аралашмаларнинг 80%и ажратилиши керак, жумладан: енгил аралашмаларнинг 90 фоизи, узун аралашмаларнинг 70 фоизи, минерал аралашмаларнинг 80 фоизи, майда аралашмаларнинг 70 фоизи, калта аралашмаларнинг 90 фоизи ажратилган бўлиши керак. Донли аралашмаларнинг эса 30 фоизи ажралган бўлиши керак.

Ун тортиш бўлими

✓ Кўп навли ун тортишда технологик жараён турт босқичдан иборат бўлади: ёрмалаш, ёрма бойитиш, қайроқлаш ва янчиш жараёnlари. I ... IV ёрмалаш системаларида тортиш режими максимал миқдорда ёрмача ва дунст маҳсулотларини олишга имкон бериши керак. Ёрма бойитиш жараёни ҳосил қилинган ёрмачалар юзасидан қобиқ қисмларини ажратиб олишдан иборат. Бу нарса ёрма бойитиш

Ермелеш системаларын махсузларин жөнөткіштік олини көрсетмей

Үй төртни тұралары	Күрсаткыштар	Ермелеш тұралары			
		I	II	III	IV
Уң нағыл 75...78% лик ва бир нағыл 72% лик (бон пишириш үни)	Элаксининг наээрт рәқамы Ажратыб олиш, %	10 ... 25	45 ... 55	40 ... 50	30 ... 50
Иккى нағыл 75...78%	Элаксининг наээрт рәқамы Ажратыб олиш, %	35 ... 45	50 ... 55	40 ... 45	0,56
Бир нағыл 85% лик	Элаксининг наээрт рәқамы Ажратыб олиш, %	45 ... 55	50 ... 60	—	—
Уң нағыл 75...78% лик ва иккى нағыл 75% лик Бүгдай да жаңдар дондарини олдай торттуу	Элаксининг наээрт рәқамы Ажратыб олиш, %	7 ... 10 0,67 50 ... 60	40 ... 45 0,67 60 ... 70	35 ... 45 0,67 70 ... 80	15 ... 20 — —

Эсептім: Ажратыб олиш мүндөри системаға узатылған махсулот массасында нисбеттан фоиздердә көлтирилгандай.

машиналари ва қайроқлаш системаларида амалга оширилади. Янчиш жараёнининг вазифаси бойитилган ёрмача ва дунстларни янчиди, унга айлантиришдан иборат. Янчиш жараёнининг охирги босқичи сидириш амали бўлиб, бунда қобиқ бўлакларида қолган эндосперм қолдиқлари ажратиб олинади.

ИЧТЛ бошлиғи бош технолог билан биргаликда барча технологик машиналарнинг иш режимини танлайди. Валли дастгоҳларнинг иш режими умумий маҳсулот ажратиб олиш кўрсаткичлари, ажратиб олиш коэффициенти ва ун ёрмачаларининг хусусий ажратиб олиниши билан баҳоланади.

Умумий маҳсулот ажратиб олиш кўрсаткичи деб, машинагача ва ундан сўнгти маҳсулотда ушланган эланма қисмларининг фоизларда ифодаланган фарқига айтилади.

Хусусий ажратиб олиш миқдори деб эса ун ёки ёрмачанинг берилган валли дастгоҳдаги фоизларда ифодаланган чиқимига айтилади.

Ёрмалаш системалари валли дастгоҳларининг иши умумий ажратиб олиш миқдори билан баҳоланади. Барча ун тортиш турлари учун умумий ажратиб олиш қийматлари “қоидалар” билан белгиланган. Бу 33- жадвалда келтирилган.

Қайроқлаш, янчиш ва сидириш системалари валли дастгоҳларининг иш режимлари ажратиб олинган ун миқдорига қараб ўрнатилади. Қайроқлаш системалари валли дастгоҳларининг иш режимини ўрнатишда минимал миқдорда ун олишни мқлжаллаш керак, чунки бу системаларнинг асосий вазифалари ёрмачаларни бутун сақлаб қолиб, улар-

даги қобиқ қисмларини ажратиб олишдан иборат. Ун заводларида технологик жараённи бошқариш ва ташкил қилиш қоидаларида курсатилишича, уч навли 75 ... 78% лик ва бир навли 72% лик ун тортишда 1нчи ва 2нчи қайроқлаш системаларида 1нчи сифатли ёрмачаларни қайроқлаш пайтида системага тушган масса миқдорига нисбатан олинган ун миқдори 12% дан ошмаслиги керак. Знчи ва 4нчи қайроқлаш системаларида олинган ун миқдори 15% дан ошмаслиги керак, 2нчи сифатли маҳсулотни қайроқлашда олинган ун миқдори эса 18% дан ошмаслиги керак.

Янчиш системаларининг вазифаси — янчишга юборилган ёрмачалардан максимал миқдорда ун олишдан иборат. Уч навли 75 .. 78% лик нон пиширишга мўлжалланган ун олишда биринчи учта янчиш системалари валли дастгоҳларининг иш режими учун ажратиб олинган ун миқдори (№ 49 — капрон элакда) ҳар қайси системага юборилган маҳсулот миқдорига нисбатан 45 ... 55% бўлиши керак. Ўнчи сифатли маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган бошқа янчиш системалари учун эса ун чиқими 35 ... 40% бўлиши керак. 2нчи сифатли маҳсулотни янчадиган системаларининг валли дастгоҳлари ун чиқимини 20 .. 25% оралиқда (№ 43-капрон элак эланмаси) таъминлашлари керак. Қолдиқ системаларининг валли дастгоҳлари ун ажратиб олиш миқдорини 15 .. 25% оралиқда (№ 43- капрон элак эланмаси) таъминламоқлари зарур.

Икки навли 75 ... 78% лик нон пиширишга мўлжалланган ун олишда янчиш системаларида олинган ун чиқими нинг миқдори 50% дан (№ 49- капрон элак эланмаси) кам бўлмаслиги керак. Бир навли 85% лик ун тортишда биринчи 2 та янчиш тизимидағи ун миқдори 50 ... 60% бўлиши керак.

✓ Ажратиб олиш режимларидан ташқари, машиналарга юкламалар ҳам ўрнатилади. Валли дастгоҳлар учун юклама 1 суткада 1 см валлар узунлигига тўғри келадиган маҳсулотнинг килограммларда ўлчанган массаси билан, элакдонларда 1 суткада 1 см² элаш юзасига тўғри келадиган маҳсулот килограмми билан, ёрма бойитгичлар учун эса бир суткада 1 см қабул ғалвирига тўғри келадиган маҳсулот килограмми билан ўрнатилади.

Валли дастгоҳларнинг иши лаборатория томонидан бир ойда икки марта назорат қилинади. Назорат пайтида ажратиб олиш ўлчамлари ва валли дастгоҳларга тушадиган маҳсулотнинг юкламаси аниқланади. Ажратиб олиш миқдорини аниқлаш учун таъминлаш ва майдалаш валлари остидан 200 ... 300 г оғирликда маҳсулот намунаси олинади. Нуқтавий намуналар 2 ... 3 дақиқа оралиқ билан олти-саккиз марта олинади. Намуналар яхши аралаштирилиб, 100 г массада ажратиб олинади ва улар тажриба элак-анализаторида 5 дақиқа давомида эланади. Эланма маҳсулотларининг массаси ўлчаб аниқланади.

Ажратиб олиш коэффициенти фоизларда қуйидаги формулама ёрдамында аниқланади:

$$K_{ax} = \left(\frac{U_k - U_n}{100 - U_n} \right) \times 100$$

бу ерда: U_n — валли дастгоҳгача маҳсулотдаги эланма масаси, г;

U_k — валли дастгоҳдан кейин маҳсулотдаги эланма қисмлар массаси, г.

✓ Текширув натижалари лаборатория журналига ёзилади.

Валли дастгоҳга тушадиган маҳсулот юкламасини назорат қилиш учун майдалаш валлари остидан намуна олинади. Эни 100 мм бўлган куракчани бутун валнинг узунлиги бўйлаб 30 с мобайнида ўтказиб олинади. Олинган маҳсулот ўлчаниб, сўнг маҳсулот юкламаси аниқланади. Ун заводи барча валли дастгоҳларининг ишини баҳолаш учун умумий солиштирма юклама аниқланади.

Умумий солиштирма юклама — бир суткада барча валли дастгоҳларнинг 1 см узунликдаги майдалаш чизигига тўғри келадиган килограммлар билан ифодаланади. Бу кўрсаткични аниқлаш учун тегирмоннинг бир календарь ой ичидаги ўрта суткавий унумдорлиги барча валли дастгоҳлар майдалаш чизигининг умумий узунлигига (см. ларда) бўлинади.

✓ Ёрма бойитгичларда ёрмача ва дунстларни бойитиш жараёни асосий технологик жараёнлардан бири бўлиб ҳисобланади. Олинадиган уннинг сифати ёрма бойитиш машиналарининг иш унумдорлигига боғлиқдир. Бу машиналарнинг ишини доимий равишда назорат қилиб туриш лозим. Машиналардан олинадиган ёрмачалар фракцияларининг миқдор ва сифати бўйича уннинг иши тўғрисида холоса қилиш мумкин. Ёрмачалар миқдори ёрма бойитиш машиналарининг ишидан миқдорий баланс олиш йўли билан аниқланади. Ёрма бойитгични назорат қилиш учун тушаётган маҳсулот оқимидан намуналар олинади. Дастлабки маҳсулот машинанинг қабул тарновига тушадиган қувур остидан олинади. Ёрмачаларнинг эланма фракцияси кузов-йиггич қувури остидан олинса, қолдиқ маҳсулотлар қолдиқ камераси тагидан олинади. Намуна олиш жараёни

30 сек. ичидаги амалга оширилиши керак. Барча маҳсулотлар ўлчаниб, машинага тушадиган ва ундан чиқиб кетадиган маҳсулотлар миқдори бўйича миқдорий баланс тузилади. Ёрмачалар чиқими фойзлар улушида қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$B_{\eta} = \left(\frac{(G_1 + G_2)}{G} \right) \times 100$$

бу ерда: G — тушадиган маҳсулот миқдори, кг;

G_1 — машинанинг биринчи иккита элагидан ўтган элан-ма маҳсулоти миқдори, кг/соат;

G_2 — машинанинг иккинчи иккита элагидан ўтган элан-ма маҳсулоти миқдори, кг/соат.

Мисол. Ёрма бойиттичга 960 кг/соат миқдорда маҳсулот тушган, биринчи иккита элак остидан олинган маҳсулот миқдори 350 кг/соат, иккинчи иккита элак остидан олинган маҳсулот миқдори 410 кг/соатни ташкил қилади. Ёрмачалар чиқими аниқлансин.

$$B_{\eta} = \frac{(350 + 410)}{960} \times 100 = 79,2\%$$

Олинган натижалар тегирмонда технологик жараённи бошқариш қоидаларида келтирилган тақрибий баланс билан таққосланади.

Ёрма бойиттичдан олинган маҳсулот сифатини аниқлаш учун маҳсулот намуналари таҳлил тахтасига тўкилиб, яхшилаб аралаштирилади. Шундан сўнг бутсимон бўлиш усули билан маҳсулотнинг қисми унинг қалинлиги 15 мм бўлгунга қадар ажратиб олинаверади. Сўнгра куракча ёрдамида симметрик равишда квадратнинг тўртала қисмидан ҳам нуқтавий намуналар олинади. Олинган намуналарнинг умумий массаси 100 г атрофида бўлиши керак.

Ажратиб олинган намуналарнинг кулланиш даражаси аниқланади. Кулланиш даражасининг камайиш даражаси фойзларда қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C = \frac{(a - b)}{a} \times 100$$

бу ерда: а — машинага тушаётган маҳсулотнинг кулланиш даражаси, %;

б — эланма маҳсулотнинг кулланиш даражаси, %.

Технологик самарадорлик коэффициенти қўйидагича аниқланади:

$$K = \frac{(a - \sigma)}{a} \times 100$$

бу ерда: а — машинага тушаётган маҳсулотнинг кулланиш даражаси, %;

б — эланма маҳсулотнинг кулланиш даражаси, %;

в — қолдиқ маҳсулотнинг кулланиш даражаси, %.

Юқорида келтирилган формулалар бўйича аниқланган кўрсаткичлар қоидаларда берилган қийматлар билан тақ-қосланиб холосалар чиқарилади ва машиналарнинг ишлаш жараёни баҳоланади, керак бўлса, унинг айрим ишчи органлари созланади.

Элакдон — майдаланган дон маҳсулотларининг йириклиги бўйича саралашга ва ун ажратиб олишга мўлжалланган машинадир. Бу машинанинг ишини назорат қилиш мақсадида уннинг эланмай қолиш даражаси, унинг сифати ва ун зарраларида қолган қобиқ қисмларининг миқдори аниқланади. Назорат ўтказиш вақтида эланмай қолиш коэффициенти аниқланади. Эланмай қолиш коэффициенти деб, қолдиқда қолган эланма маҳсулоти миқдорининг дастлабки аралашмадаги эланма миқдорига бўлган иисбатига айтилади.

$$H = \frac{M_n}{M_u} \times 100, \%$$

бу ерда: M_n — элакдон қолдиғида қолган эланма маҳсулотининг массаси, г;

M_u — дастлабки аралашмадаги эланма маҳсулотининг массаси, г.

Ёрмалаш системасининг юқори қолдиқлари ва янчиш системаларининг қуви қолдиқларида эланмай қолиш коэффициентини аниқлаш учун олти марта 2 ... 3 дақиқа оралиқ билан намуналар олинади. Олинган намуналар яхши-

лаб аралаштирилиб, улардан 1 кг оғирликдаги ўрта намуна ажратилади ва охиргидан 100 г массали ўлчанма ажратилади. Ўлчанма 3 дақиқа давомида тажриба элакдон — анализаторида эланади. Элаш учун назорат элакдонига ўрнатилган элакларга ўхшаш бўлган элаклар олинади. Эланма миқдори ўлчаниб, массаси фоизларда ифодаланади.

Натижалар қуйидаги схема бўйича элакдонлар ишини назорат қилиш журналига киритилади:

Са-на	Смена	Систе-ма	Маҳ-сулот	Элак зланмаси N	Эланмай қолиш, %	Им-зо
18.05.00	2-чи	IV ёрма-лаш	Юқо-ри қолдиқ	38	7	

Эланмай қолиш миқдори меърий ҳужжатлар асосида қуий қолдиқлар учун — 10 ... 15%, ёрмалаш системаси қолдиқлари учун — 5 ... 10% ва янчиш системаси учун — 8 ... 12% дан кўп эмас, дунстлар учун эса 20% дан ошмаслиги керак.

Ун ажратиб олиш коэффициенти деб, элакдонларда ҳақиқий ажратиб олинган ун миқдорларининг элакдонга келиб тушган аралашма ичидаги ун миқдорига бўлган нисбатига айтилади. Бу катталикни аниқлаш учун элакдонга тушаётган маҳсулотдан ва элаклардан тушаётган барча қолдиқ маҳсулотлардан 1 кг дан ўлчаб олинади. Улардан массаси 100 г бўлган ўлчанмалар ажратиб олиниб, элакдон анализаторда ун элаги ўрнатилиб эланади. Элак рақами элакдонда ўрнатилган элак рақамига тўғри келиши керак.

Эланган ун ўлчаниб, қолдиқларда қолган ун миқдори қўшилади ва ажратиб олиш қуйидаги формула билан ҳисоблаб топилади.

$$K = \frac{(m_1 - m_2)}{m_1} \times 100$$

бу ерда: m_1 — элакдонга тушадиган маҳсулотдаги ун массаси, г;

m_2 — элакдон қолдиқларида қолган ун массаси, г.

Саралаш жараёни элакдонларининг иши ёрмачаларнинг тозалиги бўйича назорат қилинади. Бунинг учун бир хил массада ёрмачалар намунаси олинади. Ҳар 2 ... З дақиқа оралиқ ичидаги олти-саккиз марта нуқтавий намуналар олинади. Ажратиб олинган намунадан 100 г оғирликда ўлчанма ажратиб олинниб, З дақиқа давомида мос ёрма элакларида эланади:

Йирик ёрмача 71/120
Ўрта ёрмача 120/160
майдо ёрмача 160/200

Юқорида келтирилган каср кўринишидаги сонларда сурат рақами ёрмача ёки дунстни ўтказган элак рақамини билдиурса, маҳраждаги сон уларнинг шу рақам элакдан қайтишини билдиради.

Элакдонга тушган юкламани аниқлаш учун 30 сек. давомида элакдонга юборилган маҳсулот олинниб, унинг масаси ўлчанади. Сўнгра бир суткада 1 м² элаш юзасига тўғри келадиган маҳсулотнинг килограммлардаги массаси ҳисоблаб топилади. Олинган натижалар тегирмонларда технологик жараённи бошқариш қоидаларидаги қийматлар билан таққосланиб, хulosалар чиқарилади. Элакдонлар ишини ҳар сменалик назорат қилишни катта элакчи амалга оширади.

Коплаш-қадоқлаш бўлими


Коплаш-қадоқлаш бўлимида лаборатория таҳтили учун барча маҳсулотлардан назорат (жадвал бўйича) ва ўрта сменавий намуналар олинади. Намуналар маҳсус намунаолгичлар ёрдамида олинади. Лаборатория маҳсулотлар сифати тўғрисидаги маътумотни ўрта сменавий намуналар бўйича аниқлаб, уларни омборга юборишда юк хатлари (накладной)га расмийлаштиради. Сменада ишлаб чиқарилган маҳсулот ўша сменанинг ўзида омборга юборилиши керак. Агар маҳсулот бирон-бир сифат кўрсаткичи бўйича стандарт талабларига жавоб бермаса, лаборатория уни истемолга яроқсиз деб топади. Яроқсиз молларнинг бари маҳсус журналда ҳисобга олинади.

Лаборатория қоплаш-қадоқлаш бўлимида ҳар смена давомида қопларнинг сифатини текширади. Қопларнинг тўғри тикилиши ва ёрлиқланишини назорат қиласи. Қоплардаги маҳсулот массасини текширади.

5- §. УН, МАННА ЁРМАСИ ВА КЕПАКНИНГ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ун таҳлили. Таҳлил учун намуна олинади ва ранги, ҳиди, таъми, физирлаши, зараркунандалар билан зарарланганлиги, металлмагнит аралашмалар миқдори, йириклиги, намлиги, кулланиш даражаси, клейковина миқдори ва сифати, шунингдек нон пишириш йўли билан нонбоплик хоссалари аниқланади.

Куйида уннинг таҳлил схемаси келтирилган:



30- расм. Унни таҳлил қилиш схемаси.

Уннинг ранги. Органолептик усулда аниқланади, бунда уннинг ранги ва умумий фон туси фарқланади: сариқ рангли, сариқ ва оқ кул ранг ва ифлослик даражасида яна ҳам қорамтири қобиқлидир. Рангни аниқлашда кўринадиган қора нуқтачаларга алоҳида эътибор берилади. Уннинг ранги уни мавжуд этalonга нур ёруғида солишириш йўли билан аниқланади. Ўлчами 50×50 мм ли тахтача устига этalon уни ва уннинг ёнида қалинлиги 5 мм қилиб текширилаётган на-муна уни жойлаштирилади. Уларнинг юзаси текисланади ва шиша пластинка ёрдамида прессланади.

Ун рангининг бундай аниқланиш усулига қуруқ намуна ёрдамида аниқлаш дейилади. Унли тахтачанинг контра-стлигини текшириш учун 2 – 3 дақиқа давомида сувга бо-тирилади ва ҳавода қуритилгандан кейин ҳўл намунанинг ранги аниқланади.

Уннинг ранги асосан унда мавжуд бўлган тўқ рангли қобиқли қисмларга боғлиқдир. Бироқ уннинг рангига дон эндосперми рангининг туси, уннинг намлиги, узоқ сақланганлиги, йириклиги, хона ёритилганлиги, лаборантнинг кўриш қобилияти ва бошқалар таъсир қиласи. Ун рангини органолептик усулда баҳолаш жуда кенг тарқалган, чунки бунинг ёрдамида технологик жараённинг бориши ва олинаётган ун сифатининг стандартга мос эканлиги ҳақида тахминий тушунча олиш мумкин.

Уннинг оқлиги. Бу кўрсаткич қобиқ ва эндосперм рангининг турлилигига асосланган ҳолда ундан доннинг чекка қисмларини ажратиш тоzалиги билан баҳоланади. Оқлик уннинг товар қийматини баҳолашда катта роль ўйнайди. Бу кўрсаткични фотозлектрик асбоб ёрдамида аниқлаш мумкин. Катта тажрибавий материалларда ун оқлиги билан кулланиш даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатилган. Ун оқлигини лаборатория асбобларида ва масофада назорат қилиш асбоб-анжомларида аниқлаш мумкин.

Лаборатория асбобларидан кенг тарқалгани ФПМ-1. Ун ранги тусини ва оқлигини аниқлашда қўлланилади. У фотометр, феррорезонанс стабилизатори ва зичловчи қурилмадан ташкил топган. Асбобнинг ишлаш принципи иккала елкада назорат қилинаётган ун ва этalon уни намунасидан қайтган ёруғлик оқими жадаллитининг оптик-электрик хусусиятларини солиширишга асосланган.

Ун намуналари ўлчаш учун зичловчи қурилмаларни кўллаган ҳолда маҳсус қинларда тайёрланади.

Ун оқлиги СЗС-7 ёргулик фильтрини кўллаб, прибор шкаласининг шартли бирлиги бўйича тиниклик коэффициенти катталиги билан аниқланади. Асбобнинг кўрсатиш аниқлигига рангнинг туси ва уннинг йириклиги таъсир қилади.

Рангнинг туси СЗС-7 ва ОС-14 ёруғлик фильтридан олинган қийматларни кўллаган ҳолда номограмма ёрдамида аниқланади.

Уннинг ёруғлиги намунани 25- ва 61- рақамли элаклари бўлган элак-анализатор ёрдамида 3 дақиқа давомида элаб аниқланади.

Йириклиги бўйича ун фракцияларининг қиймати 25-рақамли элак эланмаси ва 61- рақамли элакнинг қолдиги билан баҳоланади.

Кўйида тусни аниқлаш бўйича ун фракцияларининг қийматлари келтирилган.

34- жадвал

Тусни аниқлаш бўйича ун фракцияларининг қийматлари

Туси	Уннинг тани		
	олий	биринчи	иккинчи
Оқ ва кул ранг	25	35	55
Оч сариқ ва рангли	25	35	55
Сариқ	30	40	55

Камайтирилган миқдорда 25/61 йириклик фракциясидаги унда ўрнатилган қийматлар билан тақдослаганда ун оқлигининг ўлчангандан кўрсаткичлари ҳар қайси тўлиқ 5% ҳисобидан қуйидагича оширилади: олий нав бўйича — битта бўлимга, биринчи нав бўйича — бир ярим бўлимга ва иккинчи нав бўйича — иккита бўлимга, бу фракцияларининг оширилган миқдори ҳолатида эса оқлик кўрсаткичлари камайтирилади.

Уннинг оқлик меъёрининг ФПМ-1 асбобида аниқланган шартли бирликлардаги қийматлари кўйидаги жадвалда келтирилган.

Номограмма бўйича аниқланган ун рангининг туси	Уннинг нави		
	олий	биринчи	иккинчи
Оқ ва кул ранг	кўп эмас 19	28 ... 35	51 ... 63
Сариқ	кўп эмас 21	30 ... 38	53 ... 65
Оч сариқ	кўп эмас 26	36 ... 43	58 ... 70

ФПМ-1 асбоби 0 дан 100 бўлимгача даражаланган шкалага эга.

Уннинг йириклиги. Ун зарраларининг ўлчами сезиларли даражада уннинг нонбоплик қийматига таъсир кўрсатади. Зарраларнинг ўлчамидан уннинг сувни ютиш қобилияти, етилиш тезлиги, қанд ҳосил қилиш қобилияти боғлиқ бўлиб, натижада у хамир консистенциясига, бижғиши жараёнига, шунингдек ноннинг ҳажмига ва ғоваклилигига таъсир қиласди.

Заррача ўлчамлари 60 — 100 мкм бўлган ун оптималь нонбоплик хоссаларини намоён қиласди. Бундай ун сувни яхши ютиш ва етарлича қанд ҳосил қилиш қобилиятига эга. Хамир эластик бўлиб, ундан олинадиган нон ҳажми юқори ва ғоваклиги яхши бўлади. Йирик бўлакчалардан ташкил топган унда эса қанд ҳосил қилиш қобилияти ҳамда етилиш секин боради. Бундай ундан олинган хамир ҳажми паст, купол қалин деворли, ғовакли, оқимтир рангли бўлади.

Кучли янчилган ун жуда катта сув ютиш қобилиятига ва юқори қанд ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлиб, бу крахмал доналарининг механик тутилмаси бузилганлигидан далолат беради. Хамир окувчан бўлиб, ундан олинадиган ноннинг ҳажми паст ва қобиги жадал оқарган рангли бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолларга боғлиқ ҳолда алоҳида оқимлар ва ун навларининг йириклиги бўйича даврий назорат ўрнатилди.

Йириклини аниқлаш учун ўрта намунадан жайдари ун учун 100 г, навли ун учун 50 г миқдорида ўлчанма ажратилади. Ўлчанма РА-5 ёки РЛ-47 лаборатория элакларида эланади. Бу элакларнинг рақамлари қўйидаги жадвалда кўрсатилган.

Элаш учун элаклар түплами

Маҳсулот номи	Ипак элак қолдиги		Ипак элак зланмаси	
	Элак рақами	Фоиз миқдори	Элак рақами	Фоиз миқдори
Нонбоп бүгдой уни				
Крупчатка	23	2	35	10 (күп эмас)
Олий навли ун	43	5	-	-
Биринчи навли ун	35	2	38	75 (кам эмас)
Иккинчи навли ун	27	2	38	60
Жайдари (обойная)	067	2	38	30
Нонбоп жавдар уни				
Эланма ун	27	2	38	90
Сидирма ун	045	2	38	60
Жайдари ун	067	2	38	30
Жавдар-бүгдой уни	067	2	38	40
Қаттиқ бүгдойдан олинган макарон уни				
Олий навли ун	140	3	260 ёки 27	12 (күп эмас)
Биринчи навли ун	190	3	45	35
Иккинчи навли ун	27	2	38	60 (кам эмас)
Юмшоқ бүгдойдан олинган макарон уни				
Олий навли ун	150	3	260 ёки 27	15 (күп эмас)
Биринчи навли ун	190	3	43	50

Металлмагнит аралашмалар. 20239-74 ГОСТ бўйича аниқланади. Барча металлмагнит зарралар тортилади ва уларнинг ўлчамлари 0,3 мм. ли тўрларда ўлчанади.

Ун ва манна ёрмаси таркибида металлмагнит аралашмалар миқдори бўйича меъери 1 кг маҳсулотда булакча ўлчами 0,3 мм. дан катта бўлмаслиги ва у 3 мг. дан, алоҳида руда ва шағал бўлакчалари массаси 0,4 мг. дан ошмаслиги

керак. Лаборатория томонидан металлмагнит аралашмалар тавсифи ўрганилади ва уларнинг унга тушиш сабаблари аниқланади.

Кулланиш даражаси. Донни қайта ишлаб, навли ун тортиш технологик жараёни асосида дондаги анатомик қисмларни, гул ва уруг қобиқларини, алейрон қатlam, муртакни кепак сифатида ажратиб олиш амаллари ётади. Донда минерал моддалар нотекис жойлашган. Уларнинг асосий қисми қобиқда, алейрон қатlamда ва муртакда жойлашган. Маълумки, дондаги барча минерал моддаларнинг 75% и қобиқ ва алейрон қатlamга, 8,5% эса муртак қисмга тўғри келади. Эндоспермнинг кулланиш даражаси 0,4-0,45% ни ташкил қилади. Қобиқлар унга тушиб, уннинг кулланиш даражасини оширади. Шунга мувофиқ кулланиш даражаси бўйича технологик жараённинг бошқарилиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бунга боғлиқ ҳолда кулланиш даражаси ун сифатининг асосий курсаткичларида бири ҳисобланади.

Бироқ кулланиш даражаси ҳамма вақт ҳам охиригача объектив ҳисобланавермайди. Бу эса бутун доннинг кулланиш даражаси доимий эмаслиги билан боғлиқдир. У 1,43 дан 2,22% гача бўлган оралиқда тебраниб туради.

Эндоспермнинг кулланиш даражаси 0,26 – 0,60% ни, қобиқ ва алейрон қатlam кулланиш даражаси 6,15 ... 11,02% ни, муртакнинг кулланиш даражаси эса 4,96 – 7,22% ни ташкил қилади. Дондаги алоҳида қисмларнинг кулланиш даражаси эса бир хил эмас. Доннинг муртак қисми 2,13% кулланиш даражасига, марказий қисми – 1,63%, доннинг ариқасига ёпишиб турган қисми эса 1,83% кулланиш даражасига эга. Эндоспермнинг марказий ва чекка қисмларидаги кулланиш даражаси ҳам бир хил эмас. Марказий қатlam эндоспермининг кулланиш даражаси 0,26% ни, чекка қатlam кулланиш даражаси эса – 0,46 – 0,76% ни ташкил қилади.

Дон ва уннинг алоҳида анатомик қисмларида кулланиш даражасининг доимий эмаслиги туфайли ҳамма вақт ҳам ундан чекка қисмни тўла ажратиш мумкин эканлиги ҳақида тўғри хулоса чиқариб бўлмайди. Янада аниқроқ курсаткич ундаги клетчатка миқдорини аниқлаш ҳисобланади. Бироқ ун таркибидаги клетчаткани аниқлаш жуда му-

раккаб ва амалиётда лаборатория бу таҳлилни бажармайди. Агар қайта ишлашга юқори кулланиш даражасига эга бўлган дон тушса, магизнинг кулланиш даражаси аниқланади. Бунинг учун манна ёрмаси намунасидан 20 — 30 г олиб, 10 марта катталаштириб кўрсатадиган лупа ёрдамида таркибида қобиқ қисми бўлмаган ёрмачалар ажратилади. Ажратилган ёрмачанинг умумий массаси 4 г ни ташкил қилиши керак. Сўнгра 1,5 г бўлган иккита ўлчама ўлчаб олинади ва улар муфель печида куйдирилади. Олинган кулланиш даражаси эндосперм кулланиш даражасига мос булади. Агар унинг қиймати 0,5% ни ташкил қиласа, унда бундай дондан стандарт кулланиш даражасига эга бўлган олий навли ун олиб бўлмайди. Бундай ҳолатни фақат паст кулланиш даражали донларни аралашма туркумлардаги донларга қўшиш йўли билан тўғрилаш мумкин.

Ҳозирги пайтда дон кулланиш даражаси асосий кўрсаткич булиб қолмоқда, унинг ёрдамида дон тозалаш бўлимида тозалаш даражаси ва дон юзасига ишлов бериш, доннинг янчилиши туфайли ҳосил бўлган оралиқ маҳсулотлар сифати, товарбоп ун навларини тўғри ташкил қилиш, товарбоп ун навлари, манна ёрмаси ва кепак сифати назорат қилинади.

Кулланиш даражасини аниқлаш учун МП-2У муфел печидан фойдаланилади. Унда ҳароратни созлаш учун реостат мавжуд. Қизиган муфелнинг ранги бўйича ҳарорат ҳақида тахминий хулоса қилиш мумкин. Агар муфел печининг ранги кучсиз қизил бўлса, ҳарорат 600 - 650°C, тиник-қизил бўлса, ҳарорат 850°C, тўқ-сариқ, заргалдоқ бўлса, ҳарорат 950°C ва оқ рангли бўлса, ҳарорат 1200°C эканлигидан далолат беради.

Таҳлил қилишда 3- рақамли тигел қулланилади. Улар олдиндан 50% ли хлорид кислотаси эритмасига солинади, сўнгра ювилади, қуритиш шкафида қуритилали, темир хлорид эритмаси билан рақамланади ва доимий оғирликка етгунча куйдирилади.

Стандартларда ун кулланиш даражасини аниқлашнинг қуйидаги усуслари кўрсатилган: тезлатгич қўлламасдан ва тезлатгич билан, тезлатгич сифатида уксус кислотасининг спиртли эритмасини ёки азот кислотасини қўллаш мумкин. Мунозарали ҳолларда ўлчаммани тезлатгичсиз куйдириш усулидан фойдаланилади.

Кулланиш даражасини аниқлаш усули биринчи бўлимнинг 3- боб 11- параграфида баён қилинган.

Ўзбекистонда буғдой уни учун қўйидаги кулланиш даражаси меъёрлари ўрнатилган, %:

Нонбоп ун:	Макаронбоп ун:
Олий навли ун 0,60	0,75 (ёрмача)
Биринчи навли ун 0,80	1,10 (ярим ёрмача)
Иккинчи навли ун 1,25	1,75 (нонбоп ун)

Юмшоқ буғдойдан тайёрланган макаронбоп ун учун кулланиш даражаси меъёрлари нон пишириш учун мўлжалланган олий, биринчи, иккинчи навли унларнинг кулланиш даражаси нормалари билан бир хил.

Жайдари ва жавдар – буғдой унининг кулланиш даражаси донни тозалаш бўлимига тушган доннинг кулланиш даражасидан 0,07% дан кичик бўлмаган миқдорда кам бўлиши мумкин. Эланма жавдар унини 0,75%, сидирма унни эса 1,45% дан кўп бўлмаган кулланиш даражаси билан чиқаришга рұксат берилади. Жайдари жавдар унининг кулланиш даражаси 2% дан ошмаслиги, аммо тозаланмаган доннинг кулланиш даражаси 0,07% дан кичик бўлмаган миқдорда кам бўлиши мумкин.

Клейковина. Ҳўл клейковинанинг миқдор ва сифатини аниқлаш учун давлат стандартида келтирилган усулдан фойдаланилади.

Олий навли нонбоп унда клейковина миқдори 28% дан, биринчи навли унда 30% дан, иккинчи навли унда 25% дан кам бўлмаслиги керак. Макарон маҳсулотларини олиш учун ишлатиладиган юқори шаффофли буғдоидан олинадиган олий навли уннинг клейковинаси 28% дан, биринчи навли уннинг клейковинаси 25% дан кам бўлмаслиги; жайдари буғдой уннинг клейковинаси эса 20% дан кам бўлмаслиги керак. Клейковина сифати иккинчи гурӯхдан паст бўлмаслиги керак. Ҳар бир сменада ёки ҳар бир суткада баъзан ҳар бир ун тортишга тайёрланган аралашмада синов учун нон пишириб кўрилади.

Манна ёрмасининг таҳлили

Манна ёрмасининг сифатини таҳлил қўлишда уннинг намлиги, ранги, ҳиди, мазаси, заараланганилиги, металл-
210

магнит аралашмалар миқдори, кулланиш даражаси ва йириклиги аниқланади. Манна ёрма: М, МТ ва Т маркаларда чиқарилади. М маркали манна ёрмаси юмшоқ бүгдойдан тайёрланади, МТ — юмшоқ ва қаттиқ бүгдой аралашмасидан, Т — факат қаттиқ бүгдойдан тайёрланади.

Манна ёрмасининг йириклиги куйидагича аниқланади. Ўрта намунадан массаси 100 г бўлган ўлчанма ажратилади ва 3 дақиқа давомида элаклар тўплами ёрдамида эланади. Сўнгра 23- ва 38- рақамли элаклар эланмаси аниқланади. Йириклик бўйича қуйидагича нормалар ўрнатилади: М марка — 23- рақамли элак эланмаси 8% дан 38- рақамли элак эланмаси эса 2% дан кўп бўлмаслиги керак. МТ марка — 23- рақамли элак эланмаси 5% дан ва 38- рақамли элак эланмаси 1% дан ошмаси керак. Т марка — 23- рақамли элак эланмаси 5% дан ва 38- рақамли элак эланмаси 1% дан ошмаслиги керак.

Манна ёрмасининг кулланиш даражаси эса уннинг кулдорлиги каби аниқланади. Кулланиш даражаси нормалари: М марка учун 0,60% дан, МТ учун 0,70% дан ва Т марка учун 0,85% дан ошмаслиги керак.

Намлик, заарланганлик, металмагнит аралашмалар миқдори, манна ёрмасининг органолептик қўрсаткичлари ҳам худди унни таҳлил қилгандаги сингари аниқланади ва бу қўрсаткичларнинг сифат меъёри ҳам унники билан бир хил.

✓ Кепак ва озуқабоп кукуннинг таҳлили

Намуналар ГОСТ 9404-60 бўйича ажратилади. Кепак ва озуқабоп уннинг сифатини баҳолашдá ранги, ҳиди, намлиги, зааркундалар билан заарланганлиги ва металмагнит аралашмалар миқдори аниқланади. Кепак сифати ГОСТ 7169-66 га мос келиши керак. Технологик жараённи назорат қилишда кепак таркибида элаштимай қолган ун миқдори аниқланади. Бунинг учун ўрта намунадан массаси 1000 г бўлган ўлчанма ажратилади ва 27- рақамли элакда 3 дақиқа давомида эланади, сўнгра эланма ўлчанади. Кепак таркибидаги уннинг миқдори 3-5% дан кўп бўлмаслиги керак. Сўнгра бу уннинг сифати текширилади. Агар уннинг таркибида майда янчилган қобиқ кўп бўлса,

бу ҳолат майдаловчи машиналар ишида камчиллик борлигидан далолат беради.

Кепакда эндоспермнинг қолиш сабабини аниқлаш учун сидирилган ва эланган кепакнинг кулланиш даражаси аниқланади. Бу таҳлилни ўтказиш учун ўрта намунадан 100 г ўлчанма ажратилади ва 27- рақамли элакда 3 дақиқа давомида эланади. Сунгра кепакдан 5 г ўлчанма олинади ва чинни косачада сўқича ёрдамида 3 дақиқа давомида магиз сидирилади. Ўлчанма эса 27- рақамли элакда эланади. Қолган қолдиқдан кулланиш даражасини аниқлаш учун ўлчанма олинади. Кепакнинг олинган кулланиш даражаси уни ажратиб олинган ўлчанма кулланиш даражаси билан таққосланади. Кулланиш даражаси 0,2% дан ошса, кепакдан эндосперм ёмон ажралган деб хулоса қилиш мумкин.

Кепак таркибида эндоспермнинг ажралиш тозалигини ундан крахмал миқдори билан назорат қилиш мумкин. Дон ва ун учун қабул қилинган стандарт усули бўйича крахмал миқдори поляриметр ёки сахариметр ёрдамида аниқланади. Олинган натижга доимий коэффициент 1,25 га қўпайтирилади ва кепакдаги эндосперм миқдори фоизларда топилади. Озукабоп кукунда кўшимча йириклик ҳам аниқланади. У 23- рақамли элакнинг қолдиги бўлиб, 35% дан ошмаслиги керак.

6- §. УН ТОРТИШ БАЛАНСИ

Маҳсулот балансини текшириш ун тортиш бўлими фаолиятини даврий назорат қилиш бўйича амалга ошириладиган муҳим тадбирдир. Микдор-сифати бўйича баланс деб, ҳар қайси системага тушадиган ва ундан олинадиган маҳсулотлар миқдор ва сифати орасидаги мувозанат ўрнатилишига айтилади. Лаборатория амалида маҳсулотнинг хусусий ва тўлиқ балансини олиш тадбирлари бор.

Хусусий баланс — алоҳида системалар, технологик босқичлар ёки алоҳида маҳсулотларнинг баланси. Аксарият ҳолларда биринчи уч-тўрт ёрмалаш системаларидаги ёки барча системалардаги уннинг баланси олинади.

Маҳсулотнинг миқдор-сифати бўйича тўлиқ баланси йилига бир-икки марта олинади. Бу ишни корхонани капитал таъмирлаш жараёнини ўтказишдан олдин бажариш

тавсия қилинади. Чунки технологик схема бўйича аниқланган камчиликлар капитал таъмирлаш вақтида тузатилади. Камчиликлар тўла бартараф қилинганлигига ишонч ҳосил қилиш учун таъмирлаш ўтказилгандан сўнг бир ойдан кейин яна бир марта тўлиқ баланс олинниб, жараён текширилади.


Маҳсулотнинг миқдор-сифати бўйича тўлиқ баланси технологик жараённи бошқариш картинасини очиб беради. Ўтказилган баланс асосида уннинг товар навларини шакллаш ва алоҳида машиналарнинг иш режимлари тўғрисида фикр юритиш мумкин. Баланс ёрмалаш, ёрма бойитиш, янчиш ва қобиқ сидириш жараёнларининг иш самарадорлигини алоҳида аниқлашга имкон беради. Баланс кўрсаткичлари бўйича юкламанинг алоҳида машиналар орасида тарқалиши ва уларнинг иш самарадорлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Маҳсулотнинг миқдор-сифати бўйича тўлиқ балансини олиш — катта ва меҳнатталаб иш.

Балансни олишда объектив маълумотларга эришиш учун авваламбор уни ўтказишни пухта тайёрлаш зарур. Тайёрлаш даврида донни тортишга тайёрлаш режимини ўзgartирмаслик учун технологик схема текшириб аниқланади ва бир таркибли катта дон партияси танлаб олинади. Баланс олишдан олдин доннинг I ёрмалаш системасига бир текисда берилиши таъминланади ва маҳсулот юкламаси аниқланади. Бутун баланс олиш даврида машиналарга кўйилган юклама ва уларнинг иш режимлари доимий қолиши керак. Элакларнинг номерланиши текширилади ва аниқланади. Элак йириклиари таъмирланади.

Намуна олиш нуқталарининг кетма-кетлиги белгиланади. Бунда шундай тартиб урнатиладики, олдинги намуна олиш нуқтаси навбатдаги нуқтага берадиган маҳсулот миқдорига таъсир кўрсатмасин. Намуна олиш жараёни технологик схеманинг охирги системаларидан бошланади.


Маҳсулотни адаштирмаслик учун алоҳида варакётларда элакдонларнинг ва ёрма бойитгичларнинг туби тасвиrlанади ва рақамлар билан намунанинг тартиби кўрсатилади.

Маҳсулот солинган пакетлар шу маҳсулот рўйхатга киритилган номер билан белгиланади. Маҳсулотдан намуна олиш учун товачалар, матрапчалар, куракча ва қутичалар ишга тайёрланади (31- расм).



31- расм. Маҳсулот олиш учун мўлжалланган мослама:
а — товачалар; б, в — куракчалар; г — матрап.

Олинган маҳсулотлар кутичаларга солиниб, циферблатли тарозида ўлчанади. Маҳсулот бевосита элакдон остидаги патрубкадан, ёрмабойитгич остидаги тешикдан ва ёрмабойитгич қолдиги учун мўлжалланган тешикдан олина-



32- расм. Ўзи оқизар қувурлардаги бурилишлар.

1 — валли дастгоҳдан намуна олиш жойи; 2 — элакдондан намуна олиш жойи; 3 — ёрмабойитгичдан намуна олиш жойи.

ди. Маҳсулотдан намуна олишнинг энг қулай усули бу Золотарёв С. М. томонидан жорий қилингган усул бўлиб, бунда ускунадан пастда жойлашган қаватда ётган ўзи оқизар қувурдан намуна олиш учун ағдарувчи клапанли бурилиш патрубкаси ўрнатилади (32- расм).

Бу нарса ишни бажаришни осонлаштириб, аниқроқ натижалар олишга имкон беради.

Маҳсулотнинг микдор-сифати бўйича тўлиқ балансини олиш учун бир ёки учта бригада тузилади. Бригада ишини тажрибали технолог бошқаради. Маҳсулотни ўлчаш одатда техник-лаборант зиммасига юклатилади ва унинг ўзи ҳам кулланиш даражасини аниқлаш учун намуна ажратади. Бевосита намуналарни олиш мажбурияти лаборантлар, элакчилар, валцевойларнинг зиммасига юклатилади.

Баланс олишдан олдин барча иштирокчиларга Йул-Йўриқлар кўрсатилиб, битта системадан синов баланси олинади. Маҳсулот бригада раҳбарининг командаси бўйича олина бошланади. У “дикъат” командасини беради. Бу вақтда ҳамма намуна олишга тайёрланади, сўнгра “бир” ёки “бошладик” командаси берилади. Бу команда бўйича секундомерда вақт белгиланади ва товачалар ёки куракчалар намуна олиш учун ёндаштирилади. “Тайёр” командаси бўйича намуна олиш жараёни тұхтатилади.

Намуна олиш вақти 30 секунд давом этади. Катта маҳсулот миқдори келганда вақтни 10 секундгача қисқартириш ва аксинча, кичик маҳсулот миқдори учун 1 ... 3 минуттагча чўзиш мумкин. Маҳсулот олингандан кейин товачага кулланиш даражасини аниқлашга олинадиган намуна учун пакет кўйилади, пакетнинг устида эса маҳсулот номери кўрсатилади ва у ўлчашга юборилади.

Катта лаборант маҳсулотларни ўлчайди ва натижаларини рўйхатга киритади (37- жадвал). Натижалар түпланиб

37- жадвал

Натижаларни киритиш рўйхати

Пакет N	Маҳсулот массаси, г	Намуна олиш вақти, с
1	30,2	30
2	16,9	30

Қолғандан сұнг улар бошқа жадвалға құчирилади (38- жадвал).

38- жадвал

Келтирилған натижаларни киритиш рүйхаты

Олинадиган маҳсулоттар номи	Эланма, қолдик (әлак N)	30 сек. ичіда олинған маҳсулот массаси, г	I ёрта системасынан маҳсулот мөндері, %	Кулланыш даражаси, %	Маҳсулот яұналиши
I ёрмалаш системаси:					
1нчи қолдик	-/8	30,20	48,10	1,87	II йирик ёрмалаш системаси
2нчи қолдик	8/18	16,90	28,20	1,76	II маңда ёрмалаш системаси
3нчи қолдик	18/24	5,20	8,50	1,10	4- ёрма бойитиши системаси
1нчи эланма	24/32	3,80	7,50	0,81	3- ёрма бойитиши системаси
2нчи эланма	32/-	5,95	7,70	0,74	I-сарапаш системаси
II ёрмалаш системаси					
ва әрекеттерде					

Иш тугагандан сұнг ҳамма маҳсулот олинғанлығы ва рүйхаттаға кирилған натижаларнинг түғрилигі текширилади. Сұнгра пакетлар кулланыш даражасини анықлаш учун лабораторияға юборилади.

Маҳсулоттің мөндері-сифати бүйіча баланси маҳсус жадвал ёки шахмат күринишида түзилиб, унга технологик схемага мұвоғиқ барча күринишдегі маҳсулот түрлері кириллади. Рүйхаттің чап томонидегі ҳамма маҳсулоттарнинг номи ва массаси уннан үнг томонидегі күрсаткычтарға мос келиши керак.

Шу нарасаның әртүрлілігін сақлаш керак, баланс олиш пайдалылық критерийлерге сәйкес келеді. Оның критерийлерінде мұнай мен шынынан жасалған мөндердің көлемдерінде деңгээлдік көрсеткіштің маңыздылығы көрсетіледі.

Шу сабабли баланс натижалари тўпланганда бу ноаниқ-пиклар бартараф қилинади. Умумий баланс тузилаётганда даставвал ҳар қайси системага келаётган ва ундан чиқаётган маҳсулотлар йигилади. Агар натижалар орасида фарқ ёки бир-бирига тўғри келмаслик ҳолатлари кузатилса, мазкур системага узатилган системадаги маҳсулотнинг массаси текширилади. Зарур булганда берилган системанинг қолдиқлари ҳисобидан масса бўйича тўғрилаш ишларини ўтказиш мумкин. Барча системаларга тушувчи ва чиқувчи маҳсулотлар орасида мувозанат ҳолати юзага келганда баланс тугатилган деб ҳисобланади. Шундан сўнг барча маҳсулотлар I ёрмалаш системасига тушадиган маҳсулот массасига нисбатан фоизларда ифодаланади. I ёрмалаш системасига тушадиган маҳсулотлар миқдори 100% деб қабул қилинади. Балансни тузишда четланиш нормаси ун ва кепакнинг умумий миқдорига нисбатан + -2% булиши мумкин.

Миқдорий баланс тугатилгандан сўнг маҳсулотнинг сифати бўйича баланс тузишига киришилади. Олинган на-муналарнинг таҳтил натижалари ёзилган рўйхатга ҳар қайси маҳсулотнинг кулланиш даражаси бўйича курсаткичлари киритилади. Маҳсулот массасини унинг кулланиш даражасига кўпайтириб, кулфоизлар (золопроценты) деган катталик ҳисобланади ва система бўйича кулланиш даражаси нинг ўрта ўлчангандан қиймати аниқланади.

Кулланиш даражасининг ўрта ўлчангандан қийматлари бўйича ҳар қайси системанинг чап ва ўнг томонлари орасида мувозанат ўрнатилади. Бунда + -0,02% катталиқдаги четланиш нормасига рухсат берилади. Четланиш нормаси қолдиқ маҳсулотларининг ҳисобидан тузатилади.

Агар барча маҳсулотларнинг кулланиш даражаси бўйича ўрта ўлчангандан қиймати I ёрмалаш системасига тушган доннинг кулланиш даражасига teng бўлса (таҳтил аниқлиги чегарасида), сифат бўйича баланс тўғри бажарилган деб ҳисобланади.

Мисол сифатида I ёрмалаш системасининг миқдор-сифати бўйича балансини келтирамиз (39- жадвал). Миқдор-сифат балансини таҳтил қилишни қулайлаштириш учун, у шахмат шаклидаги жадвал кўринишида тузилади. Бу жадвалда баланс натижалари каср кўринишида ёзилади: суратда маҳсулот миқдори, маҳражда эса унинг кулланиш даражаси ёзилади.

I ёрдамын системасынан миссир-сифат балансы

Көлиб түшгүн маңсулот				Ололтун маңсулот					
Но- м и	30 сек. да, кг	I ёрдамын системасын нисбетин, %	Күл- ниш даржа- смы, %	Номи	30 сек. и чында, кг	I ёрдамын системасын нисбетин, %	Күл- ниш даржа- смы, %	Күл- фо- нээр	Инди- йчыларын бүйнәлеш
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
I ёрдамын системасы									
Дон	62,05	100	1,60	1-көплик	30,2	48,1	1,87	89,95	II инди- йчылары
				2-көплик	16,9	28,2	1,76	49,63	системасы
				3-көплик	5,20	8,50	1,10	9,35	II жайы
				1-эланна	3,80	7,50	0,81	5,26	системасын
				2-эланна	5,95	7,70	0,74	5,69	4-ёрдама- бийтш
				Жами	62,05	100	1,60	159,98	системасын
									3-ёрдама- бийтш
									1-сара- лаш
									системасы

Балансга қайта ишланадиган доннинг сифати билан олинган уннинг чиқим ва сифати кўрсатилган тозалов даролатномаси бириттирилади.

Миқдор-сифат баланси тузилгандан кейин олинган натижалар таҳлил қилинади. Бу ишни ўтказишни осонлаштириш учун алоҳида жадвал тузилиб, унда куйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

системалар бўйича юкламалар;

системалар бўйича маҳсулотни ажратиб олиш катталиги; ёрмача ва дунстларнинг миқдор-сифат баланси;

қамчили машиналар ишининг технологик самарадорлиги;

силлиқлаш жараёнининг баланси;

ёрмабойитиш машиналарида ёрмача ва дунстларни боийтиш жараёни.

Миқдор-сифат балансини таҳлил қилишда олинган катталиклар қоидаларда келтирилган меъёрлар билан таққосланади.

Ун тортиш балансини таҳлил қилиш асосида технологик ускуналар тақсимланишининг тўғрилиги ва улардан фойдаланиш даражаси, алоҳида маҳсулот оқимларини умумлаштиришнинг тўғрилиги, алоҳида машиналар ва технологик жараёнининг иш самарадорлиги ҳақида хуносалар қилинади. Агар системалар бўйича юкламани тақсимлашда камчиликлар кузатилса, унинг қайта тақсимланиши таъминланади.

Алоҳида машиналарнинг паст самарадорлик билан ишлаётганлиги аниқланса, унинг сабаблари бартараф қилинади.

Миқдор-сифат балансининг натижалари резервларни очишга ёрдам беради. Улардан эса ўз навбатида ун заводининг унумдорлигини ошириш, юқори навли унлар чиқимини ошириш ва сифатини яхшилаш йўлларида фойдаланиш мумкин.

Хусусий баланс ҳам худди тўлиқ баланс олинишида қўлланилган тартиб ва принцип бўйича олинади. Маҳсулот назорат қилинадиган технологик босқичнинг охиридан олина бошланади.

Хусусий балансни бажариш билан бир вактда I ёрмалаш системаси валли дастгоҳига тушаётган юклама миқдо-

ри ҳам аниқланади, зеро фоизли чиқим тушаётган дон миқдорига нисбатан ҳисобланади.

7- §. САҚЛАШДА ҮН ҲОЛАТИНИ КУЗАТИШ, УНИ ЮКЛАБ ЖҮНАТИШ ВА ЮБОРИШ

Сақлашга юбориш учун қопланған үн ишлаб чиқарылған санаси, сменаси ва нави бүйіча умумий массаси 63 тан катта бұлмаган штабеллар күренишида тахлаб қўйилади. Агар үн дон маҳсулотлари корхоналарининг ёки тарқатиш базаларининг омборларига келса, у штабелларга вагонлаб жойлаштирилади.

Маҳсулот солинган қоплар штабелларга учталаб ёки түртталаб жойлаштирилади. Ҳаво алмашиниши ва маҳсулот сифатини кузатиш учун штабеллар ва омбор девори орасыда ұлчами 0,7 м га тенг бұлған оралиқ, конвейерлардан фойдаланиб юклаш-тушириш иштарини бажариш учун 1,25 м ва электрюктаги члардан фойдаланганда эса 3,8 м утиш оралиғи қолдирлади.

Устига маҳсулотли штабелларни жойлаштириш учун полга баландлиги 10 см бұлған ёгоч тагликлар ётқизиб чиқилади. Ернинг сув сатқи жуда пастда жойлашған ҳудудларда, агар пол намланмаса, маҳсулот штабелларини бевосита полга тахлаб қўйиш мумкин.

Штабелнинг баландлигини үн намлигига, йил фаслига ва ташқи ҳавонинг ҳароратига bogлиқ ҳолда белгилаш мумкин.

Барча турдаги унлар штабеллари (маккажұхори унидан ташқари) 40- жадвалда күрсатылған баландликларда тахланади.

40- жадвал

Штабел баландлигиги, қов қаторларининг сони

Омбордаги ҳавонинг ҳарорати, °С	үн намлиги, %	
	14 гача	14 дан 15,5 гача (ичига олган ҳолда)
10 дан юқори	10	8
0 дан 10 гача	12	10
0 дан кичик	14	14

Маккажұхори уни ва макарон маҳсулотлари учун мұлжалланған унлар пастроқ штабелларга таxлаб қўйилади (41- жадвал).

41- жадвал

Штабел баландлиги, қоп қаторларининг соми

Омбордаги ҳавонинг ҳарорати, °С	Ун намлиги, %	
	13 гача	13 дан 14 гача (14 ни ичига олган ҳолда)
10 дан юқори	8	6
10 дан паст	10	8

Йилнинг иссиқ фаслларида штабел баландлиги ўрнатылған меърдагига нисбатан бир-икки қаторга камайтирилади.

Штабелларга қар йили 1 январдан бошлаб маҳсулот келиши бүйича тартиб рақамлари берилади. Омборлар 100 м² майдонли бўлимларга бўлиниб, уларга доимий рақамлар берилади. Штабел ёрлигига касрнинг суратида штабел рақами, маҳражида эса бўлим рақами кўрсатилади.

Сақлаш жараёнида ун сифати ўзгариши мумкин. Ачиш, нордонлашув, мөгорлаш ва ўз-ўзидан қизиш жараёнлари уннинг сифатини ёмонлаштириши мумкин. Лаборатория уннинг омборларга тўғри жойлаштирилганлигини доимо назорат қилиб, сақланётган уннинг ҳолати ва сифатини кузатиб туради. Омбордаги ҳавонинг ҳарорати ҳафтавий (суткавий) термографалар ёки пол сатҳидан 1,5 м баландликда ўрнатылган термометр кўрсаткичи бўйича текшириб борилади.

Ҳаво ҳарорати 7 кунда бир марта, шамоллатиш пайтида эса ҳар куни текширилади. Қушимча равища ойига бир марта штабелнинг пастки, ўртадаги ва юқори қаторида жойлаштирилган қоплари сатҳидаги ҳарорат текширилади.

Ҳавонинг нисбий намлиги ҳароратни назорат қилиш учун мұлжалланған муддатта ҳар қайси омборда полдан 1,5 м баландликда ўрнатылган гигрографалар, гигрометр-

лар, психрометрларнинг ҳафтаий (суткавий) кўрсаткичлари бўйича текширилади.

Ун штабелларининг ҳарорати омбордаги ҳавонинг ҳарорати $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлганда ойига икки марта, ҳаво ҳарорати $+10^{\circ}\text{C}$ дан паст бўлганда эса ойига бир марта текширилади. Макарон унининг намлиги 15% дан юқори ва омбордаги ҳавонинг ҳарорати $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлганда уннинг ҳарорати ҳар 5 кунда бир марта текширилади.

Уннинг ҳарорати металл ҳалқа шаклидаги термопаралар ёрдамида штабелнинг турли баландлигидаги ва ўргасидаги ташқи ва ички қолларда ўлчанади.

Уннинг мазаси, ҳиди ва зааркунданалар билан заарланганлигини назорат қилиш частотаси маҳсулот ҳароратига боғлиқ ҳолда белгиланади. Агар ҳарорат 10°C дан паст бўлса, ойига бир марта, ва агар ҳарорат 10°C дан юқори бўлса, ҳар 15 кунда бир марта текшириш ўтказилади. Текшириш пайтида қолларнинг юзаларида зааркунданаларнинг бор-йўқлиги текширилади. Уннинг намлиги ойига камида бир марта текширилади.

Сақлашда ун ҳолати ва сифатини текшириш натижалари асосида ИЧТЛ бошлиғи ун сифатини сақлашга мўлжалланган тадбирларни ишлаб чиқади.

Бу тадбирлар қаторига куйидагиларни киритиш мумкин:

қуруқ об-ҳаво шароитида омборларни шамоллатиш ва совуқ тушиши билан унни совутиш;

агар уннинг жисплашуви кузатилса, штабелларни қайтадан тахлаш;

агар қолнинг бирор қисми ҳўл бўлса ёки қол юзасида могорлар пайдо бўлса, унни тоза қолларга бўшатиш;

қизиган маҳсулотли қолларни ажратиб олиш ва штабелларни текшириш, шунингдек маҳсулотни тез совутиш учун айрим халталар оғзини сўзиб чиқиши;

унда дон захираси зааркунданалари учраб қолса, уни зарарсизлантириш ва ҳоказо.

Кузатув натижалари штабел ёрликлари ва журналларда қайд қилинади. Штабел ёрлиғида иккита жадвал мавжуд бўлиб, улардан бирига омборга келган уннинг бошланғич сифати ёзилади. Бошқа жойдан қабул қилинадиган уннинг сифат кўрсаткичлари уннинг сифати тўғрисидаги гувоҳно-

ма ва ДДИ сертификатида берилганлар бўйича, ўз корхонасида ишлаб чиқарилган ун учун эса таҳлил карточкала-рига асосланиб ёзилади. Уннинг бошлангич сифатини ҳиди, ранги, мазаси, гижирлаши, зааркунандалар билан заарланганлиги, клейковина миқдор ва сифати, металмагнит аралашмалар миқдори. кулланиш даражаси, тортиш йи-риклиги белгилайди.

Штабел ёрлигининг иккинчи жадвалида сақланаётган ун ҳолатини кузатиш журналида берилган катталикларга асосланиб, сақлаш пайтида ун сифатининг ўзгарган кўрсат-кичлари текшириш санаси кўрсатилган ҳолда қайд қилинади. Бу жадвалда маҳсулот ҳарорати, заарланганлиги, намлиги, мазаси ва ҳиди кўрсатилади.

Сақланаётган уннинг ҳар қайси штабели учун ИЧТЛ ишчилари томонидан ёрлиқлар тўлдирилади ва берилган дон партиясининг ёнита кўринадиган жойда осиб қўйиш учун омбор мудирига берилади.

Унни сотиш пайтида штабел ёрлиқларида унинг қолдиги кўрсатиб борилади ва у тўлиқ сотиб бўлингандан кейин ёрлик сақлаш учун лабораторияга берилади. Лаборатория санитар-гигиеник режимга риоя қилишни ва барча режа-лазширилган профилактик тадбирларнинг бажарилишини талаб қўлмоги керак.

Ун сақлайдиган барча корхоналар ойига бир марта уннинг сифати бўйича ҳолати тўғрисида ҳисобот тузадилар. Уннинг қопланган санасидан келиб чиқиб, 6 ойдан 1 йилгача ва 1 йилдан ортиқ вақтда сақланган унлар учун мудда-ти кўрсатилган ҳолда тузилади.

Ҳисобот штабел ёрлиқларида кўрсатилган муддатларда текширилган сифат кўрсаткичларига асосланиб тузилади. Ҳисоботда қизиган, ностандарт маҳсулотларнинг мавжудлиги алоҳида қилиб кўрсатилади. Шу билан барча маҳсулотнинг ностандартлик сабаблари қайси кўрсаткичлари (кулланиш даражаси, гижирлаши ва ҳоказолар) бўйича стандартга жавоб бермаслиги ва эслатма тарзида бу маҳсулот қачон ва қаердан келганлиги тўғрисида ҳам ёзиб қўйилади.

ИЧТЛ бошлиғи уннинг юклаб жўнатиш ва юбориш кетма-кетлигини белгилайди. Биринчи навбатда эртароқ ишлаб чиқарилган ва сақлашга чидамсиз унлар сотилади.

Унни вагон, баржа ёки бошқа транспорт воситаларига юклаб жұнатышдан олдин лаборант уларнинг ишга яроқ-лилигини, тозалигини, бегона ҳидлар йүқлигини ва зараркунандалар билан заарланмаганлигини текширади.

Юклаб жұнатыш учун мұлжалланған уннинг ранги, мазаси, ҳиди, намлиги, заарланғанлиги, клейковинасинынг миқдор ва сифати аниқланади. Йириклик ва кулланиш даражаси катталиклари омборға унни қабул қилишда үтка-зилган таұлиллар асосида ёзіб қўйилади.

Ҳар қайси транспорт бирлиги учун лаборатория уннинг сифати тұғрисида гувоҳнома ёзади ва унда қоплаш вақти, қоплаш пайтидаги намлиги, ун тури, нави, ранги, мазаси, ҳиди, кулланиш даражаси, йириклиги, клейковина миқдор ва сифати кўрсатилади. Элакдаги қолдик, элакдан үтган эланма миқдори ва клейковина миқдори 1% гача, намлик 0,1% гача, кулланиш даражаси эса 0,01% гача аниқлик билан кўрсатилади. Унни кичик туркумлар билан маҳаллий таъминот учун юборғанда сифат кўрсаткичларини охирги текшириш натижалари бўйича қўйиб беришга рухсат этилади. Бундан ташқари, етказиб берувчининг омборида унни қабул қилиш пайтида харидор маҳсулот сифатини текшириб куриши мумкин.

Донни идишсиз сақлаш бўлими

Мамлакатимиздаги айрим ун заводлари унни силос кўринишидаги омборларда идишсиз сақлаш усулига үтгандар. Шу сабабли комплекс механизациялаштирилган ва ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилган тайёр маҳсулот бўлими ташкил қилинган. Унда унни силосларда сақлаш, витаминланған ун навларини шакллантириш ва аралаштириш, ун ва манна ёрмасини пакетларга қадоқлаш, идишсиз унни автомобиль ва темирйўл транспортларига юклаш, унни 50 кг массали халталарга қадоқлаш ва бу қадоқданган унларни автомобиль ва темирйўл транспортларига юклаш каби тадбирлар режалаштирилган.

Ун навлари кўп компонентли тарози ва даврий ишлайдиган аралаштиргичлар ёрдамида истеъмолбоплик кўрсаткичлари бўйича тузилади. Унни витаминлаш жараёни навни шакллаш билан бир пайтда үтказилади.

Истельмолбоп навлар маҳсус рецептлар бўйича тузилади. Навни шакллашда масофадан туриб бошқариладиган ранг ўлчагичлардан фойдаланилади, бу нарса оқиқ бўйича навнинг бир текисда чиқишини таъминлайди.

Таҳлил учун намуналар тарози ости бункерига жойлаштирилган автоматик намунаолгич ёки оқиб тушаётган маҳсулот оқимидан қўл билан ажратиб олинади. Намуна олиш оралиқлари шундай белгиланиши керакки, бунда олинган намуналарнинг умумий массаси ҳар тоннага 50 г дан кам бўлмаслиги лозим.

Маҳсус ун ташиш машиналарига юқланган унлардан намуна люк орқали шуп ёрдамида маҳсулотнинг уч қатламидан олинади.

Силосларни тўлдиришдан олдин лаборатория ун сифатини баҳолайди. Кўрсаткичлар таҳлил карточкаларига, журналларга ва силос ёрлиқларига ёзилади. Сўнгра силос ёрлиғига унни сақлаш давридаги кузатув натижалари киритилади.

Унни 2 кг лик, ёрмани эса 1 кг лик пакетларга қадоқлашда лаборатория назорат тарозилари ёрдамида маҳсулот массасининг тўғрилигини назорат қилади.

Барча пакетларнинг 68% и $+3,5$ г, барча пакетларнинг 94% и $+7$ г ва барча пакетларнинг 99,7% и $+10$ г катталика мөъердан четланган шароитлар учун четланиш катталигининг ўртача қиймати $+3,5$ г бўлишига рухсат берилади. Пакетларни елимлаш сифати ва уларни ёрликлашнинг тўғрилиги текширилади.

Юклаб жўнатишда ун сифати силосни тўлдиришда баҳарилган таҳлил кўрсаткичлари бўйича, намлик эса жўнатишда олинган намуна бўйича аниқланиб, сифат гувоҳномасида кўрсатилади. Агар навни шакллаш жараёни кетаётган бўлса, барча курсаткичлар намуна олиш пайтида аниқланган катталиктар бўйича курсатилади.

IV б о б. ЁРМА ЗАВОДЛАРИДА ТЕХНОКИМЁВИЙ НАЗОРАТ

I- §. ЁРМА ЗАВОДИГА ДОННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Ёрма заводиға қабул қилинадиган дон олинадиган ёрманинг чиқим ва сифатини таъминлаши керак. Ёрма завод лабораторияси қабул қилинган дондан нуқтавий, умумлашган ва ўрга намуналар тузиб, уларни таҳлил қилишга тайёрлайди.

Бунда доннинг қуйидаги сифат курсаткичлари аниқланади: ранги, ҳиди, мазаси, заараланганлиги, намлиги, ифлослиги, типий таркиби, йириклиги ва текисланганлиги, бузилган дон миқдори, пўстлоқ миқдори, магиз миқдори, шунингдек майда дон миқдори.

Дон ифлослиги. Ифлослик аниқлананаётганда асосий диккат-эътибор минерал аралашма ва тошчаларга қаратилади. Уларни дондан ажратиб олиш қийин. Маржумак, тариқ, шоли донларидан қийин ажralадиган аралашмалар ажратилади. Қийин ажralадиган аралашмаларга маржумак донида ёввойи редъка, жавдар, буғдоӣ, нӯхатча, татар маржумаги; тариқда — товуқ тариги, маржонача, мингбош; шоли донида эса сулуф ва курмак киради. Таҳлил пайтида майда ва ривожланмаган ҳамда бузилган донлар ифлослантирувчи аралашмага киради.

Доннинг пўстлоқлилиги. Бу шоли, тариқ, сули ва арпа донларида гул қобиқ ва маржумак донида эса мева қобигининг дон массасига нисбатан фоизлардаги улушкидан иборат. Пўстлоқлилик аралашмалардан тозаланган дон учун аниқланади. Бу катталик донда икки марта кетма-кетлиикда аниқланиб, ўртаси олинади. Пўстлоқлиликни аниқлаш учун турли донлардан турлича ўлчанма олинади. Шоли, сули, маржумак учун 50 грамм ва тариқ учун 25 грамм ўлчанма олинади. Бу дастлабки ўлчанма бўлиб, улар яхшилаб аралашмалардан тозаланади. Шундан сунг шоли ва сули донларидан 5 грамм, маржумак ва тариқ донларидан 2.5 граммдан ўлчаб олиниб, пўстлилик аниқланади. Сули доннинг пўстлоги қўл ёрдамида ядродан ажратилса, маржумак донидан қўл ёки ВПГ-1 асбоби ёрдамида ажратила-

ди. Тариқ ва шоли донининг пўстлоғи қўл билан ёки ЛШ-1 ва ГДФ-1 М қобиқ арчиш аппаратлари ёрдамида ажратилади. ГДФ-1 М да таҳлил қилганда шолидан 10 грамм, тариқдан 5 грамм ўлчанма олинади. Пўстлоқлиликни аниқлаш усуллари ва тартиби мазкур дарсликнинг биринчи бўлим 6- боб 1- параграфида батафсил ёритилган.

Магиз (ядро) чиқими деб дон туркумидаги аралашмалар билан биргаликда олинган массасига нисбатан магизнинг фоизлардаги миқдори тушунилади.

Қабул қилинаётган доннинг сифат кўрсаткичлари чекланган кондиция билан таққосланади. Чекланган кондиция қайд қилинадиган кўрсаткичлар мажмуаси ва уларнинг қиймати ҳар қайси экин учун ўзига хосдир. Лекин барча ҳолатларда намлик, ифлослантирувчи ва донли аралашмалар миқдори, пўстли донлар учун магиз миқдори, сули ва арпа донлари учун майда дон миқдори чекланган кондицияда қайд қилинади. Агар намлик, ифлослантирувчи ва донли аралашмалар миқдори меъёрдан кам бўлса ва уларни меъёрга етказиш шароити мавжуд бўлсагина, бундай донлар омборга қабул қилинади.

Донни омборларга жойлаштириш

Жойлаштириш учун худди тегирмондаги сингари ИЧТЛ ва технолог томонидан режа тузилади. Жойлаштириш пайтида куйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади: тип ва нави, намлиги, ифлослиги, тоза дон миқдори, қийин ажralадиган дон ва майда дон мавжудлиги; қизиган ва намиққан донлар алоҳида жойлаштирилади.

Турли тип ва навларга хос донлар алоҳида жойлаштирилади. Бир тип ва навга тегишли донлар намлиги, ифлослиги ва магиз миқдори бўйича жойлаштирилади. Агар жойлаштириладиган дон туркумларининг намликлари орасидаги фарқ 1,5% дан катта бўлмаса, уларни қушиш мумкин.

Ифлослиги бўйича фарқ 2% дан катта бўлмаслиги кепрак. Таркибидаги бузилган донлар миқдори 0,5% гача бўлган дон алоҳида, 0,5 дан 1,0% гача бўлган дон туркуми алоҳида туркум қилиб жойлаштирилади. Агар бузилган дон миқдори 1% дан кўп бўлса, унда бундай кўрсаткич бўйича ҳар

1% интервал учун алоҳида туркум тузиб жойлаштирилади. Агар сули ва арпа донлари қабул қилинса, таркибидаги майда дон миқдори 5% гача бўлгани 5% дан юқори бўлганидан алоҳида жойлаштирилади.

Ёрма заводларида қайта ишлаш партиясини тузишда тегирмондагидан фарқли ўлароқ, турли тип ва навларга тегишили донларни қўшиш мутлақо тақиқланади. Аralашма таркибига кирувчи компонентлар намликлари орасидағи фарқ 1,0% дан ошмаслиги керак.

2- §. ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ АРАЛАШМАЛАРИНИ ТУЗИШ

Ёрма заводида қайта ишлаш учун дон аралашмалари рецептурасини тузиш принципи тегирмонда ун тортиш туркумини тузишдан фарқ қиласди. Ёрма заводларида турли типдаги ва навли, шунингдек турли тупроқ иқлимли ҳудудларда етиширилган донларни зинҳор аралаштириб бўлмайди.

Дон туркумларини тузишда қайта ишлашга мўлжалланган дон аралашмасини олиш учун шунга риоя қилиш керакки, яъни аралашма қисмлари бир-бирига яқин технологик хусусиятларни намоён қилсан. Бунинг учун турли намликка эга бўлган дон туркумларини қўшиб бўлмайди. Рецепт таркибига кирадиган алоҳида дон туркумларининг намлик бўйича тафовути (куритгич бўлмаган шароит узун) 1% дан ошмаслиги керак.

Доннинг ўлчамлари бўйича бир текислигига катта талаблар кўйилади. Бу кўрсаткич бўйича алоҳида туркумлар орасидаги тафовут 10% дан ошмаслиги керак.

Одатда барча ёрмабоп донлар қийин ажралувчи аралашмалар, арчилган ва бузилган донлар, шунингдек минерал аралашмалар, шоли дони эса қизил қобиқли, эндосперми сарғайган, глютинозли, шикастланган ва ёрилган донлар миқдори бўйича сараланади.

Дон сифати ва технологик хусусиятлари бўйича стандарт талабларига жавоб берадиган ва белгиланган меъср доираларида маҳсулот чиқимини таъминлайдиган бўлиши керак.

Аралашмани тузиш ҳисоби ун заводларида тортиш туркумини тузишга аналогик равища үтказилади.

Мисол. Шоли донининг битта туркумида қизил мева ва уруғ қобиқли донлар миқдори 1% ни ташкил қиласа, иккинчи туркумида эса 8% ни ташкил қиласи. Ушбу сифатли донлар миқдори 2% ни ташкил қиласидиган аралашмани туринг.

$$100 \times 2 = 8x + (100 - x) \times 1 = 100 + 7x; \quad 7x = 100;$$

$$x = \frac{100}{7} = 14,2\%.$$

Бинобарин, аралашманинг таркибида 85,8% биринчи туркум ва 14,2% иккинчи туркум донлари бўлиши керак.

3- §. ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАБ ЁРМА ОЛИШДА МАҲСУЛОТ ЧИҚИМИНИ ҲИСОБЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Маҳсулот чиқимини ҳисоблаш учун доннинг қийидаги сифат курсаткичлари: тоза магиз чиқими, пўстлоқ; қийин ажралувчи аралашмалар; бузилган ва арчилган донлар ва намлик миқдоридан фойдаланилади.

Бундан ташқари сули, арпа, маккажӯхори ва нўхат ёрмаларининг чиқимини ҳисоблашда майдо донлар; шоли дони учун эса қизил мева ва уруғ қобиқли, сарғайган эндоспермли ва шикастланган ва ёрилган эндоспермли донлар; нўхат дони учун II типли нўхат аралашмаси ва донхўр капалак билан зааралangan донлар, қаттиқ буғдой дони таркибида юмшоқ типли буғдой донлари миқдори ҳисобга олинади.

Тарик, шоли ва маржумак донларидаги пўстлоқ миқдори қийидагича топилади:

$$x = \frac{[100 - (И + Д)] \times П}{100}.$$

бу ерда: И — ифлослантирувчи аралашмалар миқдори, %;

Д – донли аралашмалар миқдори, %;

П – пўстлоқлилик, %.

Сули донидаги пўстлоқ миқдорини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$x = \frac{[100 - (I + D + M + K)] \times P}{100}.$$

бу ерда: М – тешик ўлчами $1,8 \times 20$ мм ли ғалвирдан ўтган майда донлар, %;

К – асосий тур донга тегишли бўлган буғдой, полба, жавдар ва арпа донлари, %.

Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг қуришдан камайган миқдори қуйидаги формула бўйича топилади:

$$x = \frac{100(W_1 - W_2)}{100 - W_2},$$

бу ерда: W_1 – дон тозалаш бўлимига келган доннинг ўрта ўлчанган намлиги, %;

W_2 – ҳамма маҳсулотлар (ёрма, озуқабоп майдаланма, синган донлар, кукун, пўстлоқ, шунингдек сули, арпа ва нўхатни қайта ишлашда эса майда донлар)нинг ўрта ўлчанган намлиги, %.

Тариқ, маржумак, шоли ва сули донларини қайта ишлаб ёрма олишда сифат кўрсаткичларининг базис қийматлари бўлиб тўлақон магиз ва пўстлоқ миқдорлари қабул қилинган, шоли дони учун қўшимча равишда қизил мева ва уруг қобиқли донлар, сули ва арпа донлари учун эса майда донлар миқдори ҳам белгиланади (42- жадвал).

42- жадвал

Дон сифатининг базис кўрсаткичлари

Экин тури	Тўлақон магиз чиқими, %	Пўстлоқ, %	Майда дон, %	Қизил мева ва уруг қобиқли шоли донлари, %
Тариқ	76	18	-	-
Маржумак	75	22	-	-
Сули	65	27	5	-
Шоли	76,5	19	-	2

Арпа, нұхат, маккажұхори ва бүгдой донларини қайта ишлашда ифлослантирувчи, донли аралашмалар ва майда донлар миқдори учун базис меъёрлари белгиланади. Маҳсулот чиқимини ҳисоблашда ёрма, құшимча маҳсулотлар ва чиқиндиларнинг миқдори ҳамда дон сифатининг базис күрсаткичларидан келиб чиқылади. Бу күрсаткичлар ёрма заводларыда технологик жараённи бошқариш ва ташкил қилиш қоидаларыда көлтирилған.

Шоли ва маржумак ёрмаси таркибіда синиб майдаланған ёрма асосий маҳсулотга киради, бошқа әкін турлары (тариқ, сули, нұхат) ёрмаси таркибіда учраса, улар құшимча маҳсулотга киритилади.

Агар доннинг сифати базис меъёрларига мос келмаса, маҳсулот чиқими учун чегириш ва құшимча миқдорлары белгиланған.

Тариқ, шоли, маржумак ва сули донларидаги тұлақон магиз миқдори базис меъёрларидан катта бұлғанда ёрманнинг барча навларига, майдаланма ва куқун миқдорига құшимча қилинади, агар унинг миқдори базис меъёрларидан кичик бўлса, аналогик ұлчамда чегириш амали ўтказилади. Бу чегириш ва құшимчалар I ва II тоиғали чиқиндилар миқдорининг ўзгариши эвазига амалга оширилади. Ҳар хил ёрма турлари учун чегириш ва құшимчалар миқдорлари қоидаларда күрсатилған.

Пўстлоқнинг миқдори базис меъёрларига тұғри келмаса, унинг ҳар қайси фоизи учун I ва II тоиғали чиқиндиларнинг ўзгариши ҳисобидан пўстлоқ ва куқуннинг миқдорини ошириш ёки камайтириш мүмкін.

Миқдори 0,5% дан ортиқ бұлған маржумак бузилған донининг ҳар 0,1% и учун бириңчи нав магиз миқдорининг камайиши ҳисобидан иккінчи нав магиз миқдорининг чиқим меъёри 2% га оширилади. Бузилған дон миқдори 0,7% дан ортиқ бұлған маржумак донини қайта ишлашда бириңчи нав магиз миқдорининг; бузилған дон миқдори 1% дан ортиқ бұлған тариқ донини қайта ишлашда олингаң олий ва бириңчи нав тариқ ёрмаларининг; бузилған дон миқдори 0,4% дан ортиқ бұлған сули донини қайта ишлашда олий нав ёрманинг сарапаш меъёри белгиланмайды. Бу вазияттарда меъёр сифатыда ҳақиқий чиқим қабул қилинади.

Тариқ ва маржумак донларининг таркибида қийин аж-
ралувчи аралашмалар мавжуд бўлса, мазкур аралашмалар
билин бирга олинган нормал доннинг ҳар бир фоизи учун
I ва II тоифа чиқиндиларининг чиқиш меъёрлари ҳисоби-
дан ёрма, майдаланма, кукун ва пўстлоқнинг чиқим меъ-
ёрлари уларнинг базис меъёрларига пропорционал равиша
камайтирилади.

Агар майда сули ва арпа донлари ажратиб олинмаса ва
улар қайта ишлашга юборилса, унинг чиқим меъёри кама-
яди ва чиқариладиган ёрма турига мувофиқ қоидаларда бел-
гиланган катталикда ёрма чиқими оширилади.

Арпа, нухат, маккажухори ва буғдои донларини қайта
ишлаб ёрма олишда чегириш ва қўшиш миқдорлари иф-
лослантирувчи ва донли аралашмалар мавжудлигига боғ-
лиқ ҳолда кўриб чиқилади.

Майда нухат дони миқдорининг базис меъёрларидан
ортиқ ёки кам эканлиги майда нұхат ёрмаси ва I ва II тои-
фа чиқиндиларининг тенг улушларда камайиши ёки кү-
пайиши ҳисобидан ёрма, кукун ва пўстлоқ чиқими меъёр-
ларининг камайиши ёки кўпайишига олиб келади.

Чиқимни ҳисоблашда маҳсус бланка — “Ишлаб чиқа-
риш корпусини тозалаш ва донни қайта ишлаш натижала-
ри ҳақидаги далолатнома” дан фойдаланилади. Даставвал
унда маҳсулотнинг базис чиқими ва доннинг ҳақиқий си-
фат кўрсаткичлари қўйиб чиқилади. Сўнгра дон ҳақиқий
сифатининг базис меъёрларидан оғиш катталиклари ҳисоб-
ланади. Белгиланган тафовутлар асосида қоидаларда кўрса-
тилган меъёрлар бўйича қўшиш ва чегириш миқдорлари
ҳисоблаб чиқилади.

Маҳсулотнинг ҳисоблаш чиқими деб дон сифат кўрсат-
кичларининг базис меъёрларидан оғиши эвазига қўшил-
ган ва чегирилган қийматларини назарда тутиб ҳисоблан-
ган чиқимига айтилади.

Чиқимлар одатда ёрма заводининг ўн кунлик иши ឦйи-
ча тузиладиган ҳар қайси қайта ишланадиган дон туркуми
учун ҳисобланади.

Мисол. Шоли донини қайта ишлаб қайроқланган гуруч
олишка маҳсулот чиқимини ҳисоблаш керак. 43- жадвалда
шоли донини қайта ишлаб ёрма олишда маҳсулотнинг ба-
зис чиқими келтирилган.

Маҳсулотнинг базис чиқими, %

Қайта ишлаш маҳсулотлари	қайроқланган	силиқланган
Олий навли гуруч	5,0	10,0
Биринчи навли гуруч	45,0	43,0
Иккинчи навли гуруч	5,0	1,5
Майдаланган гуруч	10,0	10,5
Жами:	65,0	64,5
Гуруч кукуни	13,2	13,2
Пўстлоқ, III тоифа чиқиндилари ва механик нобудгарчиллик	19,1	19,1
I ва II тоифали чиқиндилар	2,0	2,0
Куриш миқдори	0,7	0,7

Қайта ишланадиган шоли донининг сифат қўрсаткичлари қўйидагича: тўлақон магиз миқдори 78,5%; пўстлоқ 17%; қизил уруғ қобиқли донлар 4%; майдаланган миқдори 2%; синган донлар миқдори 1%; ёрилган ва бир қисми синиб тушған магизли донлар миқдори 4%. Шоли дони сифатининг базис меъёрлари қўйидагича: тоза магиз чиқими 76,5%, пўстлоқ миқдори 19%; қизил рангли мева ва пўстлоқ миқдори 19%; қизил рангли мева ва уруғ-қобиқли донлар миқдори 2%.

1. Магиз миқдори буйича ҳисоблаш.

Бизнинг мисолимиз учун шоли дони $78,5 - 76,5 = 2\%$ га кўпроқ магизга эга. Меъёр буйича базис меъёридан катта ҳар қайси фоиз дон магиз учун I ва II тоифа чиқиндиларнинг ҳисобидан бутун ёрмаларнинг чиқим меъёри 0,8%га, майдаланган гуруч 0,1% га ва кукун 0,1% га оширилади.

Бутун ёрма, майдаланган гуруч ва кукун чиқим меъёриларининг ошиши қўйидагича ҳисобланади:

$$\text{олий навли ёрма: } \frac{5 \times 1,6}{55} = 0,15\%;$$

$$\text{биринчи навли ёрма: } \frac{4,5 \times 1,6}{55} = 1,30\%;$$

иккинчи навли ёрма:

$$\frac{5 \times 1,6}{55} = 0,15\%;$$

майдаланган гуруч:

$$0,1 \times 2,0 = 0,2\%;$$

гуруч кукуни:

$$0,1 \times 2,0 = 0,2\%.$$

Бинобарин: чиқиндиларнинг чиқими 2% га камайтирилади.

2. Пўстлоқ бўйича ҳисоблаш.

Қайта ишланган шоли дони $19 - 17 = 2\%$ га камроқ пўстлоқга эга. Меъёр бўйича базис қийматидан паст ҳар бир фоиз пўстлоқ учун пўстлоқ миқдори $0,9\%$ га ва кукун эса $0,1\%$ га камайтирилади, I ва II тоифали чиқиндиларнинг миқдори эса 1% га оширилади. Шунинг учун I ва II тоифа чиқиндиларининг 2% га кўпайиши ҳисобидан пўстлоқ чиқимининг меъёри $0,9 \times 2 = 1,8\%$ га ва кукун миқдори эса $0,1 \times 2 = 0,2\%$ га ошади.

3. Синиб тушган ва ёрилган магизли донлар бўйича ҳисоблаш. Меъёр бўйича ҳар бир фоиз бунақа донлар учун майдаланган гуруч чиқим меъёрининг $0,02\%$ га кўпайиши ҳисобидан ёрма чиқими $0,1\%$ га камаяди. Бизнинг мисолимизда бунақа донлар миқдори 4% эди. Шунинг учун ёрма чиқими $4 \times 0,1 = 0,4\%$ га камаяди ва бу навлар бўйича қўйидагича муносабатни намоён қиласади:

Олий нав бўйича:

$$\frac{5 \times 0,4}{55} = 0,04\%;$$

биринчи нав бўйича:

$$\frac{45 \times 0,4}{55} = 0,32\%;$$

иккинчи нав бўйича:

$$\frac{5 \times 0,4}{55} = 0,04\%.$$

Майдаланган гуручнинг чиқим меъёри 0,32% га ва ку-
кун меъёри 0,08% га кўпаяди.

4. Бўрсимон донлар миқдори бўйича ҳисоблаш. Чиқим-
ни ҳисоблашда фақат уларнинг 2/3 қисми ҳисобга олинади.
Бунда майдаланган гуруч чиқимининг 0,25% га ва гуруч
кукунининг 0,25% га ошиши ҳисобидан ҳар бир фоиз бўрси-
мон дон учун ёрманинг чиқими 0,5% га камайтирилади.
Бизнинг мисолимиз учун ёрманинг чиқим меъёри $2 \times 2 / 3 \times 0,5 = 0,66\%$ га камайтирилади. Унинг навлар бўйича тар-
қалиши:

олий нав бўйича: $\frac{5 \times 0,66}{55} = 0,06\%$;

биринчи нав бўйича: $\frac{45 \times 0,66}{55} = 0,54\%$;

иккинчи нав бўйича: $\frac{5 \times 0,66}{55} = 0,06\%$.

Майдаланган гуруч ва кукурн чиқимлари, ҳар қайси учун
0,33% га кўпаяди.

5. Синган дон бўйича ҳисоблаш.. Меъёр бўйича синиб
майдаланган гуруч чиқимининг 0,4% га ва гуруч кукуни-
нинг 0,1% га ошиши ҳисобидан ҳар бир фоиз синган дон
учун бутун ёрманинг чиқими 0,5% га камаяди. Бизнинг
мисолимиз учун бутун ёрманинг чиқимини 0,5% га камай-
тириш керак, бу куйидагича бажарилади:

олий нав бўйича: $\frac{5 \times 0,5}{55} = 0,04\%$;

биринчи нав бўйича: $\frac{45 \times 0,5}{55} = 0,42\%$;

иккинчи нав бўйича: $\frac{5 \times 0,5}{55} = 0,04\%$.

Майдаланган гуруч чиқими 0,4% га ва кукун миқдори 0,1% га құпаяди.

6. Кизил уруғ қобиқли донлар бүйіча ҳисоблаш. Майдаланган гуруч чиқими мөңгерининг 0,06% га ва кукуннинг ҳам 0,06% га ошиши ҳисобидан қизил қобиқли донларнинг базисдан юқори қар бир фоиз учун бутун ёрма чиқим мөңгери 0,12% га камаяди. Бизнинг мисолимиз учун ёрма чиқим мөңгерини $(4-2) \times 0,12 = 0,24\%$ га камайтириш зарур:

олий нав бүйіча $\frac{5 \times 0,24}{55} = 0,01\%$;

биринчи нав бүйіча: $\frac{45 \times 0,24}{55} = 0,22\%$;

иккінчи нав бүйіча: $\frac{5 \times 0,24}{55} = 0,01\%$.

Бунда синиб майдаланган гуруч чиқими мөңгерини 0,12% га ва кукунни ҳам 0,12% га ошириш керак.

7. Ҳақиқий қуриш мөңгери Қуриш ҳисобидан базис мөңгеридан юқори қар бир фоиз учун бутун ёрмаларнинг умумий чиқим мөңгери 0,4% га, майдаланган ёрма 0,1% га, озуқабоп кукун 0,2% га ва пүстлоқ миқдори 0,3% га камаяди. Бизнинг мисолимизда қуриш миқдори $1,7 - 0,7 = 1\%$ ни ташкил қылади, шунинг учун маҳсулотнинг чиқимини қуидаги тартибда камайтириш керак:

олий нав бүйіча: $\frac{5 \times 0,4}{55} = 0,04\%$;

биринчи нав бүйіча: $\frac{45 \times 0,4}{55} = 0,32\%$;

иккінчи нав бүйіча: $\frac{5 \times 0,4}{55} = 0,04\%$;

майдаланган гуруч бўйича: $0,1 \times 1,0 = 0,1\%$;

кукун бўйича: $0,2 \times 1 = 0,2\%$;

пўстлоқ бўйича: $0,3 \times 1 = 0,3\%$.

Ҳисоблашлардан кейин олинган плюс ёки минус ишорали катталиклар ишлаб чиқариш корпусининг тозалов далолатномаси бланкасига киритилади ва маҳсулот чиқимининг базис меъёрларига қушилади. Натижада маҳсулот ҳисоб чиқими олинади (44- жадвал).

Ёрма заводининг ишлаш даврида лаборатория сменада иккى марта маҳсулот ҳақиқий чиқимини назорат қиласди. Қайта ишланган дон ва олинган маҳсулот миқдор ва сифатини билган ҳолда унинг ҳақиқий чиқими ҳисобланган чиқими билан таққосланади. Ҳақиқий чиқим ҳисобланган чиқимдан ҳам миқдор ва ҳам сифат жиҳатдан кам бўлмаслиги керак. Аналогик равишида смена, сутка ва декада учун маҳсулотнинг ҳақиқий чиқими белгиланади:

Чиқум меъёрлари бажарилишининг олдиндан текшириш натижалари тўғрисида смена бошлиғи ва бош инженер хабардор қилинади. Маҳсулотнинг ҳақиқий чиқимини белгилаш ва қайта ишланган дон миқдори ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун ҳар ойнинг охирида ишлаб чиқариш корпуси бўйича тозалов жараёни ўтказилади. Бунинг учун барча мавжуд дон массаси қайта ишланади, ускуналар дондан тозаланади, ҳамма чиқинди ва сочилган донлар йиғиб олинади. Маҳсулот ва чиқиндилар ўлчанади, маҳсулотнинг ҳақиқий қуриш ёки намланиш миқдори ҳисобланади ва ҳақиқий чиқум аниқланади.

Олинган катталикларни ҳисобланган катталиклар билан таққослаб, бир ой мобайнида корхонанинг иши ҳақида хulosса берилади. Бизнинг мисолимизда тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий чиқими ҳисобланган чиқимидан 0,73% га каттадир. Бироқ маҳсулотнинг умумий миқдори асосан иккинчи навли ёрма ва майдаланган гуруч чиқимининг ошиши ҳисобидан кўпайган. Аммо биринчни навли ёрма етарли миқдорда олинмаган. Олинган маълумотлар асосида завод етарли бўлмаган даражада яхши ишлайти дейиш мумкин. Тайёр маҳсулот миқдори бўйича режа бажарилмаган.

Махсулот чиқимини ҳисоблаш.

Дөнниңгىң сифат ханычыл сифаты, %	Махсулот чиқимига доң сибаттанинг тәъсиринин ҳисоблаш	Ермә, %			ЖАМЫ МАЛДА- ЛЫК/СУ- ГРУППА ЛОТ, %	III тоғфалы чиқим- дилар, пүстөк ва жолын меканик нұко- тышын %,	I и II тоғфалы чиқим- дилар, пүстөк ва жолын меканик нұко- тышын %,	III тоғфалы чиқим- дилар, пүстөк ва жолын меканик нұко- тышын %,
		ОЛДЫ НАВ	I НАВ	II НАВ				
Тоз май/3	78,5	Балыс чиқимы: 78,5—76,5—2,0	5	45	10	65	13,2	-19,1
Пүстөк	17,0	19,0—17,0—0,2	+1,5	+1,3	+0,15	+0,20	-2,0	0,7
Көзил ургу			-	-	-	-0,2	+2,0	-
Көбидиң дөйләр	4,0	4,0—2,0—2,0×0,12—0,24	-0,01	-0,22	-0,01	+0,12	-0,12	-1,8
Сынтың дөйләр	1,0	1,0×0,5—0,5	-0,64	-0,42	-0,04	+0,4	-0,1	-
Сынбын түштөк шо ермилдин магнезий		4,0×0,1—0,4 1,0×2/3×0,5—0,66 1,7—0,7—1,0	-0,04	-0,32	-0,04	+0,12	-0,08	-
Донбаш	4,0		-0,06	-0,54	-0,06	+0,33	+0,33	-
Бүрзасын зонтар			-0,04	-0,32	-0,04	-0,1	-0,5	-0,3
Мәсейн	2,0	хисобланған чиқим, %	4,96	4,48	4,96	11,27	65,67	-0,20
Күртлий менбейли	1,7	чиқимдай чиқим, %	5,10	43,0	5,90	12,50	66,40	2,0
(14,77—13,3)×100						13,63	13,0	17,0
100—1,3=1,7		Нормалдан көліваниш	+0,14	-1,48	+0,64	+1,23	+0,73	-0,5
							-0,63	+0,4
							-0,5	0
							0	0

4- §. ЁРМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

ИЧТЛ бошлиғи ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш түғрисидаги схема ва графикларни түзади. Схемани дон маҳсулотлари бошқармаси тасдиқласа, графикни технолог тасдиқлайди. Графикда назорат нұқтаси, назорат даврийлиги, конкрет бажарувчининг норматив техник ҳужжатлари ва назорат воситалари күрсатилади.

Ёрма заводининг тайёрлаш бўлими

Тайёрлаш бўлимида ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш қўйидаги кетма-кетлик ва тартибда амалга оширилади:

- қайта ишлашга қабул қилинадиган дон сифатини назорат қилиш. Бунинг учун ҳар икки соатда бир намуна олиниб, ўрта-сменавий намуна тузилади. Бунда қўйидаги сифат кўрсаткичлар аниқланади: органолептик, заараланганлик, ифлослиги, бузилган ва арчилган донлар миқдори, пўстлоқлилик, бутун магиз миқдори ва текисланганлик;
- донни тозалаш бўлимида ажратгичларнинг ишини назорат қилиш. Агар ажратгичда йирик аралашмалар деярли тулиқ ажратилса, енгил ва майда аралашмаларнинг 95% ажратиб олинсагина, унинг иши самарали деб ҳисобланishi мумкин;
- рандакажратгичларнинг ишини назорат қилиш. Агар рандакажратгичда 90% ажратиладиган аралашма ажратиб олинса, унинг иши самарали деб ҳисобланади;
- овсюгажратгичларнинг ишини назорат қилиш. Машина дон таркибидаги узун аралашмаларнинг 80% ини ажратсанына, у самарали ишлайпти деб ҳисобланади. Бунда чиқиндилардаги доннинг миқдори 5% дан кўп булмаслиги керак;
- тош ажратгичнинг ишини текшириш учун 500 гр дон олиниб, кўл ёрдамида тоши ажратилади. Шолида машинадан сўнг тош миқдори 0,1% дан, нухатда 0,05% дан ошмаслиги керак.

Гидротермик ишлов бериш (ГТИ). Буғлаш (маржумак, сули, арпа учун) куритиш, совутиш

ГТИ режимига буг босими, буғлаш муддати, охирги

намлик миқдорини назорат қилиш амаллари натижалари киради. Масалан маржумакка гидротермик ишлов бериш пайтида унга буғ босими остида таъсир курсатилади. Бунда буғ босими $P = 0,25\text{--}0,3 \text{ МПа}$ га, буглаш вақти эса 5 дақықага, охирги намлик 13,5% ға тенг булади. Бошқа донлар учун ҳам ГТИ режимлари қуйидаги жадвалда келтирілган.

45- жадвал

Гидротермик ишлов беришининг усуллари ва режимлари

Экин тури	ГТИнинг усуллари ва режимлари
Маржумак	$t = 5$ мин. мобайнида $F = 0,25 \dots 0,30 \text{ МПа}$ босим остида буглаш ва намлиги 13,5% бұлгунча қуритиш.
Сули	2...6% гача намлаш, шундан сүнг агар дон тегирмон тошлар ёрдамида арчиладиган бұлса, 10% дан ортиқ булмаған намлиkkача, агар дон үриб гозаловчи машиналарда арчилса, 13,5...14% намлиkkача қуритиш.
Нұхат	$t = 2 \dots 2,5$ мин давомида $F = 0,1 \dots 0,15 \text{ МПа}$ босим остида буглаш; буглашнинг ўрнига 2...2,5% намлиkkача намлаш мүмкін, лекин бундан сүнг дон 20...30 мин мобайнида намықтирилиши керак. Нұхатни 14...15% намлиkkача қуритиш керак. Харорати 40°C бұлған сув ёрдамида 15...16% намлиkkача намлаш ёки $t = 3 \dots 5$ мин. давомида $F = 0,07 \dots 0,1 \text{ МПа}$ босим остида буглаш. Намлаш (ёки буглаш)дан кейин маккажухори 2...3 соат мобайнида намықтирилади.
Маккажухори: беш үлчамлы қайроқтантан ёрма ишлаб чиқаришда	Харорати $35 \dots 40^\circ\text{C}$ бұлған сув ёрдамида намлиги 19...22% бұлгунча намлаш, шундан сүнг дон 2 соат мобайнида намықтирилади.
Паяға ва маккажухори таёқталары учун яирик ёрма ишлаб чиқаришда	
Бұгдой	Намлиги 14,5...15% бұлгунча намлаш. (Дон шаффоғлиғы ва намланиш даражасыга боелиқ қолда) 30 дақықадан 2 соатта бұлған вақт мобайнида намықтирилади:

Қобиқ ажратиш бұлыми

Қобиқ ажратиш жараёни 2 та коэффициент билан аниқланади. Бунинг учун машинағача ва ундан кейин намуна олинади. Бу намуналардан 100 грамм ўлчамна оли-

нади. Иккала ўлчанмада ҳам арчилган, арчилмаган дон ва ёрма кукунининг миқдори аниқланади.

1. Жараённи миқдорий жиҳатдан баҳолаш учун қобиқ ажратиш коэффициенти куйидагича топилади:

$$E_* = \frac{H_1 - H_2}{H_1} \times 100\%,$$

бу ерда: H_1 – машинагача бўлган дондаги арчилмаган донлар миқдори, %;

H_2 – машинадан кейинги намунадаги арчилмаган донлар миқдори, %.

2. Магиз бутунилиги коэффициенти, жараённинг сифат томонини баҳолаб, куйидаги формуладан топилади:

$$E_{m.b.} = \frac{K}{K + d + M},$$

бу ерда:

$K = K_2 - K_1$ – берилган системадаги арчилган доннинг чиқими, %;

$d = d_1 - d_2$ – шикастланган донлар чиқими, %;

$M = M_2 - M_1$ – кукуннинг чиқими, %.

Жараённинг умумий технологик самарадорлиги куйидагича топилади:

$$\eta_{k.z.m.} = E_k \times E_{m.b}$$

Технологик самарадорлик коэффициенти тариқ учун 99,7%, шоли учун бир ўтишда 85 – 90% ва маржумак учун 40% бўлиш керак.

5- §. ЁРМА СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ёрма сифатини баҳолаш мақсадида тузиладиган умумлашган ва ўрта намуналар учун нуқтавий намуналар олиниди. Ўрта намунани лабораторияга киритгандан сўнг кўриб чиқилиб, рўйхатланади. Ёрманинг сифат кўрсаткичлари куйидаги кетма-кетликда аниқланади: намлиги, ранги, ҳиди, мазаси, гижирлаши, заараркунандалар билан зарар-

ланганлиги, металлмагнит аралашмаларнинг миқдори, йириклиги ва ёрманинг номери, аралашмалар миқдори ва магиз бутунлиги, айрим ёрма турлари учун эса — кулланиш даражаси.

Намлик. Ёрманинг намлигини аниқлаш учун 100 г масали намуна майдаланади. Майдаланиш даражаси 08- рақами элак эланмаси бўйича назорат қилинади. Бунда эланма миқдори нўхат учун 50% дан, сули ёрмаси учун 60% дан, бошқа барча ёрмалар учун 75% дан кам бўлмаслиги зарур. Сўнгра намлик дон учун қабул қилинган стандарт усулда аниқланади. Ёрма турлари бўйича намлик қўйидагича меъёrlанади: тарик, маржумак ёрмаси учун 14% дан, сули учун 12,5% дан, гуруч учун 15,5% дан, арпа ёрмаси учун 15% дан ошмаслиги керак.

Ранги. Намунанинг бир қисми қора қоғоз устига ёки қора доскага юпқа қават ҳосил қилиб ёйлади ва кундузги ёруғликда ёрманинг ранги аниқланади. Ёрманинг ранги унинг товар кўринишини белгилайди. Ҳар қандай ёрма ўзига хос рангта эга бўлиб, у дон турига, сифатига ва технологик жараённинг қай даражада олиб борилганлигига боғлиқдир. Ёрма нокулай шароитда сақланса, ранги ўзариши мумкин.

Сули ёрмаси кулранг-сариқ ёки оқиш-сариқ рангда бўлади. Маржумак ёрмаси сариқ ёки кўкишсимон оқ рангга эга бўлиб, гидротермик ишлов берилгандан сўнг эса қўнғир рангта киради. Нўхат ёрмаси нўхат турларига боғлиқ ҳолда сариқ ёки яшил рангга эга. Нухат ёрмаси таркибida бошқа рангли магиз миқдори 7% дан ошмаслиги керак.

Маккажўхори ёрмаси эса қайси турли маккажўхори до-нидан олинганлигига қараб оқ ёки сариқ рангда бўлиши мумкин. Қаттиқ буғдойдан олинган буғдой ёрмаси сариқ (зарғалдоқ) рангни намоён қиласди. Арпа донининг ёрмаси сарғиши ёки яшил тусли оқ рангда бўлади. Гуручининг ранги оқ рангда бўлади. Гидротермик ишлов берилган гуруч эса оч сариқ рангта кириши мумкин. Тарик ёрмасининг ранги сариқ. Очиқ сариқ рангли тарик ёрмаси энг яхши ёрма ҳисобланади. Бундай ёрма юқори мазалилик хусусиятини намоён қиласди.

✓ Ёрманинг мазаси ва фижирлаши

Нормал ёрма маҳсус берилган тур доннинг мазасига тааллуқли бўлган таъмга эга бўлиши керак. Ёрмада нордон, аччиқ ва бошқа бегона таъмнинг бўлиши тақиқланади. Бегона таъмнинг пайдо бўлиши ёрманинг бузилаёттани лигидан далолат беради. Ёрмада фижирлаш борлиги дондан минерал аралашмалар ёмон ажратиб олинганлигини билдиради.

Ҳиди. Ёрма ҳидини аниқлаш учун 20 г чамасидаги ўлчанма олиниб, тоза қофоз вараги устига ёзилади ва ҳиди аниқланади. Агар ҳид заиф бўлса, ёрма чинни косага солиниб, оғзи шиша билан ёпилади ва қайнаётган сув ваннасида 5 дақиқа мобайнида қиздирилади.

Ёрма нормал ва фақат ўзига хос ҳидга эга бўлиши керак. Ёрмадан замбуурғ, димиққан ва бошқа бегона ҳидларнинг келишига йўл қўйилмайди. Мунозарали ҳолатларда бу ёрмадан бўтқа қайнатилиб татиб кўрилади. Қайнатишдан олдин ёрма (майдалангандарпа ва маржумак ёрмаларидан ташқари) икки марта ювилади. Сўнгра 100 г массали ўлчанма икки марта кўп ҳажмли сувга солинади, 2,5 г туз кўшилиб, ёрма қайнатилади ва унинг мазаси, ҳиди ва фижирлаши бор-йўқлиги аниқланади.

Ёрмадаги аралашмалар. Аралашмалар миқдорини аниқлаш учун ўрта намунадан ўлчанма ажратиб олиниади. Бунда турли ёрмалар учун ўлчанма миқдори кўйидагича бўлади:

Ёрма	Ўлчанма массаси, г
Нўхат 100

Маржумак, сули, № 1, № 2 майдаланмаган маккажўхори, № 1, № 2, № 3 ли буғдоӣ ёрмаси, № 1, № 2 ва № 3 бутун арпа ёрмаси, № 1 ли бўлинган арпа ёрмаси, майдаланганд нўхат 50

Гуруч, № 4 ва № 5 ли бутун арпа ёрмаси, № 2 ва № 3 ли майдалангандарпа ёрмаси, № 4 ли буғдоӣ ёрмаси, № 3 ли маккажўхори ёрмаси, артек, тариқ ёрмаси, сули пағаси 25

Майдалангандарпа, майдаланганд гуруч, майдаланганд тариқ ёрмаси 20

Маккажўхори, манна ёрмаси ва сули пағасининг ўлчан-

малари ўрта намунадан құл ёрдамида ажратиб олинса, қолған тур ёрмалари учун эса бүлгичдан фойдаланиш мүмкін.

Таҳлил қилишдан олдин синган мәғиз ва ёрма кукуни-ни ажратиб олиш учун ғалвирлар түплами ишлатилади (46-жадвал).

46- жадвал

**Ёрмадан синган мәғиз ва кепакни ажратиб олиш учун
ишлатиладиган әлаклар**

Ёрма	Синган мәғиз (әлак зланмаси)	Кукун (әлак зланмаси)
Тарық	диаметр 1,5 мм	056
Маржумак	1,5×20 мм	08
Гуруч	диаметр 1,5 мм (қолдик)	диаметр 1,5 мм
Сули*	диаметр 2,0 мм	063
Арпа*	—	056
Бүгдой*	—	063
Маккажүхори*	—	диаметр 1,5 мм

* — ёрманиң барча күринишлари.

Майдаланган нұхат диаметри 2,5 мм тешикли ғалвир зланмаси ва диаметри 1,5 мм тешикли әлак қолдиги бүйіча олинади, майдаланган гуруч эса 1,5 мм тешикли әлак зланмаси ва диаметри 1 мм тешикли әлак қолдиги билан олинади. Ёрма 3 дақықа мобайнида лаборатория әлакдонида дақиқасига 120 та айланма тебраниш билан зланади. Манна ва маккажүхори ёрмалари зланган пайтда әлакка диаметри 1 см, қалинлиғи эса 0,3 см ва оғирлиғи 0,4 г бүлган 5 та резина доирача солиб құйилади. Ёрма 10 дақықа давомида дақиқасига 180-200 та айланма тебраниш билан зланади. Маржумак ёрмаси анча әхтиёткорлик билан зланади. Мәғиз 3 дақықа, продел эса 1 дақықа давомида дақиқасига 110-120 та узатилма-қайтарма тебраниш билан ҳаракатладади.

Әлакнинг қолдик ва зланма маҳсулотлари үлчанади. Шундан сүнг қолдик ва зланмалар құл билан таҳлил қилиниб, улардан барча аралашма фракциялари ажратиб олинади. Булар қуйидаги фракциялардир:

1. Ифлослантирувчи аралашмалар: минерал — қум, шағал, тошча, тупроқ бұлакчалари, шлак, металл руда;

органик аралашма — бошоқ бўлакчалари, поя қисмлари, бошоқ ўқи;

ифлослантирувчи уруғлар — барча ёввойи ва маданий экин уруғлари;

зараарли аралашмалар — қоракуя, қоракосов, вязел; маҳсус ҳисобга олинадиган аралашма — рандак (кукол).

2. Бузилган магиз — чириган, моғорлаган, қорайган ва бошқа аниқ ранги ўзгарган магизлар.

3. Арчилмаган дон — гул, мева (маржумакда) ёки урут (нўхатда) қобиқларидан ажралмаган донлар.

4. Кукун — 46- жадвалда кўрсатилган элаклардан ўтган ёрманинг майда зарралари.

5. Синган магизлар — 46- жадвалнинг иккинчи устунида кўрсатилган маҳсулотлар.

Тулақон магиз. Бу ёрманинг бутун нормал магизи бўлиб, унда айрим ёрма турлари учун стандартларда кўрсатилган кам миқдордаги синган магиз қисми қўшилган бўлиши мумкин.

47- жадвалда айрим ёрма турларининг тўлақон магизи таркибида йўл қўйилиши мумкин бўлган синган дон миқдорлари кўрсатилган.

47- жадвал

Синган магиз миқдори, %

Ёрма тури	Ёрма нави		
	олий	биринчи	иккинчи
Тарик	0,5	1,0	1,5
Маржумак	-	3,0	4,0
Гуруч	4,0	9,0	13,0
Бутун сули	0,5	1,0	-

Гуручда тўлақон магизга маълум миқдорда сарфайган гуручни ҳам киритса бўлади: олий навли ёрма учун 0,5% дан кам, биринчи навли ёрма учун 2% ва иккинчи навли ёрма учун 8% дан ошмаслиги керак, шунингдек глютинозли дон миқдори: олий навли ёрма учун 1%, биринчи навли ёрма учун 2% ва иккинчи навли ёрма учун 5% дан ошмаслиги керак.

Арпанинг бутун ёрмасида (перловка) тўлақон магиз таркибига 0,7% гача қобиги чала арчилган маҳсулот миқдори қўшилишига йўл кўйилади, майдаланган (ячневая) ёрмада эса бу маҳсулот миқдори 0,9% дан ошмаслиги керак.

Ёрма номери. Ёрма номери ўлчамлари стандартларда кўрсатилган, бир-бiri билан боғлиқ элакларнинг эланма ва қолдиқ миқдори бўйича аниқланади.

Кулланиш даражаси. Бу катталик фақат № 4 ва № 5 қайроқланган маккажӯхори ёрмасида, сули пагаси ҳамда геркулес пағасида аниқланади. Мос равиша маккажӯхори ёрмаси учун кулланиш даражаси 0,95%, сули пағаси учун 1,90% ва геркулес пағаси учун эса 2,1% дан ошмаслиги керак.

Заараланганик. Ёрманинг зааркунандалар билан заараланганилигига йўл кўйилмайди.

Металлмагнит аралашмалар. Бу аралашмаларнинг миқдори 1 кг ёрма учун 3 мг дан ошмаслиги керак. Аниқлаш усули худди ундаги сингари бўлади.

Ёрма нави. Бу кўрсаткич барча ёрмалар учун умумий бўлган қўйидаги белгилар: ранги, мазаси, ҳиди, намлиги, магиз миқдори, заараланганилик ва металлмагнит аралашмалар миқдори билан аниқланади. Бундан ташқари, айрим ёрма турлари учун навини аниқлашда кулланиш даражаси, қайнаш вақти ва йириклиги каби белгилари ҳам ишлатилади. Барча ёрмаларнинг кўриниш ва навлари бўйича санаб ўтилган юқоридаги белгиларнинг меъёри давлат стандартларida келтирилган.

6- §. САҚЛАШДА ЁРМА ҲОЛАТИНИ КУЗАТИШ, ЮКЛАБ ЖЎНАТИШ ВА ЮБОРИШ

Ёрма солинган халталар ишлаб чиқариш муддати, сменаси, навлари ва турлари бўйича массаси 63 тоннагача бўлган штабелларга жойлаштирилади. Темир йўл транспортидан қабул қилинган ёрмалар вагонлар бўйича жойлаштирилади. Штабеллар ёғоч тагликлар устига тахлаб кўйилади. Ленталионвейерлардан фойдаланилганла штабеллар орасидаги оралиқ 1,25 м, юклаш-тушириш ишларини бажаришта мўлжалланган электрюклагичлар ишлатилганда эса оралиқ 3,8 м қилиб қолдирилади. Омборда ҳаво алмаси-

шини таъминлаш мақсадида деворлардан штабелгача бўлган оралиқ 0,7 м масофада қолдирилади. Тахланган қопларнинг баландлиги ёрма турига, намлиги ва ҳавонинг ҳароратига боғлиқ.

Манна, буғдой, маржумак, шоли, арпа ва нўхат ёрмалари штабелларга 48- жадвалда кўрсатилган баландликда жойлаштирилади. Намлиги 17% гача бўлган гуруч қоплари саккиз қатордан кўп бўлмаган баландликда тахланади. Агар қоплар 50 кг массали бўлса, унда штабелларнинг баландлиги икки қаторга оширилади. Тариқ, маккажӯҳори ва сули ёрмалари 49- жадвалда кўрсатилган меъёр бўйича тахлаб қўйилади. Агар маккажӯҳори ёрмасининг намлиги 15,5% гача бўлса, штабеллар баландлигини олти қаторгача камайтириш керак.

Ёрмани сақлашда лаборатория омбордаги ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлигини, ёрманинг ҳарорати, намлиги, дон захираси зааркунандалари билан заарланганини, мазаси ва ҳидини назорат қиласи.

Ҳаво ҳарорати 7 кунда бир марта, систематик шамоллатишда эса ҳар куни текширилади. Бир ойда бир марта қўшимча равишда штабелнинг пастки, ўрта ва юқориги қаторларида жойлашган қоплар сатҳидан ҳаво ҳарорати текширилади. Пол сатҳидан 1,5 м баландликда ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлиги текширилади. Ҳароратни назорат қилиш учун термографа ёки термометрдан, ҳавонинг нисбий намлигини назорат қилиш учун эса гигрографа, гигрометр ва психрометрлардан фойдаланилади.

Ёрманинг ҳарорати штабелнинг турли баландлигидаги ташқи қопларга ва штабелнинг ички қисмида жойлашган қопларга термометрлар қўйиб аниқланади. Ёрманинг ҳарорати у омборга қабул қилинган пайтда, сўнгра ҳаво ҳарорати 10°C дан юқори бўлганда 15 кунда бир марта ва ҳаво ҳарорати 10°C дан паст булган шароитда бир ойда бир марта текширилади. Агар ёрманинг намлиги 14...15% ва ҳаво ҳарорати 10°C дан юқори бўлганда, ёрманинг ҳарорати ҳар беш кунда бир марта текширилади.

48- жадвал

Манна, бүгдой, маржумак, шоли, арза ва иўхат ёрмалари штабелларининг баландлиги

Омбордаги ҳавонинг ҳарорати, °C	Ёрманинг намлиги	
	$W \leq 14\%$	$14 < W \leq 15,5\%$
10 дан юқори	10	8
0 дан 10 гача	12	10
0 дан кичик	14	14

49- жадвал

Тарық, маккаждукори ва сули ёрмалари штабелларининг баландлиги

Омбордаги ҳавонинг ҳарорати, °C	Ёрманинг намлиги	
	$W \leq 13\%$	$13 < W \leq 14\%$
10 дан юқори	8	6
10 дан паст	10	8

Ёрманинг дон захираси зааркунандлари билан заарланганлиги, мазаси ва ҳиди ҳаво ҳарорати 10°C дан паст бўлганда бир ойда бир марта ва ҳаво ҳарорати 10°C дан юқори бўлганда 15 кунда бир марта текширилади. Намлик ойига бир марта текширилади.

Сақлашда ёрма ҳолатини кузатиш натижалари журнал ва штабел ёрлиғига ёзилади.

Ёрма сифатини текшириш натижалари асосида ИЧТЛ бошлиғи унинг сақланишини таъминлашга имкон берадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқаради.

Ёрмани юклаб жўнатиш ва юбориш

Ёрмани юклаб жўнатиш ва юбориш жараёни ҳам ун бўйича ўtkaziladigан мазкур тадбир сингари амалга оширилади. Аввал транспорт ҳолати текширилади, сўнгра ёрманинг намлиги, заарланганлиги, ранги, мазаси, ҳиди аниқланиб, қолган сифат кўрсаткичлари эса омборга қабул қилиш пайтида бажарилган таҳлиллар асосида сифат тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилади.

Сифат түғрисидаги гувоҳномада ёрма заводининг жойлашган ўрни, ёрманинг тури, нави, ишлаб чиқариш санаси ва сменаси, ҳиди, мазаси, намлиги, зааркунандалар билан заарланганлиги, металлмагнит аралашмалар миқдори, арчилмаган, синган ва бузилган донлар миқдори, куқун ва тўлақон магиз миқдори кўрсатилади. Номерли ёрмалар учун ёрма номери ва йириклиги курсатилади. Ёрманинг намлиги, тўлақон магиз миқдори, перловка ёрмаси учун қириб тозаланмаган ёрма миқдори, саргайган ва глютинозли гуруч миқдори сифат түғрисидаги гувоҳномада 0,1% гача аниқликда, ифлослантирувчи аралашма, арчилмаган дон, синган, бузилган дон ва гуруч кукунининг миқдори 0,01% гача, ёрманинг йириклиги 1% гача, металлмагнит аралашмалар миқдори 0,001% гача аниқликда кўрсатилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Егоров Г. А. "Технология и оборудование мукомольной, крупяной и комбикормовой промышленности", Москва: Издательский комплекс МГАПП, 1996 г.
2. Егоров Г. А. "Технология муки, крупы и комбикормов". Москва: Агропромиздат, 1987 г.
3. Казаков Е. Д. "Методы оценки качества зерна". Москва: Агропромиздат, 1987 г.
4. Правила организации и ведения технологического процесса на мукомольных заводах. Москва, 1991 г.
5. Правила организации и ведения технологического процесса на элеваторах и хлебоприемных предприятиях. Москва, 1984 г.
6. Стародубцева А. И., Сергунов В. С. «Практикум по хранению зерна». Москва: Агропромиздат, 1987 г.
7. Торжинская Л. В., Яковенко В. А. "Технохимический контроль хлебопродуктов". Москва: Агропромиздат, 1986 г.
8. Хайтов Р. А., Эргашева Х. Б., Шукуров З. З. "Элеватор, тегирмон ва ёрма заводларида технокимёвий назорат". Бухоро: Муаллиф. 1998 й.
9. Хайтмазова Е. Ф. "Практикум по товароведению зерна и продуктов его переработки". Москва: Агропромиздат, 1992 г.

МУНДАРИЖА

Кириши	3
БИРИНЧИ БҮЛІМ. ДОН ВА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИҢ СИФАТ КҮРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ	5
I боб. Маҳсулотдан намуна олиш ва уни таҳмил қылишга тайёрлаш	5
1- §. Намуна олиш воситалари ва нүктавий намуна олиш	5
2- §. Умумлашган, ўрта суткавий ва ўрта намуналарни ажратыш	10
3- §. БИС-1 дон бұлгичининг тузилиши ва ундан фойдаланиш	16
II боб. Дон массасининг физикавий хоссаляры	26
1- §. Доннинг сифатини органолептик хусусиятлари бүйіча баҳолаш	26
2- §. Доннинг ҳажмини аниқлаш	29
3- §. 1000 та доннинг массасини аниқлаш	29
4- §. Доннинг шаффоғлигини аниқлаш	32
5- §. Доннинг натурасини аниқлаш	36
6- §. Бегона үсімлік ургулари ва доннинг касаллигини ўрганиш	41
7- §. Донли ва ифлослантирувчи аралашмалар миқдорини аниқлаш	44
8- §. Майда дон миқдорини ва доннинг йириклигини аниқлаш	57
9- §. Дон массасининг табиий қиялик ва ишіқаланиш бурчагини аниқлаш	58
10- §. Донлар орасидаги бұшлық, жойлашув зичлигі ва донларнинг ҳаво билан таъминланғанлыгини аниқлаш	60
11- §. Тензиметрик усул ёрдамыда доннинг мувозанатдаги намыларини аниқлаш	63
	251

12- §. Донларнинг дефектлик даражасини аниқлаш	66
13- §. Дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг зараркундадар билан заарланганлигини аниқлаш	70
14- §. Дон массасини фаол шамоллатишни назорат қилиш	75
III боб. Дон сифатини физик-химёйи ва кимёвий усуллар ёрдамида баҳолам	79
1- §. Дон ва уннинг намлигини СЭШ-1 ва СЭШ-3М қуритиш шкафларида йўлчанмани стандарт қуритиш усули билан аниқлаш ..	80
2- §. Доннинг намлигини ВП-4 электрометрик намунагич билан аниқлаш	84
3 §. Бугдой донининг клейковина миқдорини стандарт усулда аниқлаш	92
4- §. Хўл клейковинанинг сифатини аниқлаш	97
5- §. Куроқ клейковина миқдорини ва уннинг гидратацион хусусиятини аниқлаш	99
6- §. Бугдой донининг кучини седиментлаштирилган чўкма бўйича аниқлаш	101
7- §. Жавдар донининг клейковинасини ВНИИЗ усули бўйича ювиб ажратиш	103
8- §. Арпа донининг клейковина миқдорини аниқлаш	104
9- §. Доннинг кислоталилигини чайқаш усули билан аниқлаш	105
10- §. Дондаги крахмал миқдорини Эверс усули билан аниқлаш	106
11- §. Дон ва уннинг кулланиш даражасини аниқлаш	108
IV боб. Айрим бошоқли донларни ботаник хоссалари бўйича баҳолам	116
1- §. Қаттиқ ва юмшоқ бугдой донларини танлаш	116
2- §. Бугдой донининг типик таркибини аниқлаш	118
3- §. Юмшоқ қизил ва оқ бугдой донлари орасидаги фарқни аниқлаш	121
4- §. Бугдой донини стандарт бўйича тўла техник таҳтил қилиш ..	122
5- §. Жавдар донини стандарт бўйича тўла техник таҳтил қилиш ..	127
V боб. Тўла қимматли бўлмаган донларни аниқлаш	128
1- §. Совуқ урган бугдой ва жавдар донлари миқдорини аниқлаш	129
2- §. Униб чиқсан донларнинг миқдорини аниқлаш	130
3- §. Ўз-ўзидан қизиган ва қуритишда куйган донлар миқдорини аниқлаш	130


4- §. Тошбақасимон кана билан заарлантган бүгдой донини аниқлаш	132
VI боб. Ёрмабоп донларнинг сифатини баҳолаш	135
1- §. Ёрмабоп донларнинг пўстложилигини аниқлаш	135
2- §. Лаборатория қобиқ ажратгичлари ёрдамида донларни қобигидан ажратиш	140
3- §. Сули, маржумак ва тариқ донидаги магиз миқдорини аниқлаш	146
4- §. Шолидаги ёрилган донлар миқдорини аниқлаш	148
5- §. Шоли донининг сифатини аниқлаш	151
ИККИНЧИ БЎЛИМ ДОН ВА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТЕХНОКИМЁВИЙ НАЗОРАТИ	160
I боб. Ишлаб чиқариш технология лабораторияси (ИЧТЛ)	160
1- §. ИЧТЛ вазифалари ва уни ташкиллаштириш	160
2- §. ИЧТЛнинг бино ва ускуналари	164
3- §. ИЧТЛнинг штат ва бурчлари	165
4- § ИЧТЛнинг иш хўжжатлари	167
5- §. Дон маҳсулотларининг миқдор-сифат бўйича ҳисоби	168
II боб. Элеватор ва донни қабул қилиш корхоналарида технокимёвий назорат	169
1- §. Донни жамоа ва давлат хўжаликларидан қабул қилиш ва жойлаштириш	169
2- §. Донни тозалаш	172 -
3- §. Сақлашда дон ҳолатини кузатиш	174
4- §. Донни юклаб жўнатиш ва юбориш	176
III боб. Тегирмонларда технокимёвий назорат	178
1- §. Тегирмонга донни қабул қилиш, жойлаштириш ва ҳолатини кузатиш	178
2- §. Ун тортиш туркумларини ҳисоблаш	181
3- §. Маҳсулот чиқимини ҳисоблаш ва назорат қилиш	183
4- §. Ун ишлаб чиқариш технологик жараёнини назорат қилиш	192
5- §. Ун, манна ермаси ва кепакнинг сифатини назорат қилиш	203
6- §. Ун тортиш баланси	212
7- §. Сақлашда ун ҳолатини кузатиш, уни юклаб жўнатиш ва юбориш	220

IV бөб. Ёрма заводтарында технологемелүү назорат	226
1- §. Ёрма заводига донни қабул қилиш ва уни жойлаштириш	226
2- §. Донни қайта ишлеш аралашмаларини тусиш	228
3- §. Донни қайта ишлаб ёрма олишда маңсулот чиқимини хисоблаш ва назорат қилиш	229
4- §. Ёрма ишлаб чиқарыш технологик жараєснини назорат қилиш	239
5- §. Ёрма сифатини назорат қилиш	241
6- §. Сақлашда ёрма ҳолатини күзатиш, юклаг жүнатиш ва юбориш	246
Фойдаланилган адабиёттар рұйхаты	250



Хантов Рауф Арифович
Зупаров Раушан Иргашевич
Раджабова Вероника Эрнеста
Шукуров Зариф Зиёевич

ДОН ВА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИНИИ
БАҲОЛАШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ



Муҳаррир *O. Абдуллаева*
Техник муҳаррир *C. Муинова*

Босишига рухсат этилди 30.10.2000. Бичими $84 \times 108^1/_{22}$. Офсет босма усулида босилди. Нашриёт ҳисоб тобоги 13,1. Шартли босма тобоги 13,4. Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилгани наохда. Буюртма № 28.

“Университет” нашриёти. Тошкент – 700174. Талабалар шаҳарчаси, Узбекистон Миллий университети, маъмурий бино.

Узбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл китоб фабрикасида босилди. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. 2000 йил.